

БЕШИМ МИРЗАҚУЛОВ

БУХОРО ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДА



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Бухоро муҳандислик технология институти
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси

БЕШИМ МИРЗАҚУЛОВ

БУХОРО ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДА

Монография

Энг қадимги даврлардан XX аср
20-йиллари иккинчи ярмигача

1-китоб

Тошкент
LESSON PRESS
2016

УЎК:94(575.121)

КБК: 65.04

Масъул муҳаррир:

Хайитов Ш.А. – БухДУ Тарих кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

Такризчилар:

Расулов А.Н. – Наманган Давлат Университети профессори, тарих фанлари доктори

Аминов Ф.М. – Бухоро муҳандислик технология институти доценти, тарих фанлар номзоди

Рашидов У.Ж. – Ўзбекистон тарихчилар жамияти Бухоро вилояти бўлими раиси, тарих фанлар номзоди, доцент

Монографияда Бухоро воҳасининг милоддан аввалги V асрлардан то XX асрнинг бошларигача бўлган даври тўғрисида маълумотлар берилиб, воҳанинг тарихий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёти археологик ва ёзма манбалар асосида бугунги кун нуктаи назаридан ёритилган, Бухоронинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни, илм-фан ва маданиятни юксалтиришга қўшган ҳиссаси кўрсатиб берилган. Монография Ўзбекистон тарихини ўрганувчиларга мулжалланган бўлиб, у ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ва тарихий ўлкашуносликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.


Бухоро муҳандислик технология институти Илмий Кенгашининг 2015 йил 28 декабрдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган. (4-сонли баённома)

УЎК:94(575.121)

КБК: 65.04

ISBN 978-9943-4662-1-0

Ушбу монография учун фидо қилган вазифаи муҳтараман
инини ая хотирасига бағишлайман



© Мирзакулов. Б. 2016
© "LESSON PRESS" МЧЖ нашриети. 2016

КИРИШ

*Биз кечаги тарихимизда рўй берган
мудҳиш кунлар ҳақидаги маълумот-
ларни ёш авлодга ўз вақтида
етказсак, уларнинг онгида ҳеч қачон
бушлиқ бўлмайди*

И.А.Каримов.

“Бухоро ўлкамизнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган, шарифлик номига сазовор бўлган муқаддас жойлардан биридир” – деган эди И.Каримов 1997 йил 19 октябрда Бухоро шахрининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган маросимдаги табрик сўзида.¹ Ҳақиқатдан ҳам Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак бериб, бу кўҳна заминда икки ярим минг йил мобайнида қанчадан қанча воқеалар содир бўлганлигидан бизни воқиф қилади. Албатта, ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, анушатегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар сулолалари миллий давлатчилигимиз тарихида, кўҳна ва навқирон Бухорода ўзига яраша ном, из қолдирганлар. Бугунги авлод бу моддий ва маънавий мероснинг ворисларидирлар.

“Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қуроллантиради” – деб ёзган эди И.Каримов.² Бухоро воҳасида яшаб келган эркесвар аждодларимиз ҳар қандай тарихий шароитда ҳам эл-юрт озодлиги йўлида ўз жонларини фидо қилиб, жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини тарих саҳифасига муҳрадилар. Ёвуз ният билан келиб, тупроғимизни топталаб, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни оёқости қилмоқчи бўлган ёвларга қарши озодлик курашининг яловбардори бўлган Широқ, Спитамен, Тўмарис, малика Қабаж Хотун, Маҳмуд Торобий сингари аждодларимиз томонидан кўрсатилган жасорат кейинги авлодлар учун ватанпарварлик ва фидойилик тимсоли ҳисобланиб,

¹ Каримов И.А. Ҳафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида 6-том, Т. Ўзбекистон, 1998, 368 -бет.

² Каримов И.А. Ота-юртимиз бехту яқини ва буюк воқеага йўлида хизмат қилиш-энг олтий саводдир Т. Ўзбекистон, 2015, 112-бет

бугунги кунда ҳам ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда катта рол ўйнамоқда. Зеро, И.Каримов айтганидек, “Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиник бир кўзгу. Унга қараб сабоқ оламиз, хулоса чиқарамиз, келажак йўлимизни белгилаймиз”.³

Бухоро, Кармана, Бойкент, Вобкент, Ромитан, Шофиркон ва Ғиждувон қаби қадимги шаҳарларни ўз бағрига олган Бухоро воҳасида қадимги даврлардан бошлаб ҳаёт кечганлиги, буюк аجدодларимиз умуминсоний маънавият ва умуман цивилизация ривожига катта ҳисса қўшганлиги, Шаркинг илм маркази бўлиб келганлиги, Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абдуҳолик Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Доиш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқа шу қаби буюк инсонлар етишиб чиққанлиги айни ҳақиқатдир.

Бухоронинг тарихига оид ўтган асрда ва мустақиллик йилларида қатор тарихий асарлар яратилди. Жумладан, “Бухоро тарихи: энг қадимги даврлардан бизнинг кунларимизгача” (Муаллифлар жамоаси). Т.Фан, 1976 (рус тилида); Мўминов Х., Музаффаров А., “Бухоро вилояти”. Т., Ўзбекистон, 1976 (рус тилида); Баракаев Ж., Ҳайдаров Й. “Бухоро тарихи (ўқув қўлланмаси)”. Т., 1991; Муҳаммаджонов А.Р. “Қадимги Бухоро (археологик лавҳалар ва тарих)”. Т., Фан, 1991; Сааков В.Г. “Бухоро тарихи: 100 та саволга 100 та жавоб”. Т., Шарк, 1996 (рус тилида); “Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). БухДУ. Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1996; Қосимов Ф.Ҳ “Темурийлар даврида Бухоро” Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1997; “Бухоро: тарих саҳифалари (мақолалар тўплами)”. Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1999; Рашидов У.Ж. “Бухоро Халқ Республикаси”. Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 2003; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. “Бухоро тарихидан лавҳалар” (XIX-XX аср). Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 2007 ва бошқа асарларда Бухоронинг тарихига оид маълумотлар берилиб, Совет даврига доир асарларда тарихий воқелик синфийлик нуқтаи назаридан ёритилиб, тарихий жараёнлар коммунистик мафкура билан боғланган бўлса, кейинги йилларда яратилган асарларда Бухоро тарихи бир тизимда, яхлит ёритилмасдан муайян бир қисми ҳақида маълумот бериш билан чекланилган.

³ Каримов И.А. Ома юртимиз бахту мактаби ва буюк келажакги кундада чиқаят йўлимиз – энг олий саводдир. Т. Ўзбекистон, 2015, 112-бет.

Бухоро тарихини асосан археологик қазилмалар асосида урганишда Я.Ғ.Ғуломов, В.А.Шишкин, Ғ.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, М.Е.Массон, А.А.Аскарлов, А.Р.Муҳаммаджонов, Р.Х.Сулаймонов, М.Тўрабеков, Ў.И.Исломов, О.В.Обельченко, Б.Ўроқов ва бошқа қадимшунос олимлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Ушбу монографияда Бухоро воҳаси тарихининг қадимги давлардан бошлаб то Бухоро Халқ Республикаси ташкил топганигача бўлган даври Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми сифатида ҳамда узвий боғлиқликда, илмийлик ва тарихийлик, объективлик ва танқидийлик асосида баён этилиб, бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо берилди, тегишли хулосалар чиқарилди.

1-БОБ. БУХОРО КАДИМГИ ДАВРДА

Қади́мги Бухоро тўғрисида бизгача етиб келган манбалар ва XX асрда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу қўҳна замин билан боғлиқ воқеалар, тарихий тараққиёт ва маданият ривожига қандай кечганлиги аниқланган. Бухоро вилояти ҳудудида милоддан аввалги 4-3-минг йилликлардаёқ овчилик ва балиқчилик билан шугулланган, тошдан турли қурол ва буюмлар яшаш маҳорати юксак даражага етган, неолит даврига мансуб бўлган қабилалар яшагани исботланган. Милоддан аввалги 2-минг йилликнинг иккинчи ярмида Зарафшон дарёси ўзанига яқин ерларга, айниқса унинг қади́мги тармоқлари (Вобкентдарё, Моҳондарё, Ғўжайли ва бошқа) ҳавзаларига чорвадор-деҳқон қабилалар келиб жойлашиб, улар ботқоқ ерларда деҳқончилик қилиш билан бирга яйловларда чорвачилик билан ҳам машғул бўлишган. Милоддан аввалги 5-3-минг йилликда ҳозирги Бухоро воҳасида, Зарафшон водийсининг қуйи қисмида (Дарвозақир-1,2 манзилгоҳларида) ҳам балиқчилик-овчилик билан шугулланган уруғ жамоалари яшаган. Бу даврга келиб жуфт никоҳли оила жамиятининг дастлабки ижтимоий бирлигига айланган.

Милоддан аввалги 4-3-минг йилликларда янги тош (неолит) даври тугаб, мис-тош (энеолит) даври бошланган. Бу даврда тош билан бирга металлдан, даставвал мисдан қурол яшашга ўтилган. Аммо миснинг юмшоқ ва мўртлиги туфайли қўпчилик меҳнат ва ов қуролларини ҳамон тошдан яшашда давом этилган. Мис-тош даври археологик ёдгорликлари Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида, “Қаптарнинг қуми” манзилгоҳида ўрганилган.

Неолит даври (милоддан аввалги 8-5-минг йиллик)га оид маданият ёдгорликлари Бухоро воҳасидан, Зарафшоннинг қуйи қисмидан топиб ўрганилган. Моҳондарё Зарафшон дарёсининг қади́мий ўзани бўлиб, у Бухоронинг Қорақўл тумани орқали Қизилқумдан ўтиб Амударёга қўйилган. У ўз йўлида бир қанча қўллар ҳосил қилган. Неолит одамлари шу қўллар атрофида манзилгоҳлар қуришиб шу ерда ҳаёт кечиришган. Бу ердан 36 та манзилгоҳ топилиб, шундан иккитасида маданий қатламлар ва чайла қолдиқлари топилган. Кейинги жез даврига келиб Моҳондарё сувлари қамайиб, ҳосил қилинган қўллар тузқонларга айланган. Ҳозир бу жойлар Кичик Тузқон ва Катта Тузқон мақонлари деб юритилади.

Археологик маълумотларга қўра, Қизилқум бўйлаб ёгин-сочинлардан ҳосил бўлган сон-саноксиз саёз қўллар (халқоб)

атрофида, шунингдек Вобкентдарё, Моҳондарё, Гўжайли ва Гурдуш узанларининг қадимги дельталаридаги ёйилмалари тақирлари устида сочилиб ётган мезолит ва неолит даврларининг микролит (майда тош) қуролларига қараб фикр қилинса, Бухоро воҳасида мезолит ҳамда неолит даврларидан бошлаб ҳаёт анча гавжумлашган Шубҳасиз, микролит қуроллар беҳад сочилиб ётган ерлар ибтидоий овчи ва балиқчи қабилалар яшаган макон ва манзилгоҳларнинг ўрни бўлиб, афсуски бу узок ўтмиш ёдгорликларининг маданий қатламлари асрлар ўтиши билан шамол эрозияси натижасида емирилиб, кўҳна турар жойларнинг кўпчилигидан ному нишон қолмаган.

Моҳондарё археологик экспедицияси аъзоси Ў.И.Исломов томонидан 1961 йилда очиб ўрганилган милоддан аввалги 4-3-минг йилликларга тегишли бўлган маданий қатлам Дарвозақир деган жойдан топилган. Бу ерда неолит даврининг балиқчи-овчи қабилалари яшаган чайла топилган. Унинг эшиги шарққа — қўл томонга қараган, ўчоқлар ташқаридаги майдонда бўлган. Дарвозақирликлар чайласи енгил ишланаган бўлиб, майдони 81 м² ни эгаллаган, бу ерда 30-35 кишидан иборат уруг жамоаси жойлашган. Чайла ичидан топилган ҳар хил ҳайвон ва қуш суяклари бу ерда одамлар ов билан шугулланганлигини кўрсатади. Кундалик ҳаётда тошдан ясалган қуроллар муҳим аҳамият касб этган. Чақмоқтошдан микролит пичоқ, кирғич, бигиз, ёғоч йўниш қуроллари, ўқ-ёй учлари, пармалаш қуроллари, болға ва тошболталар, қимматбаҳо тошлардан эса турли хил тумор ва мунчоқлар ясалган. Дарвозақирликларнинг сопол идишлари анча мустаҳкам, ости ясси, тухумсимон шаклда бўлиб, сиртига турли хил нақшлар солинган.

Замонбобо маданияти деб ном олган маданий қатлам ва чайлалар милоддан аввалги 3-минг йилликнинг охири ва 2-минг йилликка тааллуқли бўлиб, 1950-1961 йилларда Я.Ғуломов ва А.Асқаров томонидан Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани марказидан 15 км шимолий- ғарбда жойлашган Замонбобо қўли атрофларидан топилган ва ўрганилган. Манзилгоҳ 170 м² ни ташкил этади. Бу ердан 44 та қабр ўрганилган. Мазкур манзилгоҳда 60-65 киши истиқомат қилган.

Қабилалар ярим ертўла, енгил чайлаларда яшаган. Ертўла ўтов шаклида. устунлари чуқурчаларга ўрнатилган, усти қамиш билан ёпилган ва сомонли лой билан сувалган. Ўчоқ ва дон сақланадиган ўралар девор яқинида бўлган. Қабрларда мурдалар якка, жуфт, айрим ҳолда уч тадан (эркак, аёл ва бола) ёнбошлашиб қўмилган. Қазилмаларда сопол синиқлари, чақмоқтошдан ишланган қуроллар-

япроксимон пайконлар, пичоксимон тош парчалар, сурма тошлар, жез ойна, пичок, куракчалар, лазурит, акик, феруза, сердолик, жилвир тошдан ишланган мунчоклар, олтин маржон топилган. Сопол идишлар нақшсиз бўлиб, асосан қўлда, айримлари чархда ясалган. Чакмоқтошдан ишланган қадама ўроқлар, ёргучок бўлаклари, ховонча дасталар ва кўмирга айланган бугдой, арпа донлари, сигир, қўй ва эчки суякларининг топилиши Замонбобо маданияти даврида қабилалар ибтидоний деҳқончилик ва ўтроқ чорвачилик билан шугулланганлигидан далолат беради. Бадахшон тошдан ишланган мунчок, Жанубий Туркменистондаги қабилаларнинг сопол идиш ва бошқа буюмлари Замонбобо маданияти қабилаларининг қўшни қабилалар билан иктисодий ҳамда маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Бу даврда мисдан ясалган мис қуроллари мўрт бўлганлигидан мустаҳкамроқ қотишма олиш учун изланиш давом этган ва қалайни мисга қориштириб жез (бронза) кашф этилган. Натижада меҳнат қуролларининг тури кўпайган, жездан кескир тигли қурол-яроғлар, рўзгор ва косметика (пардоз) буюмлари, маъбудалар, нақшдор муҳрлар ясала бошланган. Овчилик ва теримчилик ижтимоий ва иктисодий ҳаётда ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотган. От, эшак, туя ва ҳўкиздан транспорт воситаси сифатида фойдаланилган, ҳайвонларга қўшиладиган аравалар вужудга келган. Бу даврда ҳўжаликнинг яйлов чорвачилиги ва деҳқончиликка асосланган ишлаб чиқариш шакли қарор топган.

Темир даври ёдгорликлари милoddан аввалги IX–VI асрлар ва undan кейинги даврларга оид бўлиб, улар Хоразм, Бактрия, Сўғд, Чоч ерларида ва Фарғона водийсида ўрганилган. Темир рудасининг мис ва қалайига нисбатан табиатда кўпроқ учраши ва темирнинг мустаҳкамлиги undan ясалган қурол ва асбобларнинг кенг ёйилишига олиб келган. Айниқса темир қишлоқ ҳўжалигида ва қурол-яроғлар ясада кўп ишлатила бошланган. Самарканд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида милoddан аввалги I-минг йилликка доир қадимги Сўғд деҳқончилик маданияти шаклланган.

Милoddан аввалги 2-минг йилликнинг охири — I-минг йилликнинг бошларида жамият тузумининг асосини ота уруғдошлиги жамоалари ташкил этар эди. Умумий бир ҳудудда яшаб, бир тилда сўзлашган бир қанча уруғлар бир қабила ҳисобланар эди. Уруғ бошлиқлари йиғилиб, қабила кенгашини ташкил этар эди. Энг қучли ва обрўли уруғ бошлиғи қабила бошлиғи бўлиб сайланар эди.

Милоддан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмида дарё водийларида йирик суғориш тармоқлари барпо этилиши билан деҳқончилик майдонлари тобора кенгайиб, айрим серсув каналлар бўйлаб деҳқончилик воҳалари шаклланган. Сўгд, Бактрия ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар ташкил топган. Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида Смараканса, Навтака, Кеш ва Никшапа (Нахшаб) каби йирик шаҳарлар қад кўтарган.

Милоддан аввалги VI асрда қадимги Эронда аҳоманийлар сулоласи бошқарган давлат ташкил топиб, қўшни қабилалар ерларига юришлар қилган. Беҳистун қоясидаги ёзувда қадимги Эрон салтанатига тобе қилинган сатрапликлардан бири сифатида Сўгд (Сугд, Суғуд) номи биринчи марта қайд этилган. Авестонинг Видевдат наскида эса Ахурамазда яратган эзгу юртлардан бири Гава дейилган ва у ерда сўгдлар яшайди деб кўрсатилган.

Сўгд мамлакати уч тарихий-географик ҳудудни бирлаштирган: Самарқанд Сўғди, Бухоро Сўғди ва Кеш-Нахшаб Сўғди. Уч қисм ҳам ўзаро табиий чегарага эга бўлган: Зарафшон тоғ тизмалари Самарқанд ва Кеш-Нахшаб ўртасини, Карманадан кейин Малик чўли Бухоро ва Самарқанд Сўғдини ажратиб турган. Буюк Ипак йўлининг марказий тармоқлари Сўгд орқали ўтган ва натижада Сўгд халқаро савдо муносабатларида муҳим ўрин тута бошлаган. Буюк Ипак йўли бўйлаб Сўгд савдогарларининг кишлоқлари, шаҳарларида эса уларнинг маҳаллалари пайдо бўлган. Бухоро Сўғдининг тили Самарқанд Сўғдидан фарқ қилган. Маданий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан Бухоро Сўғди мустақил ривожланган.

Бухоро шаҳрига археологик маълумотларга кўра милоддан аввалги I-минг йилликнинг ўрталарида асос солинган. Унинг номи илк ўрта аср Хитой манбаларида турлича (Ан, Анси, Анго, Бухо, Буку, Бухе, Бухаэр, Бухуаэр, Бухала, Бухуала, Фуко, Пухуала ва б.) аталган. Ушбу атамалардан дастлабки учтаси Бухоронинг хитойча номлари бўлиб, қолгани “Бухоро” сўзининг хитой тилидаги талаффузидир. Бухор атамаси санскритча “Вихора” сўзининг турк-мўғулча шакли “Бухор” (ибодатхона) дан келиб чиққан деб тахмин қилинган. Кейинги тадқиқотларда бу атама сўғдийча “буғ” ёки “баг” (тангри) ҳамда “оро”(жамол) сўзларидан иборат бўлиб, “тангри жамоли” деган маънони англатади деган фикр илгари сурилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Бухоро ва унинг атрофидаги ерларда қадимда ниҳоятда хушманзарали табиат

жойлашган эди. Буни Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Милоддан аввалги I-минг йилликда Бухоро воҳасида аста-секин сунъий суғориш тармоклари ва мустаҳкамланган кишлоқлар вужудга кела бошлайди. Зарафшон дарёсининг қадимги тармоғи — Шохруд бўйларидаги дастлабки кишлокнинг, жумладан ҳозирги Бухоро ўрнида бўлган кишлокнинг барпо бўлиши айнан шу даврга тўғри келади. 1970 йилларда Бухоронинг Эски шаҳар қисмида олиб борилган қадимшунослик казишмалари натижасида Бухорони археологик жиҳатдан ўрганиш тарихида биринчи марта материк қатламга қадар етиб боришга ва маданий қатламланиш чуқурлиги 20 м.дан ортиқ эканлигини аниқлашга муваффақ бўлинди. Қазилма чоғида ёввойи ҳайвон ва хонаки ҳайвон суяклари қолдиги ҳамда сопол идиш ва буюмлар кўп эканлиги аниқланди. Мир Араб мадрасаси ёнида олиб борилган казишма чоғида торф қатламининг 7,5 м.га тенглиги маълум бўлди. Бу эса қадимги вақтда Бухоро ҳудудидан Зарафшон дарёси ирмоқларидан бири — “Руди зар” (олтин ирмоқ) нинг ўтганлигини тасдиқлайди. Зеро, илк ўрта аср ёзма манбаларида Зарафшоннинг тармоқларидан бири айнан шундай деб номланган. Қадимшуносларнинг тадқиқотлари кейинчалик қуриб қолган ушбу тармоқнинг ҳар икки киргоғи бўйлаб бир қанча мустаҳкамланган кишлоқларнинг вужудга келгани ва улар Бухоронинг энг қадимги шаҳар ўзагини ташкил қилганини исботлади. Шунга кўра, қадимги Бухоро шаҳрининг ўзаги уч қисмдан, яъни Зарафшон тармоғининг ўнг киргоғида жойлашган арк (қалъа), дарёнинг ўнг ва чап киргоғидаги кишлоқлардан иборат деб ҳисобланди. Бу ердан топилган ашёвий далиллар милоддан аввалги I-минг йилликнинг 3-чорагидан бошлаб XX аср бошларига қадар бўлган даврга тегишли бўлиб, улардан иккитаси милоддан аввалги V асрга тааллуқли эканлиги аниқланди. 1977-1980 йилларда Бухоронинг кўҳна Арки ва шаҳристони, хусусан Токи Заргарон, Мир Араб, Минораи Калон масжиди, Саройи Қози Калон, Ҳовузи Қози Калон маҳаллаларида ўтказилган археологик казишмалар кўзда тутилган натижаларни берди.

Бундан ташқари Бухоро аркида олиб борилган археологик казишмалар натижасида 13-15,5 м.ва 16,5-18,5 м.чуқурликда иккита пахса девор қолдиги топиб ўрганилган. Мазкур деворлар Бухоронинг қадимги мудофаа девори харобалари бўлиб, бирининг баландлиги 2,5-

⁴ Муҳаммадьянов А. Бухоро шаҳри 2500 ёшда Г.Фан. 1998. 17-38-бет

3м.ни ташкил этиб, у милоднинг IV-V асрлари, иккинчисининг баландлиги 2-2,5 м бўлиб, у милоддан аввалги IV-III асрларга оиддир.

Бухоро шаҳрининг ёшини аниқлаш мақсадида бутун Бухоро воҳасида кенг археологик қазилмалар олиб борилиб, йирик археологик ёдгорликлардан бўлган Бойканд, Қургони Варданзе, Ромитан, Варахша, Хожа Бўстон, Қўзимонтёпа, Оқсочтёпа ва бошқа бир қатор шаҳар харобаларида қазилш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари Навоий вилоятининг Конимех туманида милоддан аввалги VI-V асрларга оид ёдгорликлар (Чордара шаҳар харобаси, Қумрабод-1, Қумрабод-2, Арабон-1, Арабон-2 номли мустаҳкамланган қишлоқлар, милоддан аввалги VI-асрга доир Шодибек ва Қалқонота қўргонлари) 1975-1977 йилларда топиб ўрганилган. Уша даврга тегишли қишлоқлар қолдиқлари Жондор туманидаги Хожа-хотин, Лайлакхўр, Боштёпа, Оқтёпа ва бошқа жойлардан ҳам топилган. Қазилмалар натижасида юқори даражада ривожланган ҳунармандчилик ва меъморчиликка доир кўплаб ашёвий далиллар топилган.

Олиб борилган қадимшунослик тадқиқотлари жараёнида Бухоро шаҳри тўғрисидаги ёзма манбалардаги маълумотлар ва археологик топилмалар таққослаштирилиб, тубандаги хулосага келинган. Биринчидан, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги дастлабки маконлар милоддан аввалги 2-минг йилликнинг иккинчи ярми (жез даври) даёқ вужудга келиб, улар синчли ярим ертўлалардан иборат бўлган (қуриб қолган Моҳондарё тармоғи минтақасида олиб борилган тадқиқотлар бунни исботлайди). Иккинчидан, милоддан аввалги VI-V асрларда Зарафшон дарёсининг йирик тармоқлари дельтасида жойлашган ерларда мустаҳкамланмаган маконлар пайдо бўлган. Учинчидан, милоддан аввалги IV асрда Бухоро арки қуриладиган ҳудуд баланд муҳофаа девори ва кенг хандақ билан ўраб олиндиб, унинг ён бағрида учта мустаҳкамланган манзилгоҳ жойлашган. Ушбу манзилгоҳлардан бири Фаробдиз, иккинчиси Навмичкат, учинчиси эса Бухоро деб аталган. Кейинчалик бу уч манзилгоҳ узаро бирлашган ва муттасил ривожланиб бориб, каттагина шаҳарга — Бухоро воҳасининг савдо-ҳунармандчилик ва маъмурий марказига айланган.⁵

Милоддан аввалги VI асрда қадимги Эронда таркиб топган Аҳоманийлар давлати бир неча марта қўшни давлатларга, қабилаларга юриш қилган. Аҳоманийлардан бўлган Кир II (?-милоддан аввалги 530 й.) милоддан аввалги 545-539 йилларда Марғиёна, Хоразм, Сўғдиёна, Бактрия ва хаумаварг саклари яшайдиган ҳудудларни истило қилган.

⁵ Мухаммадпиев А. Бухоро шаҳри 2500 ёшда Т. Фан, 1998, 48-бет

Милоддан аввалги 530 йилда Кир II Ўрта Осиёдаги Массaget кабилалари устига юриш қилган, лекин малика Тумарис бошчилигидаги массагетлар билан бўлиб ўтган жангда унинг қўшини тамоман тор-мор этилиб, ўзи ҳам ҳалок бўлган.

Эрон ахоманийларидан бўлган подшоҳ Дорой (милоддан аввалги 522–486 йилларда ҳукмронлик қилган) ҳукмронлиги даврида Парфия, Сўғд, Хоразм ва Бактрияда ахоманийларга қарши қўзғолон қўтарилиб, Дорой ўзининг ўн минг кишилиқ хос қўшини ёрдамида милоддан аввалги 522–521 йилда ушбу қўзғолонни бостирган. Турон кабилаларининг миллий озодлик ҳаракати Бихустин китобларида акс эттирилган.

Подшоҳ Дорой тобе этилган ҳудудларни сатрапия (ҳарбий-маъмурий вилоят)ларга бўлиб бошқарган. Ҳар бир сатрапликни сатрап (ҳоким) бошқариб турган.

Хоразм, Сўғд, Парфия ва Ария Эрон ахоманийлари давлатида 16-сатрапияни ташкил этиб, унинг йиллик тўлайдиган солигининг миқдори 300 талант (талант – Бобил пул бирлиги бўлиб, 1 талант 300 кг дан зиёд қумушга тенг бўлган)ни ташкил этган. Ўрта Осиё халқлари, Сўғд аҳолиси ахоманийлар даврида илк марта зарб қилинган танга пуллар билан танишган ва муомала қилган.

Шу даврда асосий дин сифатида зардуштийлик кенг тарқалган. Диннинг асосчиси Заратуштра тарихий шахс бўлиб, Спитама авлодидан келиб чиққан. Унинг туғилган жойи, “Авесто” пайдо бўлган ҳудуд тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд. Заратуштра милоддан аввалги VII–VI асрнинг бошларида яшаган. Ҳозир у Хоразмда туғилган, “Авесто” ҳам шу ҳудудда пайдо бўлган деган фикр устуворлик қилмоқда.

Юнонистон ҳукмдори Филлип Ўрта Осиёни забт этиш учун катта тайёргарлик кўрган. У милоддан аввалги 536 йилги фитнада ўлдирилиб, милоддан аввалги 334 йилда отаси бошлаган урушни ўгли-Александр давом эттирган. Искандарнинг юнон аскарлари Ўрта Осиёда милоддан аввалги 329 йилда пайдо бўлишди.

Искандарнинг қўшини милоддан аввалги 329 йилда Бактрияни забт этган. Шундан кейин юнонлар Амударё (Окс)ни кечиб ўтиб, Сўғдиёнага ҳужум бошлаган. Амударёдан ўтган Искандар қўшини Термиз ёки Калиф шаҳрига йўл олган. Самарканд (Мароканда) ни қандай қилиб эгаллаганлиги номаълум. Юнон қўшини Сирдарё (Таноис) га етганда, Спитамен бошчилигида қўзғолон қўтарилганлиги маълум бўлади. Искандар Спитаменга қарши маҳаллий сўғд тилини

биладиган Фарнухни юбориб, ўзи ҳозирги Хужанд ва Бекобод шаҳарлари оралиғида истехкомли шаҳар бунёд этади. Фарнух бошчилигидаги Искандар аскарлари Спитаменни таъқиб этадилар ва чўлга суриб чиқарадилар. Аммо юнонлар ўртасидаги келишмовчиликдан фойдаланган Спитамен улар устидан ғалаба қозонади ва яна Самарқандни камал қилади. Искандар Александр Эсхатада бир гарнизонини қолдириб, ўзи Самарқанд сари йўл олади. Спитамен камални бўшатиб, Бухоро томонга чекинади ва чўлга чиқиб олади. Спитаменнинг изидан таъқиб этиб борган Искандар 120 минг тинч аҳолини кириб ташлайди.

Спитаменнинг ўлиmidан кейин Туроннинг катта қисми (Фаргона, Чоч ва Хоразмдан ташқари) Искандар қўшини томонидан эгаллаб олинади. Ўрта Осиё ерлари Искандарнинг ўлиmidан кейин унинг саркардаси бўлган Салавк асос солган Салавкийлар давлати таркибида бўлади.

Милоддан аввалги 312 йилда ташкил топган Салавкийлар давлати таркибида бўлган Ўрта Осиёда юз берган бир канча сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеалар подшоҳ Салавк I, айниқса Антиох I ҳукмронлиги билан боғлиқ. Салавк I милоддан аввалги 293 йилда ўғли Антиох Iни Ўрта осие ерларига ҳоким этиб тайинлайди. Давлат сатрапия, эпархия, гипархия ва топархияларга бўлинган. Ўрта Осиё бўйлаб ўтган савдо йўлларида шаҳарлар ва қишлоқлар қурдирилган.

Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида Салавкийлар давлатидан дастлаб Парфия, ундан кенйин эса Бактрия ажралиб чиқади. Бактрия эпархи Диодот милоддан аввалги 250 йилда ўзини подшоҳ деб эълон қилади ва ўз номидан қумуш ва мис тангалар зарб этади. Юнонлар билан бирга маҳаллий зодагонларнинг иштироки кучли бўлганлиги боис бу салтанат Юнон-Бактрия подшоҳлиги деб аталган. Бу давлат Шарқнинг мустақил давлати сифатида 120 йилдан ортиқроқ яшайди ва иқтисодий-маданий жиҳатдан камол топади. Бактрия, Сўғд ва Марғиёнада кўплаб шаҳарлар қурилади. Милоддан аввалги II асрнинг ўрталаридан бошлаб Юнон-Бактрия подшоҳлиги ўзининг куч-қудратини йўқота бошлайди. Дастлаб бу давлатдан Сўғд ажралиб чиқади. Марғиёнани Парфия ўзига қўшиб олади. Шундан кейин Шарқий Туркистон орқали Фаргона ва Сўғд ерларига кириб келган юечжи ва сак қабилаларининг ҳужуми оқибатида бутунлай бўлиниб кетади.

Милоддан аввалги III асрнинг бошларида Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда сак қабилаларининг Қанг давлати ташкил топади.

Милоддан аввалги II-I асрларда Қанғ давлати кенгайиб кетиб, ўз ҳудудига бешта ўтрок вилоятни ҳам бўйсундиради: Чоч, Кеш, Сўғд, Бухоро ва Хоразм. Қанғ мамлакати бир қанча эл, юрт ва дехкончилик вилоятларига бўлинган. Давлатни ҳокон бошқариб, ҳоконлик отадан ўнгилга мерос бўлиб ўтган. Тобе вилоятлар маҳаллий ҳокимлар қўлида бўлиб, улар бож тўлаб турган. Аммо тобе вилоятларнинг қўпчилиги деярли мустақил эди. Ҳатто Кеш, Сўғд, Чоч, Бухоро ва Хоразмнинг маҳаллий ҳокимлари ўз номларидан қумуш танга зарб этганлар. Қанғ давлатида чорвадор (қўчманчи)лар билан бир қаторда ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳоли ҳам яшаган. Ўтроқ воҳа аҳолиси суғорма дехкончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Илк ўрта асрларда Хоразм, Хионийлар, Кидарийлар ва Эфталийлар давлатлари ташкил топади.

Милодий биринчи минг йилликнинг ўрталарига келиб, Туронзаминда кескин ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар юз беради. Дехкончилик воҳаларида шаҳарлар сони қўпаяди. Дехкончилик майдонлари кенгаяди, мулкдорлар синфи кучаяди ва улар зироаткор аҳоли устидан ҳукмронлик қила бошлайди. “Дехқон” эндиликда “кишлоқ ҳокими”га айланади. Ҳар бир дехқоннинг 30-100 нафаргача чокарлари (шахсий гвардияси) бўлган. Ижтимоий табақаланиш кучайиб бориб, кишлоқ жамоаси “қадивар”лар, яъни кишлоқ қўрғонида яшовчи, қарам зироаткорлар ҳамда “қашоварз”лар, яъни оддий меҳнатқаш, ерни ҳайдовчиларга бўлинган. Бундай ўзгаришлар Қанғ ва Қушон давлатларининг майда давлатларга бўлиниб кетишига олиб келган.

Милодий 353 йилда Хионийлар давлати Сўғдга бостириб қиради. 370 йилларга келиб хионийлар Ўрта Осиёда узил-кесил ҳукмронликни қўлга киритадилар. Сирдарё бўйларида то Амударёга қадар бўлган ҳудудда хионийларнинг қучли давлати ташкил топади ва 120 йил мавжуд бўлади.

Милодий 420 йилларда Шарқ томондан Сирдарё ва Орол бўйи орқали Хоразм ҳамда Амударё хавзасига кириб келган кидарий (тохар)лар тез орада Сўғд ерларини ҳам эгаллаб Хионийлар давлатининг жанубий қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бу давлат географик жиҳатдан Сосонийлар ва Хионийлар давлатининг ўртасида жойлашган эди.

V асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёга эфталийларнинг юриши бошланади. Эфталийлар шоҳи Вахшунвар 457 йилда Чағониён, Тохаристон ва Бадахшонни босиб олади. Шундан кейин

Сўғдада хионийлар ҳукмронлиги ҳам барҳам топади. Эфталийлар давлати эса кучайиб кетади.

Бухоро воҳасида милоддан аввалги 1-минг йилликка доир археологик ёдгорликлар бир неча манзилгоҳлардан топиб ўрганилган. Харобалари ҳозиргача сақланиб келган илк ўрта аср шаҳарларидан саналган Бойканд, Варахша, Вардонзенинг ўрганилиши милоддан аввалги 1-минг йилликнинг иккинчи ярмида Бухоро воҳасида ҳам шаҳарлар қад кўтарганлигини тасдиқлайди.

Бойканд (Пойканд) – қадимги қарвон йўлининг Шимолий Хуросон тармоғи йўналишида қад кўтарган шаҳар харобаси бўлиб, у Бухородан 44 км жанубий ғарбда, Жондор ва Қорақўл туманлари туташган ҳудудда жойлашган. Ўрта аср ёзма манбаларида Бойканд (бой шаҳар) Хитой йилномаларида эса Би номлари билан қайд этилган. Кейинчалик Пойкент номи билан аталиб келинмоқда ва бу “куйи шаҳар” маъносини англатади.

Бойканд шаҳри харобалари археологик жиҳатдан дастлаб 1903 йилда Р.Пампелли, 1913-1914 йилларда Л.А.Зиминлар томонидан ўрганилган. Бухоро воҳасида шаҳарсозлик тарихини ўрганиш муносабати билан 1980-1990 йилларда Ўзбекистон ФА Археология институти ва Россия Давлат Эрмитажининг махсус қўшма археологик экспедицияси А.Мухаммаджонов раҳбарлигида (аъзолари – Г.Л.Семёнов, Ж.Мирзаахмедов, Ш.Одилов) кўп йилларга мўлжалланган қадимшунослик қазишмалари олиб бордилар. Бу ерда ҳозирги кунда ҳам иш давом этмоқда. Кейинги йилларда Франциянинг Лувр музейи ходимлари ҳам қазиш ишларини олиб борди. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича Бойкандда ҳаёт милоддан аввалги IV асрдан то милоднинг XI асригача, яъни 1500 йил давомида кечгани маълум бўлди.

Бойканд ўтмишда тўрт қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисм – дарвозали арк (майдони 1 га), иккинчиси – дарвозали ички шаҳристон (майдони 11 га), учинчиси – дарвозали ташқи шаҳристон (майдони 6 га), тўртинчиси – шарқ, ғарб ва жануб томонларида қад кўтарган улкан рабод (майдони 100 га)лар. Бойканд ўз тарихи жараёнида Бухоро воҳасининг йирик савдо марказларидан бири сифатида ҳамда эгаллаган югрофий ўрни жиҳатидан Ғарбий Сўғднинг сиёсий ҳаётида стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Унинг мудофаа иншоотлари ниҳоятда мустаҳкам қурилган бўлиб, замонасининг ҳар қандай қамалига бардош бера олган. Бухоро воҳасининг жануби-ғарбий чегарасида ҳарбий истеҳком сифатида бино қилинган Бойканд

жанубий-ғарбдан, дашт ҳудудларидан доимий равишда содир бўладиган чорвадор қабилаларининг хуружларини қайтариш ва ташки душман ҳужумларининг йўлини тўсиб, уларга дастлабки зарбаларни беришда мустаҳкам ҳарбий қароргоҳ ролини бажарган. Ёзма манбаларга қараганда Бойканд қадимги Бухоро хукмдорларининг қароргоҳи бўлган. Ҳар бир подшоҳ ўзи учун бу шаҳарда ўрдугоҳ барпо этган. Кейинроқ у эфталийлар давлатининг пойтахти бўлган.

Қадимги Бойканд шаҳри Ипак йўли устида жойлашганлиги учун, бу ерда савдо-сотик ва ҳунармандчиликнинг турли шакллари яхши ривожланган, аҳолисининг катта қисми савдогарлардан иборат бўлган. Улар Хитой ва денгиз орқали бошқа мамлакатларга бориб, савдо-сотик билан шуғулланган.

Варахша – қадимги шаҳар харобаси бўлиб, у Бухородан 40 км шимоли-ғарбда, Дашти Урганжи қўлининг қадимги Ражфандун воҳасида жойлашган. Шунинг учун уни Ражфандун деб ҳам аташган. Ўрта аср ёзма манбаларида унинг номи Фарахша, Афрахша (Самъоний), Барахша (Ибн Ҳавқал) тарзида ҳам қайд этилган.

Варахшанинг майдони 9 га ерни эгаллаб, баландлиги 10-20 м келадиган катта тепалик шаклида сақланган. Шаҳар харобаси 1937-1990 йилларда В.А.Шишкин, А.Муҳаммаджонов, О.В.Обельченко ва Г.В.Шишкиналар томонидан ўрганилган. Археологик қазималардан маълум бўлишича, Варахша шаҳри милоддан аввалги II асрда бир-бирига туташган бир неча истеҳкомли кишлоқлар шаклида қад қўтарган. Варахша харобаларининг шимоли-ғарбида қадимги қўрғонлардан бирининг ташки девори ҳамда ярим доира шаклидаги буржи (минораси) қовлаб ўрганилган. Девор ва буржларида пайконсимон нишон туйнуқлари очилган. Қадимшуносларнинг фикрича милоддан аввалги II-I асрларда ва милоднинг I-II асрларида Варахша ва унинг атрофида маданий ҳаёт гуллаб яшнаган. Милоднинг III-IV асрларида Варахша шаҳри таракқиётида таназзул юз берган ва орадан бир аср ўтиб, яна таракқиёт давом этган ҳамда у Бухоронинг қадимги хукмдорлари Бухорхудоуларнинг қароргоҳига айланиб, ўз мавқеини оширган. Варахшанинг Бухоро ва Хоразм ўртасидаги қарвон йўлида жойлашганлиги бу ерда савдо-сотик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига сабабчи бўлган.

Қадимги даврда Бухоро воҳасида яшаган аҳоли ўртасида диний эътиқоднинг қадимги шаклларида сигиниш кенг тарқалган бўлиб, булар атрофдаги турли хил нарсаларга ишониш, турли хил предмет, жонли ва жонсиз нарсаларга сигиниш билан боглиқ бўлган. Масалан,

Бухорода икки дарахт-устун орасидан Утиш ёрдамида душманларнинг ёмон ниятини қайтариш мумкинлигига, тол дарахтининг шифобахшлигига ишонишган. Рухларга сизиниш кенг тарқалиб, Бухородаги сағаналарда рухларнинг кириб-чикиб юриши учун тешик қолдирилган. Бундан ташқари бир-бирига қарама-қарши бўлган нарсалар орқали ёмонлик ва яхшиликка муносабат билдирилган. Масалан, Варахша саройи залларидаги ранглар орқали шу муносабатни билиб олиш мумкин. Бу ерда дуалистик эътиқод акс этган.⁶ Бухоро тарихига доир ёзма манбаларга қараганда, қадимги даврда Бухоро воҳасида Варахша, Вардона, Ромитан (Ромтин) ва Бойканд каби шаҳарлар қад кутарган ва уларда хунаrmандчилик ривожланган. хунаrmандларнинг маҳаллалари, жамоат бинолари, сарой ва қўшқлар, рабодлар барпо этилган.

⁶ Кароматова Х. Ўзбекистонда мотий эътиқодлар тарихи. Т. 2008. 32, 44, 87-бет.



2-БОБ. ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА БУХОРО

Милоднинг V-VII асрларида Ўрта Осиёда юзага келган мураккаб ижтимоий сиёсий вазият, шаҳар ва қишлоқларнинг ташқи қиёфаси, аҳолининг турмуш тарзи ва аҳволига жиддий таъсир қилди. Кўчманчиларнинг босқини даврида бошқа воҳалар қаторида Бухоро воҳасининг деҳқончилик майдонлари ҳам топталди, кўплаб шаҳар ва қишлоқлари вайронага айланди. Хўжалик ва савдо-сотиқ ишлари издан чиқди. Шунга қарамасдан, олдин Эфталитлар давлати, сўнг Турк хоқонлиги каби йирик давлат бирлашмалари ҳукмронлигида вужудга келган муайян осойишталик давларида иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт яна узлуксиз тараққиёт сари юз тутди. Деҳқончилик учун экин ерлари кенгайиб, сугориш тизимлари барпо этила бошлади, янги ерлар ўзлаштирилди, аҳоли яшайдиган масканлар кўпайди ва гавжумлашди.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухоро шаҳрининг факат учта сугориш тармоқлари бўйлаб тўрт мингга яқин қаср қад ростлаган эди. Кўшк ва қасрли қўрғонларда зодагон деҳқонлар, кичик қўрғончаларда эса оддий меҳнаткаш аҳоли истиқомат қилган ҳамда душманлар ҳужумидан ўзини ҳимоя қилган.

Деҳқончиликнинг ривожланиши, ҳунармандчилик буюмларига бўлган эҳтиёж ва савдо-сотиқнинг юксалиши шаҳарларнинг гуллаб-яшнашига, айниқса улардаги ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлган маҳаллаларнинг кўпайишига олиб келган. Илк ўрта асрларда шаҳарларнинг майдони унчалик катта бўлмаган, аҳоли гавжум бўлган. VI-VII асрларда Бухоро ва Бойкандда аҳоли яшайдиган маҳаллалар зич жойлашган эди, чунки шаҳарнинг умумий майдони 20 га дан ошмаган. Ўрта Осиёдаги энг йирик деб ҳисобланган Самарқанд шаҳрининг майдони 200 гектарга яқин бўлган.

Илк ўрта асрларда шаҳарлар уч қисмдан-подшоҳ қасри жойлашган арк (коҳ), ички шаҳар (шаҳристон) ва ташқи шаҳар (рабод)дан иборат эди. Ушбу қисмларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида деворлар билан ўраб оlinиб, ҳар бир ўрам деворнинг бир нечтадан иборат дарвозаси бўлган. VII асрда Бухоро шаҳри беш қисмдан иборат бўлиб, у беш қатор девор ҳалқаси билан ўраб оlinган эди. Шаҳар оралаб ўтган анҳор хандак вазифасини ўтаган. Бухоро воҳасидаги шаҳарлардан бири бўлган Бойкандда ички ва ташқи шаҳристони бўлиб, рабодида карвонсаройлар, оташпарастларнинг гумбазли

гурхоналари ҳамда шиша ясовчиларнинг ва кулолларнинг хумдонлари жойлашган эди.

V-VI асрлардаёқ Ўрта Осиёнинг айрим вилоят ва воҳаларида йирик шаҳарларга таянган катор мустақил давлатлар ташкил топган бўлиб, улардан энг йирикларида – Сугдда Ихшидлар, Тоҳаристонда Маликшоҳлар, Хоразмда Хоразмшоҳлар, Чоч ва Илокда Тудун ва Дехконлар, Фарғонада Ихшидлар ҳукмронлик қилар эдилар. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари ўз атрофидаги мулкдор зодагон дехконлар ва уларнинг ҳарбий чокарларига таяниб иш юритарди. Буларнинг орасида энг йириги Сугднинг илк ўрта аср ҳокимликлари уюшмаси бўлиб, унга Зарафшон ва Қашқадарё водийларида жойлашган Самарқанд, Маймург, Иштихон, Кушония, Вардона, Бухоро, Кеш ва Нахшаб мулклари бирлашган эди. Уларнинг кўпчилиги Самарқанддаги Ихшидга тобе бўлсада, аммо Бухоро, Кеш ва Нахшаб деярли мустақил эди. Мулкларнинг ҳар бири ўз ҳокими ва ҳарбий чокарларига эга эди.

Бухоро, Кеш ва Нахшабда ўз танга пулларини зарб қилишган. Самарқанд ихшиди саройида аждодлар руҳига атаб қурбонлик қилиш учун махсус ибодатхона бино қилинган ва унда ўтказиладиган ҳар йилги диний маросимларда вилоят ҳукмдорларининг ҳаммаси иштирок этган. Манбалардан аён бўлишича, Сугд ихшидлари Ўрта Осиё ва ундан ташқаридаги давлатлар билан элчилик алоқалари олиб борган.

Сугдда Хионийлар ҳукмронлиги V асрнинг ўрталаридан бошлаб тутатилади. Эфталийлар давлати кучайиб кетади. V асрнинг иккинчи ярми ва VI асрнинг бошларида Ўрта Осиё ерлари Эфталийлар давлати таркибига кирди ва Ўрта Осиё халклари тарихида муҳим рол ўйнади. Эфталий давлати таркибида бўлган аҳолининг бир қисми кўчманчи чорвадор бўлса, каттароқ қисми ўтроқ аҳоли бўлиб, шаҳар ва қишлоқларда истикомат қиларди. Ўтроқ аҳолининг асосий касби зироатчилик бўлган Зарафшон водийсида асосан ғалла ва шолі етиштирилар эди. Хитой манбаларига қараганда шу даврда Ўрта Осиёда пахта ҳам етиштирилган ва Хитойга олиб борилган. Ярим кўчманчилар чорвачилик, хусусан қорамолчилик, туячилик, йилкичилик ва қўйчилик билан машхур бўлган.

Илк ўрта асрларда Сугдда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси “наф” дейилган ва у ижтимоий жиҳатдан қуйидаги табақаларга бўлинган эди: зодагонлар “озод”, шаҳар ҳунармандлари “озодкор”, савдогарлар

“гувакор”, зироаткорлар “кашоварз”, хизматкорлар “корикор”, муте қўшчилар “кадивар”, кул ва чўрилар “бангак” ва “доя”.

Подшоҳ, маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагон деҳқонлар озодлар табақасига кириб, ижтимоий пиллапоянинг энг тепасида подшоҳ турган. Подшоҳнинг тасарруфида умумдавлат мулкидан ташқари ўз шахсий мулки ҳам бор эди. Маҳаллий ҳоким ва зодагон деҳқонларнинг ихтиёрида деҳқончилик майдонларининг каттагини қисми мулк сифатида тўпланган эди. Эркин кашоварзлар давлатга солиқ тўлаб турган. Кадиварларнинг мутлако ери бўлмаган ва улар чорикор сифатида ҳоким ва зодагон деҳқонларнинг ерларида меҳнат қилишган. Экин экиладиган ерларнинг бир қисми ибодатхоналар ихтиёрида бўлган. Ибодатхона “вагин”, бош руҳоний – коҳин эса “вагинпат” дейилган. Коҳинларга тегишли ерлар “вагинзе” дейилган.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги майда давлатларда ва уларнинг вилоят ҳокимликларида ўзига хос маъмурий бошқарув тизими ҳам тарқиб топган эди. Ушбу тизим пиллапоясида сарой хўжалгининг бошқарувчиси – фармондор, бош котиб-дапират, солиқ йиғувчи-возкиром, мирохур, жаллод, бош нонвой, бош соқий, саркарда ва бошқалар ўзига муносиб ўринни банд этган эди.

Йирик шаҳарларда ташкил топган вилоят ҳокимлари “хвабу” ва “хватов” деб аталган. Бу ҳокимлар ўз мулкларини бошқаришда асосан чокарларига таянишган. Отлиқ аскар-суворийлар деҳқонзодалардан, пиёдалар эса меҳнаткаш аҳолидан ёлланган ва тугма қўллардан тузилган.

Бу даврдаги бошқарув тизимининг асосий вазифаси-аҳолидан бож, солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида йиғиб олиш ҳамда уларни жамоат ишларига жалб этишдан иборат эди. Ҳисоб-китоблар, қирим-чиқимлараник ва тушунарли тарзда олиб борилган ҳамда қайд этилиб тегишли ҳолатда бармоқ босилиб муҳрланган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи”да бухорхудоатлар вилоят ҳокимининг бошқарувида бўлган мулозимлар ҳақида аниқ маълумот берилади: “ҳар куни деҳқонлар ва маликзодалардан 200 нафар йигит заррин камар боғлаб, қиличларини осиб хизматга ҳозир бўлиб турарди, эртаси куни бошқа бир жамоа келиб шу сифатда хизматда бўлар ва шу тарзда ҳар бир жамоа бир йилда тўрт маротаба хизматга келиши лозим эди”. Бу маълумотдан келиб чиқишича вилоят ҳокимлиги бошқарувида йил давомида ўн саккиз минг мулозим навбат билан хизмат қилган.

¹ Наршахий Бухоро тарихи/Мерос. 1991.93-бет.

Бу даврда Самарканд, Бухоро, Кеш, Нахшаб атрофлари тўла ўзлаштирилиб алохида-алохида деҳқончилик воҳалари шаклланади ва бу воҳаларда зодагон деҳқонларнинг сиёсий мавқеи ортиб бориб илк ўрта асрларнинг деярли мустақил майда ҳокимликлари ташкил топади. Шулардан бири Бухоро вилоятининг Жондор тумани ҳудудидаги Варахшада жойлашган Варахша қасри бўлиб, у V-VII асрларда Бухоро маҳаллий ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳи бўлган. Наршахийнинг маълумотига кўра Вардона, Ромитан (Ромтин), Варахша ва Бойкандда ҳукмдорларнинг қароргоҳлари бўлган. Вардонада (VI аср) Зарафшон водийсидаги ҳукмдорлар ичида энг кучлиси ҳисобланган Вардонхудоғнинг қароргоҳи жойлашган бўлиб, у Туркистон чегарасида эди.

Илк ўрта асрда обод воҳаларни ташки душман босқинидан ҳимоя этиш учун уларнинг атрофлари бир неча юз чақирим узунликда баланд ва қалин деворлар билан қуршаб олинган эди. Бухоро вилояти атрофини 336 км.лик масофада ўраб олган мудофаа девори “канпирак” (кандипирак) номи билан машҳур эди. Наршахийнинг ёзишича, бу девор 783-831 йилларда барпо этилган.⁸ Бошқа муаррих Маъсудийнинг маълумотига кўра девор Сугд ҳукмдорлари томонидан бунёд этилган. Ўз вақтида “канпирак” мудофаа девори қадимги Бухоро, Сугд ва Усрушона ҳудудини ўраб олган ва яхлит мамлакат мудофаа деворини ташкил этган.

VI-VII асрларда деҳқончилик воҳаларидаги кулолчилик, шишагарлик, чилангарлик, бўз тўқиш, саррожлик, заргарлик ва қуролсозлик каби касб-ҳунарлари ривожланиб, уларнинг маҳсули бутун Шарққа тарқалар эди. Шу даврда Зарафшон водийсида Самарканд ва Бухородан ташқари Ревдад, Кушония, Дабусия, Хариман, Арқуд, Ромитан, Вардона, Варахша ва Бойканд каби ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари мавжуд эди.

Айрим маълумотларга қараганда, Бойканд шаҳри Эфталлийлар давлатининг пойтахти бўлган. Наршахийнинг Бойкандда подшоҳлар турувчи қароргоҳ жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотидан келиб чикиб, Томашк (1887), Маркварт (1901) каби муаллифлар уни Эфталлийлар давлатининг пойтахти деб кўрсатадилар. Рус олими Зиминнинг фикрича, Бойканднинг энг қадимий ва аниқ шаклдаги номи “патиканта” ёки “патканд” бўлиб, унинг маъноси “ҳукмдор шаҳри (уйи)”дир.⁹ Хитой манбаларида Бойканд шаҳри “Би” деб тилга

⁸ Бухоро тарихи. Мерос, Т. 1991. 112-бет

⁹ А. Муҳаммаджонов и другие. Города ие Пайкенд Т. 1988, с. 22

олинади, араблар эса уни “Мадинат ут-тузжор”, яъни “савдогарлар шаҳри” деб атар эдилар. (Бухоро музейи қуриқхонасида Бойканд шаҳарчасидан келтирилган 10 мингдан ортиқ турли хил буюмлар сақланади).

Эфталийлар пойтахти Бойканд ўз даврининг энг кўрам, обод шаҳарлардан саналган. Бу ерда хунармандчилик, савдо-сотиқ, қурилиш ишлари анча ривожланган. Шаҳар Буюк ипак йўлида жойлашганлигидан, унда турли мамлакатларнинг савдо қарвонлари хилма-хил моллари билан келиб савдо қилганлар. Бунинг учун шаҳарда кўплаб бозору расталар, қарвонсаройлар мавжуд бўлган.¹⁰ Қўшни мамлакатлар билан олиб борилган ташқи савдо божидан манфаатдор бўлган эфталийлар қайд этилган шаҳарлар орқали ўтган “Ипак йўли”ни ўз назоратлари остида ушлаб туришга ҳаракат қилган. Савдода сосоний савдогарлар билан рақобатда асосан сугдийлар воситачилик қилган. “Ипак йўли” билан амалга оширилган халқаро савдо алоқаларининг ривожланиб бориши муносабати билан мамлакатда танга-пул муомаласи тартибга солинади. Хитой тангаларига тақлид этилган тангаларни VII-VIII асрларда Сугд ихшидлари Самарқандда, Бухоро ҳукмдорлари эса Фарғонада чиқаришган.¹¹ V асрда сосонийлар тангалари мамлакатнинг ички ҳаётида кенг муомалада бўлган. Эфталийлар кейинчалик сосонийлар шоҳи Вараҳран – V тангаларига тақлид этиб, қумуш тангалар зарб қиладилар. Булардан ташқари Бухоро, Бойканд, Нахшаб, Самарқанд ва Хоразмда маҳаллий ҳокимлар томонидан чиқарилган чақа тангалар мамлакатнинг ички савдосида кенг муомалада бўлган. Олиб борилган археологик казишмалар натижасида Хитойнинг Тан империяси даврига оид тангалар Бухоро шаҳридан, Бойканд шаҳри харобаларидан топилган.

Эфталийлар давлати подшоҳи мутлақ (монарх) томонидан бошқарилган. Бу давлат ташқи сиёсатда ҳарбий кучга таянган жуда катта қўшинга эга бўлган. Ўрта Осиёга Хиёнийлар ва Кидарийларнинг кириб келиши ҳамда Эфталийлар давлатининг ташқил топиши маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига муайян даражада таъсир кўрсатди. Сугдда кўчманчилар тез орада ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашди ва унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок эта бошлади. Бу эса илк ўрта асрларнинг ўзига хос маданиятини шакллантирди.

¹⁰ Борис Голесидер. Ўзбекистонда ўрта асрлар Хитой тангалари // Мотивли сазо. 2012, 1-сон. 22-бет.

¹¹ Қ. Усмонов, М. Содиқов, С. Бурҳонпоя. Ўзбекистон тарихи. Т., 2005. 86-бет.

V асрда мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётида содир бўлган туб узгаришлар, мавжуд бўлган мунофақ иншоотларига кучли таъсир этди. Самарқанд, Бухоро, Нахшаб ва Чоч каби деҳқончилик воҳаларида баланд таққурси устига бино қилинган қўплаб истеҳкомли қасрлар ва деҳқон қўрғонлари қад кўтарди. Бухоро вилоятидаги Бойқанд шаҳри харобаларидаги қалъа ва Варахшадаги ҳукмдор саройи шулар жумласидандир. Бу давр бинокорлиги ва меъморчилигида айниқса қасрлар алоҳида ўрин тутган. V аср охиридан бошлаб пишиқ гиштдан сарой ва ибодатхоналарнинг саҳнини тушада фойдаланилган.

Эфталлийлар сиёсий жиҳатдан жуда қўп қабилаларни бирлаштиргани туфайли турли этнокоддаги халқлар ёнма-ён ҳаёт кечиришган. Жумладан, Сугдда оташпарастлик дини кенг ёйилган эди. Ўрта Осиё зардушлари Нохид, Митра ва Сиёвуш каби маҳаллий маъбудларга ҳам сизинган. Масалан, Наврўз куни Бухоро оташпарастлари Сиёвуш қабри устида ҳўроз сўйиб қўрбонлик қилганлар.

Географик жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган вилоятларнинг аҳолиси турли тилларда сўзлашган. Чорвадор аҳоли ўртасида туркий тил устувор бўлган. Ўтроқ аҳолининг қаттагина қисми сугдийча сўзлашган. Бухоро сугдининг тараққиёти ўзига хос бўлган. Илк ўрта асрлардаёқ Бухоро Сугдида эфталлийларнинг таъсири кучли бўлганлигининг асосий сабаби улар билан шимолий ҳудудлардаги қўшничилик эди. Бухоро Сугди маълум маънода сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётда мустақил бўлган. Бухоро сугди ўз тили, шеvasи билан Самарқанд Сугдидан анча фарқ қилган. Бу ҳақда тилшунос тадқиқотчи А.Отахўжаев айрим мулоҳазаларни билдиради. Сугдча “хамук” атамаси бухороликларда “гавхар” маъносида эканлиги Наршахийнинг китобида ёзилган. “Биз эса – дейди А.Отахўжаев. – Сугд тилида гавхарга нисбатан “ёкут” атамаси қўлланилганини кузатдик Яна бир атама “қом” бўлиб, у “арик” маъносини беради. Шу асосда ясалган Ҳарамқом, Шопирқом каби гидроним ва топонимлар ҳозиргача ҳам Бухоро воҳасида сақланиб қолган. Бухоро шеvasида қўлланиб, кейинчалик этнонимга айланган “Ҳайтал” (эфталлийларга нисбатан ишлатилган) атамаси “қучли одам” маъносида ишлатилган. Бошқа вилоятлардаги сугдлар тилида унинг ўрнида бошқа атама ишлатилган”. Демак, Бухоро Сугди тил жиҳатдан анча мустақил ривожланган. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, илк ўрта асрларда Бухорога хос маданий муҳитнинг шаклланишида Эфталлийлар муҳим рол ўйнаган.

Эфталийлар кейинчалик ўзбек ва туркман халқлари таркибига сингиб кетган. Бу даврда қўшни мамлакатлар – Хитой, Ҳиндистон ва Эрон билан иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб борган. Масалан, V асрда ўрта осиелик шишагарлар Хитой хунармандларига рангли шиша ва шиша буюмлар ясашни ўргатадилар. Ўрта Осие шишаси рангдорлиги, яркироклиги ва тиниклиги жиҳатдан Византия шишасидан устун турган. Ҳаттоки Хитой императорлари ўз саройларини безашда Ўрта Осиедан келтирилган рангли шишалардан фойдаланганлар. Ўрта Осиеда шиша ишлаб чиқариш III-IV асрлардан бошланган. Сугдиёнада, хусусан унинг қуйи шаҳри бўлган Бойкандда ҳам III-IV асрларда шиша ишлаб чиқарувчи хунармандлар маҳалласи бўлган. Ваҳоланки, Эронда шиша тайёрлашга VI-VII асрларда, бошқа ўлкаларда эса VIII асрнинг иккинчи ярмидан кейин киришилган.

Шундай қилиб, Эфталийлар даврида Ўрта Осие аҳолиси, шу жумладан Бухоро воҳаси аҳолисининг маданий анъаналари қўшни мамлакатларнинг маданияти билан қўшилиб илк ўрта асрлар маданиятининг шаклланишида мустақкам пойдевор бўлди. Илк ўрта асрларда “Ипак йўли”нинг шимолий қисми, яъни Еттисув ва Чоч(Тошкент воҳаси), Сугд, кейин Бойканд (Бухоро воҳаси) орқали Марвга ва ундан Шимолий Хуросонга ўтадиган йўл муҳим аҳамият касб этди деб ёзади Э.Ртевеладзе.¹² Эфталийлар даврида маданият ҳам ўсди. Варахша шаҳри обидаларидаги деворларга ишланган бетакрор тасвирлар, уймакорлик ва ганчкорлик намуналари – булар аждодларимиз юксак маҳоратидан ёрқин далолатдир. Бу даврда ёзув маданияти ҳам ривожланган. Аҳоли ўртасида сўгд ёзуви ва хоразм ёзуви билан биргаликда туркий ёзув ҳам қўлланилган. Эфталийлар шаҳарларида мангу олов уйлари – оташкадалар бўлиб, улар зардуштийлик динининг муқаддас масканлари сифатида аҳоли томонидан зиёрат этилган.

V асрнинг иккинчи ярми, VI асрнинг биринчи ярмида Олтой ва Жанубий Сибирда Ашина қабиласининг ябгулари Асаншод, Туу ва Буминлар бошчилигида туркий қабилаларнинг иттифоқи вужудга келди. 551 йилда Бумин ҳокон, яъни ҳукмдор уивонига муяссар бўлиб, Турк ҳоконлигига асос солади. 555-563 йилларда Турк ҳоконлиги Шарқий Туркистон, Сирдарё бўйларини, Орол бўйларини ва Шимолий Кавказни эгаллайди.

563 йилда Эрон аскарларининг Балхга ҳужуми кўмагида турклар Эфталийлар давлати ерларига бостириб киради, Чирчик воҳаси, Чочни

¹² Э.Ртевеладзе. Цивилизация государства, культуры Центральной Азии с 201

эгаллаб олади. Шундан кейин Сирдарёдан ўтиб, Зарафшон воҳаси, Самарқанд, Кеш ва Нахшабни эгаллаб Бухорога якилашадилар. Бухоро яқинида 8 кун давомида шиддатли жанг бўлиб, жангда эфталийлар қўшини турк ҳоконлиги қўшинидан енгилади. Шундай қилиб, бир асрлик ҳукмронликдан сўнг Эфталийлар давлати тамомила ҳалокатга юз тутди. Мазкур давлатнинг ерлари Эрон ва Турк ҳоконлиги ўртасида бўлиб олинади. Амударёнинг жанубий қирғоқларигача бўлган ерлар Эронга, унинг шимолий соҳиллари бўйлаб Каппий денгизигача бўлган ерлар эса Турк ҳоконлиги ихтиёрига ўтади. Аммо Эрон билан иттифоқчилик узокка чўзилмайди. Шундан кейин турклар Византия билан ҳарбий иттифок тузиб Сосонийларга қарши юриш бошлайдилар. 588 йилда Ҳирот шаҳри яқинида турклар Сосонийлар саркардаси Баҳром Чубиндан енгилади, турк ҳокони жангда ҳалок бўлади.

Турк ҳоконлиги марказлашмаган давлат бўлиб, туркий қабилаларнинг иттифоқидан иборат эди. Давлатни ҳокон бошқариб, унинг ҳокимияти уруғ-аймоқчилик анъаналарига суянган ҳарбий маъмурий бошқарувга асосланган эди. Мамлакат аҳолиси кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқонлардан иборат бўлиб, кўчманчи чорвадор аҳоли будун ёки қора будун (қора халқ) деб аталган.

Элнинг ҳокими “ябгу” ёки “жабгу” деб номланиб, фақат ҳокон уруғига мансублардан кўтариларди.

Дастлабки даврда турк ҳоконлари ўтроқ аҳоли яшайдиган вилоятларни кўчманчилар ихтиёрига топширсалар-да, аммо Эфталийлар каби аҳолининг ички ишларига аралашмайдилар. Шу даврда Зарафшон воҳаларида ҳам майда ҳокимликлар мавжуд бўлиб, уларнинг бошқаруви маҳаллий сулолалар ҳукмдорлари қўлида эди. Ҳоконлар улардан бож ва ясоқ ундириб олиш билан кифояланарди. Бунинг эвазига ҳоконнинг кучли қўшинлари деҳқончилик воҳалари чегараларини ташки хуружлардан ҳимоя этарди.

Ўзаро қабилавий ва сулолалар ўртасидаги урушлар натижасида ҳоконлик давлати 603 йилда иккига ажралиб кетади: Мўғулистонда Шаркий турк ҳоконлиги ва Ўрта Осиё, Жунгория ва Шаркий Туркистоннинг бир қисmini ўз ичига олган Ғарбий турк ҳоконлиги. Ғарбий ҳоконликнинг маркази Еттисув эди. VII асрнинг биринчи чорағида Ғарбий ҳоконлик кучайиб Шаркий чегараларини Олтойгача, Жанубий чегараларини Ҳинд дарёсигача кенгайтиради. Ҳокон Туябгу ҳукмронлиги даврида ислохот ўтказилиб маҳаллий ҳукмдорларга “ябгу” унвони берилади ва улар ҳоконнинг ноибига

айланадилар. Ябгуларни назорат қилиш мақсадида мустақил ҳокимликлар устидан назорат қилувчи ҳоконлик вакиллари – тудунлар тизими ташкил этилади.

Ҳоконлиkning ҳарбий-маъмурий таянчи ҳисобланган думу ва нушиби қабила уюшма зодагонлари ўртасидаги ўзаро кураш оқибатида ҳоконлик заифлашди ва бўлиниб кетди. Бундан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси қўшинлари 657-659 йилларда Еттисувга бостириб кирди ва ҳоконлик хитойларга қарам бўлиб қолди. Фақат VII асрнинг охирида ҳоконлик ўз мустақиллигини тиклади. Янги тикланган давлат тарихда Туркашлар ҳоконлиги номи билан юритилади.

Турк ҳоконлигига бирлашган аҳолининг ижтимоий ҳаёти ҳам турлича бўлган, уруғ-жамоачилик одатлари устунлик қилган. Мамлакат будунлар яшайдиган бир қанча элларга бўлинган бўлиб, элларни зодагонлардан чиққан беклар бошқарган. Давлатни бош ҳукмдор-ҳокон бошқарган. Мамлакат аҳолисининг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, йилқичилик ва туячиликка катта эътибор берилган. Ўз навбатида зодагонлар ўзининг хусусий чорвасига, қул, чўри ва хизматкорларига эга эди.

Шаҳар аҳолиси хунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари билан шугулланар, қулолчилик, тўқимачилик, саррожлик, мисгарлик, чилангарлик, темирчилик ва заргарлик анча-мунча ривож топган эди. Турклар саррожлик, металл рудаларини қазиб олиш ва ундан айниқса қурул-яроғ ва зебу-зийнат ясашда жуда моҳир эдилар. Фарғона ва Сўғдда олтин, мис, темир ва симоб қазиб олинарди. Сўғд савдогарларининг мавқеи баланд эди, чунки ҳокон бошлик турк зодагонлари ташқи савдодан катта фойда кўрардилар. Турк ҳоконлиги ва Эрон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашгач, қарвон йўллари жанубдан шимолга кўчган эди. Эндиликда Ғарбий Осиё ва Эрондан келаётган савдо қарвонлари Марв, Омул (Чоржўй) Бойқанд, Бухоро, Самарқанд, Чоч (Тошкент), Исфижоб, Талас ва Сўёбдан ўтиб, ундан Шарқий Туркистонга йўл оларди.

VII асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Турк ҳоконлиги билан Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқалар жонланиб, Хитойга 9 марта савдо элчилари юборилган. Фақат 627 йилнинг ўзида Бухоро, Самарқанд, Иштихон ва Усрушонадан бирлашган жуда йирик савдо қарвони Хитойга етиб борганлиги манбаларда қайд этилган.

Хоконликда деҳкончиликда асосан дон экинлари экилиб, пахта, беда экиш, ток ва боғдорчилик, тутчилик ва уй ҳайвонларини боқиш билан шуғулланилган.

V-VI асрларда Ўрта Осиёда ер ва сувдан ажралиб қашшоқлашиб бораётган озод зироаткор кашоварзлар аста-секин зодагон деҳконлар асоратига тушар ва қарам кадиварларга айланарди. Ижтимоий аҳволи оғирлашган, қарам бўлиб қолган аҳоли деҳқонлар (кишлоқ ҳокимлари) зулмига қарши исён кўтарардилар. VI асрнинг 80-йилларида Бухоро воҳасида шундай исёнлардан бири бўлиб ўтади.

Тарихда Абрўй кўзғолони деб ном олган бу ҳаракат Бухоро воҳасидаги жамоа ерларида яшаган кадиварларнинг йирик ер эгаларига қарши исён кўтариб, уларнинг ҳовли-жойларига ҳужум қилиш, ерларини тортиб олиш, ўзларини эса қувгин қилиш билан характерлидир.

Бухоро воҳасида рўй берган халқ кўзғолонидан Турк хоконлигининг хонадонидан бўлмиш Абоҳон(Абрўй) устамонлик билан фойдаланишга ҳаракат қилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Абрўй турк хокони Моохоннинг ўғли бўлиб, отасининг ўлиmidан кейин бошқа шахзодалар қатори отасининг тахтига даъвогарлик қилган. Аммо тахт учун кураши муваффақиятсизликка учраганидан кейин, ўзига садоқатли кишилар билан хоконлик марказидан қочиb, Бухоро воҳасига келиб қолган эди. Наршахий шундай деб ёзади: “Бир кишини сайлаб амир қилдилар, унинг номи Абрўй эди. Подшоҳ турадиган катта кишлоқ Бойканд эди. Бир қанча муддат ўтгандан кейин, Абрўй ҳукмдорликда улғайиб, шу вилоят аҳлига зулм қилишга тутунди. Халқ ортиқ чидай олмади, деҳқонлар ва бойлар бу вилоятдан қочдилар ҳамда Туркистон ва Тароз яқинида бир шаҳар барпо қилиб, Ҳамукет деб атадилар, чунки Бухородан қочиb кетган тоифанинг раиси бир катта деҳқоннинг номи Ҳамук эди.”¹³

Бухорода қолган кишилар ўзларининг Туркистонга қочиb кетган саркардаларига одам юбориб, Абрўйнинг жабр-зулmidан қутқаришини сўраганлар. Шунда Бухородан қочиb кетган саркардалар ва деҳқонлар хоконнинг олдига борадилар. Бу вақтда хокон Қоражурин Биёғу эди. Ундан ёрдам сўрайдилар. Хокон ўзининг ўғли Шери Кишварни кўп лашкар билан Бойкандга юборади. 587 йилда Бухоро яқинида шиддатли жанг бўлади. Шери Кишвар Бухорога келгач, Бойкандда Абрўйни тутиб банди қилади. Унинг фармони билан бир катта қопни қовок арига тўлдириб, Абрўйни шу қопга соладилар ва у

¹³ Наршахий Бухоро тарихи “Мерос Т 1991, 91-бет

қоп ичида ўлади. Шери Кишварга бу вилоят ёқиб қолиб, отасидан бу ерда қолишга рухсат сўрайди. Рухсат олгач Шери Кишвар Ҳамукетга одам юбориб Бухородан қочиб кетганларини оилалари билан Бухорога қайтариб келтиради. Туркистондан қайтиб келганлар яна ўз мол-мулкларига эга бўлиб, олдинги мавқеларини тиклайдилар. Бухорода қолган камбағал ва ночор кишилар қайтиб келганларнинг хизмат-корлари бўладилар.

Халқ исёнини бостириб, раҳбарини шафқатсизларча жазолаган Шери Кишвар ўз ўғли Нили Хоини (Пармуд) ўрнига қолдириб, Бойканд ҳукмдорлигини унга топширади. Бир йил ўтмасдан Нили Хон Сосонийлар саркадаси Баҳром Чур (Баҳром Чўбин) томонидан ўлдирилади. Унинг ўлиmidан кейин бир қанча вақтларгача Бойкандда укаси Боси Тегин (Хитой манбаларида Поши) ҳокимлик қилган.

Наршахийнинг маълумотига кўра Шери Кишвар (Эл Арслон) Бухоро шаҳристонини (шаҳарнинг мудофаа девори билан ўралган асосий девор кисмини) қурди ҳамда Момотин (Бухоронинг ғарбидаги кишлок), Сақматин (у Сумитан деб айтилган, ҳозирда Чорбакр дейилади) ва Фараб кишлокларини бино қилган. У 20 йил ҳукмдорлик қилган.

Шери Кишвар — Қора Чурун (Тарду, 576-603 йилларда ҳукмронлик қилган) ҳоконнинг тўнғич ўғли, Истамий Ябғу (552-576) нинг набираси бўлиб, унинг асли исми Эл-Арслон, Шери Кишвар унинг исминини форсий вариантдир. Бир гуруҳ тадқиқотчилар уни бухорхудоётлар сулоласининг асосчиси деб ҳисоблайдилар.

Исломдан олдинги даврда Бухоро воҳасида зардуштийликка, шунингдек фетешизмга, бутпарастликка эътиқод қилиш кенг тарқалган. Қадимги сўғд аҳолиси ўтганларни муайян кунларда эслаб, йиғи-сиғи қилиб юзларини тимдалашган ҳамда ўлганлар шаънига таомлар ва ичимликлар қўйишган. Наршахийнинг ёзишича, Варахшада йилнинг охирида 20 кун бозор бўлиб, уни деҳқонларнинг Наврўз бозори (Наврўзи кишоварзон) дейишган, муғлар наврўзи (Наврўзи мугон) эса 5 кун кейин кирган.

Фетешизм — нарсаларга сизгиниш бўлса, бош чаногининг ўзини бутга айлантриш бутпарастлик бўлиб, у анимизм ва фетешизмдан кейинги поғона ҳисобланиб, аждодлар куч-қудратини моддийлаштирган эътиқоддир. Хитой солномасида Бухородаги Жомеъ масжиди Бутлар уйи ўрнига қурилганлиги айтилади. Қадимги Бойканд шаҳрининг бутхонасидан 400 мисқол оғирликдаги қумушдан ясалган бут ҳақида бу ерни истило қилган араблар ўз вақтида ёзиб қолдирган.

Наршахий маълумотига кўра, Ромитан бутхонасидаги кимматбаҳо нарсалар Бухоро хукмдорларидан бирига эрга теккан хитойлик малика томонидан Хитойдан келтирилган экан. Бухоро уйларининг эшикларида бутлар тасвири уйилган бўлиб, ҳар бир уйда ўзининг бути бор эди. Бутхона Бухоронинг Аркида жойлашган эди. Бухоронинг Моҳ бозорида йилига икки марта бут сотилган ва бир кунлик савдо даромади 50 минг дирҳамни ташкил этган.

Бухорода илон боши тасвирланган билагузуклар бўлиб, унинг тасвири болалар чопонининг орасига ҳам тикилган (ёмон кўздан асраш учун). Қадимги Бухорода қирғовул, хўроз, товус ва каптар мукаддас кучга эга деб ҳисобланган ва танасининг қисмлари туморларда ишлатилган. Бухорода бибишак ва сарсузон тақинчокларида қушлар тасвири бўлган. Бало-қазодан сақловчи ва фаровонлик ато этувчи тумор сифатида остона эътиқоди бўлиб, VI-VII асрларда ибодат мажмуаларида унга қурбонлик келтирилган. Остона фетешизми эътиқод даражасига кўтарилган. Бухоронинг Қизилқир I ва Сеталак I мажмуаларида остонага кираверишда коҳинлар дафн этилган. Сиёвуш қабри Бухоронинг шарқий дарвозаси олдида бўлган.

Муг тоғи ҳужжатларига қараганда, бу даврда қулчилик муносабатлари давом этган, бир драхма 4-4,5 грамм қумуш вазнида бўлган, қавушнинг нархи 2 драхм, сигирнинг нархи 11 драхм, 1 дона ёқут тошнинг нархи 80 драхм, 1 отнинг нархи эса 200 драхмга тенг бўлган¹⁴.

Турк ҳоконлиги даврида ҳам моддий ва маънавий маданиятнинг бетақрор намуналари яратилди. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, туркий ёзувнинг тарихи милоддан аввалги II-I асрларга бориб тақалади. Сўғд ва хоразм ёзувлари билан бир қаторда туркий ёзув ҳам қўлланилган. Турк ҳоконлигида яшаган халқларнинг диний эътиқоди, тасаввурлари ҳам турлича бўлган, кўп ҳудодик ҳукм сурган, қуёш, ой, ер-сув, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларга сиғиниш мавжуд бўлган. Осмон худоси Тангри турк қавмларининг энг олий худоси ҳисобланган. Турли хил эътиқодлар туфайли қавмлар ва элатлар ўзаро боғланиб, аралашиб, маънавий жиҳатдан яқинлашиб ҳаёт кечирганлар. Муг тоғидан топиб ўрганилган сўғд ёзувидаги ҳужжатларда турк Уттакин билан сўғд аёли Дугдгунча ўртасидаги никоҳ гувоҳномаси бунинг ёрқин мисолидир¹⁵.

¹⁴ М.Исҳоков Унутилган подшоҳликдан ҳафтар Т. 1992.30-бет

¹⁵ М.Исҳоков Унутилган подшоҳликдан ҳафтар Т. 1992.37-бет

Илк Ўрта асрларда Бухоро воҳасида Бухоро, Бойканд, Варахша, Вардона ва Ромитан каби шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожланган. Варахша V асрда яна тикланиб Бухоронинг қадимги ҳукмдорлари – Бухорхудотларнинг қароргоҳига айланган. Шу даврда Варахша мустаҳкам девор билан ўралиб, унинг жанубий қисмида арк бунёд этилган. VI асрга келиб Вардонзеда ҳукмдорлик қилган Вардонхудотлар Зарафшон водийсидаги энг кучли ҳукмдорга айланган.

Ромитанда (Ромтин) ҳукмдорларнинг қиш фаслида яшайдиган турар жойлари барпо этилган. Қадимги даврда Ромитан Рийомитан, Ромисан, Арийомисан, Чоршанбе деб аталган¹⁶. Сўғдиёнанинг ҳудудига ўша вақтда ҳозирги Панжикентдан Карманагача бўлган ерлар кирган. Бухоро эса VII асрда мустақил мулклар иттифокидан иборат алоҳида бирлашма сифатида Самарқандга бўйсунмай қолган. Унинг подшоси бухорхудот унвони соҳиби бўлган. VI-VII асрларда савдо-сотик ишлари жанубдан шимолга томон кўчган. Бунда бойкандлик савдо-гарларнинг олди-сотдиларни амалга оширишдаги мавқеи кўтарилиб, савдо ишида фаоллик қилишган.

3-БОБ. АРАБЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА БУХОРО

VII асрнинг бошида Арабистон ярим оролида йирик Араб давлати ташкил топди. Араб қабилаларининг бирлашиш йўлидаги интилиши турли қадимий диний эътиқодларнинг марказлашувига олиб келиб, йирик савдо ва маданият маркази бўлган Макка шаҳридаги Каъба масжиди катта аҳамиятга эга бўла бошлади. Арабларнинг ҳошимий қабиласидан чиққан Муҳаммад қабилалар иттифоқининг етакчиси бўлиб қолди. 622 йилнинг 15 июлида Муҳаммад тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчиши (ҳижрат) билан мусулмон эраси бошланди. 632 йилда Муҳаммад Пайғамбарнинг вафотидан сўнг унинг издошлари (ўринбосар-халифа) Абубакр, Умар, Усмон ва Алилар халифалик давлатини бошқардилар, ислом динини атрофдаги ўлкалар ва мамлакатларга ёйдилар, исломлаштириш даври бошланди.

Араб манбаларида Амударёдан шимолда жойлашган ерларни “Мовароуннаҳр”, яъни “дарёнинг нариги томони” деб аташган. Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисми, Эроннинг шимолий шарқий қисми ҳамда ҳозирги Жанубий Туркменистоннинг

¹⁶ Тўра Ҳаджимов, Исмоил Қобилов. Қадимий ва навқирон Ромитан Т. Ўзбекистон, 1997, 19-бет

Амударёгача бўлган қисми Хуросон деб юритилиб, унинг маркази Марв шаҳри бўлган. Хуросонни бошқариш учун ноиб тайинланиб, у Марвни ўзига қароргоҳ қилиб олган эди. Ўз вақтида Мовароуннаҳрга уюштирилган ҳужумлар Хуросон ноиби томонидан амалга оширилган.

Араблар томонидан Ўрта Осиёга уюштирилган юриш икки босқичда амалга оширилиб, биринчи босқичнинг мақсади – маҳаллий ҳукмдорларнинг қуч-қудратини аниқлаш ва бойлик орттириш эди. Хуросон вилоятига 50 минг араб оиласини қучириб келиш билан бошланган ҳаракат натижасида араблар 654 йилда Маймургта, 667 йилда эса Чағониёнга ҳужум қилдилар. Араб ҳарбий қўшинлари енгил ва оғир отлик ҳамда пиеда аскарлардан иборат бўлиб, оғир отликлар қўчманчи аёнлардан, енгил отликлар оддий араблардан, пиедалар эса босиб олинган ўлкалар аҳолисидан ташкил топган эди.

Бухоро тарихчиси Наршахийнинг ёзишича, 673 йилнинг кузида халифа Муовия (661-680) нинг фармони билан Убайдуллоҳ ибн Зиёд Амударёдан ўтади ва Бухоро вилоятига бостириб кириб, Бойқанд ва Ромитан (Ромтин)ни эгаллайди, қўп кишиларни асир қилади. Убайдуллоҳнинг ўзи 4 минг асирни шахсан ўзига олади. Бу вақтда Бухорода бухорхудо Бидуннинг хотини Хутак (айрим манбада Қабаж хотун) хотун ҳукмронлик қиларди (Эрининг ўлиmidан кейин ўғли Тугшоданинг ёшлиги боис ҳукмдорликни ўз қўлига олади ва 22 йил (673-695) давомида Бухоро вилоятини бошқаради).

Убайдуллоҳ Бухоро шаҳрини камал қилади. Хутак хотун Турк хоқонидан ёрдам сўраб, Убайдуллоҳдан 7 кунлик муҳлат олади, аммо турклар етиб келмагач, яна 7 кунлик муҳлат сўрайди. Шу муддатда турклар ёрдамга етиб келади. Бироқ бирлашган қучлар араблардан енгиледи. Мусулмонлар қурол, қийим-кечак, тилла ва қумушдан ишланган нарсалар ва асирлардан иборат катта ўлжани қўлга киритиб, Бухоро шаҳри атрофини вайрон этади. Шундан кейин Бухоро ҳукмдори бир миллион (бир лак) дирҳам эвазига араблар билан сулҳ тузади.

676 йилда Хуросон ноиби Саид ибн Усмон бошчилигидаги араб лашқари яна Бухоро ерларига бостириб қиради. Хутак хотун яна сулҳ тузишга ҳаракат қилади, аввалги сулҳни эслатади. Аммо арабларнинг қарори қатъий эди. Сулҳга эришилгач, урушга тайёргарлик қўрилиб, Сугд, Кеш ва Нахшабнинг қўшини тўпланади ва Бухоро маликаси арабларга қарши урушиш учун қўшинни жангга ҳозирлайди. 120 минг кишилиқ катта қўшин саф тартади. Бироқ сугдликлар бухороликларни

Ўз ҳолига ташлаб, жанг майдонини тарк этадилар. Бундай вазиятда сулҳ тузишдан бошқа чора қолмаган эди. Сулҳ тузиш вақтида Саид ибн Усмон кафолат сифатида бухоролик обрў-эътиборли кишилардан 80 нафарини гаровга беришни талаб қилади. Шунда Бухоро ҳукмдори маликзодалар ва деҳқон(қишлоқ бойлари)лардан иборат 80 кишини араблар ҳузурига юборади. Саид ибн Усмон Бухоро билан сулҳ тузгач, Сугдга, Самарқандга бориб кўп жанглари амалга ошириб, 30 минг кишилиқ асир билан қайтиб келади. Хўтақ хотун гаровдагиларни Бухорода қолдириб кетишни сўрайди. Саид эса Амударёдан ўтиб, кейин Марв, кейин Куфадан ўтиб, юборишни ваъда қилади ва уларни Мадинагача олиб кетади. Наршахийнинг ёзишича, гаровдагилар Мадинада Саидни ҳам, ўзларини ҳам ўлдирганлар¹⁷.

Араблар босқини шу заълда 704 йилгача ҳам давом этган. Бухоро, Самарқанд ва Термиз атрофларига бир неча марта талончиликдан иборат бўлган хуружлар уюштирилган. Бир томондан, Ғарбий Турк хоқонлигининг ўзаро урушлар ва Хитойларнинг ҳужумидан заифланиб бўлиниб кетганлиги, иккинчи томондан Сугдиёнада ягона ҳокимиятнинг мавжуд эмаслиги, маҳаллий ҳукмдорларнинг тарқоқлиги арабларнинг мамлакат ичкарисига тўхтовсиз кириб боришига имкон яратиб берган эди. 704 йилга келиб, Ёттисув ҳокимлиги туркашлар қўлига ўтгандан кейин, туркийлар сўғдийларга ёрдам бера бошлади.

VIII асрнинг бошларига келиб Араб халифалигида қаттиқ тартиб-интизом ўрнатилиб, ўзаро жанжалларга чек қўйилади. 705 йилда Хуросон ноиб Кутайба ибн Муслим Аҳарун ва Шуманни (Ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида) эгаллаш учун отланади. Бирок юриш муваффақиятсизликка учрайди ва кейинги йилда Зарафшон водийсига юриш бошланади. Кутайба олдин Марвга йўл олади, ундан Марварудга, сўнг Омулга, Каркига ва кейин Амударё кечувчи орқали Бухорога тегишли бўлган Бойкандга ҳаракат қилади.

Бойкандликлар Сугдиёна ва бошқа жойлардан, турклардан ёрдам сўрашди. Бойканд шаҳри мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинган, дарвозалари жездан ясалган (шунинг учун ҳам уни “Шаҳристони Руин” ёки “Мис шаҳар” деб аташган) бўлиб, қалъа деворларининг буржлари(миноралари) мустаҳкам эди. Қалъа қалин (3,5-5 м) ва баланд деворлар ҳалқаси билан ўралган ҳамда девор бўйлаб ҳар 60 м масофада ва ташқи бурчакларда баланд (11,5-12,5) икки қаватли буржлар ўрнатилиб, дарвоза атрофи мудофаа

¹⁷ Наршахий. Бухоро тарихи // Миров. Т. 1991. 115-118 бет.

иншоотлари (лабиринт) билан мустаҳкамланган. Шаҳар деворлари ва буржлари ҳар 1,6 м оралиғи бўйлаб шахмат усулида уч катор нишон туйнуқлари (тиркаш) ўрнатилган эди. Буржларни қуриқлаш учун бойкандлик бой савдогарлар томонидан чокарлар ёлланган бўлиб, уларнинг кўпчилигини туркийлар ташкил этган.

Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим Бойкандни эгаллаш учун уни 50 кун мобайнида қамал қилди. Табарийнинг ёзишича 2 ой мобайнида Қутайбадан халифа ал-Ҳажжожга ҳам, ундан Қутайбага ҳам хабарчи бормаган, яъни шу вақт ичида жанглар давом этган. Қутайба қалъага кирган одамга бўйи баробар олтин бераман деб эълон қилгандан сўнг, қалъа деворининг тагидан казиб, ичкарига кирадилар ҳамда қалъани эгаллайдилар. Бойкандликлар араблар билан сулҳ тузишган. Арабларнинг Боҳил қабиласидан бўлган Варқо ибн Наср Боҳилий Бойкандга амир этиб тайинланган. Сўнгра араблар маълум муддатга Бойканд шаҳрини тарк этишган.

Бойканд аҳолиси орадан кўп ўтмай исён кўтарган ва араблар қароргоҳини ағдар-тўнтар қилиб ташлаган (Наршахийнинг таъкидлашича, бойкандликлар мағрур бўлиб, бошқа мамлакатга борганларида ҳам бухороликман деб айтмас, бойкандликман дер экан). Қутайбага Бойканднинг амири ўлдирилди деган хабар етиб боради. Исённинг келиб чиқишига сабаб бир бойкандликнинг икки қизини ҳам амир Варқо ўзига хотинликка олгани бўлган. Ғазабланган бойкандлик амирга пичоқ урган, аммо у ўлмади қолган. Хабар Қутайбага етиб бориши билан у бу ерга қайтиб келади ва шаҳар қайтадан ишғол этилиб, талон-торож қилинади, кўпчилик ўлдирилади ва асирга олинади. Бойкандликларнинг аксарияти савдогар бўлгани учун бу вақтда Хитой ва бошқа ўлкаларда эди. Улар қайтиб келишиб, ўз яқинларини пул тўлаш эвазига қайтариб оладилар. Табарийнинг маълумотига кўра, Бойканддан асирга олинганлар ичида бир кўзлик одам бўлиб, у ўзини араблардан сотиб олиш учун Қутайбага қиймати бир миллион дирҳам турадиган беш минг бўлак (бир бўлак 13,3 метрни ташкил этиб, ўша даврда бир қўйлақлик мато шу ўлчамдан чиққан) Хитой ипагини таклиф этган. Шу бойкандлик туркларни ёрдамга чакирган ҳарбий бошлиқлардан бири бўлганлиги учун Қутайба уни ўлдирган. Бойкандни эгаллаб олган араблар маҳаллий аҳолининг бойлигидан хайратда қолган. Улар жуда катта ўлжага — олтин, қумуш идишлар, ҳайкалчапар ва бошқа буюмларга эга бўлишган. Эритилган тилланинг ўзи 150 минг мисқолга тенг эди. Бундан ташқари, улар катта миқдорда нодир буюмлар ва қурул-

яроғларни олиб кетишди. Араблар қўлга олинган ўлжадан қўшинни қайта қуроллантириш, от сотиб олиш учун фойдаланган. Маҳаллий қурол-яроғни олган араблар унинг сифатига қойил қолишган. Чунки Бойканд савдо-сотиқ билан ном чиқарган шаҳар бўлиб, унда ўзида ишлаб чиқарилган ва ташқаридан келтирилган буюмлар кўп эди. Ибн ал-Хурдодбехнинг ёзишича, араблар Бойканддан жуда катта, нарвон билан чиқиладиган қозонни ўлжа қилиб олганлар (Демак, араблар қелишидан олдин бойкандликлар бу қозонда сумалак ёки шунга ўхшаш байрам учун зарур бўлган таомни пиширишган).

707 йилда Қутайба яна Бухорога юриш бошлади ва қадимий шаҳар Ромтин (Ромитан) ни эгаллади. Бироқ бу ерда ёрдамга келган туркийларнинг каттик қаршилигига дуч келиб, Ромитандан нарига ўта олмади.

708 йилда Халифа ал-Харрож Қутайбага мактуб йўллаб, Бухорога қайтишни ва уни ишғол қилишни амр қилади. Бироқ Қутайба бу ишнинг уддасидан чиқа олмади. Унинг Танзор исмли араб бўлмаган айғокчиси бўлиб, бухороликлар уни сотиб олади. Танзор Қутайбадан бу ерни тарк этиб, ташлаб кетишини сўрайди, аммо у фош этилиб, ўлдирилади. Наршахийнинг ёзишича, Қутайба Хунбунга қараб жўнади ва кўп жанглар қилиб Хунбунни, Таробни ҳамда кўпгина майда қишлоқларни олди ва Вардонага кетди. У ерда Вардонхудоёт номли бир подшоҳ бор эди, у билан кўп урушди. Бухоро қишлоқларидан Тароб, Хунбун ва Ромтин оралигида кўп лашкар тўпланиб Қутайбани ўраб олдилар. Сўғд подшоҳи Тархун кўп лашкар билан, Хунук худот кўп аскар билан, Вардонхудоёт ўз аскар билан келдилар. Хитой подшоҳининг жияни Қурмағонунни ҳам ёллаган эдилар, у 40 минг аскар билан ёрдамга келди. Қутайбанинг иши огирлашди¹⁸. Вардонхудоёт Зарафшон водийсидаги ҳукмдорлар ичида энг кучлиси бўлган. Бир вазир Туркистондан келган эди ва Вардонхудоёт номли бу вазирга бутун Вардона ерлари тегишли эди, деб ёзади Наршахий. Бошқа муаррих Табарийнинг хикоя қилишича, 708-709 йиллардаги жангда араб қўшинлари Вардонхудоётдан енгилгач, Қутайба ҳийла ишлатиб Вардонхудоётга ёрдамга келган Сўғд ҳокими Тархун билан сулҳ тузиб, бирлашган кучларни заиф қилиб қўйиш йўли билан ғалаба қозонган. Наршахий буни қўйидагича баён этган. Қутайбанинг яқинларидан бири бўлган Ҳайёни Наботий Сўғд ҳокими Тархуннинг олдига келиб, ҳаво совиб бормоқда, бизлар иссиқ вақтида бу ерда бўламиз, совуқ тушиши билан жўнаб кетамиз, Турклар эса сенинг

¹⁸ Наршахий, Бухоро тарихи // Мерос, 121-бет

ерларингни биз кетишимиз билан эгаллаб олади, сен яхшиси Қутайба билан сулҳ тузгин, Туркларга эса Хуросон ноибнн Ҳажжождан Кеш ва Нахшаб йўли билан арабларга қўи лашкар ёрдам келаяпти деб тушунтирасан дейди. Сўгд ҳокими Тархун ҳам бу гапга ишониб, дарҳол бориб Қутайба билан сулҳ тузиб, икки минг дирҳам юборган. Сўгд лашкари қайта бошлаган, шу аснода Қўрмагонун туркнинг одамига ҳам арабларга қўшимча лашкар ёрдамга келаятгани айтилган. Тўрт ой давомида Қутайбанинг лашкари Бухорога киролмай турган эди. Бухоро аҳолиси ҳар сафар ислом лашкари келганида мусулмон бўлар, улар қайтиб кетганида (қишда) эса яна диндан қайтардилар. Вардонзе ҳукмдори араблар истилоси даврида мустақил бўлиб, у бухорхудотлардан қўра араблар учун хавфлироқ бўлган. Чунки Вардонзе Туркистон ерлари билан чегарадош бўлиб исталган пайтда туркийларни ёрдамга чақириши мумкин эди.

709 йилда Қутайба катта қўшин билан яна Бухорога юриш бошлади. Бу сафар Бухоро ҳокими турк ва сугдийлардан ёрдам ололмади ва мағлуб бўлди. Қутайба бошчилигидаги араб лашкари Бухорони эгаллаш учун 4 марта юриш қилди. Тўртинчи марта Қутайба ибн Муслим жанг қилиб Бухоро шаҳрини эгаллади. Қутайба билан сулҳ шартномаси тузилади. Сулҳга қўра, бухороликлар ҳар йили 200 минг дирҳам халифага, 10 минг дирҳам Хуросон ноибига, уйлар ва экин ерларининг ярмини мусулмонларга берадиган бўлдилар. Бундан ташқари шаҳар ташқарисида турувчи бухороликлар арабларнинг отлари учун беда, ўзлари учун ўтин ва бошқа зарур нарсаларни бериб турадиган бўлдилар. Бухорони исломлаштириш қийин кечган. Аҳоли ислом динини юзаки қабул қилиб, ҳақиқатда эса бутпарастлик қилишган. Қутайба араблар билан бирга туриб, уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар деган мақсадда Бухоро аҳолисига уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб буйруқ чиқаради. Масжиди жоме бино қилиб, жума намозига келганларга икки дирҳамдан берилади. Араблар Бухорони эгаллаганларидан сўнг биринчи амир Айюб бўлган. Амир Айюб ва ундан кейинги амирлар Бухоронинг Қоҳ кучасидаги саройда туришган. Бухоронинг араблар томонидан эгалланиши бошқа ҳукмдорларга каттиқ таъсир қўрсатди.

Бухородан кейин Сўгднинг бошқа шаҳарлари ва бутун Мовароуннахрнинг Хитой чегараларигача бўлган ерлари бирин-кетин забт этилади. Араб лашкарбошиси Қутайба 705-715 йилларда бу

ерларни бўйсундиради ва 715 йилда Фарғонада араб лашкарининг исёни вақтида ўлдирилади.

VIII асрнинг 20-йилларида араб халифалигидаги нжтимоий-сиёсий вазият анча мураккаблашди. Халифа Умар ибн Абдулазиз (717-719) араб бўлмаган (Ажам) мамлакатларидаги вазиятни инобатга олиб, Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳр халқларидан хирож ва жузъ солиғи олишни бекор қилди. Аммо Хуросондаги ноиблар бунинг халифаликнинг молиявий сиёсатига зид деб уни бажаришдан бош тортди. Бироқ Мовароуннаҳрнинг қўпчилик зодагонлари ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаб солиқ тўламай қўйди. Бунинг оқибатида исломдан чиқиш ва эски эътиқодга қайтиш авж олди. Халифаликнинг солиқ сиёсатига қарши ҳаракат 720-740 йилларда бутун Ўрта Осиёда бўлиб ўтди.

Бағдоддан махсус солиқ йиғувчи Бухорога келиб, солиқларни ўзи жамлаб кетган. Солиқлар пул ёки маҳсулот шаклида тўланиб турилган. Солиқ Мовароуннаҳрда ҳам бошқа вилоятлардаги каби уч хил шаклда йиғилган: 1) Қавонин ёки муқатиъа – майда вилоятлар ва туманлардан хазинага келиб тушган йиғим. 2) Мақосима – ҳосилнинг маълум улуши миқдорида тўланган. Унинг ҳажми суғоришга боғлиқ ҳолда белгиланган. 3) Мисоха – ер ҳажмига қараб миқдори белгиланган солиқ бўлиб, унда экин экилиши ёки экилмаслигига эътибор берилмаган. Аҳолининг асосий қисми жузъа (жон солиғи) ва хирож (ер солиғи) тўлашган. Хирож ҳосилнинг маълум миқдорида, қўпинча уялпи маҳсулотнинг учдан бир қисми ҳисобида олинган. Бу даврда меҳнатқашлар таркибига ярим озод қадиварлар, озодликка чиққан қўллар ва қарам қўллар кирган. Йирик ер эгалари – деҳқонлар араб халифалиги даврида ҳам ўз ерларининг эгалари бўлиб қолдилар, аммо улар янги шароитда ижарадорга айланиб, даромаднинг маълум қисмини халифалик хазинасига жўнатишга мажбур эдилар. Деҳқонлар ерларини майда бўлақларга тақсимлаб, зироаткорларга ижара тарзида бўлиб беришган.

Табарийнинг маълумотига кўра, 728-729 йилда Бухоро воҳасида ҳам шундай қўзғолон бўлиб ўтган. Халифаликнинг Хуросондаги ноиб Ашрас бин Абдуллоҳ ас-Сулаймийнинг исломни қабул қилган кишилардан жон солиғи олинмаслиги тўғрисидаги қондани бекор қилиши муносабати билан қўзғолон кўтарилган. Ашрас қўшини Бойканд томонга ҳаракат қилади. Бойкандликлар ва турклар арабларнинг сув таъминотини издан чиқарадилар. Катон ибн Қутайба ва Исҳоқ бин Муҳаммад бошлик арабларнинг бирлашган отряди

билан Туркашлар хоқони ва саркардаси Курсил(Сули) бошчилигидаги бойкандликлар ўртасида катта тўқнашув бўлиб, араблардан 700 киши ўлдирилган. 737 йилда Сўғд ва Тохаристон аҳолиси олий турк хоқони бошчилигида арабларга қарши қўзғолон кўтарган. Ўша йили Турк хоқони сўғд ва турклардан иборат 50 минг қўшин билан Асад ибн Абдуллохга қарши урушган. Сўғднинг ихшиди Ғўрак шу жангда ўлдирилган. Охириги ихшид унинг ўғли Турхор бўлган¹⁰.

Араб халифалигининг ичкарасида юзага келган вазият, бекарорлик бутун халифалик худудига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Умавийлар ва Аббосийлар деб аталувчи икки гуруҳ ўртасидаги ихтилофларга бутун халифалик тортилган. Халифалик бошқарувини Муҳаммаднинг авлодларига топширишни ёқлаб чиққан Аббосийлар гуруҳи халқнинг оғир аҳволга тушгани учун Умавийларни айблайди. 730-йилларда Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Насафда ҳам шундай ҳаракатнинг тарғиботчилари кўпайди.

739 йилда Самарқанд ва Сўғдда кўтарилган қўзғолон (хорижийлар ҳаракати)ни бостира олмаган Наср ибн Сайёр Бухорога келиб, маҳаллий зодагонлар билан яқинлашишга ҳаракат қилади ҳамда бухорхудо Тўғшода II нинг қизига уйланади. Маҳаллий халқни ўзига оғдириб олиш мақсадида, мусулмон бўлганлардан жузъя солигини олишни бекор қилади, хирож солигини тўлашни ҳамма (араблар ва араб бўлмаганлар) учун мажбурий қилиб қўяди. Наср ибн Сайёр Самарқандга юриш қилиб, Харис ибн Сурайж бошчилигидаги хорижийлар ҳаракатига қарши курашни бошлайди, шундан кейин Хариснинг тарафдорлари Шош томонга чекинади. 741 йилда Наср Шошга кетганларнинг қайтиб келишларига монечик қилмаслик тўғрисидаги талабга ҳам розилик билдиради.

Бухорхудотнинг араблар билан яқинлашувидан унинг қариндош-уруғлари хавотирга тушади. Чунки, Тўғшода II нинг кизини сепи учун Хунбиндан берган катта миқдордаги ер-суви унинг қариндошларини ер-сувга бўлган ҳуқуқларини камайтирар, шунингдек, бухорхудо тлар тахтига араблар учун йўл очиб берарди. Насрнинг эришган муваффақиятларига қарамай, Бухорода арабларга қарши ҳаракат кучли эди. Ана шундай вазиятда Тўғшода II қариндошлари томонидан ўлдирилади ва бухорхудо тлар тахтини Тўғшоданинг укаси, яъни Кутайба ибн Тўғшода I эгаллайди.

Кутайба ибн Тўғшода I ҳукмронлиги (739-753) даврида Хуросонда арабларнинг мударий ва аздий қабилалари ўртасида кураш

¹⁰ III Қироматиддин Сўғднинг сўғатти ихшиди. Мочийдан садо, 2012 й. 1-сон

булади. Аздийлар Насрни тўрт йил давомида олий лавозимларга фақат ўзининг кабиладошларини тайинлаганликда айблашади. Маҳаллий ер эгалари ҳам аздийларни қўллаб-қувватлайди. Можаро халифаликка ҳам етиб бориб, улар умавийларни ҳокимиятдан ағдармоқчи бўлишади. Бу ҳаракатга 746 йилда Абу Муслим бошчилик қилади. Наср ибн Сайёр Хуросон ноиблигини ташлаб, Дамашққа кочиб кетади. Абу Муслим юборган Ҳасан ибн Кахтаба умавийларни ағдариб ташлайди.

Охир-окибатда Умавийлар сулоласи ағдарилиб, ўрнига Аббосийлар хонадонидан бўлган Абуаббос Саффоҳ (749-754) халифалик тахтига чиқади. Бунда саркарда Абу Муслимнинг хизмати катта бўлди. Абу Муслимнинг обрўси ортиб борганидан хавфсираганларидан уни пойтахтдан олисроқ бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳрга ноиб этиб тайинлайдилар. Лекин оддий халкнинг аҳволида ўзгаришлар бўлмайди ва яна норозиликлар давом этади.

Мутаххар Муқаддасийнинг таъкидлашича, ас-Саффоҳ ҳукмронлигининг учинчи йилида Шарик ибн Шайх ал-Маҳрий Абу Муслимни Али авлодларининг конини ноҳак тўкканликда айблаб унга қарши бош қўтиради. Наршахийнинг ёзишича, Шарик жанговар киши бўлиб, шиа мазҳабидан эди. У одамларни Алининг авлодларини халифа қилиб қўтаришга чакирарди. "Биз умавийлардан эндигина қутулдик, аббосийлар зулмига тутилишимиз керак эмас, пайғамбарнинг халифаси пайғамбар авлодидан бўлиши керак"²⁰ Халк норозилигининг янада кучайиб бориши окибатида 750 йилда Бухоро шаҳрида янги сулолага нисбатан Шарик ибн Шайх ал-Маҳрий бошчилигидаги қўзғолон бошланди. Мазкур қўзғолонда 30 минг бухоролик қатнашиб, уларнинг орасида Бухоро ва Хоразмлик амирлар ҳам бўлган. Бухоро амири Абдулжаббор ибн Шуайба ва Хоразм амири Абдумалик ибн Ҳарсама ҳам бу ҳаракат тарафдорлари эди. Исён тўғрисидаги хабар Хуросон ноибига етиб бориши билан у Зиёд ибн Солихни 10 минг аскар билан Бухорога юборди. Зиёд ибн Солих қўшини билан Бухоро дарвозаси олдига келиб исёнчиларга қарши уруш бошлади. Бутун Бухоро аҳли ноиб Абу Муслимга қарши урушиш учун исёнчиларга қўшилади ва 30 кун давомида икки томон ўзаро урушади. Бу жангда Шарик тарафдорларининг қўли баланд келади. Аммо 751 йилнинг кузига бориб вазият ўзгаради. Бухорохудоёт Қутайба ибн Тугшода ҳам 10 минг аскари билан Зиёд ибн Солихга қўшилади. Қора байроқ қўтариб (аббосийларнинг байроғи қора рангда

²⁰ Наршахий Бухоро тарихи Т. I 966, 74-бет

бўлган) Зиёд ибн Солихга қўшилган бухорхудо ташқарисидagi 700 қўшкни (шаҳарнинг бой-зодагон кишиларидан 700 нафари араблар шаҳарни эгаллаганидан сўнг, шаҳар ташқарисига чиқиб жойлашган эди, чунки араблар шаҳар ичкарисидagi уйларнинг ярмини эгллаб, ўзлариники қилиб олишган эди) ҳам қора байроқ кўтаришга ҳамда Шарик тарафдорларини озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминламасликка даъват этади. Озиқ-овқат ва ем-хашак масаласида исёнчиларнинг аҳволи огирлашади. Бухорхудо Зиёд ибн Солихга Шарик тарафдорларининг орқа томонидан ҳужумга ўтишни, уларнинг олдинги қисмини ўтказиб юборишни маслаҳат беради. Шарик лашкарлари Навкандага етканларида, уларни таъқиб этишни тўхтатадилар. Очлик ва ташналикдан эзилиб кетган лашкарлар ҳали пишмаган меваларни ва қовунларни еб касал бўладилар ва қаршилиқ кўрсатишга мадорлари қолмайди. Навканда мавзеси билан Бухоро шаҳри ўртасида кўзғолончиларга қарши уюштирилган ҳужум вақтида отидан йиқилган Шарик ибн Шайх ал-Маҳрий ўлдирилади. Шарикни мағлуб этган Зиёд Бухоронинг бир қисмини эгаллаб олади. Кейин у ва Қутайба бухорхудо Шайхристонга йўл олишади. Аммо, Бухоронинг амири Абдулжаббор ибн Шуайба шаҳарни топширишдан бош тортади. Шунда бухорхудо Қутайба Зиёд ибн Солихга агар бухороликлар шаҳардан ташқарига чиқиб ҳужум қилмоқчи бўлсалар, уларга қарши ҳужум қилишни маслаҳат беради. Ҳарҳолда бухорхудо Бухоро шаҳрини ва қалъасини вайрон бўлишини истамаган. Аммо, Зиёднинг сабр-тоқати бунга чидамайди. Зиёд ибн Солих Бухоро шаҳрининг Мох дарвозасига, анҳор лабига келиб тўхтади ва шаҳарга ўт қўйишни буюради, шаҳар 3 кун давомида аланга ичида қолади. Шарикнинг ўғли ва унинг лашкарбошиларида бирини ушлаб олиб дорга осадилар. Зиёд ибн Солих шаҳар аҳолисидан кўп кишини ўлдиртиради. Шу тарзда Бухородаги исён бостирилади.

753 йилда Абу Муслим катта жазо отряди билан Марвдан чиқиб Амулга келади. Шу ерда Зиёд ибн Солихнинг унга қарши чиқаётгани, унинг қўлида Хуросонга ноиблик қилиш ҳуқуқини берадиган ёрлик борлиги тўғрисидаги хабарни олади. Абу Муслим Зиёд ибн Солихга қарши ҳужум бошлайди ва Бухорога етиб келади.

Кўпчилигини араблар ташкил этган Бухоро зодагонлари Зиёд билан тил топишадилар ва Абу Муслимга қарши курашга бел боғлайдилар. Зиёд ибн Солих тарафдорлари тор-мор этилиб, унинг боши Абу Муслимга юборилган. Бухорхудо Қутайбани ва Зиёднинг қўллаб-қувватлашга ваъда берган Самарқанд малики Аббосий

халифанинг фикрини билиб, Абу Муслимнинг аббосийларга қарши курашини қўлаб-қувватлашга қарор қилган. Самарқанд малики томонидан қўлга олинган Зиёд тарафдорлари орасида бухорхудо Кутайба ҳам бўлган. Кутайба исломдан воз кечган пайтда Абу Муслим уни ўлдириб, тахтни укаси Бунёд (753-776)га берган.

Орадан кўп ўтмай, 755 йилда Абу Муслим халифа Мансур (754-775) томонидан Бағдодга чақириб олинади ва хоинона ўлдирилади. Унинг ўлими билан халифалик Шаркида, хусусан Хуросон ва Мовароуннаҳрда Аббосийларга қарши халқ оммасининг ҳаракати авж олади. Жумладан, 770-780 йилларда Мовароуннаҳрда “оқ кийимликлар” кўзғолони деб ном олган Муқанна бошчилигидаги ҳаракат кенг ёйилади. Ҳаракатга Муқанна (Никобдор) лақаби билан машҳур бўлган марвлик хунарманд Ҳошим ибн Ҳаким раҳбарлик қилади. У Маздак гояларига (ижтимоий тенгликни, хусусан ер-замин, бойлик-зар, ҳокимият-зўр, аёллар-занни тенг равишда тақсимлаш) асосланган ижтимоий тенглик ва эркин ҳаётга даъват этувчи таълимотни тарғиб этиб, пайғамбарликни даъво қилгани ва Хуросон ноибининг халифага қарши исёнида қатнашгани учун халифа Мансур томонидан зиндонга ташланган эди. Зиндондан қочиб, 769 йилда яна Марвга қайтиб келади ва атрофига тарафдорларини тўплаб, араблар зулмига ва ҳукмронлигига қарши кўзғалишга даъват қилиб Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларига ташвиқотчи (дойи) ларини юборади. Яъқубнинг ёзишича, Муқаннани Ҳошим ул-аъвар, яъни бир кўзли Ҳошим деб ҳам аташган. Абу Муслим даврида кичик лашкарбоши (сарханг), Абдулжаббор Аздий (757-759) даврида эса вазирлик даражасига кўтарилган. Наршахийнинг ёзишича, Муқанна кўп ўқиган, гоёт зийрак бўлиб, кимёгарлик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганган, араб ва форс тилини яхши билган. Бир кўзи кўр, боши қал, башараси хунук бўлганидан боши ва юзига кўк парда тутиб юрган ва шунинг учун “Никобдор” (Муқанна) дейилган²¹.

Тез орада бутун Кашкадарё воҳаси Муқанна тарафдорлари қўлига ўтган ва ундан бошқа вилоятларга ҳам тарқала бошлаган. Муқанна ўзига қароргоҳ сифатида Сом тоғидаги қалъа (Шахрисабз шаҳри яқинида) ни танлайди. Самарқанд, Кеш, Бухоро ва Наршах шаҳарлари кўзғолончилар марказига айланади. Қишлоқларда араб амирларини ўлдира бошлаганлар. Шахрисабзда (Кеш) амирни ўлдириб, меҳтар бошчилигида кўзғолончилар томонига ўтишган. Араб амирлари ва йирик ер эгалари Мовароуннаҳрдан қочиб Бағдодга

²¹ Наршахий Бухоро тарихи // Мирас 138-бет

боришган ва халифадан ёрдам сурашган. Халифа абу Жаъфар Мансур 775 йилда Жаброил ибн Яхё ва укаси Лайсни катта қўшин билан Муқаннага қарши курашишга юборган. Яхши қуроолланмаган, тажрибасиз деҳқон ва ҳунармандлар билан арабларнинг мунтазам армиясига қарши курашиш оғирлигини билган Муқанна қўшни турк хоқонларидан ёрдам сўрайди. Холиқ хоқон бошчилигидаги катта қўшин араблар гарнизонига бир неча марта ҳужум қилиб, уларнинг мол-мулкани талайди. Туркларнинг кўпчилиги ҳали мусулмон бўлмаган эди ва шу боис арабларга қарши курашда фаол иштирок этган эди.

“Оқ кийимликлар” (улар оқ матодан кийим кийгани учун шундай аталган) қўзғолони 776 йилдан бошлаб Бухоро воҳасида ҳам кучаяди. Наршах қалъаси қўзғолончиларнинг қўргонига айлантирилган. Бухоро амири Ҳусайн ибн Маоз (776) ҳукмронлиги даврида оқ кийимликларни бир гуруҳи Нумижкат қишлоғига келиб масжиддаги мусулмонларга Муқаннанинг эътиқодини тарғиб этади, аммо масжиддагилар буни тан олмайди, шундан кейин уларни ўлдирадилар. Бу Муқанна тарафдорларининг биринчи ҳаракати эди.

Муқаннанинг Бухородаги ўринбосари бухоролик Ҳаким ибн Аҳмад бўлиб, у билан бирга яна 3 нафар лашкарбошилари ҳам бор эди. Биринчиси — Ҳашвий, иккинчиси — Богий, учинчиси — Гирдак бўлиб, Ҳашвий ва Богий Бухоронинг Фузайл қўшқидан, Гирдак эса Ғиждувон қишлоғидан эди.

Муқанна тарафдорлари томонидан қишлоқ аҳолисининг ўлдирилишидан сўнг халқ Бухоро амирига шикоят қилади. Амир Ҳусайн ибн Маоз ва Бухоро қозиси Омир ибн Умар ибн Имрон лашкар билан Наршахга борадилар. Оқ кийимликлардан 700 киши ўлдирилиб, улар енгилгач, улар билан сулҳ тузилади. Бироқ исёнчилар сулҳга риоя қилмайди. Халифа Маҳдий ўзининг вазири Жабраил ибн Яхёни Муқаннага қарши урушга юборади. У Бухорога етиб келиб, Самарқанд дарвозаси олдида тўхтайтиди ва қароргоҳ қурдиради.

Жаброил бошлиқ Халифалик лашкари, Бухоро амирининг лашкари билан бирга Наршах қалъасига ҳужум бошлайдилар. Тўрт ой давомида жанглар олиб борилиб, жангларда оқ кийимликларнинг қўли баланд келиб, мусулмонлар танг аҳволга туша бошлайдилар. Шунда араблардан Малик ибн Форим лашкаргоҳдан қалъа деворигача арик казиб, устини ёлиб боришни таклиф қилади. 50 газ узунликда ковлаб, девор тагига етадилар. Шундай қилиб, ер ости йўли — лаҳим тайёрланади ва қалъа девори бузиб, ичкарига кирилади (шу жанг

вактида деворни йикитишда олов ёкиш учун нефт ишлатилган). Кўпчилик ўлдирилиб, сулҳ тузилган. Бухоролик кўзғолончиларнинг бошлиқларидан Ҳаким ибн Аҳмад, Боғий ва Хашвийлар ўлдирилади. Лашкарбоши Гирдак эса Муқанна хузурига кетади.

776-777 йилда Бухородаги кўзғолончиларга қарши курашдан кейин, Самарқанддаги кўзғолончиларга қарши уруш олиб борилган. Оқ кийимликлар туркларни ҳам ҳаракатга жалб этишган. 778 йилда Хуросон ноибى бўлган Маоз ибн Муслим Марвдан Омўйга келади ва у ердан Бухорога отланади. Бухорода унинг фармони билан 570 минг кишини тўплайдилар, ҳар бир хунармандлик соҳаси бўйича 3 минг кишини куруллантирадилар ва улар Суғдга қараб отланади. Шу тариқа 2 йил давомида Суғд ва Самарқанддаги оқ кийимликларга қарши уруш олиб борилади.

Араб халифаси кўзғолонни кенг тарқалиб кетишидан хавфсирарди. Чунки Муқаннанинг эътиқоди исломни сиқиб чиқариши мумкин эди. Бухородан жунаб кетган Жаброил ибн Яҳё Самарқанд дарвозаларига яқинлашганида турк хоқони (Холик хоқон)нинг укаси Қил (Фил) бошчилигидаги кўзғолончилар унга хужум қиладилар. Самарқанд шаҳри аҳолиси икки гуруҳга бўлинади: араблар томонида ва кўзғолончилар томонида. Кўзғолончилар дарвоза олдида 300 кишисини йўқотгач, чекинадилар. Бироқ, кўзғолончиларнинг кучи катта эди. 777 йилнинг баҳорида Муқанна Жаброил ибн Яҳёга қарши 10 минг кишилик қўшинни юборган. Жаброил Хуросондан ёрдам сўраган. Хуросон ноибى Абдулмалик ҳам 10 минг кишилик қўшинни Уқобой бошчилигида жўнатган. 779 йилнинг кузига келиб, халифаликнинг қўшини қўшимча кучларга эга бўлади. Бухорхудот Бунёд ибн Тугшода I зимдан кўзғолончиларни қўллаб турган ва бунга ишонч ҳосил қилган халифа Маҳдий 783 йилнинг августида уни ўлдириш тўғрисида буйруқ берган.

780 йилда Хуросон амири Мусайяб ибн Зухайр ал-Забий Бухорога келди ва Бухоро амири Жунайд ибн Холидни Хоразмга юборади. Бухорода Муқаннанинг саркардаларидан бўлган Кулортегин (турк) билан яна уруш олиб борилади²², Муқаннанинг укаси Кабзам 3 минг, Сом қўғони мудофаасига қўмондонлик қилаётган Сарҳама эса 3 минг 300 кишилик қўшини билан таслим бўлади, Муқанна ўзини ёниб турган тандирга ташлаб ҳалок бўлади. Шу тариқа узоқ давом этган Муқанна бошчилигидаги кўзғолон тугайди.

²² Наршахий Бухоро тарихи // Мерос 137-143 бет

Наршахий “Бухоро тарихи”да бухорхудо­тлардан бир нечтасининг номини келтирган бўлиб, улар орасида Коно, Аб­руй (Абарзи), Бидун, Тугшо­да, Бишр, Қутайба ибн Тугшо­да каби исмлар мавжуд. Тарихчи Ғ.Ғойи­бов (Ғ.Ғойи­бов. Арабларнинг Ўрта Осиё­га қилган илк юришлари. Душанбе, 1989 й) эса бухорхудо­тлар вакиллари­ни қуйидаги тартиб­да келтиради: Бидун (?-673), Хутак хотун (673-692), Тугшо­да I (692-724), Тугшо­да II (724-738), Қутайба ибн Тугшо­да (738-753), номаълум бухорхудо­т (Тугшо­да III) (753-768), Сукон (768-775), Бунёд (775-782)²³.

Худуди ҳозирги Бухоро вилоятининг Бухоро, Вобкент, Когон, Ромитан. Жондор ва Қорақўл туманлари ерларидан иборат бўлган Бухорхудо­тлар давлати кичик давлат бўлиб, VI-VIII асрларда бухорхудо­тлар томонидан бошқарилган. Мовароуннаҳр тўла фатҳ этилгач, араблар бошқарувни ўз қўл­ларига олишган. Охи­р­ги бухорхудо­т Бунёд Муқанна қўзғолонини қўллаб-қувватлагани учун араблар томонидан қатл этилади ва шундан кейин бухорхудо­тлар ҳукмронлиги тугатилади. Бухорхудо­т Коно бухорхудо­тлар давлатида биринчи бўлиб ўзининг тасвири туширилган ва тасвир остига “Бухоро хо­ки­ми” деган ёзув зарб қилинган қумуш танга (дирҳам)лар чиқарган ва бундай тангалар археологик қазишмалар вақтида қўплаб топилган. Жумладан, 2013 йилда қадим­ги Бойканд шаҳри харобасидан ҳам шу даврга оид тангалар топилган.

Ўрта Осиёни забт этиш ва исломлаштириш жараёни VII асрнинг охи­р­ги чора­ги­да бошланиб, VIII асрнинг ўрталарига қа­дар давом этган. “Аму дарё­нинг нар­ги то­мо­ни” – Моварауннаҳрни истило қилиниши Бухоро вилоятига тегишли бўлган Ромтўн (Ромитан) ва Бойкандни эгаллашдан бошланиб, Бухоро шаҳрининг фатҳ этилиши билан давом этган. Бухорони исломлаштириш жараёни қийин кечган. Халифаликка қарши кураш VIII асрнинг 80-йил­ларига­ча чўзилган. “Оқ кийимлик”ларнинг Бухородаги вакили Ҳаким ибн Аҳмад бошчили­ги­даги кураш исломлаштиришнинг мураккаб вазиятда амалга оширилганлигини кўрсатади. Араб истилочиларига қарши курашда сўғдийлар ва туркийлар иттифоқи ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлган. Турк хо­кон­ли­ги ва Туркашлар давлати сўғдийларни арабларга қарши курашда қўллаб-қувватлаган.

²³ ҒМЭ 2-том, 310-бет

4-БОБ. БУХОРО IX-X АСРЛАРДА

Муканна бошчилигидаги кўзғолоннинг бостирилиши билан Мовароуннахр халкининг озодлик учун кураши тўхтаб қолмади. Халнфаликни ларзага келтирган мазкур кўзғолоннинг бостирилишидан 20 йил ўтар-ўтмас Мовароуннахрда янги ҳаракат бошланди. 806 йилда Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг Хуросон ва Мовароуннахрдаги ноиби Али ибн Исо ибн Моҳан зулмига қарши Ўрта Осиёда Рофе ибн Лайс бошчилигидаги кўзғолон бошланди. Кўзғолон хирож солиғининг оширилишига қарши қаратилган эди.

IX асрнинг бошларида, халифа Ҳорун ар-Рашид замонида Бухорода соф кумуш камлиги учун 6 хил нарсадан кумуш тангани зарб қилдилар. Кумушнинг миқдори камлиги боис янги танганинг сифати яхши чиқмади ва аҳоли уни олмай қўйди, кейин халифанинг буйруғи билан мажбуран оладиган бўлишди. Бухоронинг халнфаликка тўлайдиган хирожи янги кумуш танга билан тўланадиган бўлиб, бунда янги танганинг 6 таси аввалги 1 кумуш тангага тенг деб белгиланди ва 200 минг дирҳам кумуш ўрнига 1,068567 дирҳам янги танга (ғитрифий) билан хирож тўланди. Бунинг оқибатида янги танганинг миқдори камайиб, соф кумуш танга билан тенглашиб қолди ва солиқ тўловчиларнинг норозилигини келтириб чиқарди²⁴. Хуросон ноиби форс Фадл ибн Яҳёнинг ўрнига араб Али ибн Исо ибн Моҳаннинг тайинланиши “дард устига чипқон” бўлиб, норозиликни янада ошириб юборди. Чунки у хирож солиғини зўравонлик ва зулм қилиб ундира бошлади.

Рофе ибн Лайс Хуросон ноиби Наср ибн Сайёрнинг набираси, бухорхудо Тўғшоданинг куёви бўлган. Кўзғолонда турли қатлам вакиллари – маҳаллий деҳқонлар, кашоварлар ва қадиварлар, турк қабилалари ҳамда айрим араб зодагонлари ҳам иштирок этган. Кўзғолон икки босқичда амалга оширилган.

Табарийнинг ёзишича, кўзғолоннинг бошланишига маиший ҳолатлар, яъни нуфузли араб оксуяклари ўртасидаги келишмовчиликлар сабаб бўлган. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Яҳё ибн ал-Ашъас ибн Яҳё ат-Табий ўзининг амакиси Нуъмонинг бой ва гузал қизига уйланган. Маълум муддат ўтиб, уни Самарқандда қолдириб, ўзи Бағдодга кетган ва ўша ерда ўзига маъшука топиб олган. Бундан воқиф бўлган Рофе ибн Лайс унинг Самарқанддаги хотинига уйланган, олдинги никоҳ бекор қилинган. Ушбу никоҳ ҳақидаги хабар

²⁴ Наршахий Бухоро тарихи. Т. 1966, 38-бет.

Яхё ибн ал-Ашъасга етиб боргач, у шикоят килиб халифа Ҳорун ар-Рашидга мурожаат этган. Шунда халифа Хуросон ноиби Али ибн Исо ибн Моҳонга мактуб юбориб, Рофени дарра билан савалаб. занжирбанд килиб, сўнгра эшакка тескари миндириб Самарқанд шаҳри бўйлаб бошқаларга намуна бўлиши учун намойиш килишни буюради. Ноиб Али ибн Исо ибн Моҳан шундай қилади, аммо Рофени дарра билан саватамайди. Рофе аёлни талок қилади ва Самарқандда зиндонга ташланади. Кейин у зиндондан қочиб Балхда Али ибн Исо билан учрашади, ноиб уни ўлдирмокчи бўлади, аммо унинг ўгли орага тушиб, бу фикридан қайтаради. Рофе ибн Лайсни Самарқандга қайтариб юборадилар. У Самарқандга келиб ҳоким Сулаймон ибн Ҳумайдни ўлдиради (806)²⁵. Хуросон ноиби Самарқандга ўз ўгли Исо ибн Алини юборади. У келиб Рофе билан жанг қилади, аммо чекиниб, ортга қайтади. Шундан кейин ноиб Али ибн Исо Рофега қарши уруш олиб боради. Хуросон ноибига қарши курашда Рофе билан бирга Шошдан келган турклар ҳам қатнашади. Ушбу гуруҳ томонидан 807 йилда Хуросон ноибининг ўгли Исо ибн Али ўлдирилади. Қўзғолонга Рофе ибн Лайснинг раҳбарлик килиши унинг обрўсини оширади. Чунки Рофенинг ўзи араб бўлиб, Хуросон ноибининг меҳтари эди. Самарқанд ҳокимининг ва Хуросон ноиби ўглининг ўлдирилишидан сўнг қўзғолон авж олиб бошқа ҳудудларга ҳам тарқалади.

Бухоро воҳасидаги қўзғолонга Рофенинг укаси Башир ибн Лайс, Иштихондаги қўзғолонга эса Ужайф ибн Анбас бошчилик қилган. Қўзғолоннинг қўлами кенгайиб халифаликка таҳдид сола бошлагач, халифа ар-Рашид 300 минг кишилик қўшинни Ҳарсама ибн Айён бошчилигида 807 йилнинг охирида Хуросонга жўнатади. Ҳарсама катта қўшин билан Марв ва Амул (Чоржўй) орқали Бухорога келади, қаттиқ ва шиддатли жанглардан кейин уни эгаллайди. Шундан кейин, 809 йилда Бухоро қўзғолончилари бошлиғи Башир ибн Лайс қўлга олиниб, Тус шаҳрида кийнаб ўлдирилади. Шу йилнинг март ойида халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ўзи ўгли Маъмун билан катта қўшинга бошчилик килиб йўлга чиқади, аммо Тус шаҳрида вафот этади. Шундан кейин унинг ўгли Маъмун Хуросон ноиби бўлиб, қўзғолончиларга қарши курашади.

Айни вақтда Рофе ибн Лайс Самарқандни ўзига марказ қилиб олиб, уни мустаҳкам қўргонга айлантирди ҳамда ҳаракатни шу ердан туриб бошқарди. У туркийлардан бўлган қарлуқларни, тўққиз-ўтузларни ва бошқаларни ҳам курашга жалб этди.

²⁵ Ибн ал-Асир, Полный свод истории, С.22-23.

Хуросон ноиби бўлган Маъмун ҳам қўзғолонга қарши курашни қучайтирди. Маҳаллий мулкдорлардан саналган Сомонхудоғнинг набиралари бўлган Нух, Аҳмад, Яҳё ва Илёс ибн Асадга нома юбориб, халифаликнинг лашкарбошиси Ҳарсаманинг қўзғолончиларга қарши курашида ёрдам беришларини сўради. Иккинчи томондан, Хуросон ноиби иқтисодий рағбатлантириш чораларини ҳам ишга солиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисини бир йил муддатга хирож тўлашдан бутунлай озод этиб, унинг миқдорини 25% га камайтиради. Бу уртада халифа Ҳорун ар-Рашиднинг иккинчи ўғли

Амин билан Хуросон ноиби Маъмун(биринчи ўғли) ўртасида халифалик тахти учун узаро кураш ҳам авж олиб кетади. Муаррих Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Маъмуннинг инсофли ва диёнатли эканлиги тўғрисидаги миш-мишлар Рофе ибн Лайсга ҳам етиб келгач, у Маъмуннинг олдига бориб, ундан кечирим сўрайди ва Маъмун уни авф этади. Кейин Рофе ибн Лайс Маъмун қароргоҳига боради. Ҳарсама эса Самарқандда қолади. Шундан кейин Маъмун Ҳарсамани гвардия бошлиғи этиб тайинлаган. Бу ҳолатни акаси Амин душманларча қабул қилган²⁶. Халифалик тахти учун бўлиб ўтган курашларда маҳаллий табақа вакиллари-зодагонлар Маъмунни қўллаб-қувватлашган ва шундан кейин қўзғолоннинг иккинчи босқичи бошланган. Қўзғолондан араблар ва маҳаллий зодагонлар четлашган.

Наршахийнинг ёзишича, Асад ибн Сомонхудоғ ўғилларининг даъватига кўра, Рофе ибн Лайс дастлаб Ҳарсама билан сулҳ тузган ва улар ўртасида қудда-андачилик вужудга келган. 809 йилда Рофе ибн Лайс ва унинг тарафдорлари ўз ихтиёрлари билан таслим бўлган²⁷ 810 йилга келиб, қўзғолончилар ҳаракати йўлбошчиларсиз қолган, ҳаракат тарқок ҳолда давом этган ва сусайиб бориб, кўп ўтмай бутунлай бостирилган. Қўзғолон раҳбари Рофе ибн Лайс ва унинг фаол иштирокчилари қатл этилган. Умуман олганда, хирож солигининг вақтинчалик бўлсада, 25% га камайтирилиши қўзғолоннинг натижаси эди.

813 йилда Маъмун халифалик тахтига ўтиради. Ҳассон ибн Ўббод Хуросон амири (ноиби) этиб тайинланади. Маъмун унга Асад ибн Сомонхудоғнинг ўғилларига Хуросоннинг айрим шаҳарлари ҳукмронлигини беришни буюради. 819-820 йилда Хуросон ноиби уларнинг ҳар бирига қилган яхшиликлари эвазига биттадан эътиборли шаҳарни беради. Нух ибн Асадга Самарқанд, Аҳмад ибн Асадга

²⁶ Ибн ал-Асир, Полный свод истории, С. 30

²⁷ Наршахий. Бухоро тарихи / Мерос, Т. 1991. 146-бет

Фаргона (Наршахий Марв деб кўрсатади), Яхё ибн Асадга Чоч ва Усрушона, Илёс ибн Асадга Ҳиротни бошқарувини беради. Ака-ука ўртасидаги тахт учун курашда Маъмунни қўллаган Тоҳир ибн Ҳусайн (асли ўзи Ҳиротдан бўлган) эса Хуросон ва Мовароуннахрнинг амири (ноиб) этиб тайинланади.

821 йилда асли Ҳиротдан бўлган Тоҳир ибн Ҳусайннинг Халифа ал-Маъмун томонидан Хуросон ва Мовароуннахр ноиб этиб тайинланиши билан Тоҳирийлар сулоласига асос солинади. Тоҳир ибн Ҳусайннинг қароргоҳи Нишопурда жойлашган эди. Тоҳир ибн Ҳусайн ўзи ноблик қилаётган ҳудудни мустақил бошқаришни истар эди. Шу бонсдан ҳам жума намози вақтида халифанинг номини хутбадан чиқариб ташлади. Шундан кейин у тўсатдан вафот этди (822-823 йилда). Уни халифа яширинча захарлаган деган гап тарқалади. Қискаси, бу уринишдан ҳеч бир наф чикмади, Хуросон ва Мовароуннахр халифаликдан ажралиб чиқа олмади. Халифа ал-Маъмуннинг Тоҳирни ўгли Абулаббос Абдуллохни ноиб этиб тайинлаши Тоҳирийлар сулоласига расман асос солинишига олиб келди. Ноиб Абулаббос Абдуллох ибн Тоҳирнинг ҳукмронлиги (822-844) даврида Хуросон халифага вассал улкага, аммо деярли мустақил давлатга айланди. Хуросон ва Ўрта Осиёда тўхтовсиз давом этган исён ва кўзғолонлар бунга имкон яратди.

806-810 йилларда Ўрта Осиёда халифаликка қарши кўтарилган кўзғолонни бостиришдаги хизматлари эвазига Фаргона, Самарқанд, Шош ва Усрушонанинг бошқарувини қўлга киритган Асад ибн Сомонхудоғ ўғилларининг Сомонийлар деб аталган маҳаллий сулоласи Мовароуннахрда ташкил топди. Асаднинг ўғилларидан Аҳмад энг қобилиятли бўлиб чиқди ва ўзининг мис тангасини чиқариш ҳуқуқига эга бўлди. Кумуш танга эса Хуросонда чиқарилди. Шу даврда Мовароуннахрнинг вилоятлари жуда бой бўлиб, халифаликка катта солиқ тўлашган.

Абу Солих Мансур ибн Нух даврида (961-976) Хуросон ва Мовароуннахрнинг бир йиллик солиғи 40 миллион дирҳамни ташкил этган¹¹. Маълумотларга қараганда, умумий ҳисобда Мовароуннахрда 600 минг отлик ва пиёда қўшин бўлган. IX асрнинг ўрталаридан бошлаб туркий ўғузлар Ўрта Осиёнинг вилоятларидаги ўтроқ аҳолига ҳужум уюштира бошладилар ва бунга қарши туриш мақсадида мустаҳкам ҳимоя деворлари яратила бошланди. Шу жумладан, Бухорода ҳам мустаҳкам ҳимоя деворлари барпо этилди. Шундай

¹¹ Ибн Халдал. Ерининг сўрати китоби. Т 2011. 22-бет

деворлардан бирининг қолдиклари Бухоро шаҳри ҳудудида сақланиб қолган ва Кампир (Канпир) девор деб аталади. Бухоронинг ташқи девори билан Бойканд қалъасининг оралиги икки фарсах бўлган.

Туркий қабилалар қўшинлари Шош ва унинг атрофларига тез-тез ҳужум уюштирдилар. Нух ибн Асад 839-840 йилларда уларга қарши катта юриш уюштириб голиб чикди, 841 йилги юришдан сўнг Нух вафот этди. Шундан кейин Самарқанд вилоятини ака-ука Аҳмад ва Яҳёлар бошқаришган, кейин 855 йилда Наср ибн Аҳмад Самарқанд ноиби этиб тайинланади. 855-856 йилда Яҳё вафот этиб, Аҳмад Шош ва Усрушонани қўлга киритади. Кейин ушбу вилоятларни ўгли Ёқубга беради. Шу тариқа, IX асрнинг ўрталарида Бухоро вилояти, Қашқадарё ва Сурхондарё (Чагонруд) воҳаларидан ташқари Мовароуннахрнинг асосий вилоятлари Аҳмад ва унинг ўғиллари, кейин эса набираларининг тасарруфига киради²⁹.

845 йилда Нишопурда Тохир ибн Хусайннинг ўгли Абдуллох вафот этиб, унинг ўрнига Тохир ибн Абдуллох ноиб этиб тайинланади. Абдуллох ибн Тохир ҳам отаси каби 48 йил умр кўриб халифанинг ҳарбий кучлари ёрдамида Рай, Табаристон, Кермон, Хуросон ва унга туташ вилоятларни бошқарган эди. 845 йилда Хуросоннинг халифаликка берадиган хирожининг миқдори 8 миллион дирҳамни ташкил этган. Тохир ибн Абдуллох ҳам 863 йилда вафот этиб, унинг ўрнига ўгли Муҳаммад ибн Тохир Хуросон ноиби этиб тайинланади. Бор-йўғи 4 йил ноиблик қилган Муҳаммад 867 йилда Бағдодда вафот этади. У ўлимидан олдин укаси Убайдуллох ибн Тохирни ўзининг валиаҳди этиб тайинлагани боис акасининг ўгли Тохир билан унинг ўртасида жанжал келиб чиқади. Халифа ал-Муътаз Убайдуллохга ёрлик юбориб, уни Хуросон ноиби этиб тайинлайди.

864-865 йилда Аҳмад ибн Асад вафот этиб, унинг ўрнини ўгли Наср эгаллайди. Қўчманчиларнинг ҳужумини сусайтириш мақсадида Наср уларнинг Шавгар вилоятига юриш уюштиради.

870-871 йилда Хуросонда ҳокимият Яъқуб ибн ал-Лайс Саффорий қўлига ўтади. Яъқуб ибн Лайс укаси Амр ибн Лайс билан Сейстонда мисгарлик (Саффорлик) билан машғул бўлган. хорижийлар (VII асрнингиккинчи ярмида халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш даврида ташкил топган ва уларнинг иккаласи тарафдорларига ҳам қарши курашган гуруҳ, оқим) деб ном олган ҳаракатга қарши кураш олиб борган. Шу йил халифа ал-Муваффақ Яъқуб ибн Лайсга ёрлик юбориб Балх, Тохаристон.

²⁹ Ўзбекистон халқлари тарихи. I-том. Т., 1992, 87-89 бет

Сейистон ва Синднинг ноиби деб эълон қилади. Яъқуб ибн Лайс Форс, Балх, Тохаристон, Кобул ва Ҳиротга юриш қилади.

Шундан кейин Бухоро вилоятини қўшиб олиш учун кураш бошланди. 874 йилда Бухорони сўнгги Тоҳирий (Муҳаммад ибн Тоҳир) нинг укаси Ҳусайн ибн Тоҳир эгаллади. У хоразмшоҳлар қўшинининг бошлиғи сифатида Бухорога келиб аҳолини талай бошлади. Ҳусайн ўзини Бухоронинг ҳокими деб эълон қилиб, аҳолидан ўлпон йиғишга ҳаракат қилди. Дирҳамлар ва мис тангаларни олиб, уларни кумуш тангаларга алмаштирилишини буюрди ва бундан аҳоли ўртасида норозилик келиб чиқди. Оқибатда норозилик кучайиб, Бухоро аҳолиси қўзғолон кўтарди ва саройни эгаллаб олиб, талон-тороғ қилди.

874 йилда Мовароуннаҳрга Наср ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомонхудот ноиб этиб тайинланади. Аҳмад ибн Асаднинг етти ўғли бўлган: Наср, Абу Юсуф Яъқуб, Абу Закарийя, Яхё, Абул Ашъас ас Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Абу Ғаним Ҳамид. Ҳижрий 261 йилда Наср ибн Аҳмад укаси Исмоилни Бухоронинг ҳокими этиб тайинлайди. Табарийнинг ҳижрий 261 йилда Наср ибн Аҳмад Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинланди деб ёзишининг аҳамияти шундаки, шу йилдан эътиборан халифа томонидан расман Мовароуннаҳрнинг ноиби этиб тайинланган. Шунгача Хуросон ноиблари томонидан тайинланган ёки бошқарилган эди.

Наср ибн Аҳмад томонидан укаси Исмоил ибн Аҳмаднинг Бухорога ҳоким этиб тайинланиши Ибн ал-Асир томонидан қуйидагича изоҳланади. Яъқуб ибн Лайс Хуросонни эгаллаганда Наср ибн Аҳмад ўз қўшинини Жайхун (Амударё) бўйига олиб борган. Насрнинг қўшини Яъқубнинг илғорига ҳужум қилиб Бухорога қайтган. Наср томонидан Бухорога ҳоким этиб тайинланган Аҳмад ибн Умар бундан кўриб кетган ва яшириниб олган. Шундан кейин Бухоро аҳли Абу Ҳошим Муҳаммадни ўзларига ҳоким этиб сайлашган. Кейин уни бушатиб, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Лайсни, сўнгра унинг ўрнига ал-Ҳасан ибн Муҳаммадни сайлашган ва уни ҳам бушатганларидан кейин Бухоро амирсиз қолган. Ана шунда Бухоронинг оксоқоли ва фақиҳи бўлиб турган Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс Бухорий Насрга мактуб ёзиб, Бухорони энди ким бошқаради, деб сўраганида, Наср укаси Исмоилни Бухорога ҳоким этиб юборган экан¹⁰. 884-885 йилда Хуросондаги саффорийлар билан тоҳирийлар

¹⁰ Ибн ал-Асир, Полный свод истории. С. 67.

ўртасидаги ўзаро курашларда Бойкандга чекинган Абу Талха ибн Шаркабни амир Исмоил ўзининг қўшини билан қўллаб-қувватлади.

Бухоро вилояти амири бўлиб турган Исмоил Хуросон амири Рофе ибн Ҳарсама билан ёзишиб турган ва ўзаро ёрдам бериш, бир-бировини қўллаб-қувватлаш тўғрисида келишиб олишган. Бироқ бу ҳолат акаси Насрга мақбул келмай, ака-ука ўртасида жанжал келиб чиққан. Насрнинг амрига мувофиқ Исмоил ҳар йили 500 минг дирамни Самарқандга юбориб туриши лозим эди, аммо Исмоил қўл харажатлар қилиб, уни юбора олмади. Ана шундан кейин ҳижрий 272 (885-886) йилда дарғазаб бўлган Наср укаси Исмоилнинг устига қўшин тортади. Амир Наср укалари Абул Ашъас ва Абу Юсуф Яъқубга хат ёзиб қўшин билан келишларини сўраган эди ва улар катта қўшин билан Бухоро сари отландилар. Бундан вокиф бўлган Исмоил ўзининг лашкарбошиси, давлат арбоби бўлган Ҳамавайх ибн Алини Хуросон амири Рофе хузурига юбориб, ундан ёрдам сўради. Ўз навбатида Рофе ибн Ҳарсама катта қўшини билан Бухоро томонга йўл олади. “Юзага келган вазиятда Исмоил вазминлик билан иш кўриб, ўз акасига ҳурмат юзасидан Бухорони унга бўшатиб бериб, ўзи Фарабга кетди. Шу аснода амир Наср Бухорога кириб келди ва Исмоилни учратмагач, Бойкандга бориб, шу ерда тўхтади. Бойкандликлар уни кутиб олиб, устидан кўп олтин-кумуш сочдилар ва кўп тухфалар чикардилар” — деб ёзади Наршахий³¹.

Рофе ўз лашкари билан келиб, Жайхун (Амударё) нинг музлаганидан фойдаланиб муз устидан ўтди. Амир Наср унинг келганидан вокиф бўлгач, Бухорога қайтди. Исмоил Рофе билан бориб, Самарқандни эгаллаш учун иттифок тузди. Наср ҳам бунга қарши чора кўриб, тезлик билан Тавоисга (ҳозирги Навоий вилоятида) бориб уларнинг йўлини тўсди. Исмоил билан Рофе чўл йўлидан кетдилар. Вазият қалтис эди. Чунки Бухоронинг ҳамма кишлоқлари амир Насрнинг қўлида эди. Шу йил қаҳатчилик бўлиб, аҳвол оғирлашди, лашкарлар орасида бир ман (831 грамм) ноннинг нархи 3 дирамга етди ва бунинг оқибатида чўл ҳудудида ҳарақат қилаётган Рофе лашкаридан кўпчилиги очликдан ҳалок бўлди. Амир Наср Карминага (ҳозирги Кармана тумани) йўл олди. Исмоил ва Рофе унинг изидан бордилар.

Исмоилнинг ишончли лашкарбошиси, доно маслаҳатчи Ҳамавайх ибн Али Рофегга маслаҳат бериб, “ака-уканинг ўртасига тушма, улар ўзаро келишиб сени ўзингни ўртага олсалар, нима

³¹ Бухоро тарихи.// Мерос.Т.1991 151-бет

киласан"-дейди. Рофе бу гапдан кўрқади ва амир Насрга элчи юбориб, "Мен урушиш учун келганим йўқ, балки сизларнинг орангизда сулҳ қилиш учун келдим" деди. Бу гап амир Насрга ёқиб тушди ва Бухоро амири бирор бошқа киши бўлиши, Исмоил эса хирож йиғиш ишлари мутасаддиси этиб тайинланиши, давлат мол-мулки ва хутба унинг номида бўлмаслиги ҳамда у ҳар йили амир Насрга (аввалгидек) 500 минг дирам тўлаб туриши лозимлиги шартлари билан сулҳ тузилди. Рофе Наср ибн Аҳмадни чакирди ва Исҳоқ ибн Аҳмадни ҳам чакириб унга сарпо кийгиздида, Бухоро амири лавозимини унга топширди. Исмоил ҳам бунга розилик берди. Шундай қилиб, хижрий 273 (8 июнь 886-27 май 887) йилда қелишувга эришилиб, амир Наср Самарқандга, Рофе ибн Ҳарсама эса Хуросонга жўнади.

Орадан ўн беш ойлик муддат ўтиб, Самарқанд ҳукмдори амир Наср Бухорога одам юбориб, Исмоилдан қелишилган тўловни талаб қилди. Аммо Исмоил молни ушлаб қолиб юбормади. Амир Наср бундан норози бўлиб, ўртада қafil бўлган Рофега нома жўнатди, у ҳам шу мазмунда Исмоилга нома юборди, аммо Исмоил бунга эътибор бермади. Ана шундан кейин амир Наср иккинчи маротаба ҳаммаси мовароуннаҳрликлардан иборат бўлган катта қўшинни тўплашга қарор қилди.

Абул Ашъас Фарғонадан қелиб, аввалги тартибда Бухоро устига юрди. Амир Наср Самарқанддан Бухоро сари отланди. У Карминага етганида Исмоил ўз лашкари билан Тавоисга борди. Икки ўртада катта тўқнашув бўлиб, Бухоро амири бўлиб турган Исҳоқ енгилиб Фарабга кетди. Абул Ашъасга ҳам катта зарба берилгач, Самарқандга йўл олди. Аммо акасини ташлаб қочганлиги боис самарқандликлар унинг йўлини тўсди ва Абул Ашъас Рабинжонга қайтиб келди. Исмоил Аҳмад ибн Мусо Марзукни асирга олиб Бухорога юборди. Бухоро лашкари иккинчи марта мағлуб бўлди. Исмоил ён-атрофга одам юбориб қуллардан ва маволийлардан қочганларининг ҳаммасини тўлади. Исҳоқ ибн Аҳмадни Фарабдан қайтариб келтирди. Бухоро ғозийларидан ҳам 2 минг киши чиқди, қишлоқлар лашкарини ҳам жам қилдилар. Амир Наср ҳам Рабинжонга бориб лашкар анжомларини тайёрлаб қайтди. Исмоил амир Насрнинг олдига борди ва 888 йилнинг 25 октябрида Возбадин деган қишлоқда уруш бошланди. Исмоил Фарғона лашкари устидан ғалаба қозонди, Абул Ашъас енгилиб қочди. Амир Наср ҳам озгина одами билан қолиб мағлубиятга учраган эди. Исмоил Сиймоул-Қабир ва Абдуллоҳ ибн Муслим қузатувида амир Насрни Самарқандга жўнатиб юборди, бир манзил йўлдан сўнг

Наср уларни қайтариб юбориб, узи ёлғиз кетди. Амир Наср давлат ишларидан четлатилиб, 4 йил яшаб 892 йилнинг 21 августида вафот этди.¹²

884-885 йилда халифа ал-Муътадид Амр ибн Лайсни ноиблик лавозимидан озод этиб, ўрнига Муҳаммад ибн Тоҳирни Хуросон ноиби этиб тайинлади. Вафотидан олдин амир Наср бутун Мовароуннаҳр ерларига амир Исмоилни ҳукмдор қилиб тайинлади ва бошқа биродарини ҳамда ўз ўғлини унинг фармониغا бўйсундирди. Наср дунёдан ўтгач, амир Исмоил Бухородан Самаркандга келиб давлат ишларини тартибга солди ва Насрнинг ўғли Аҳмадни ўзининг ўринбосари (халифаси) этиб тайинлади. Шундан кейин амир Исмоил давлат сарҳадини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга эътиборини қаратди.

893 йилнинг март-апрелида Бағдод халифаси Муътазид Исмоилни Мовароуннаҳрнинг амири деб фармон берди. Шу йил амир Исмоил Тарозга юриш қилди ва у фатҳ этилиб, кўп аҳоли мусулмон бўлди. Наршахийнинг ёзишича, у ердаги катта ибодатхонани масжиди жомега айлантирди¹³.

Исмоил катта ўлжалар билан Бухорога қайтди. 15 минг асирлар, кўп сонли отлар ўлжа қилиб олинган эди. Шу юришда қарлуқларнинг йўлбошчиси ҳам оиласи билан асирга тушган. Маъсудийнинг таъкидлашича, Исмоил лашкари шу қадар катта бойликни қўлга киритганки, ҳар бир суворийга ўн минг дирҳам баробарида ўлжа теккан. Шу тахлитда Хуросон ноиби Амр ибн Лайс кучайиб кетгунича, яъни 7 йил давомида бутун Мовароуннаҳрни бошқариш амир Исмоилнинг измида бўлди.

Амр ибн Лайс кучайиб кетиб Хуросоннинг бир қатор ерларини ўзига бўйсундирди ва ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Хуросонда амирлик қилиб турган Али ибн ал-Хусайн (Форс вилояти ҳукмдори) Ғузганиён (Афғонистон шимолидаги вилоят) амири Аҳмад ибн Фаригундан ёрдам сўрайди, ижобий жавоб ололмагач Жайхундан ўтиб Бухорога – амир Исмоил олдига келади. Исмоил уни яхши кутиб олиб, Фарабга кузатиб боради ва у шу ерда 13 ой туради.

Хуросон амири Амр ибн Лайс Балх, Ғузганиён ва Мовароуннаҳр амирларига нома ёзиб, уларни ўзига бўйсунишга чақириб, даъват этиб, яхши ваъдалар беради. 900 йилда Амр ибн Лайс билан Исмоил ўртасида зиддият вужудга келди. Буларнинг ўртасидаги зиддиятдан

¹² Наршахий Бухоро тарихи // Мерос. 149-154 бетлар

¹³ Наршахий, Бухоро тарихи // Мерос. 154-бет

халифа ҳам фойдаланди, уларни бир-бирига гиж-гижлашга ҳаракат қилди.

Амр ибн Лайс ўзининг хожиби бўлган Муҳаммад ибн Баширни катта қўшин билан Исмоилга қарши юборди. Амир Исмоил ҳам қўшини билан Жайхун бўйига борди. Дарё бўйида тўқнашув бўлиб, Муҳаммад Башир ва яна олти минг киши ўлдирилди. Исмоил қўшини билан Бухорога қайтди. Амр яна Исмоилга қарши урушга тайёрланди. Исмоил унга нома юборди: “Сен жуда катта мулкка эгасан, менинг қўлимда эса факатгина Мовароуннаҳр ва мен динсизлар билан чегарадаман. Маслаҳатим, ўз қўлингдаги мулк билан кифоялан ва менга чегара вилоятини қолдир”³⁴. Амр ибн Лайс бу таклифга рози бўлмади.

Амр ибн Лайс айёрлик ва тилғмалик йўлига ўтади: “Биз у вилоятни сенга бердик. У вилоят хароб бўлмасин деб, ўзим бормай. Нишопурнинг машҳур кишиларини элчи қилиб юбордим. Орамизда дустлик мустаҳкам бўлсин учун сен ҳам менга ишонишинг керак”. Амрнинг элчиларини Исмоилнинг одамлари Жайхун бўйидан ичкарига ўтишга қўймади (Исмоил шундай кўрсатма берди). Бундан ғазабланган Амр урушга тайёрланди ва кетма-кет лашкар юбориб турди.³⁵

Амир Исмоил бундан вокиф бўлиб, 20 минг кишилиқ қўшин билан тезда Бухородан Жайхун бўйига бориб, кечаси сувдан ўтиб, тўсатдан ҳужум қилди. Жанг каттик бўлиб, Амрнинг қўшини чекинди, унинг лашкарбошиси Муҳаммад ибн Али ва Нишопурнинг бошқа машҳур кишилари асирга тушдилар. Амир Исмоил қўп қумуш, тилла, кийим-кечак ва қурул-яроғлар билан Бухорога қайтиб келди.

Ушбу воқеадан кейин Амр тушкунликка тушиб, бир йил муддат Нишопурда бўлди ва яна уруш тайёргарлигини кўрди. Исмоил ҳам урушга тайёрланди. Турли жойлардан лашкарни Жайхун бўйига тўплади. Туркистон ва Фарғонадан 30 минг киши етиб келди. Исмоил Сомонийнинг сараланган гуломлари ҳам шу ерда тўпланди. Хоразмда бўлган лашкарбошлари Мансур Қоратегин ва Барс Бойқандийлар ҳам Жайхун бўйига етиб келишди. Амир Исмоил Муҳаммад ибн Хорунни лашкарнинг илғори билан жунатди ва иккинчи кун илғори ҳам йўлга отланди. Жайхундан ўтиб Омулда тўпланишди ва у ердан Балхга қараб йўл олдилар.

³⁴ Ибн ал-Асир. Полный свод истории. С. 82

³⁵ Нарзай Бухоро тарихи // Мерос. 155-бет

Амир Исмоил Жайхундан утиб тўхтади. Хуросон амири Амр ҳам Балхда тўхтади. Икки қушиннинг ўртасида Балх дарёси бор эди. Амр дарёдан кечиб утишга журъат этмади. Исмоил қушини Балх дарёсини кечиб ўтиб, шаҳарни камал қилди. 901 йилнинг 2 майида Амр ибн Лайсни асирга олдилар. Уни Самарқандга, у ердан эса Бағдодга юбордилар. Амр ибн Лайс 902 йилда Бағдодда, тутқунликда ўлдирилди³⁶.

902-903 йилда аввал Рофе ибн Ҳарсамага, кейин Исмоил Сомонийга хизмат қилган Муҳаммад ибн Ҳорун асирга олинади. Халифа ал-Муктафи амир Исмоилга ёрлик юбориб, уни Хуросон амири этиб тайинлаган эди. Амир Исмоил Рай вилоятига боради. Шу ерда бўлган Муҳаммад ибн Ҳорун қочиб Қазвинга, ундан Табаристонга йўл олади. Қочишининг сабаби – у амир Исмоилга қарши бош кўтарган эди. Амир Исмоил ўзининг ишончли кишиларидан бири, лашкарбоши Барс Бойкандийни Журжон вилоятига ҳоким этиб тайинлайди. Бойкандий унинг топшириғига кўра Муҳаммад ибн Ҳорунни Бухорога жўнатади. Амир Исмоил уни зиндонга солади ва 2 ойдан сўнг у вафот этади. Амир Исмоил жуда адолатли ҳукмдор эди, аммо хиёнатни кечира олмасди.

903-904 йилда турклар яна Мовароуннаҳрга юриш қиладилар. Амир Исмоилнинг қушини уларнинг лагерига ҳужум қилиб, катта ўлжани қўлга киритади. Бу вақтга келиб, амир Исмоил ўзининг мунтазам қушинини шакллантирган, турк гуломларидан катта лашкар тузган ва қуроллантирган эди. Унинг қўл остида 10 мингга яқин гуломлар ҳарбий хизматда бўлиб улар ўша даврда Бухоронинг энг муҳим сиёсий кучларидан бири бўлганлар. Дастлабки пайтда бу қушин унга катта фойда келтирди, аммо кейинчалик ишончни унчалик оқламай қўйди.

905-906 йилда амир Исмоил Дайламда туркларнинг бир неча вилоятларини босиб олди. Амир Исмоил бемор бўлиб бир канча вақт ётди. Унинг касали рутубатдан бўлгани учун табиблар Жўйи Мўлиённинг ҳавоси яхши деб маслаҳат беришгани боис уни Зармон қишлоғига олиб бордилар. Амир Исмоил 907 йилнинг 25 ноябрида вафот этди. “Сомонийлар ўртасида энг одил амир Исмоил ибн Аҳмад деган киши бўлган. Унинг яхши фазилатлари кўп бўлган”- деб ёзади Низомулмулк.³⁷ У зоҳид бўлса ҳам шундай сиёсатли эдики, Сомонийлар сулоласидан ҳеч ким ундан сиёсатлироқ бўлмаган. Ундан

³⁶ Наршахий Бухоро тарихи // Мерос. 156-157-бет. Ибн ал-Асир. Полный свод истории, С. 82

³⁷ Низомулмулк. Сиёсатнома. Т. 2008, 21-бет

олдинги Хуросон амирларининг ҳеч бири Бухорода турган эмас. У Бухорода туришни ўзи учун муқаддас деб ҳисоблар эди. Унга "Амири Мозий" – "Дунёдан ўтган амир" деган лақабни бердилар.

Исмоил ибн Аҳмад (892-907) ҳукмронлиги даврида Сомонийлар сулоласининг кўзга кўринган намояндалари марказий давлат аппаратини мустаҳкамлашдан манфаатдор феодал зодагонлар, дин пешволари, барча бадавлат деҳқон табакаларининг қўллаб-қувватлашлари билан хорижийларнинг етакчилардан Амир Хусайнни ағдариб ташлашга, Бухоронинг Баркад ва Ромитан (Ромтин) туманларида бошланган деҳқонлар ҳаракатини (874 йилнинг 1 июлида Ромитан ва Баркадда 4 минг кишидан зиёд бўлган деҳқонлар қўзғолон кутаради) бостиришга ҳамда тескари боёнларни давлат ишларидан четлаштиришга муваффақ бўлдилар. 893 йилда қадимий Усрушонанинг маҳаллий ҳокимиятини ағдариб ташлашга ҳамда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳудудни ўз тасарруфларига олишга муваффақ бўлдилар. (Қўзғолонни бостиришда маҳаллий феодал Хусайн ибн Аъло амир Исмоилга ёрдам берали).

Турк-карлукларнинг Сирдарё (Сайхун) бўйидаги ерларга қилиб турган босқинини тўхтатиб, Тарозни босиб олдилар (893) ҳамда унинг аҳолисини ислом динига киритдилар.

Исмоил Сомонийнинг энг катта ютуқларидан бири Хуросонда Саффорийлар сулоласини ағдариб, Балх остонасида Амр ибн Лайс (879-901) устидан қозонган ғалабаси бўлди. Бу воқеа 899 йилнинг 26 октябрида содир бўлди. Халифа ал-Муътадин (892-902) Амр ибн Лайс билан амир Исмоилни бир-бирига гиж-гижлади. Бундан қўзланган мақсади – бой берилган ўз мавқеини тиклаб олиш эди. Халифанинг талаби билан 898 йилда барча Хуросон зиёратчилари унинг саройига тупланиб, Исмоилнинг тахтдан туширилганлиги ва Амрнинг эса Хуросон ва Мовароуннаҳр ноибни этиб тайинланганлиги эълон қилинади. Кетма-кет Нишопурга Амр ҳузурига турли тухфалар ҳамда Мовароуннаҳрга ноиб этиб тайинланганлиги туғрисидаги гувоҳнома билан элчилар юборилди. Бирок Амр мусулмонлар ҳукмдори юборган инъомларни хушламай қабул қилди. Ниҳоят элчи Амрга Мовароуннаҳрга ноиблиги туғрисидаги гувоҳнома (ёрлик) ни узатди. Амр: "буни нима қиламан, Исмоил қулидан Мовароуннаҳрни 100 минг яланғоч шамширсиз олиб бўлмайди-ку" – дейди. Элчи эса: "Буни ўзинг биласан, ахир ўзингнинг хоҳиш ироданг шундай эди-ку" –

дейди. Амр гувоҳномани қўлига олиб ўпиб, бошига қўйди, сўнг олиб олдига қўйди³⁸.

Исмоил Сомоний тўғрисида Низомулмулк шундай деб ёзади: “Исмоилда шундай одат бор экан. Қаттиқ совуқли кунларда, қор ёқи ёмғир ёгса ҳам ёлғиз ўзи майдонга чиқиб, пешин номози вақтигача отга миниб турар экан ва айтарканки, бирор мазлум киши ҳожати бўлиб саройга келсаю, турар жойи бўлмаса, қор ва совуқда бизни ичкарида кўрса, биз билан кўришиши кийин бўлади. Биз кутиб турганимизни кўрса, келиб ишини ҳал қилиб, саломат қайтади”³⁹. “Исмоил доно, ўз фуқаролари билан яхши муомалада бўлар ва уларга гамхўр ҳукмдор эди” – деб ёзади араб муаррихи Ибн ал-Асир⁴⁰. Амир Исмоил Сомонийга нисбатан халкнинг ҳурмат-эътибори шу қадар кучли бўлганлиги боис мўғуллар истилоси даврида унинг мақбараси душман томонидан бузиб ташланмаслиги учун қум билан қўмиб қўйилган экан.

Исмоилдан сўнг ўғли Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил амирлик қила бошлади. Уни “Амири шаҳид” деб аташган. Аҳмад отаси даврида унга тобе бўлган Хуросон ерларини ўз қўли остида ушлаб туришга эътиборни қаратди, Рай ва Сейистонга юриш қилди. Иброҳим ибн Зайдавайхнинг маслаҳати билан ўз амакиси Исҳоқ ибн Аҳмадни Бухорога чакириб камокқа олди. Шундан кейин отасининг даврида Журжон вилоятининг ҳокими бўлган Барс Бойкандийни таъқиб этади. Бунинг сабаби – ушбу лашкарбоши ва ҳокимнинг ихтиёрида катта бойлик бўлиб, шуни ундан тортиб олиш эди. Аммо Барс Бойкандий ўзининг 4 минг кишилиқ отлик турк гвардияси билан Бағдодга кетади. У ерда халифа томонидан Диёр Робиа вилоятининг ҳокими этиб тайинланади.

910 йилда Аҳмад амакиси Исҳоқни озод қилади. Исҳоқ Самарқандга қайтиб, Самарқанд ва Фарғонани бошқаради. 910-913 йилларида Аҳмад Сейистонга икки марта юриш қилиб Исҳоқ амакисининг ўғли Мансурни у ерга ҳоким этиб тайинлайди. Аммо сейистонликлар исён кўтариб Мансурни камокқа оладилар. Шу муносабат билан 912 йилда Аҳмад яна Сейистонга қўшин юборади ва амакиваччасини озод этиб, Нишопурга ҳоким қилиб тайинлайди.

Аҳмад ибн Исмоил ов қилишни хуш кўрарди. Кўпроқ Бойканд, Фарабр (Фараб) атрофларида ов ташкил этиларди. Унинг ётоқхонаси

³⁸ Б. Ахмедов. Тарихдан сабоқлар. 38-39 бет.

³⁹ Низомулмулк. Сийасатинома. 27-бет.

⁴⁰ Ибн ал-Асир. Полтавий савод историк. С. 84.

олдида занжирланган шер булар, кимки у уйга кирмокчи булса, шер уни халок этарди. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Аҳмад ов қилиш учун Фараб томонга йўл олади. Овга кетишдан олдин ўзи турган лагердаги барчанарсани куйдиришни буюради. Аммо овдан қайтишда яна шу лагерда ётиб қолади. Айнан шу кечаси унинг хос кишилари шерни олиб келишмаган эди. Амир ухлаб ётганида гуломларидан бир тўдаси бостириб кириб, унинг бошини оладилар. Аҳмаднинг давлат аппаратида араб тилини тиклашга ҳаракат қилиши, араб тилини билганларни қўллаб-қувватлаши сарой аёнларида, биринчи навбатда турк гвардиясида норозиликни келтириб чиқарган эди. Бу воқеа 914 йилнинг 12 январида содир бўлади. Бу ишни Абул Ҳасан уюштирган деб уни дорга осадилар. Амир Аҳмаднинг жасадини Фарабдан Бухорога олиб келиб Навканда қабристонида дафн қиладилар. Аҳмаднинг ҳукмдорлиги 6 йилу 4 ой ва 5 кун бўлди⁴¹.

Аҳмаднинг ўлиmidан кейин унинг ўрнига 8 яшар ўғли Наср ибн Аҳмад ҳукмдор бўлди. Унга “Амири Саъид” – “Саодатлик амир” деган лақабни бердилар. Наср ибн Аҳмаднинг ёшлигидан фойдаланиб, қўпчилик унинг амакиси (отасининг амакиси) Исҳоқ ибн Аҳмадни қўллаб-қувватларди. Фақат Бухородагина Насрни қўллар эдилар, қолган вилоятларда эса Исҳоқни ва унинг ўғилларини қўллаб-қувватлардилар. Насрнинг ёшлиги туфайли бу даврда давлат ишларини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайхоний бошқаради. Наср атрофидагиларнинг маслаҳати билан иш юритди, чекка вилоятларда марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик қайфияти кучайди ва Сейистонда исён кўтарилди⁴².

914-923 йилларда Исҳоқнинг ўғиллари Илёс ва Мансур Насрга қарши бир неча марта исён кўтаришди. 926-927 йилларда Рай вилоятини эгаллаб олишиб, у ерга Симжур ад-Давотийни ҳоким этиб тайинладилар. 930-931 йилда Насрнинг укалари Яхё (Абу Закариё), Мансур (Абу Солиҳ) ва Иброҳим (Абу Исҳоқ) лар унга қарши бош кўтардилар. Кариндошлари, биродарлари Наср ибн Аҳмадга катта ташвиш келтирардилар. Самарқандда ҳокимлик қилган амакиси Исҳоқ 3 марта Насрга қарши уруш қилди. Учинчи уруш қилганида Исҳоқ асирга тушди, унинг Нишопурдаги исёнчи ўғли Мансур ўлди. Шундан кейин бутун Хуросон ва Мовароуннаҳр Насрнинг ихтиёрига ўтди⁴³. Наршахийнинг ёзишича, 926-927 йилда Бухоронинг “Гардун кашон”

⁴¹ Наршахий Бухоро тарихи // Мерос 160-бет, Ибн ал-Асир Полный свод историй С.89

⁴² Ибн ал-Асир Полный свод историй С. 90-91

⁴³ Наршахий Бухоро тарихи // Мерос 161-бет

деган маҳалласига ўт тушади. Ўт шундай зўрайганки, уни ҳатто Самарқанддаги одамлар ҳам кўриб турган. Ўчиришнинг иложи бўлмай, бутун маҳалла куйиб кетган. Бундан фойдаланиб Насрнинг катта укаси Абу Закарийё Яҳё фитна уюштирган, аммо бирор натижага эриша олмасдан озгина одам билан Хуросонга қочиб кетган.

“Бухоро тарихи” да баён этилишича, 937 йилнинг май-июль ойида Бухоро шаҳридаги Самарқанд дарвоза маҳалласида катта ёнгин келиб чиққан. Жуда кўп иморатлар ёниб кулга айланган. Масжиди Мох, бозорнинг бир нечта тимлари, Форжак номи илкмадраса ҳам ёниб кетган. Ёнгин 3 кун давом этиб, Бухороликларга 100 минг дирамдан ортик зиён етказди⁴⁴.

Наср ибн Аҳмад ҳукмдорлиги даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрда қарматлар ҳаракати, унинг гояларини тарғиб этиш кучайди (қарматлар ҳаракати IX асрда Месопотамияда ташкил топган бўлиб, диний қобикдаги ижтимоий ҳаракат, асосан деҳқон ва чорвадор кўчманчилар орасида кенг тарқалган, қишлоқ жамоасини тиклаш гояси устуворлик қилган). Бу ҳаракатда мисрлик фотимийлар тарафдорларининг таъсири кучли бўлган. Сомонийлар давлати сарҳадларига етиб келган мазкур ҳаракатдан фотимийлар ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринган. Ҳатто, амир Насрнинг ўзи ҳам қарматлар таълимотини қабул қилган. У ҳукмдорлигининг охириги йилларида қарматларнинг Мовароуннаҳрдаги раҳбари Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабий (Насафий)нинг илтимосига кўра фотимийларнинг кўрсатмаси билан Хуросонда фаолият кўрсатаётган қарматлар ҳаракатининг йирик раҳбарини Бухоро зиндонида ўлгани учун фотимийлар халифаси Камма (934-946)га 119 минг дирҳам тоvon тўлашга рози бўлганлиги бунини тасдиқлайди. Сомонийлар амирининг қарматларни қўллаб-қувватлаши расмий руҳонийларда ва турк гвардияси юқори қатламида норозиликни тугдирди. Улар Насрга қарши фитна уюштирдилар. Фитна фош этилса-да, Наср ўглининг фойдасига тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. Унинг ўғли Нух қарматларга қарши курашган, Нахшабий Бухорода халқ олдига қатл этилган⁴⁵ (История Уз.ССР..Т.1967.1-том, с.285).

943 йилда Наср ибн Аҳмад 13 ой касал бўлиб ётгандан кейин вафот этади (кўкйўтал касалидан). У 30 йилу 33 кун амирлик қилиб, 38 ёшида оламни тарк этади. Унинг ўлимидан кейин ўрнига Абу Муҳаммад Нух ҳукмдор бўлади (943 йил 10 апрел). Бухоронинг

⁴⁴ Наршахий Бухоро тарихи // Мерос 161-бет

⁴⁵ История Уз.ССР..Т.1967 1-том, с.285

қозиси, фикх илмининг билимдони Абу Зар унинг вазири бўлган. Нухнинг лақаби “Амири Ҳамид”, яъни “Шарафли Амир” бўлган. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Нух ибн Наср даврида давлат ишларини Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Ҳаким бошқарган. 945 йилда Абу Али ибн Муҳтож (Насрнинг лашкарбошиси) амир Нух ибн Насрга қарши исён кўтаради. Бунинг сабаби – амир Нухнинг Нишопурга одам юбориб, қўшиннинг ҳолатини кўриқдан ўтказиши натижасида кўп одамларнинг вазифасидан бўшатилиши ва жазоланиши эди. Амир Нух зудлик билан исёни бостирди ва лашкарбошини Хуросон ҳокими давозимидан озод қилиб, ўрнига Иброҳим ибн Симжурни тайинлади, маълум муддатдан сўнг унинг ўрнига Мансур ибн Қоратегинни тайинлади. Уларнинг иккаласи ҳам озод этилган турк гуломларидан эди. Иброҳим Симжур 945-948 йилларда Нишопурнинг амири бўлган. Мансур Қоратегин эса 948-949 йилларда Хуросон амири бўлган.

Вазифасидан озод этилган Абу Али ибн Муҳтож (Наршахийнинг ёзишича Исфакхоний) алаmidан Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад (амир Нухнинг амакиси) ни амир Нухга қарши чиқишга кўндиради. Нишопурдан қайтиб келаётган Нухга ҳужум уюштирилиб, амир Нух енгилиб, Бухорога қайтади. Унинг изидан амакиси ҳам Бухорога келади ва унинг номига (Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмадга) хутба ўқийдилар. Бироқ орадан кўп ўтмай Исҳоқ Иброҳим ўз лашкарининг амир Нухга содиқлигини сезиб қолади ва Чағониёнга кетади. 948-950 йилларда Мансур Қоратегин бошчилигидаги қўшин Журжон ва Рай вилоятларига юриш қилади. Али ибн Муҳаммад ал-Қазвиний Марвада амир Нухга қарши бош кўтаради. Мансур Қоратегин бу исёни ҳам бостириб, ал-Қазвинийни асирга олди ва Бухорога юборди.

Амир Нух ҳокимият учун даъвогарлар билан кўп урушлар олиб бориб, фақат 953 йилга келибгина ҳамма вилоятларни тўла бўйсундириб олишга муваффақ бўлади. У 12 йил амирлик қилиб, 954 йилнинг августида вафот этади. Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” китобини амир Нухга бағишлаб ёзган эди.

Нухнинг ўлиmidан кейин ўрнига ўғли Абул-Фаворис Абдулмалик тахтга ўтирди. Унинг лақаби “Амири Рашид” эди. Абдулмаликнинг ҳукмдорлиги йилларида мамлакатда бебошлик ҳукм сурди, ҳар бир вилоят ҳукмдори ўзича бошқаришга ҳаракат қилди. Амири Рашид лашкарбоши Ашъас ибн Муҳаммадни Хуросонга юбориб, Ҳирот ва Исфакхонни бўйсундиришни топширди. У Хуросонга бориб ушбу вилоятларни бўйсундирди. Шу аснода амир Абдулмалик оддан йиқилди ва 961 йилнинг 20 ноябрида вафот этди. Унинг вафотидан

ташкил этиш ўрнига Қорахонийлар томонига ўтиб кетадилар. 990 йилда Қорахонийлар Фарғонани босиб оладилар. Сунгра энг қудратли ҳукмдорлардан бири бўлган Хорун Ибн Мусо Буграҳон Исфижоб (Сайрам) ни бўйсундириб, 992 йилнинг майида Бухорога юриш бошлади. Буграҳонга қарши чиққан турк саркардаси Аяч тор-мор этилиб, асирга олинади. Сомонийлар билан Қорахонийларнинг 992 йилда Кармана яқинида бўлган дастлабки тўқнашувида Қорахонийлар ғолиб чиқади. Аячнинг мағлубиятидан кейин Нух нисбатан талантли, аммо ишончсиз бўлган лашкарбоши Фоиққа ишонади. У Работи Малик яқинидаги Харжанг деган жойда қорахонийларга жангни бой беради, Бухоро ҳимоясиз қолади. Фоиқнинг хизматлари эвазига Буграҳон тез орада уни Термиз ва Балхга ноиб этиб тайинлайди. Хорун Буграҳон Бухорога кириб боради. Сомонийлар ҳукмдори Нух II Омул (Чоржўй)га қочади. Хорун Буграҳон унчалик кўп куч сарфламаданок Бухорони эгаллаб олади. Бирок тез орада Буграҳоннинг тоби қочиб, Боласагунга қайтишга мажбур бўлади ва ўша ерда вафот этади. Унинг қўшини ҳам Бухорони ташлаб кетади. (992 йил 12 август).

Қорахонийлар янги юришни 996 йилда амалга оширдилар. Бу вақтга келиб Бухородаги ҳокимиятини қайта тиклаган Нух II билан олиб борилган музокаралар Мовароуннахрни Самарқанд шаркидаги Қатвон чўли бўйлаб бўлиб олинishiга олиб келди. Самарқандда Қорахонийлар вакили ноиб этиб тайинланиб, фақат Бухорогина Сомонийлар ихтиёрида қолди. 996 йилда Мовароуннахрга қорахонийлар ҳужуми бошлангач, Сабуктегин ўғли Махмуд Ғазнавий ва биродари Бугрочик бошчилигида Бухорога 20 минг кишилиқ қўшин жўнатган. Улар билан қорахонийлардан Буграҳон –Хорун ибн Мусо (992 й. вафот этган)нинг вориси Наср Илоқхон (Наср ибн Али) ўртасида сомонийлар амирининг иштирокисиз шартнома тузилган. Мазкур келишувга мувофиқ бутун Сирдарё бўйлари қорахонийлар қўлига ўтади. Амударёнинг жанубий қисми ва Хуросон ҳудудида Сабуктегиннинг ҳукмронлиги ўрнатилади. Сомонийларнинг ихтиёрида эса фақат Мовароуннахрнинг марказий қисми қолади. Шундай қилиб, икки йирик туркий салтанат: қорахонийлар ва ғазнавийлар сулоласи вакиллари Сомонийлар давлатининг катта қисмини ўз давлати таркибига қўшиб оладилар.

Нух ибн Мансур (Нух II) нинг вафотидан кейин Сомонийлар сулоласининг аҳволи ёмонлашди. Мамлакатнинг чекка ўлкаларида бош-бошдоқлик авж олди. Нухнинг ўрнига ўғли Абул-Хорис Мансур ибн Нух амирлик қила бошлади. Туркий саркардалардан Абу Али

билан Фойик Сомонийлар амири Мансурга қарши жанг бошлади. Бу икки саркарда тахтни Сомонийларга ҳам, Қорахонийларга ҳам беришни истамай, ўзлари эгаллаб олишга интилдди. Сомонийлар амири Мансур ёрдам сураб Ғазнавий ҳукмдори Сабуктегинга мурожаат қилади. Сомонийлар амири Нух Маҳмуд ибн Сабуктегинни Хуросон ноиби этиб тайинлаган эди. Хуросондан ҳарбий кучлар етиб келиши билан Абу Али ва Фойикка кескин зарба берилди.

998 йилда Сомонийлар амири Мансур ибн Нух ибн Мансур қамокка олинади. Бунинг сабаби – туркий саркардалар Фойик ва Абу Алининг ҳатти-ҳаракатларига амир Мансурнинг муносабати эди, улар ҳокимиятни ўз қўлларига олмокчи эдилар. Шунинг учун ҳам Фойик Мансурни чакириб, гўёки Маҳмуд Ғазнавий (Сабуктегин) нинг ҳаракатларини муҳокама қилмокчи бўлди ва у келиши билан қамокка олинди. Туркий саркарда Бектузин ва Фойик Сомонийлардан бўлган ҳукмдор Мансур ибн Нухнинг кўзини кўр қиладилар. Ҳали ёш бола бўлган укаси Абдумаликни ҳокимиятга чиқарадилар. Саркардалар унинг ёшлигидан фойдаланиб, ҳокимиятни ўзлари бошқармокчи эдилар. Мансур ибн Нухнинг амирлиги бир йилу 9 ой давом этди. Шундан кейин Хуросон ноиби Маҳмуд ибн Сабуктегин Сомоний ҳукмдорга ва уларнинг туркий саркардаларига қарши кураш бошлади. Абдумалик ва Фойик Бухорога, Бектузун эса Нишопурга, Абулқосим ибн Симжур Қўхистонга қочди. Маҳмуд ибн Сабуктегин уларнинг бирлашувига йўл қўймади. Охир-оқибатда Хуросон сомонийлардан узил-кесил тортиб олинди. Шундан кейин Маҳмуд Ғазнавийнинг сиёсий мавқеи ортиб кетди. 997 йилда Ғазна вилоятининг ноиби ва Хуросон қўшини амири бўлиб олган Маҳмуд ибн Сабуктегин бу мулкларни мустақил бошқара бошлади.

Мовароуннаҳр (асосан Бухоро) Абулмалик ибн Нух қўлида қолади. 999 йилда Қорахонийлар ҳукмдори Насрхон Бухорога яна юриш бошлади. Туркий саркардалар қўлга олинди. Тарафдорлари камлиги учун Амир Абулмалик нима қилишини билмай, қўрққанидан яшириниб олди. Арк ва қароргоҳ эгаллаб олинди, Абулмаликни ҳам топадилар ва у Ўзгандга юборилади. Сомонийлардан бўлган Мансур ибн Нух, унинг ўғиллари Абу Иброҳим Исмоил ва Абу Яъқуб, шунингдек Сомонийлардан Абу Закариё ва Абу Сулаймон ва бошқалар қамокка олинади.⁴⁹⁹ 999 йилда Маҳмуд Ғазнавий халифа Қодирдан Хуросонни бошқариш тўғрисидаги ёрликни олади.

⁴⁹⁹ Ибн ал-Асир. Полный свод истории С 173

999-1000 йилда Абу Иброҳим Исмоил қамокдан қочди ва бир неча кун яшириниб юргач Хоразмга кетди. У ерда “ал-Мунтасир” деган лақаб олди. Ал-Мунтасир Хоразмда сомоний лашкар-бошилардан қолган-қутганларидан катта лашкар йиғишга муваффақ бўлди ҳамда ҳарбий саркардалардан бирининг бошчилигида Бухорога юборди. Унинг лашкари Бухорога келиб Насрхонга тегишли одамларнинг кўпчилигини, шу жумладан Жаъфар-тегин ва бошқаларни асирга олиб, қочоқларни то Самарқандгача қувиб борди. У ерда Қорахонийларнинг қўшини билан тўқнашди, уларни тор-мор келтириб, кейин Бухорога қайтди. Аммо Насрхон орадан кўп ўтмай катта қўшини билан яна Бухорога қайтиб келди. Бухородаги Сомонийларга тегишли кучлар Қорахонийларга бас кела олмай, Хуросонга қараб йўл олдилар ва маълум муддат Хуросонда устунликни ушлаб турдилар. Уларни изидан таъқиб этиб борган Насрхон қўшини кечаси ҳужум (шабихун) уюштириб ал-Мунтасирни қуршовга олади ва ўлдиради. Шундай қилиб охириги сомоний ҳукмдор ҳам бу оламни тарк этади. Тўғри, сомонийлар 1005 йилгача қаршилик кўрсатдилар, аммо бу жараёнга кескин таъсир кўрсатмади ва шу йилдан бошлаб сомонийлар ҳукмронлиги барҳам топди. 1001 йилда Маҳмуд Ғазнавий ва Наср ўртасида келишув бўлиб, Амударё бўйлаб чегара белгиланади. Шундай қилиб, Хитойдан Амударёгача бўлган кенг ҳудудда Қорахонийлар ҳукмрон бўлиб қолади. Амударёдан Шимолий Ҳиндистонгача бўлган ерларда эса Ғазнавийлар ҳукмронлик қилади. Орадан кўп ўтмай улар ўртасида шиддатли уруш бошланади.

Давлат бошқаруви

Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида давлат бошқаруви тизими ўзига хос шаклда бўлиб, улар ўзларини амир деб аташган, аммо халифаларнинг “амирул муслимин” (муслмонлар амири) деган унвонини олишни даъво қилмаган. Исмоил Сомоний марказлашган бошқарувни барпо этиш юзасидан бир қатор ислохотларни амалга ошириб, бошқарувни даргоҳ (сарой аҳли) ва девон (махкама) орқали назорат қилган. Бошқа давлатларнинг саройларида бўлгани каби Сомонийларнинг саройида ҳам девонбошилар, мирзабошилар, муншийлар, мушриф(сарой ҳисобчиси)лар, мутассарриф (молия амалдори)лар, муфрад (шахсий соқчи)лар, нақиб (хос хизматчи)лар, эшик оғаси, ҳожиб (махсус хизматни бажарувчи амалдор)лар, мирохурлар ва бошқалар бўлган.

Марказий бошкарма ўнта девон (давлатни бошқарувчи махкама)дан иборат бўлиб, Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида (913-943) Бухоронинг Регистон майдони атрофида шу девонлар учун ўнта махсус бино қурилган. Энг катта девон вазир девони бўлиб, у давлатнинг марказий бошқармасини бошқарар, қолган девонлар унга бўйсунар эди. Мазкур ўнта девоннинг аталиши қуйидаги тартиб ва номлар билан ифодаланган: 1) Девони вазир; 2) Девони муставфий; 3) Девони амид ал-мулк; 4) Девони соҳиби шурат; 5) Девони соҳиби маййид; 6) Девони мушриф; 7) Девони мумалликайи; 8) Девони мухтасиб; 9) Девони авқоф; 10) Девони қазо.

Сомонийларнинг бошқарув тизими асосан, маҳаллий деҳқон (қишлоқ ҳокими)лар, аслзодалар ва дин арбобларидан ташкил топган эди. Сарой ҳарбий қўмондонлари, қўшин қўмондонлари ҳожиб, лашкарбошилар сипоҳсолор деб аталиб, улар давлат бошқаруви ишларига катта таъсир ўтказиб келишган.

Сомонийлар даврида туркий аҳоли вакилларида кўпчилиги ҳарбий ишга жалб этилади. Улар орасидан кўзга кўринган сиёсий арбоблар, саркардалар, сарой амалдорлари ва вилоятларнинг ҳокимлари етишиб чиққан. Масалан, Алптегин лашкарбоши, кейинчалик Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси бўлган, Собуктегин Мансур ибн Нухнинг энг эътиборли амирларидан ҳисобланган, Қоратегин лашкарбоши, Мансур ибн Қоратегин Балх вилояти ҳокими, Иброҳим Симжур Журжон вилояти ҳокими, Нишопур вилояти ҳокими, Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим Симжур лашкарбоши, Гуртегин Кермон вилояти ҳокими, Борис ал-Кабир (Барс Бойкандий) Журжон, Рай ва Табаристон ҳокими, Аҳмад ибн Фаригун Гузғониён ҳокими, Бектузун Мансур ибн Нух саройида ҳожиб бўлиб ишлаган. Давлат буларга ва бошқа хизмат аҳлларига катта-катта ерлар инъом этган. "Амир Исмоил, деб ёзади Наршахий, Жўйи Мўлиёнда саройлар ва боғлар барпо қилиб, унинг кўпроқ қисмини Маволийлар (озод этилган қуллар)га вақф қилди.⁵⁰

Сомоний ҳукмдорлардан Исмоил ибн Аҳмад биринчи бўлиб шахсан ўзига бўйсунувчи содик қуллар, яъни мамлук-гуломлардан ташкил топган мунтазам қўшин тузишга киришди. Унинг ўгли Аҳмад ибн Исмоилнинг қўшинида ўн мингга яқин турк гуломлари хизмат қилган. Шу даврда Аббосий халифаларнинг қўшинлари ҳам асосан турк гуломларидан иборат бўлган. Тарихан мамлук-гуломлар тизими Ўрта Осиёда исломдан аввалги даврда мавжуд бўлган қўриқчи

⁵⁰ Бухоро тарихи. 32-бет

чокарлар тизими асосида шакллантирилган эди. Араблар юриши даврида илк ўрта асрнинг ривожланган шаҳарларидан бири бўлган Бойкандда ҳам ана шундай турк чокарлари хизматидан фойдаланилганлиги тарихий манбалардан маълум. Қадимги Бойканд шаҳри аҳолисининг кўпчилигини савдогарлар ташкил этиб, улар денгиз орқали Хитой ва бошқа мамлакатларга бориб савдо-сотик билан шугулланганлиги боис ўз шаҳрини пул тўлаш эвазига кўрикланишини ташкил қилишган, яъни турк аскарларидан ёллашган. Кўрикчи чокарлар тизимининг афзаллиги шундаки, улар ўзларининг хўжайинларига чексиз вафодор бўлишган, жанг майдонини осонликча ташлаб кетишмаган, энг муҳими уларда парокандалик ва тартибсизлик бўлмаган, ҳарбий интизом жуда кучли бўлган.

Сомонийлар даврида ўрнатилган тартибга кўра, ғуломларнинг даражалари хизмат ва ҳунарларига қараб кўтарилган. Агарда, бирор қулни сотиб олсалар, у бир йил давомида занданачи кийимида ва оддий этик кийиб пиёда хизмат қилар эди. Бу қулга бир йил давомида яширин ёки очикчасига отга миниш ман этиларди. Бир йиллик шу тахлитдаги хизматдан кейин унга бир яхшироқ кийим ва бир туркий от оддий эгари билан олиб бериларди. Учинчи йили белига боғлаш учун қорачурий (қиличнинг бир тури) қиличчиликка сазовор бўларди. Тўртинчи йили белига боғлаш учун унга ўқдон ва кин беришарди, бешинчи йилида яхшироқ эгар-жабдук, юлдузли жилов, қизил кийим ва ҳалкага осилган темир гурзи бериларди. Олтинчи йилда отда юриши учун махсус этик бериб, сокийликка тайинлаб, белига қадах осиб юришга рухсат этиларди. Еттинчи йилда бу ғулом бир тўнликка эришарди, саккизинчи йили ўн олти тирговичли чодир ва янги сотиб олинган қуллардан уч нафари берилиб, унга вусоқбоши лақаби бериларди, қумушдан зийнатланган бош кийим ва ганжали кийим инъом қилинарди. Шу тариқа ҳар йили кийим-кечаклари кўпайиб, унинг аскарлари ва мартабаси хайлбоши бўлгунига қадар ошиб борарди. Шундан кейингина хожибликка эришарди. Ўрнатилган тартиб-қоидага биноан то ўттиз беш ёшга тўлгунича амирлик унвонини бермасдилар, вилоятларга ҳоким этиб тайинламасдилар.⁵¹ Истисно тариқасида, баъзан ўта садоқатли ва лаёқатли ғуломлар мансаб пиллапоясидан ёшлигиданоқ кўтарила борган.

978 йилда ўзининг “Китоб сурат ал-ард” асарини ёзиб тугатган Ибн Ҳавқал Мовароуннаҳр ҳақида, хусусан Сомонийлар вакиллари ҳукмронлиги давридаги тартиб-қоидалар, маъмурий бошқарув

⁵¹ Нисомулмулк. Сийасатнома. 101-102 бет.

тўғрисида ҳам қимматли маълумотларни қайд этган. Чунончи, Хуросон ва Мовароуннахрнинг олти ойлик солигининг миқдори йигирма миллион дирҳамни ташкил этиши (Мансур ибн Нуҳ даврида), бир жариб (900-3000 м² оралигидаги ер майдони) ердан олинадиган хирож солиги тўртдан бир дирҳамдан тўртдан уч дирҳамгача бўлишиги, давлат амалдорлари учун тўланадиган маошлар бир йилда тўрт маротаба, яъни ҳар чорак (90кун) нинг бошида, энг аввал гуломларга, сарой ходимлари ва ҳарбий мансабдорларга, кейин бошқа хизматчиларга берилиши, тўланадиган маошларнинг бир йиллик миқдори олти ойлик учун йиғиладиган хирож миқдorigа (йигирма миллион дирҳам) тенг эканлиги қайд этилади. Наршахийнинг ёзишича, Сомонийлар даврида Бухоро ва Карминанинг хирожи бир миллион бир юзи олтмиш саккиз минг дирҳамни ташкил этган⁵².

Ибн Ҳавқалнинг эътирофи ёзишича, давлат бошқарувида фаолият кўрсатаётган юқори лавозимдаги амалдорларнинг давлат хазинасидан оладиган таъминотида ўзига хос адолат мезони ўрнатилган бўлиб, қозилар, текширувчи-тафтишчилар, назоратчилар ва бошқарувчиларнинг маошлари ҳам, зиммаларидаги мажбуриятлари ҳам деярли бир хил бўлган. Масалан, қозининг ризқи, яъни оладиган маоши почта бошлиги, яъни ҳукмдорнинг фармонлар ва хатларини вилоятлардаги ноибларига етказиб турувчи ва улар ўртасидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа ҳужжатларни сакловчи махсус девон бошлигининг, моллар савдосидан ва тижорат фаолиятдан олинадиган солиқларни йиғувчи амалдорнинг ва нафақа ишлари бошқарувчиси-тижорий бўлмаган ижтимоий зарур фаолият билан шуғулланувчи шахсларга давлат томонидан бериладиган нафақаларни тақсимловчи ҳамда тайинловчи амалдорнинг маоши билан бир хил бўлган.⁵³

X асрда Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги ҳудудлар қуйидаги вилоятлардан иборат бўлган: Бухоро, Самарқанд, Усрушона, Фарғона, Шош, Исфижоб, Хоразм, Кеш, Насаф, Чағониён, Хутталон, Бадахшон, Балх, Тохаристон, Гузганон, Фаржистон, Марв, Хирот, Ғур, Нишопур ва Гургон. Мазкур маъмурий-ҳудудий бўлиниш X асрда Мовароуннахрда бўлган араб географ ва тарихчилари томонидан қайд этилган бўлиб, вилоятларни марказий ҳокимият (амир) томонидан тайинланган ҳоким бошқарган. Шаҳарларни эса раислар бошқариб, уларни бу лавозимга вилоятлар ҳокимлари тайинлаган. Бу даврда маъмурий бошқарув тизимида ноҳия (ҳозирги туманларга тўғри

⁵² Бухоро тарихи, 35-бет

⁵³ Ибн Ҳавқал, Китеб сурут ал-ард, 23-бет

келади)лар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг маъмурий бошқаруви шу ҳудудда ҳокимлик лавозимига тайинланган қозилар зиммасига юклатилган⁵⁴.

Умуман, маъмурий бошқарув шариат асосида амалга оширилиб, шаҳар ва туманларни раислар бошқарган. Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида маркази Бухоро бўлган давлатнинг бошқарув тизими мукаммал тарзда ташкил этилган бўлсада, қонунчилик ва ҳуқуқий нуқтаи назардан бу мустақил давлат бўлмаган. Чунки Сомоний ҳукмдорлар (амирлар) расман Бағдод халифалигига бўйсунган, ўз навбатида халифалик ҳам жойлардаги маҳаллий бошқарувга араллашиб турган. Масалан, 875 йилда Наср ибн Аҳмадни Мовароуннахрнинг амири, 893 йилда Исмоил ибн Аҳмадни Мовароуннахрнинг амири деб тайинлаш тўғрисида халифалик (халифалар Мутаъмид, Муътазид) томонидан ёрлик юборилган. Хуросонда Саффорийлардан бўлган Амр ибн Лайснинг ҳукмдор (амир) бўлиши тўғрисида ҳам ёрлик юборилган. Исмоил ибн Аҳмаднинг Туркистон ерларига, Таласга, Исфижобга юриши муносабати билан халифалик унинг қучайиб кетишидан хавфсираган ва 898 йилда лавозимидан олиб ташлаш ҳамда Мовароуннахр ва Хуросоннинг амири этиб Амр ибн Лайсни тайинлаш тўғрисида ҳам ёрлик юборганлиги маълум.

Х асрнинг охирига келиб Сомонийлар сулоласи ҳам заифлашиб қолади ва унинг ўрнини бошқа сулола эгаллайди. Сомонийлар сулоласининг заифлашиб боришига олиб келган омиллардан биттаси мунтазам қўшин ташкил этиш муносабати билан ғуломларга кенг имкониятлар берилиши, уларнинг етарли даражада моддий таъминланиши, йирик феодал-ер эгаларига, иктадорларга айланиб бориши билан ўз ваколатларини суистеъмол қилишидир. Масалан, 914 йилда амир Аҳмад ибн Исмоилни ўзининг ғуломлари ўлдирган, 929 йилда Мансур ибн Нухни сарой ҳожиби Бектузун Марвада асирга олган, 946 йилда Нух ибн Насрнинг вазири маошини ўз вақтида ололмаган аскар-ғуломлар томонидан қатл этилган. Демак, вақт ўтиши билан мунтазам қўшинга жалб қилинган ғуломлар учун ҳўжайинга содиқ қолишдан қўра ўз моддий манфаатдорлиги устун бўлиб қолган.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Тоҳирийлар ва Сомонийлар ҳукмронлик қилган даврда солиқ тизими қатъий тартибга солинган. Зироатдан олинадиган

⁵⁴ Ибн Ҳавқал, . Китоб сурат ал-ард 25-бет

солиқларнинг энг асосийси хирож бўлган. Хунарманд ва савдогарлардан тамга ва бож, ғайридинлардан жузъя ундирилган. Тоҳирийлар даврида Бухоро вилояти 1189200 дирҳам тулаган. Хирож тоҳирийлар ва сомонийлар даврида кучайган бўлса, қорахонийлар замонасига келиб, икто солиқ йигишнинг асосий манбаига айланган. Бундан ташқари, қорахонийларнинг имом, эшон ва садрларга ҳурмат-эътибори кучайганлиги сабабли Бухоро ва унинг атрофларида вақф мулкларининг кўлами анча кенгайган. 842 йилда сомоний ҳукмдорлар аҳолидан икки марта хирож ундирганлар. Хирождан ташқари аҳоли бошқа мажбурий ишларга – қурилиш, истеҳкомлар таъмири ва сугориш иншоотларини тозалашга ҳам жалб этилган. Вақф ерларидан хирож, вақфга тегишли мулклардан солиқ ундирилмаган.

Х асрнинг иккинчи ярмида Сомонийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёмонлашди. Ҳаддан ташқари кўпайиб кетган солиқлар асоратига қарши халқ оммасининг тўхтовсиз кураши бошланганлиги, ҳукумат амалдорлари ва ер эгалари (мулкдорлар) аристократияси аёвсиз эксплуатация қилаётганлиги мана шундай ички қийинчиликларни вужудга келтирди. Жумладан, 930 йилда Бухорода кучли деҳқон ғалаёнлари бўлиб ўтган. 961 йилда бош кўтарган Бухоро шаҳрининг аҳолиси Сомонийлар томонидан қўйилган ҳоким Абдумаликнинг саройини талаб, ўт қўйиб ёндирдилар. Феодал зулмнинг кучайиши, шаҳар ва қишлоқлардаги халқнинг турмуши ниҳоятда ёмонлашуви мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий қудратига путур етказди. Давлат ичининг мустаҳкам эмаслиги, феодаallarнинг марказий ҳокимиятга қарши кураш олиб бориши, айрим вилоят ҳокимларининг исёнлари натижасида Сомонийлар давлати анча заифлашиб қолди ва Қорахонийлар қўл остида бирлашган туркий қабилаларнинг ҳамласига бардош беролмади.

Сомонийларнинг келиб чиқиши тўғрисида яқдил фикр йўқ. Кейинги пайтда Сомонхудоётнинг аجدодлари Баҳром Чубиннинг турк ҳокони Эл-тегиннинг қизи билан қурган oilасининг авлодлари бўлганлар, Баҳром Чубиннинг ўзи ҳам аслида форс бўлмаган, балки Сосонийлар хизматидаги хуросонлик ўгуз туркларидан келиб чиққан деган фикр устиворлик қилмоқда.⁵⁵ Сомонийлар ўз давлатида жуда яхши йўлга қўйилган ҳукмронлик тизимини ўрнатдилар. Жойларда ҳокимият Сипохсолор (катта мулкларда) ва ҳокимлар (майда маъмурий бўлинмаларда) қўлида бўлган. Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда сомоний амирлар, уларнинг oilа

⁵⁵ Камолiddин III С Сомонийларнинг келиб чиқиши масаласига доир // Молиядан савдо 2004. 4-сон 15-18 бет

аъзолари, деҳкон зодагонлари, мусулмон дини арбоблари, юқори мансабдаги турк гвардияси вакиллари, чунончи Алптегин, Сабуктегин. Абу Али Симжурий, Фойик, Бектузин ва бошқалар, шунингдек, бадавлат савдогарлар ҳукмрон синф сирасига кирган. Уларнинг қулида катта-катта ер-сувлар, беҳисоб бойликлар тўпланган эди. Улар меҳнаткаш халқ оммасини, чунончи, жамоа деҳқонлари ҳамда шаҳар аҳолисининг куйи катламини-камбағалларни аёвсиз эзар эдилар. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида деҳкон зодагонлари, шарият пешволари, айниқса турк гвардияси бошлиқлари катта роль ўйнаган. Масалан, Алптегин Нух ҳукмронлиги даврида (943-954) Хуросонда ҳоким бўлган. Низомулмулкнинг ёзишича, унинг Хуросон ва Мовароуннаҳрда 500 дан ортиқ кишлокни бирлаштирган мулки мавжуд эди. "Хуросон амири Нух ибн Наср Бухорода вафот килди. Шу кезде Алптегин Нишопурда эди. Умарон хос Алптегинга хат ёзиб, Хуросон амири оламдан ўтганлигини маълум килди: "Унинг ўттизга кирган акаси ва ўн олти ёшли ўғли қолган. Бу мамлакатнинг мадори сенинг қўлингда. Қайсинисини подшоҳликка тайинлайсан?"⁵⁶. Бу маълумотдан чиқариладиган хулоса шундан иборатки, мамлакат бошқарувида турк гвардияси бошлиқларининг роли салмоқли бўлган.

IX-X асрларда Сомонийлар даврида феодал ер эгаллигининг куйидаги шакллари амал килган: 1) Мулки султоний. Шахсан амирга тегишли ер-сув ва бошқа мулк; 2) Хусусий шахсларга тегишли мулк. Ҳукмрон табақа хонадонига, деҳкон зодагонларига, саййидлар ҳамда турк гвардияси бошлиқларига, бадавлат савдогарларга тегишли мулк; 3) Вақф ерлари; 4) Мулки хирожий. Бунга мулки султоний, хусусий мулк ерлари (мулк) ва қисман вақф ерлари киритилган. Хирож ҳажми олинган ҳосил ҳажми билан ўлчанган. 5) Иқтоъ ерлари. Мулки султонийдан атоқли амалдорлар ҳамда лашкарбошларга тожу тахт олдида килган катта хизматлари учун инъом тариқасида ажратиб берилган ерлар. Мазкур ер эгалари (иқтоъдорлар) олинган даромадларини катта бир қисмини, айрим ҳолларда уни тўлалигича ўз ҳисобида қолдирганлар. Сўгднинг тоҳирийлар орқали халифа хазинасига тўлаган солиги 326 минг дирҳамни, Фарғонаники 280 минг, Шошники 607 минг, Усрушонаники эса 50 минг дирҳамни ташкил этган.⁵⁷

Мовароуннаҳрнинг асосий вилоятларида, жумладан Зарафшон водийсида кишлок ҳўжалиги ривожланган. Сомонийлар ҳукмронлиги

⁵⁶ Низомулмулк Сиясатнома 104-бет.

⁵⁷ История Уз ССР Т 1967 1-том, с 278

даврида Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги ерларни сунъий сугориш учун Зарафшон дарёси ва ундан чиқарилган анҳор-ариқларда сув етарли даражада бўлган. Наршахийнинг ёзишича, бу анҳорларнинг биринчиси Кармина, иккинчиси Шопурком, учинчиси Ҳарконат ул-Улё, тўртинчиси Ҳарконруд, бешинчиси Овхатфар (бу жуда кенг ва катта), олтинчиси Сомжан, еттинчиси Бойкандруд, саккизинчиси Фаровизи Улё (унинг оқими бўйлаб кўп кишлоқлар жойлашган), тўккизинчиси Фаровиз ис-Суфло ёки Коми Даймун, унинчиси Арвон, ўн биринчиси Кайфур, ўн иккинчиси Руди Зар (бу шаҳарни сугорувчи анҳор) бу анҳорларни Овхатфардан бошқасини халқ ҳашар йўли билан казиган. Овхатфар анҳорининг ичини сувнинг оқими емириб кетган ва уни қазिशга эҳтиёж қолмаган.

Бу анҳорлар серсув бўлиб, уларнинг ёқалари бўйлаб кишлоқлар жойлашган эди. X асрда Бухорода бўлган Ибн Ҳавқал “Бухоронинг мевалари Мовароуннахрнинг энг яхши меваларидир, таъми ҳам энг шириндир. Бухоронинг тўкин-сочинлиги шундаки, агар бир кишининг бир жариб ери бўлса, у ўз оиласини ва бошқаларни маблаг ва озиқ-овкат билан таъминлаши мумкин” – деб ёзади. Фақат Бухорода чинор, ёнгоқ ва уларга ўхшаш дарахтлар ўсмаган, мубодо шундай дарахтлар бўлса ҳам уларнинг бўйи паст бўлиб ўсган⁹¹. Шаҳар-кишлоқларида аҳоли хунармандчилик билан шуғулланган. Шаҳарлардан қўшни мамлакатларга хилма-хил моллар чиқарилган. Чунончи, Бухородан – юмшоқ матолар, жойнамозлар, гиламлар, меҳмонхона учун паласлар, мис чироқлар; Карманадан – сочиклар; Дабусия ва Ведардан – ведар матолари (Бағдод султонлари уни Хуросон кимхоби деб атаган); Рабинжондан – қизил жундан тўкилган қишки чакмонлар, жойнамозлар, қалайдан ясалганидишлар, тери, пишиқ қанон мато, олтингугурт чиқарилган.

Наршахийнинг шаҳристон билан қатъа ўртасида. Жомеъ масжиди ёнида жойлашган зардўзий қорхонаси тўғрисидаги маълумоти диққатга сазовордир. Бу ерда қимматбаҳо палослар, дераза ва эшик пардалари, жойнамозлар, зар чопонлар тайёрланган. Мазкур қорхона фақат сарой эҳтиёжлари учун хизмат қилган. Наршахийнинг ёзишича, битта дарпардага бутун Бухоро хирожи сарф бўларди. Бағдоддан ҳар йили алоҳида бир омил (амалдор) келиб, Бухоро хирожининг эвазига шу кийимликлардан олиб кетар эди⁹².

⁹¹ Наршахий Бухоро тарихи Т.1966 34-35 бет

⁹² Ибн Ҳавқал Китоб сурут ал-арз 25-бет

⁹³ Наршахий, Бухоро тарихи // Мерос Т.1991 101-бет

Сомонийлар ва улар қўл остидаги амирлар даврида Бухоронинг хирожи Кармананики билан қўшилиб бир гал бир миллион бир юзи олтмиш саккиз минг беш юзи олтмиш олти дирамни ташкил этган. Кейинчалик хирож ҳар жиҳатдан камайган: сув тагида қолган, сув олиб кетган ерлардан, алавийлар ва фақиҳлар (хукукшунос) қўлига ўтган ерлардан, Султон мулкига ўтган Бойканд ва бошқа жойлардан хирож олинмаган. Кармананинг хирожи ҳам алоҳида олинган. Ҳ асрдан олдин Суғд вилояти ҳозирги Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Панжикент ҳудудини ўз ичига оларди. Ҳ асрга келиб Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги ҳудудга Суғд деб ном берилган. Бу даврда Бухоро вилояти ҳудуди унчалик катта бўлмаган.

Бухоронинг ичкарисиди ва ташқарисиди мунтазам ишлаб турадиган бозорларда уй ҳайвонлари, кийимлар, қўллар, бронза ва мисдан ясалган идишлар, буюмлар ва уй анжомлари билан савдо-сотик амалга оширилган. Бухоро ва унинг атрофларидан Бағдод ва халифаликнинг бошқа шаҳарларига ал-бухориййа номли (юкори сифатли нафис мато) кийимликлар, карбос (пахтадан тайёрланган енгил мато), матолар, йўғон симлар, йиғирилган туқима иплар, шунингдек гиламлар, кўрпалар учун гоят чиройли жунли матолар, курсилар ва жойнамозлар олиб кетилган.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожланган Тавовис, Намижкат, Зандана, Мугкон, Хужода, Бойканд, Фарабр, Карминийа, Худиманкан, Харғонкат, Мадйомижкат ва бошқа шаҳарларнинг бир қисми Бухоро деворининг ичкарисиди, бир қисми эса ташқарисиди жойлашган.⁴¹

Қадимги Бойканд шаҳрида VIII-X асрга оид меҳмонхона ва қўноқхона, карвонсаройларнинг хом гиштдан қилинган бинолари ўрганилган. Меҳмонхонадан тўрт томонга қараб 60 дан ортиқ супали ва сандалли бир ёки икки хонали ётоқхоналар, ўчоқли ёки тандирли овқатхона, ташнобли таҳоратхона жойлашган. Саройнинг шимолий гарбий бурчагида оташпарастларнинг оташқадали ибодатхонаси бино қилинган. Хоналарнинг томиравоксимон шаклда ёпилиб, марказ қисмида сопол қувурлардан мўрконлар ўрнатилган. 790 йил билан қайд этилган дорихонадаги шишадан ясалган пробиркалар бу шаҳарда савдо-сотик, қўлолчилик, шишагарлик ва ҳунармандчилик турларининг нақадар тараққий этганлигини кўрсатади.

⁴¹ Ибн Хавқал, Ерниинг сурати юлғуби, 46-50 бетлар

Маданият

Бухорода ҳукмдорларнинг саройи, қароргоҳи ва арк бўлганлиги азма манбалардан маълум. Бухоро шаҳрининг Регистон (қумлоқ майдон) деб аталган манзилида қадимги даврдан бошлаб подшоҳларнинг саройлари бўлган. Наршахийнинг ёзишича, Сомонийлар даври (874-999) да Амири Саъид деб ном олган Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил (914-943) ана шу Регистонда бир сарой қуришни буюрди ва ғоятда гўзал бир саройни қурдилар. Амир ўз саройи дарвозаси олдида амалдорлари учун сарой қуришни буюрди ва уни ҳам қурдилар. Ҳар бир амалдорнинг пошох саройи дарвозаси олдида қурилган ўз саройида алоҳида девони бор эди. Масалан, вазир девони, молия (қирим-чиким ишлари) девони, давлат ҳужжатларини бошқариш ишлари девони, соқчилар бошлиғи девони, хат-хабарлар мутасаддиси девони, сарой иш бошқарувчиси девони, давлат хос мулклари девони, мухтасиб девони, вақфлар девони ва қозилик ишлари девони. Амирнинг буйруғи билан ана шу тартибдаги девонларни қурдилар⁶². Подшоҳлар саройи Жўйи Мулиёнда бўлган. Унинг жаннатни эслатувчи гўзал макомидан кўра яхшироқ бирор жой ва манзил Бухорода йўқ деб ёзади Наршахий. Чунки, унинг ҳамма жойи саройлар, боғлар, гулзорлар ва бўстонлар билан қопланган. Доимий оқиб турувчи сувлар билан таъминланган. Унинг чаманзорлари бир-бирлари билан тутшиб кетган ва уларнинг ораларидан ариқлар ўтиб чаманзорлар ва гулзорлар томон минг тарафга қараб оқар эди. Оқиб турган сувларни томоша қилган ҳар бир киши, бу сув қаердан келаяпти-ю, қаерга кетаяпти деб ҳайратда қолар эди. Сада қайрағочлар шундай бир тарзда чодир шаклини олган эдики, сарховуз лабидаги ўтирадиган жойга шарқ томондан ҳам, ғарб томондан ҳам заррача қуёш тушмас эди. Нашвати, бодом, ёнғок, гилос, чилонжийда ва бошқа мевалар ғоятда яхши ва гўзал тарзда ўтказилган эди. Сомонийлар даврида Бухоро шаҳрининг 7 та гемир дарвозаси бўлган: Боб ал-Мадина, Боб Бани Асад ва Боб Бани Саъд, Боб Нур, Боб Ҳуфра, Боб ал-Ҳадид, Боб ал-Қухандиз.⁶³

Бухоро ўрта аср шаҳар қурилиши анъаналари асосида бунёд этилган бўлиб, уч қисм: арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган. Бухоро аркида иккита дарвозаси бўлган. Шаҳристон шимолида Ҳақ Роҳ (Ҳуфра), жанубида Аттарон (Боб ул-Мадина) ва Оҳаниён (Темирчилар), шарқида Нав (Нур), ғарбида эса Қухандиз, Муҳра (Бани

⁶² Наршахий Бухоро тарихи // Мерос Т., 1991. 105-106 бет.

⁶³ Ибн Халкан, Ёрналиқ сураги китоби, Ғ 2011 41-бет

Асад) ва Бани Саъд дарвозалари бўлган. Аттарондан Хуросонга, Ҳақ Рохдан Самарқандга, Нур (Нав) оркали эса Насаф (Қарши) томонга йўллар кетган. Қолган тўртта дарвоза оркали подшоҳ қароргоҳи — аркка борилган.

Рабод атрофида дастлаб ички девор, 849-850 йилларда ташки девор бино қилиниб, унинг ўн бир дарвозаси бўлган. Ички деворнинг дарвозалари шимолда Боб ул-Ҳадид, Самарқанд ва Мугон, жанубда Пули Сувайк, Абдуҳошим Каноний, Рухба, Моҳ, ғарбида Дарвозача, Форжак, шаркида Пули Абдулҳасан ва Моҳ дарвозалари жойлашган. Рабод ташки девори битгандан кейин унинг шимолида Навбахор, Самарқанд ва Рив, шаркида Марди Кушон, Калобод ҳамда ғарбида Ромитан, Форжак ва Қўшанж номли дарвозаларни бўлган. Ибн Ҳавқал (X аср) Бухоро шаҳрини шундай тасвирлаган: “У текисликда жойлашган, бинолари улама ёғочдан қурилган бўлиб, бир-бири билан чатишиб кетган, эгаллаган майдониغا нисбатан аҳолиси кўп шаҳар, бу чатишган биноларни эса қасрлар, боғлар, маҳаллалар, тош ётқизилган кўчалар ва ҳар томондан ўн икки фарсах масофагача бир-бирисига уланиб кетган қишлоқлар ўраб туради”.

Сомоний амирларидан Абдумалик ибн Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил (954-961) даврида унинг вазири Абу Жаъфар Утбий мадраса рўпарасига яхши бир масжид бино қилдирган ва бу билан шу мавзе обод бўлган. Амирнинг ўлиmidан кейин қуллар саройга кириб, уни таладилар, амирнинг яқинлари ва қанизақлари ўртасида жанжал чиқиб, саройга ўт қуйиб юбордилар, саройдаги тилла ва қумушдан ишланган ҳамма қўзал нарсалар яроқсиз ҳолга келди.

961 йилда тахтга ўтирган Амири Садид номини олган Мансур ибн Нух (961-976) даврида ўша саройни янгидан қуриб, яроқсиз бўлган нарсаларни аввалгидан ҳам яхшироқ қилиб, вужудга келтирдилар. Амир шу саройга жойлашгандан бир йил ўтиб, байрам кечаси ёқилган катта гулхандан олов парчаси учиб саройнинг шипи аланга олди ва сарой буткул қуйиб кетди. Шундан кейин подшоҳлар саройи Жўйи Мулиёнда бўлган.

Жўйи Мулиён ерлари қадимги вақтларда Тугшоданинг мулки бўлиб, у ўз фарзанди ва қуёвларининг ҳар бирига тақсим қилиб берган эди. Ўз вақтида Исмоил Сомоний бу ерларни халифа ал-Муътаъин ибн ал-Муътасим (862-866) нинг лашкарбошиси бўлган Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Толутдан сотиб олган эди. Амир Исмоил Жўйи Мулиёнда саройлар ва боғлар барпо этиб, унинг кўпроқ қисмини озодлик олган қулларига вақф қилди. Амир Исмоилдан кейин унинг

фарзандларидан кимки амир бўлса у гузаллиги, тоза ва хушхаволиги туфайли Жўйи Мулиёнда ўзи учун боғ ва кўшклар бино қилди. Аслида ерларнинг маволий (озод этилган қул) ларга берилиши муносабати билан бу жой Жўйи Маволийён деб аталган ва кейинчалик кўпчилик халқ уни Жўйи Мулиён дейдиган бўлишган⁶⁴.

Хожа Саъд Яманийга Исмоил Сомоний Бухоро яқинидаги Жўйи Мулиён мавзеидаги унумдор ерларнинг катта қисмини вақф қилиб берган. Хожа Саъд Бухоро атрофидаги Сумитан қишлоғида чорбоғ, боғ, сардоба, тегирмон, ҳовуз ва бошқа бинолар барпо этган ва катта даромад олган. Хожа Саъд Исмоил Сомонийнинг пири бўлган. Унинг вафотидан сўнг ўрнига ўғли Абу Бакр Саъд Исмоил Сомонийнинг пири бўлган, фикҳ мактабини ташкил этиб, кўплаб уламоларга устозлик қилган. Абу Бакр Саъднинг авлодлари Сомонийлар даврида шайхулисломлик қилишган.

Сомонийлар даврида фан ва адабиёт ривожланди. Манбаларда ўзларидан кейин ўлмас ноёб асарлар қолдирган кўплаб етук олиму фозилларнинг муборақ исму шарифлари сақланиб қолган. Чунончи, “Тарихи Бухоро” нинг муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Сулаймон ал-Бухорий (924 йилда вафот этган). “Бухоро тарихи” нинг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Наршахий (959 йилда вафот этган). Шу ўринда Табарийнинг машҳур асари “Тарих ар-расул ва-л-мулк ва-л-хулафо”нинг амир Абдумалик I (954-961) ва Мансур I (961-976) нинг вазири бўлган Абу Али Муҳаммад Бальамий томонидан 974 йили амалга оширилган форсча таржимасини кўрсатиш мумкин. Абулфазл Бальамий Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ (?-940) – сомонийлар вазири. У мамлакат ободончилиги ва илм-фан ривожини йўлида муҳим ишлар қилган, олим ва шоирларни ўз ҳимоясига олган. Марв ва Бухорода кўп бинолар қурдирган. Шунинг учун ҳам “Шайх ул-Жалил” (“Улуғ шайх”) номига сазовор бўлган. У Рўдакий билан яқин бўлган. Замондошлари унга бағишлаб кўп мадҳиялар ёзишган.

IX асрда Бухорода ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий (810-870) ҳадис илмининг ривожига катта ҳисса қўшди. Тарихчи Ғунжорийнинг ёзишича, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий Бойкандда таваллуд топган. У таниқли муҳаддислар – ал-Доҳилий, Муҳаммад ибн Салом ал-Бойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Бойкандий, Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Маснадий ва бошқалардан сабоқ олган. Унинг “Ал-жомийъ ас-саҳиҳ” (Ишончли тўплам), “Ал-Адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари), “Китоб ал-

⁶⁴ Наршахий Бухоро тарихи // Мерос. Ғ., 1991. 107-бег

фавоид” (Фойдали ашёлар ҳақида китоб), “Тафсир ал-Қуръон” (Қуръон тавсири) ва бошқа асарлари мусулмон дунёсининг барча мадраса ва дорилфунунларида асосий дарслик, қўлланма ҳисобланади. Имом ал-Бухорий умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шугулланган, уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайри саҳиҳ (хато, заиф)га ажратган. У жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисни ёддан билган. Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) деб аталган тўрт жилдли ҳадислар тўплами 1991-1996 йилларда Ўзбек тилида нашр этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-камарий тақвим бўйича 1125 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори (1997 йил, 29 апрел) асосида Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилиб, 1998 йил 23 октябрда Самарқандда юбилей тантаналари бўлиб ўтди ҳамда Челақ туманидаги Хартанг кишлоғида катта ёдгорлик мажмуи очилди.

Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, фалсафа, тарих ва бошқа фанлар тараққий этди. IX-X асрда Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний (861 йилда вафот этган) Абу Наср Фаробий (873-950), Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк олимлар етишиб чиқдилар ва Шарқни бутун дунёга машҳур қилдилар.

Ибн Сино 17 ёшида, яъни 997 йилда амир Нух II Ибн Мансур (976-997) ни оғир дарддан халос қилган ва бунинг эвазига унга мукофот тариқасида сомонийларнинг бой кутубхонасига кириб ишлаш ҳуқуқи берилган. У бу кутубхонада қарийб 10 йил, яъни то Хоразмга кетганига қадар ишлаб ўзининг илмини чуқурлаштирган. Ибн Сино бу ҳақда шундай ёзиб қолдирган: “Шундай китобларни кўрдимки кўпчилики ҳатто уларнинг номини ҳам билмайди. Мен бунақа китобларни бундан аввал ҳам, кейин ҳам кўрган эмасман. Мен ўша китобларни ўқидим ва ўзим учун кўп фойда олдим, ҳар бир олимнинг илм-фандаги ўрнини англадим”.¹⁵ “Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуг зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти, аввало, тиббиёт, физика, астрономия, математика, мусика, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Френсис Бэкон ва

¹⁵ Б. Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. 47-48 бет.

бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, хайратга тушганлар¹⁶⁶.

Абу Абдулла Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср Жайхоний (870 йиллар – 942 й) 914 йилдан умрининг охиригача вазирлик қилган. Жайхоний фаннинг бир неча соҳасига оид асарлар яратган, жумладан дунё географиясидан тахминан 907-922 йиллар оралигида катта ҳажмли асар ёзган. Араб географи Муқаддасий (947-1000) кутубхонада Жайхонийнинг етти жилдлик география китобини кўрганлигини ёзиб қолдирган. Бу китобнинг “Китоб ал-мосолик вал-мамолик” деб аталганлиги Берунийнинг “Осори боқия” асарида айтиб кетилган.

Сомонийлар даврида аниқ фанлар-геометрия, математиканинг ривожланиши нодир биноларнинг барпо этилишига туртки бўлди. Чунончи, Бухородаги Сомонийлар мақбараси, Тимдаги Аработа мақбараси, эски Термиз ташқарисидаги Қирқ қиз саройи, Афросиёбдаги Сомонийлар саройи қолдиқлари фикримизнинг ёрқин исботидир.

IX-X асрларда Мовароуннаҳрда қурилиш техникаси анча ривожланди ҳамда меъморчилик санъати ниҳоят даражада раванк топди. Чунончи, иморатларни қуришда пишиқ гишт ва ганч қорилма ишлатиладиган бўлиб қолди. илгари номаълум бўлиб келган гумбазлар, арklar кенг қўлланилди.

Илгари қўлланилмаган чуқур қазилган пойдеворлар устига иморат бино қилиш усулидан фойдаланила бошланди. Бу давр иморатларида устун сифатида ва томларни бостиришда ёғочдан кенг фойдаланилди. Бухоро воҳасининг кўп асрлар натижасида вужудга келган маҳаллий меъморчилик санъати араб халифалиги мамлакатларининг алоқалари кучайиши шароитида янада кўпроқ ривожланди. Бухорода шу кунларгача сақланиб қолган Сомоний ҳукмдорлари мақбараси ўша даврдаги меъморчиликнинг кўзга кўринган ёдгорлигидир. Ушбу мақбара IX аср билан X аср оралигида бунёд этилган. Ривоятларга қараганда Исмоил Сомоний уни отаси Аҳмад ибн Асад учун қурдирган. Кейинроқ ушбу мақбарага 907 йилда вафот этган Исмоил Сомонийнинг ўзи ва унинг набираси Наср ибн Аҳмад дафн этилган. Бино қисмларининг ўзаро мутаносиблиги, содда, лекин чиройли нақшлари билан ҳаммани хайратда қолдиради. Бу мақбарани қуришда унинг томини ёпиш учун мураккаб гумбаз ясалган

¹⁶⁶ И. А. Каримов. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар: би: таълиқланган ислохотлар йўлининг тасдиқлари. Т. Ўзбекистон. 2014 й. 22-том, 284-бет.

ва у кўп асрлардан бери бузилмай сақланиб келмоқда. Макбара қурилишида ҳам араблардан олдинги маҳаллий меъморчилик анъанаси, ҳам янги усул ва янги шакллар уйғунлашиб кетган.

IX-X асрларга тегишли бўлган қадимий Термиз харобаларидаги Чорустун масжиди ва Бухородаги Магоки Атторий масжиди бири-бирига ўхшайди, уларнинг гумбазлари ҳам ғиштдан думалок қилиб ясалган устунлар устига ўрнатилган. Чорустун масжидининг меҳроби ва Магоки Атторий масжиди пештокининг тиргаклари гуфирлар билан безатилган бўлиб, ушбу гуфирлар араблар истилосидан аввал йирик ер эгаларининг қаср-қўшқларини қуришда ҳам ишлатиларди.

Бойканд, Варахша ва бошқа баъзи қадимий шаҳар харобаларида сақланиб қолган уй-жой бинолари ҳам ўзига хос меъморчилик санъатига эга эди. Масалан, Бойканд харобалари қазилганда Бадосиёнинг кичикрок қаср-қўраси топилиб, бу ўша давр кишлоқ биноларининг намунасидир. Варахшада ўртача турмуш кечирган кишиларнинг уй-жой бинолари топилган. Бу бинолар кичикрок бўлса ҳам, лекин деворлари ганчланган ва ўйма безаклар билан безатилган. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, бу даврнинг тасвирий ва безак санъатида ўзгаришлар содир бўлган, яъни аввалги одамлар ва ҳайвонлар тасвири геометрик ва ўсимлик тасвирларидан иборат нақшлар билан алмаштирилган. Албатта бу ерда ислом дини муҳим рол ўйнаганлиги аниқ.

IX-X асрларда Бухоро воҳаси Сомонийлар давлати тасарруфида бўлди (874-1005). Исмоил Сомоний ҳукмдорлиги даврида Бухоро давлат пойтахти сифатида ва илм-фан, маданият маркази сифатида бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонга машҳур бўлди. Айнан шу даврда (IX аср) Бухорода ислом дини ва маданияти юксалиб, машҳур фақиҳшунос олим Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг хизматлари эъзига Бухорога “Қуббат ул-Ислом” – “Ислом динининг гумбази” деган ном берилган.

X асрнинг охирларига бориб Бухоро воҳаси қорахонийлар давлати тасарруфига қиради. Сомонийлар давлати заифлашиб бориб ўз мавқеини йўқотади. Сомонийлар давлати тула мустақил давлат бўлмасдан, халифалик таркибидаги давлат эди. Сомоний амирлар халифаликнинг ёрлиқлари асосида иш олиб борган ва давлат бошқаруви марказлашган ҳолда амалга оширилган.

Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро ва унинг атрофида жойлашган шаҳарлар ва йирик кишлоқларда ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотиқ ривожланган. Барқад, Харқона,

Тороб. Вардона, Бойканд, Вобкана, Варахша, Ромтин, Гиждувон, Хунбун, Искажкат, Шарғ, Афшина, Зандана, Мамостин, Сакматин, Нумнжкат, Наршах каби шаҳар ва қишлоқлар номи манбаларда кўрсатилган. Араб ва маҳаллий муаррихларнинг шу даврга оид ёзма манбаларида Бухоро воҳасидаги юздан ортик қишлоқ (уларнинг бир қисми шаҳарча бўлган)нинг номи ва жўғрофий жойлашуви қайд этилган. Араблар томонидан ўрнатилган қондага кўра фақат йирик шаҳардагина жомеъ масжиди қурилишига рухсат берилганлиги боис манбаларда шаҳарларнинг кўпи қишлоқ деб кўрсатилган.

5-БОБ. БУХОРО XI-XII АСРЛАРДА

XI асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда Сомонийлар давлати тугатилди ва ҳокимият тепасига Қорахонийлар сулоласи келди. Буни шунчаки сулолалар алмашинуви деб қабул қилмаслик керак. Ўрта Осиёда рўй берган ўзгаришлар ниҳоятда чуқур бўлиб, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасини қамраб олган эди. Авваламбор, марказлашган давлат тузуми тамомила қулади. Қорахонийлар мамлакатни вилоятларга бўлиб бошқариш усулини жорий этишди.

Қорахонийлар давлати Қашғардан то Амударёгача бўлган барча ерларни ўз тасарруфига олди. Давлат вилоятларга бўлинди. Эл-юрт ҳокимлари элоқхон деб номланди. Элоқхонлар “буюк хон” – Қорахон (хоқон)нинг номи бўлса-да, ўлкада ўз номлари билан танга-чақалар зарб этиб, ички ва ташқи сиёсатда мустақилликка интилган. Элоқхонлар орасида Мовароуннаҳр Элоқхони катта обрўга эга бўлиб, у Самарқандда турган. Вилоятларни эса “такин” унвонидаги кишилар бошқарган, қорахонийлар даврида такинларнинг нуфузи ошган. Тегин (Такин) сўзи туркийча бўлиб “қул” маъносини англатади. Қорахонийларда муайян мулкка эгалик қилиб, ҳарбий ҳаракатда қўшинни бошқарган. Бошқарувда сомонийлар давридаги айрим мансаблар сақланиб қолган. Чунончи, вазир, ҳоким, раис, мухтасиб ва бошқалар. Қорахонийларнинг дин пешволари билан муносабати яхшилиги боис диний мансаблар тўлиқ сақланиб қолган ва бу даврда имомлар, сайидлар, шайхлар ва садрларга эътибор кучайиб, уларнинг обрўси ниҳоятда баланд бўлган. Бундан ташқари, қорахонийлар ҳам турк гвардияси билан ҳамкорлик қилишни давом эттирган. Янги сулоланинг ҳокимият тепасига келиши йирик ер эгалигининг эски кўринишлари емирилишини тезлаштирди (бу ҳаракат X асрнинг иккинчи ярмида бошланган эди).

Дастлабки даврда Сомонийлар ҳокимиятининг олий табакаси бўлган деҳқонлар (йирик ер эгалари) қорахонийларни қўллаб-қувватлаган ва улар томонига ўтишган. Аммо уларнинг асл мақсадини билган қорахонийлар деҳқонларни қувгин эта бошлаган. Секин-аста деҳқонлар сиёсат майдонини тарк этиб, уларнинг мулкдорлиги ҳам йўқола борган ҳамда иктоъ феодал муносабатлари таркиб топа бошлаган. Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” сида иктоъ-хоким томонидан юқори мансабдаги ҳарбийларга хизмати эвазига бериладиган ер улуши, унинг эгаси эса иктодор дейилади деб ёзилганлиги бунни тасдиқлайди.

XI асрнинг бошларида Қорахонийлар билан Ғазнавийлар давлатининг чегараси Амударё бўйлаб ўтадиган бўлди. Маҳмуд Ғазнавий қорахонийларга кучли зарба бериб, Хуросонни ўз қўлида сақлаб қолади. 1040 йилдаги Данданаконжанидан кейин салжукийлардан қакшатқич зарбага учраган ғазнавийлар ўзини қайтиб ўнглай олмади. Бундан фойдаланган қорахонийларнинг маҳаллий ҳукмдори Иброҳим Бўри текин дастлаб Хуросоннинг катта қисмини ғазнавийлардан тортиб олади, кейинчалик Мовароуннаҳр ва Фарғонани ўзига бўйсундиради ва мустақил сиёсат олиб боради. Бунинг оқибатида Қорахонийлар давлати иккига бўлиниб кетади. Шарқий қорахонийлар пойтахти Боласоғунда, Ғарбий қорахонийлар пойтахти эса Самарқандда бўлади.

Иккига бўлинган қорахонийлар давлатида ўзаро сулолавий курашларнинг давом этиши бир томондан, ердан фойдаланишга икто тартиботининг кенг ёйилиши ва маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши иккинчи томондан марказий ҳокимиятни заифлаштириб қўяди. Оқибатда 1130 йилда қорахонийлар салжукийлар ҳукмдори Султон Санжарга тобе бўлиб қолади. 1130-йилларнинг охирида эса шарқдан келган янги истилочилар – қорахитойликлар ҳужумига дучор бўлиб, парчаланиб кетади. Аммо таркок ҳолда бўлса ҳам, Қорахонийлар давлати XIII асрнинг бошларига қадар мавжуд бўлган.

Аҳмад ибн Али Арслонхон (998-1017) ҳукмронлиги даврида амалий ҳокимиятни эгаллаган укаси Наср ибн Али Мовароуннаҳрни босиб олади. 1025 йилда қорахонийлар ҳукмдори Қодирхон Самарқандда Маҳмуд Ғазнавий билан учрашиб, ўзаро келишиб олади. Бу пайтда қорахонийларнинг Самарқанддаги ноиб Алитегин эди. Бухоро ва унинг атрофидаги ерлар ҳам унинг бошқарувида эди. 1043 йилда қорахонийлар ҳукмдори қариндошлари ўртасидаги тақсимотга

қура Бухоро ва Самарқанд атрофларининг бошқаруви Қодирхоннинг ўғли Йиган-тегинга берилади.

1046-1068 йилларда Мовароуннаҳрда Иброҳимхон ҳукмронлик қилиб, шу йилларда Салжукийлар билан Қорахонийлар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топган. Улар ўртасида фақат Балх ва Термиз ҳудудигина низолар сабабчиси ҳисобланган.

1068 йилда Иброҳимхон тахтни ўғли Шамс ул-Мулк Насрга беради. Насрнинг ҳукмронлиги даврида салжукийлар султони Алп Арслон билан зиддият кучаяди. 1072 йилда Алп Арслон қорахонийларга қарши катта юришга тайёргарлик қўради. Унинг буйруғи билан Амударёга кемалардан махсус кўприк қурилади ва 20 кун давомида 200 минг киши дарёни кечиб ўтади. Юришнинг бошланишидаёқ маҳаллий қалъалардан бирининг бошлиғи Юсуф ал-Хоразмий томонидан ўз қодирда яраланган Алп Арслон кўп ўтмай вафот этади. Шундай бўлса-да кечувдан ўтган қўшин Бухорога тегишли бўлган ерларга бостириб қирган ва талон-торож қилган. Шу йили Салжукийлар тахтини Маликшоҳ эгаллайди. Унинг вазирини бўлган Низомулмулк "Сиёсатнома" асарини ёзган.

1074 йилда Маликшоҳ (1072-1092) Термиз, Бухоро ва Самарқандни эгаллаб олади. 1080 йилда Мовароуннаҳрнинг қорахоний ҳукмдори Шамсулмулк Наср вафот этади ва унинг ўрнига ўқаси Хизр, кейин Аҳмадхон бу ерда ҳукмдорлик қилади.

1089 йилда Салжукийлар султони Маликшоҳ Мовароуннаҳрга юриш қилиб Бухоро ва Самарқандни эгаллаб олди ва Аҳмадхонни асир қилиб Исфahонга жунатди. Асирга олиниб Исфahонга олиб кетилган Аҳмадхон яна Самарқандга келтирилади. У 1095 йилда Фарғонага юриш вақтида рухонийлар ва туркий саркардалар томонидан ўлдирилади. Хоразмга ҳокимлик қилган Абу Тоҳир Самарқанд ва Бухоронинг ҳокими этиб тайинланади.

Аммо самарқандликлар Абу Тоҳирга қарши бош қўтардилар ва ҳукмдорликни Яъқуб тегин эгаллаб олади. Бундан хабардор бўлган Маликшоҳ яна Самарқандга қараб отланади. У Бухорога етиб келганида, Яъқуб тегин Фарғонага, ундан эса Қашгарга қараб қочиб кетади. Самарқандни иккинчи маротаба эгаллаб олган Маликшоҳ бу ерга Масъудхонни ҳоким этиб тайинлайди.

1102 йилда қорахонийларнинг охириги ҳукмдори Арслонхон ибн Сулаймон тахтга чиқади. 1092 йилда Маликшоҳ ўлдирилиб, 1118 йилда салжукийларнинг сўнгги ҳукмдори Султон Санжар ҳокимиятни эгаллайди. 1130 йилда у Самарқандни эгаллаб олади. Султон Санжар

Муҳаммад Арслонхоннинг кизига уйланади. Бетоблиги туфайли Арслонхон ўгли Насрни ҳоким этиб тайинлайди. Аммо бундан норози бўлган рухонийлар фитна уюштириб уни ўлдиради. Муҳаммад Арслонхон Самарқанддаги бир гуруҳ рухонийлар билан чиқиша олмай қолади ва фитначиларга қарши курашиш учун Султон Санжардан ёрдам сўрайди. Шол бўлиб қолган Муҳаммад Арслонхон Марвдаги кизининг ҳузурига юборилади. Самарқандга дастлаб Ҳасан-тегин ҳоким этиб тайинланади, аммо у тез орада вафот этади, шундан кейин Арслонхоннинг ўгли Маҳмудхон ҳукмдор этиб тайинланади. Уша даврдаги тартиб-қоидага мувофиқ, Самарқандда турган ҳукмдор Мовароуннахрни, шу жумладан Бухорони ҳам бошқарган. Бухорони бошқарган ноиб Самарқанддаги ҳукмдорга бўйсунган.

Муҳаммад Арслонхон ибн Сулаймон (1102-1130) ҳукмдорлиги йилларида Бухоро вилояти ва унинг атрофидаги ерларга катта эътибор берилган, кўплаб меъморий обидалар, каналлар, кўприклар бино қилинган, Бойканд шаҳри қайтадан тикланган. Арслонхон ҳукмронлиги даврида Бухоро шаҳридаги Минораи калон қурилган.

1138 йилда Султон Санжар Хоразмини забт этди. Султон Санжар укаси Муҳаммаднинг ўгли Гиёсиддин Сулаймоншоҳни Хоразмга ҳукмдор қилиб тайинлади. Шундан кейин у Марвга йўл олди. Бундан фойдаланган Хоразмшоҳ Отсиз яна Хоразмга қайтиб келди. Султон Санжарнинг Хоразмга юриш қилишининг сабаби — Хоразмшоҳнинг ундан юз ўғирганлигида эди. 1139 йилда Хоразмшоҳ Отсиз Бухорога юриш қилди ва Султон Санжар томонидан тайинланган Бухоро амири Занги Алини қўлга олиб ўлдирди ва шаҳарни вайрон қилди. Бухоро ҳисори шу тахлитда икки йил вайроналигича қолди. 1141 йилда Хоразмшоҳ Мовароуннаҳрда бўлган қорахитой (улар XII асрнинг бошларида бу ерга келган эди) ларга мурожаат этиб ёрдам сўради. 1141 йил 9 сентябрда Самарқанднинг Булунгур мавзеси яқиндаги Қатвон жангида қорахитойлар қарлуқлар билан бирга салжуқийлар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшинини тор-мор келтирди. Шундай қилиб, Самарқанд яқинида қорахоний ҳукмдор Маҳмуд ва унга ёрдамга келган Султон Санжар қўшини мағлубиятга учраб, Самарқанд, ундан кейин Бухорони ҳам қорахитойлар ва қарлуқлар эгаллаб олди.

Ибн ал-Асирнинг ёзишича, қорахитойликлар катта қўшин билан келган. Султон Санжарнинг қўшинидан 30 минг киши ўлдирилган. 12 минг мусулмонлар (кўпчилиги рухонийлар), 4 минг аёллар, шу жумладан Султон Санжарнинг хотини ҳам асирга олинган. Асирга

олинганлар орасида Ҳанафия мазҳабининг машҳур фиксхуносларидан ал-Ҳасан ибн Абдулазиз ибн Маза ал-Бухорий ҳам бор эди.⁶⁷ Наршахийнинг ёзишича, 1141 йилда қорахоний Маҳмуд томонидан Бухорога волий этиб тайинланган Алптегин Бухоро хисорини обод қилишга буйруқ берган. Аммо 1144 йилда салжукийлар қўшини Бухорога келиб, уни қамал қилган ва яна вайрон этган. 1158 йилда Салжукийлар ҳукмдори Султон Санжар вафот этди. Қорахитойлар бутун Мовароуннахрни эгаллаб олишни режалаштирмаган эди, шунинг учун энг яқин вилоятлар, Бухоро ва Хоразмни эгаллаш билан чекланишди, ҳатто Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Термиз ҳам салжукийлар қўлида қолди. Қорахитойларнинг давлати оддий кўчманчи империядан фарқ қилиб, қорахитойлар кўчманчи турмуш тарзини давом эттирар, бошқа кўчманчи босқинчилардан кўра кўпроқ Хитой маданиятини қабул қилган эди. Мовароуннахрда уларнинг вассаллари, ноиблари бўлиб, улар азалий бошқарувни давом эттирарди. Бу давлатда удел тизими бўлмасда, давлат бошқарувида бирлик йўқ эди. Гурхон (ҳукмдор)нинг доимий вакиллари жойларда бўлар ва солиқларни ундириб оларди. XIII асрнинг бошида Бухоронинг амалий бошқарув-чиси Садрнинг ўзи ўлпонларни Гурхон ўрдасига олиб борган.

1164 йилда Қорахонийлар ҳокони Самарқанд ва Бухоронинг бошқарувини Ҳасан-тегиннинг ўғли Чағрихонга бериб, шу мулкларнинг ноиби этиб тайинлади ва Самарқанд билан Бухородаги туркий-қарлуқларни Қашғарга кўчириб юборишни топширди. “Турк-қарлуқлар қурол-яроғ осиб юрмасдан, ўша ерларда дехқончилик қилсин” деди. Чағрихон бунга бажаришга уриниб кўрди. Аммо улар бунга кўнмадилар ва туپланиб Бухоро томонга қараб йўл олдилар. Бухоро ҳукмдори бу ҳақда Чағрихонга хабар берди ва уни қўшин билан келишини сўради. Шундан кейин қўшин Бухорога етиб келгунича музокара қўзилди. Қўшин билан етиб келган Чағрихон Бухоро ва унинг атрофларидаги қарлуқларга ҳужум қилиб кўпчилигини ҳалок этди, жуда кам қисми қочиб қутулди. Шу вақтда Бухоронинг бошқаруви фиксхунос Муҳаммад ибн Умар ибн Бурхониддин ал-Азиз ибн Маза қўлида бўлган.

1198 йилда Хоразмшоҳ Такаш ибн Арслон қорахитойларни таъқиб этиб Бухорогача келади ва уни қамал қилади ва охир оқибат Бухорони забт этади, шаҳар аҳолисини авф этади. Маълум муддат Бухорода турган Хоразмшоҳ яна Хоразмга қайтиб кетади. 1200 йилда

⁶⁷ Ибн ал-Асир. Полный свод историй С 242-247

кетиб, Искандари Соний (Иккинчи Искандар) ёки "Султон Санжар" деб атала бошланди. Унинг узугига "Оллоҳнинг Ердаги сояси" деган сўзлар битилган эди. Бухородаги кўзғолон рахбари Малик Санжар эса Урганчга олиб кетилиб, маълум муддат хоразмшоҳнинг саройида яшаган.

Бухоро аслзодалари Хоразмшоҳ томонига утади, кўзғолон кўтарган халқ ўлпону соликларнинг яна аввалги ҳолига қайтганидан норози бўлиб қолаверади. Бухорони эгаллаб олган Муҳаммад унинг ички ва ташқи деворини яхшилаб мустаҳкамлайди. Наршахий буни 1207 йилда бўлган деб ёзади.

1211 йилда Самарқанд ҳукмдори Усмонхон билан хоразмшоҳнинг катта лашкари тўй қарвонида Самарқандга қайтишди. Асосий қисминн қипчоқлар ташкил этган бу лашкар Самарқандда талон-торож билан машғул бўлди ва халқнинг норозилигини келтириб чиқарди.

1212 йилда Самарқандда хоразмшоҳга қарши кўзғолон кўтарилди. Ибн ал Асирнинг ёзишича, Усмонхон хоразмшоҳга қўшилганидан афсусланиб, қорахитойларга нома юбориб, уларни Самарқандга чақирган. У Самарқанддаги барча хоразмликларни ўлдиришни буюрган. Ҳатто ўз хотини, Хоразмшоҳнинг қизини ҳам ўлдирмоқчи бўлган, кейин бу фикридан қайтган. Дарғазаб бўлган Хоразмшоҳ ҳам Хоразмдаги бегоналарнинг барини ўлдиришга буйруқ берган. Аммо буни амалга оширишга онаси Туркон хотун йўл бермаган. Муҳаммад Хоразмшоҳ катта лашкар билан Самарқандга етиб келиб, уни қамал қилади.⁶⁴ Жувайнийнинг ёзишича, ўша кунларда Самарқандда 10 минг киши ўлдирилган. Самарқанд кўзғолони бостирилгач, Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқанд ҳукмдори, куёви Усмонхон ибн Иброҳимни ва Мовароуннаҳрдаги барча қорахоний ноибларни қатл қилдирди. У Самарқанд ҳукмдори Усмонхоннинг хиёнатидан газаблангани учун ҳам шундай қилди. Шу тарика, Мовароуннаҳрда қорахонийлар сулоласининг ҳукмронлиги узил-кесил тугатилди. Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларида (Ўзган, Самарқанд) Муҳаммад Хоразмшоҳ номи билан гангалар зарб этилди.

Қорахоний ҳукмдор (Элокхон) лардан Муҳаммад ибн Ҳусайн (1170-1176), Муҳаммад Оқтош Тафғачхон (1176-1178), Иброҳим ибн Ҳусайн (1178-1202), Усмонхон ибн Иброҳим (1202-1212) лар Самарқандда ҳукмдорлик қилиб, Бухорони ҳам ўз ноиби орқали бошқарган.

⁶⁴ Ибн ал-Асир, Полный свод историй, С. 333-335

Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатининг мунтазам қўшини қангли-кипчак ва туркманлардан тузилган бўлиб, умумий сони Чингизхоннинг мўғуллар қўшинига нисбатан анча ортиқ эди. Аммо сиртдан жуда кучли, нуфузи буюк кўринган давлат сиёсий жиҳатдан унчалик мустаҳкам эмасди. Кўп вилоятлар номигагина бўйсунар, амалда мустақил эди. Хоразмшоҳ давлати ичида кучли низо ҳукм сурарди. Муҳаммаднинг онаси Туркон хотун ўз қўлида катта ҳокимиятни тўплаб, қўшиннинг олий саркардалари ҳисобланган кипчак оқсуяклари билан уруғ-қабил алоқалари орқали боғланган эди. Султон саройидаги барча фитналар Туркон хотуннинг қабиладорлари манфаати йўлида амалга оширилди ва бунинг оқибатида зимдан хоразмшоҳга адоват ҳам уйғунлашиб кетарди. Халқ оммасининг ахволи кундан кунга оширилиб бораётган турли хил солиқлар, тўлов ва йиғимлардан ёмонлашиб борар ва бунинг баробарида ички норозилик кучаярди. Мана шундай ички низолар, мамлакат сиёсий ҳаётининг инкирози авж олаётган бир даврда салтанат Чингизхон бошлик мўғул ва бошқа қабилаларнинг юришига рубару бўлиб қолди.

Маданият

Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрда ва хусусан Бухоро ҳамда унинг атрофларида кўплаб саройлар, масжид, мадраса, минора, хонақоҳ, макбара, тим ва қарвонсарой каби иншоотлар қурилиши шу даврда ҳашаматли бинолар қуриш санъати юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатади. Булардан бизгача Работи Малик, Масжиди Калон, Минораи Калон, Вобкент минораси, Жарқўрғон минораси ва Мағоки аттори масжиди етиб келган.

Минораи калон (Катта минора) 1127 йилда қорахоний ҳукмдор Арслонхон томонидан қурдирилган, минора қурувчиси ва меъмори уста Бако. Минораи калон ўрнида аввал ҳам минора бўлган, у қўлаб тушгач, ҳозиргиси мустаҳкам қилиб қайта қурилган. Пойдевори тош ва махсус қир қоришмасидан терилган. Миноранинг баландлиги 50 м, у юқорига ингичкалашиб боради ва мукарнас билан тугайди. Тепага минора ичидаги 104 пиллапоя айланма зина орқали чиқилади. Масжиди Калон томонидан минорага ўтиладиган кўприкча бўлган.

Вобкент минораси XII асрга тегишли бўлиб, Бухоро садрларидан Бурхониддин Абдулазиз II томонидан қурдирилган. Миноранинг баландлиги 40,3 метрга тенг бўлиб, ташки кўриниши кўп жиҳатдан Бухоро шаҳридаги Минораи Калонга ўхшаб кетади. Минора рангдор,

6-БОБ. МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА БУХОРО

1218-19 йилларда Чингизхон (Темучин) Муҳаммад Хоразмшоҳнинг салтанати сарҳадларигача бўлган ерларни забт этишга улгурди. Бу вақтда икки давлат уртасида элчилик муносабатлари ўрнатилган, савдо алоқалари бўлиб турган эди. Чингизхоннинг элчилари Муҳаммад Хоразмшоҳга савдо алоқаларида хавфсизлик бўлишини ва тинчлик ўрнатилишини таклиф қилишган. Аммо Чингизхон уни ўғлим деб аташи билан, гўёки Хоразмшоҳни ўзининг вассалидек таърифлаган. Шундан кейин тез орада Ўтторга савдо қарвони юборилган (Шарқ дипломатиясида ота-ўғил тутиниш тобеликни, вассал бўлишни англатганлиги маълум). 1218 йилда Ўттор ҳокими Инолчик томонидан Чингизхонга тегишли бўлган 500 туядаги мол-мулк ва 450 нафар мусулмон савдогари ва элчиларидан иборат қарвоннинг қирғин этилиши ҳамда Хоразмшоҳ ҳузурига жўнатилган Чингизхон элчиси Ибн Кафрон Бугронинг улдирилиши, уни кузатиб келган мулозимларнинг шарманда қилиб қайтариб юборилиши оқибатида икки буюк давлат ўртасида ҳарбий тўқнашув муқаррар бўлиб қолди.

Бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонни ўз давлатига бўйсундириб олган Муҳаммад Хоразмшоҳ саройида бирлик бўлмаганлиги оқибатида мамлакатни урушга тайёрлаш жараёнида ҳам яқдиликка эришилмади. Саройда ўтказилган машваратда катта мавқега эга бўлган Шаҳобиддин Хивакий душманни Сирдарё бўйларида кутиб олишни, ҳали ўзини ўнглаб олмаган мўғул қўшинига олдиндан тайёрланган бутун лашкар билан бирваракайига ҳужум қилишни маслаҳат берди. Бу ўша пайтдаги тўғри фикр бўлишига қарамасдан Хоразмшоҳга маъқул келмади, чунки у ўзининг олий саркардаларига ишончсизлик билан қарарди. Машварат бўлажак урушни мудофаани кучайтириш йўли билан олиб боришга қарор қилиб бир бутун қўшинни қалъа ва истеҳкомларга бўлиб ташлаш тактикасини қабул қилди. Хоразмшоҳ девони аъзоси бўлган Бадриддин Амид Чингизхон томонига ўтиб кетишга уриниб, унга мактуб ёзади. Чингизхон томонидан юборилган жавоб мактуби Хоразмшоҳ хизматчиларининг қўлига тушади. Ана шу воқеадан кейин Султон Муҳаммад ўз одамларига нисбатан шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолади. Хоразмшоҳни ўлдирмоқчи бўлганлар фош этилгач, бу гуруҳ Чингизхон ҳузурига қочиб кетади ва саройда яқдиллик йўқолади. Ўғли Султон Жалолиддиннинг маслаҳатларини эътиборсиз қолдирган

Хоразмшоҳ нотугри қарор қабул қилади (Жатолиддин барча асосий қўшинларни ягона мушт қилиб, душманга зарба бериш тарафдори эди).

Чингизхон элчиси Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурига етгач, унинг ҳаракатидан воқиф бўлди ва ўгли Султон Рукниддинни Ироқда қолдириб, ўзи Хуросон шаҳарлари орқали Мовароуннаҳрга йўл олди. Султон Муҳаммад Нишопурга етиб, бир ой шу ерда қолиб кетди. Бу ердан Бухорога йўл олди. 1219 йилнинг шаъбон ойининг саккизинчи кунидан шаввал ойининг тўққизинчи кунигача (икки ой) Бухорода яшади. Кейин Бухоро ва унинг атрофидаги туманлардан лашкарларини тўплаб Самарқандга йўл олди.

Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Муҳаммад Хоразмшоҳ Бухоро ва Самарқанднинг халқига қамалга тайёрланишни буюриб, Бухорода 20 минг, Самарқандда 50 минг отлик қолдирган ва ўзи лашкар тўplash мақсадида Хуросонга йўл олган. Жузжонийнинг ёзишича, ун икки минг аскар, Жувайнийнинг ёзишича йигирма минг аскар Бухорони ҳимоя қилган.⁷¹ Бошқа манбаларга кўра, Бухорода 30 минг, Самарқандда эса 110 минг киши шаҳар мудофааси учун қолдирилган⁷².

1219 йилнинг кузида Чингизхон ўғиллари Жўжи, Чигатой ва Ўқтой билан, жами 200 минг лашкарни Хоразмшоҳ салтанати томон ҳаракатлантирди.

Шу вақтда Хоразмшоҳнинг ихтиёрида 400 мингдан кам бўлмаган лашкари бор эди. Бухоро томонга йўл олган Чингизхоннинг асосий кучлари йўлда Сирдарёдан жанубда жойлашган Зернўх (Саритоқ) ва Нур қалъаларини жангсиз эгалладилар. Нур талон-торож қилиниб 1500 динор товон тўлади. Ёшларни ажратиб олиб Бухорога элтдилар. Улардан қўшин олдидаги қалқон сифатида фойдаландилар.

Хоразмшоҳнинг Бухородан жўнаб кетганидан 5 ой ўтиб, 1220 йилнинг февралда мўғуллар лашкари шаҳарга етиб келди. Бухоронинг мудофаасига амирохур Ихтиёриддин Кушлу ва Инончхон (Ўғул Ҳожиб) раҳбар этиб тайинланган эди. Бухорода булардан ташқари амирлардан Ҳамид Пур, Севинчхон, Лашкархон ва Куюкхонлар ҳам бор эди. Чингизхон ва унинг кичик ўгли Тулихон мўғулларнинг асосий кучлари билан Бухоро шаҳрини қамал қилишди. Бухоро амирлари 3 минг киши билан тунги ҳужум (шабихун) қилиш учун шаҳар ташқарисига чиқишди, аммо мўғул қароргоҳига қилинган

⁷¹ Истории Узб ССР I 1967 I - том с 416
⁷² М. Улуғбеа Турт улус тарихи, 135-бет

хужум муваффақиятсиз чикди, катта талафот билан енгилиб, орқага қайтишди. Қамалнинг учинчи кунда Бухоро амирлари мўғуллар куршовини ёриб ўтиб Хуросонга кетишмоқчи бўлишди. Бироқ душман томон уларни пистирмада тор-мор этди ва Инончхон озгина лашкар билан қамални ёриб ўтишга муваффақ бўлди. Хоразмшоҳ аскарларининг Бухорони тарк этиши ва кўпчилиكنинг ҳалок бўлиши шаҳар аҳолисининг руҳини тушириб юборган. Шаҳар аҳолиси қози Бадриддинга мурожаат этиб, шаҳар аҳлига шафқат қилишларини сўраб Чингизхоннинг олдига боришни илтимос қилади. Чингизхон шафқат қилишга ваъда беради. Шаҳардан кетишга улгурмаган жангчилар қалъанинг ичига яширинади. 1220 йилнинг 10 феввалида шаҳар дарвозалари очилган. Шаҳар аҳлига шундай талаб қўйилган: “Хоразмшоҳга тегишли бўлган ҳамма нарсани бизга топширинг, қалъада қолганларга қарши курашда бизга ёрдам беринг, қаршилиқ қилганлар ўлдирилади”. Чингизхоннинг ўзи шаҳарга келади. “Масжиди Жомега етганда, олий иморатни кўриб, ичкарига шошилади ва сўрайди: “Султоннинг саройи шуми? “Оллоҳнинг уйи” деб жавоб берадилар. Унинг буйруғи билан масжид ичидаги сандиқларни бўшатиб, арпага тўлдириб, отларга охур қиладилар”.⁷³

Қалъанинг ичида қолган 400 жангчи қаршилиқ кўрсатишда давом этади. Шаҳар аҳолиси ва жангчилар 12 кун давомида мўғулларга қарши мардонавор курашган. Шундан кейин мўғуллар қатъий ҳаракатга ўтишган. Шаҳар қалъаси деворининг остки қисмини қазиганлар. Жанг авжига чиқиб мусулмонлар қалъа девори устига чиқиб мўғулларнинг лашкарига қарата ўқларни, тошларни ва ёниб турган оловни отганлар. Мўғуллар чекинган. Кейинги кун ирталабдан қалъага каттиқ ҳужум бошланган. Қалъа ичидагилар ҳолдан тойганлиги учун ортиқча қаршилиқ кўрсата олмай қолишган ва мўғуллар қалъа ичига киришган, қалъа ҳокими Куюкхон қатл этилган. Хуросоннинг Балх вилоятидан чиқиб Ирокқа қараб йўл олаётган Хоразмшоҳ Бухорони мўғуллар эгаллабди деган хабарни олади.

Бухоро қалъаси тўла эгаллаб олингандан сўнг Чингизхон шаҳардаги обрў-эътиборли ва бадавлат кишиларни рўйхатга олдирган ва уларни олдига чақирган: “Мен сизлардан Хоразмшоҳдан сотиб олинган қумушларни талаб қиламан. Чунки улар менга тегишли бўлиб, одамларимдан тортиб олинган эди.” Шундан кейин Чингизхон рўйхатга олинганларнинг барчасига шаҳардан чиқиб кетишларини

⁷³ М Улуғбек. Турк улус тарихи. 140-бет

буюрган. Шундай килиб Бухоронинг бой бадавлат одамлари устларидаги кийимларидан бошка ҳамма мол-мулкни колдирган холда шаҳарни тарк этишга мажбур қилинган эди. Шундан кейин мўғул лашкари шаҳарни вайрон қилишни, талон-торожни бошлаган. Бухорони ишғол қилишда шаҳар химоячиларидан 30 минг киши қиргин этилган. Қисқа фурсатда Бухоро харобага айланган. Чингизхоннинг буйруғи билан шаҳарга ўт қўйилган. Кўпчилиги ёғоч иморатлардан иборат бўлган шаҳар бир неча кун давомида ёниб кулга айланган. Фақатгина тош ва пишиқ гиштлардан қурилган масжид ва саройларгина култепа ичида кора тош каби дўппайиб қолади.

Мўғуллар шаҳар аҳолисига нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлишди. Бундай номуссизлик манзарасига чидай олмаган кози Бадриддин, Имомзода Рукниддин ва унинг ўғли газабланиб, ўзларига тенг бўлмаган қуролланган душманга ташланиб ҳалок бўлишди.

Истилочилар Бухородан ғоятда кўп асир олиб кетади. Асирларнинг кўпчилиги ҳунармандлар бўлиб, улардан турли хил ҳунармандчилик буюмлари ясаб берадиган ишчи кучи сифатида фойдаланишган. Асирларнинг соғлом ва бакувватлари Самарканд ва Дабусияни қамал қилишдаги оғир ишларни бажарувчи гуруҳларга олинган. Минглаб Бухоролик асирлар мўғул қўшинининг олдинги маррасида тирик қалкон сифатида олиб борилган. Баъзан асирларни ҳам ҳарбий отрядлар қаторида сафга тортиб, қўлларига байроқ тутқазишиб, қўшин сонини кўп қилиб кўрсатишган. Бу қарши томонни қўрқитиш ва даҳшатга тушириш мақсадида этилган.

Мўғуллар босқини натижасида Мовароуннаҳр -ва Хоразмнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига жуда катта зарар етказилди. Маҳаллий аҳолининг кўпчилиги қиргин этилди, ҳунармандлар кул қилинди. Аҳолиси кўп бўлган, маданий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган Бухоро, Самарканд, Гурганж (ҳозирги Кўхна Урганч), Марв, Бинокат, Хужанд каби шаҳарлар харобазорга айлантирилди, кўпгина сув иншоотлари бузиб ташланди ва бунинг оқибатида кўп шаҳар ва қишлоқлар сувсиз қолиб дала ва боғлар даштга айланди. Чингизхон қўшини Хуросонни эгаллаб олгач, у Эрон шаҳарларидан ҳар бир шаҳарни бошқариб туриш учун доругалар тайинлади ва 1222 йилнинг куз фаслида у ердан Туронга йўл олди. Амударёдан ўтиб Самаркандга келиб жойлашди, қиш фаслини шу ерда ўтказишга қарор қилди. Шу қишда Чингизхоннинг ўғиллари Чигатойхон ва Ўқтойхон Бухоро томон йўл олдилар ва ушбу фаслни шу ерда ов қилиш ва қўш ташлаш билан ўтказдилар. Ҳар ҳафтада шу муносабат билан Самаркандга —

Қўшсаройдаги оталари ҳузурига минг харвор овнинг гуштидан юбориб турдилар.⁷⁴ Мўғул лашкари қамурга учун ажратилиб, катта гуруҳ билан чўлу биёбон саҳнини эгаллаб олиб, ёввойи ҳайвонлару қўшлардан нимаики бўлса ўртага тўпланган.

1220-1223 йилларда Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида мўғулларга қаршилик кўрсатиш ҳаракати авж олган. 1222 йилда қисқа муддатга мўғуллар тобелигидан озод бўлган Марвдан Бухорога муваффақиятли юриш амалга оширилиб, бу ҳаракатлар 1223 йилда мўғуллар томонидан бостирилган⁷⁵.

Босиб олинган ўлка ва вилоятларни Чингизхон 1224 йилда ўғиллари ва набираларига тақсимлаб берган. Чунончи, Шаркий Туркистон, Ёттисув ва Мовароуннаҳр унинг иккинчи ўғли Чигатой ихтиёрига ўтган. Кейинроқ, Бароқхон (1266-1271) замонида чигатойлар ўз ҳукмронликларини ҳозирги Афғонистоннинг шимолий вилоятларига ҳам тарқатдилар. Чигатойнинг қўши Ила дарёси бўйида эди. 1227 йилда Чингизхоннинг вафотидан сўнг Ўқтой мўғуллар давлатининг улуг ҳокони этиб тайинланади. Олий ҳукмдор “ҳокон” деб, улуслар ҳукмдорлари эса “хон” деб юритилади. Мўғул хонлари маҳаллий мулкдорлар манфаатларини кўзлаб, уларнинг меҳнаткаш аҳолини эксплуатация қилишни кучайтиришларига кенг йўл очиб берадилар. Бунинг оқибатида маҳаллий аҳоли икки томонлама эзилади, таланади. Чигатой улусига дастлаб шарқда уйғурлар мамлакатидан ғарбда Самарқанд ва Бухорогача бўлган ерлар қараган. Аммо Чигатой (1227-1241) бу ерларга инжу тарзида эгалик қилган. Олғу (1261-1266) гача бу ерларда (Самарқанд ва Бухорода ҳам) ҳоконнинг ҳокимияти жорий этилган. Ҳокон номидан аҳоли устидан Маҳмуд Яловоч Хоразмий ҳукм юритган. Ҳарбий ҳокимият, аҳолини рўйхатдан ўтказиш, солиқ йиғиш ишлари дорухачи ва танмачи деб аталувчи мўғул амирлари қўлида бўлган. Эронлик муаррих Вассофнинг ёзишича, Ўгадой ҳокон замонида Нахшаб, Самарқанд ва Бухорода Ҳазор Буко, Чинсаг Тойфу ва Буко Нушо каби дорухачилар фаолият кўрсатган. Мўғул хонлари ва маҳаллий ҳокимлар ҳар йилги расмий солиқ ва ўлпонлардан ташқари аҳолидан йиғиб олинадиган турли-туман тўлов, йиғим ва жарималар сонини кўпайтириб юбордилар. Бундан ташқари, деҳқонлар, чорвадор ва хунармандлар сугориш иншоотлари, бузилиб, вайрон этилган йўл ва кўприкларни тузатиш, шунингдек кўргон ва қалъаларни таъмирлашга

⁷⁴ 74 М Улуғбек Туут улус тарихи Т 1999, 193-бет

⁷⁵ Бартолд В.В. История Туркестана Т 1922, с 143

сафарбар этиладилар. Солиқлар маҳаллий хонлар томонидан ижара (барот) тартибда олдиндан тўланиб, кейинчалик халқдан йиғиб олиш вақтларида улар белгилаб қўйилган миқдордан қўпайтирилган ҳолда ундирилган. Умуман олганда, бу даврда мўғулларга ва уларга хизмат қилувчи маъмурий амалдорларга халқни ғайри қонуний талаш учун кенг йўл очилган эди. Охир оқибатда зўрлик, жабр-зулмининг ниҳоятда қучайиши, турли-туман мажбурий тўлов ва йиғимларнинг ҳаддан зиёд қўплиги маҳаллий аҳолининг бош кўтаришига олиб келади. Ана шундай кўзғолонлардан энг каттаси Бухоро воҳасидаги Тороб қишлоғида кўтарилган Маҳмуд Торобий кўзғолони эди.

“Уша замонда рўй берган гаройиб воқеалар ва ажойиб ишлардан Маҳмуд Торобий хуружи эдики, у туркларнинг товушқон йилига мувофиқ санайи 630 (1238й.) йилда фоҳира шаҳар Бухородан уч фарсах масофада жойлашган Тороб қишлоғида рўй берди”-деб ёзилган М.Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида⁶. Манбаларда қайд этилишича, Маҳмуд Торобий хунарманд оиласида таваллуд топган. Ғалвирчилик билан машғул бўлган, шунинг билан бир вақтда табиблик ҳам қилган. У қучли нуфузга эга тасаввуф ғоялари билан таниш шахс бўлган, М.Улуғбекнинг ёзишича “қўқ суфи кийиб юрарди, саломни саловату рўзадан иборат эди”.

Тороб қишлоғи ва унинг атрофидаги деҳқонлар ҳамда хунармандлар мажлисларида ўзаро кенгашиб, мўғуллар зулмига қарши очик кураш бошлашга қарор қиладилар. Бухоронинг йирик тасаввуф шайхи ва ақонд уламси бўлган Шамсуддин Маҳбубий (у йирик факих Жамолиддин Убайдулло ибн Иброҳим Аҳмад (1151-1233) хонадонига таваллуд топган)нинг таклифи билан кўзғолонга Маҳмуд Торобий раҳбарлик қилган. Шу тарика мўғуллар босқини даврида, уларнинг зўравонлиги ва зулмига қарши йирик кўзғолонлардан бири бошланади.

Бош кўтарган кўзғолончилар Бухорога қараб юриш қиладилар ва Малик Санжар қасрини эгаллаб, уни ўзларига қароргоҳ қилиб оладилар. Кўзғолончиларнинг ғоявий раҳбари бўлган Шамсуддин Маҳбубий йиғилган лашкар ва халқ ўртасида кенг қамровли ташвиқот ишларини олиб борган. Улар мўғул босқинчилари ва уларнинг хизматиға ўтган маҳаллий маъмурларни ўлдириб, мол-мулкни бева-бечораларга, етим-есирларга бўлиб беришган. Маҳмуд Торобий йиғилганларга қарата шундай сўзлаган: “Эй, ҳақ толиблари, қачонгача қутамиз ва интизорлик тортамиз. Рўйи заминни тангридан

⁶ М.Улуғбек. Тўрт улус тарихи Т., 1994 299-бет

Ҳабаш Абид мусулмон урф-одатларини унчалик хушламаган. катта обрӯ-этибор ва таъсир кучига эга бўлган Бухоро шайхи Сайфуддин Бохарзийнинг исломга ҳомийлик қилишнинг етарли даражада бўлмаётганлиги тўғрисидаги даъвати этиборсиз қолдирилган. Ҳабаш Амидни руҳонийларнинг вакилларида Юсуф Саккокий ва Баҳоуддин Марғинонийнинг ўлимида ҳам айбдор деб ҳисоблашган.⁷⁸

Мунке қоон даврида Хоразмдан то Хитой чегарасигача бўлган мамлакатларга Махмуд Яловочнинг ўғли Маъсудбек ноиб ҳамда ижарадор этиб тайинланади. У ҳам худди отасидек улус даромадини олдиндан ҳокон хазинасига тўлаб, аҳолидан “барот” асосида уни ошириб йиғарди.

1248 йилда буюк хон ўгадой ўлгандан кейин уч йиллик музокаралардан сўнг, (кўпгина тахт даъвогарларининг ўлдириб юборилишидан кейин) Қорақурумда 1251 йилда чакирилган қурултойда Тулихоннинг тўнғич ўғли Мунке Мўғулистоннинг улуг ҳокони қилиб сайланади. Шундан сўнг Чигатой хонадонига мансуб шахзодаларнинг кўпчилиги кириб ташланади ва Чигатой улуси Ботухон билан Мункехон ўртасида бўлиб олинади.

1260 йилларда Чигатойнинг набираси Олғухон Олтин Ўрда маъмурларига қарши кескин курашиб, Чигатой улусини қайта тиклади. У Жўжи авлодларига хизмат қилганларга омонлик бермади. 1262 йилда Бухоро шаҳридаги мўғул қўшини рўйхатга олиниб, 16 минг қўшиндан 5 минг-Ботухонга (Жўжи авлодларига) тегишлиси даштга олиб чиқилиб ўлдирилди, уларнинг мол-мулки, хотин ва болалари билан мусодара қилинди.⁷⁹ Бошқа манбада шаҳар аҳолисидан беш минг киши ўлдирилган деб кўрсатилган.

Жўжи авлодларидан Бухорони тортиб олиш учун Арганахотун 1263 йилдаёқ ўзининг беш минг кишилик қўшинини бу ерларга жўнатган эди. Бу қўшин нафақат Беркахоннинг ноибларини, балки барча эркин кишиларни, ҳаттоки олий руҳонийлардан бўлган Сайфуддин Бохарзийнинг ўғли Бурхониддинни ҳам ўлдириб юборди. Арганахотуннинг одамлари Бухородан жуда кўплаб бойликларни эгаллаб олишди. Айнан шу вақтда ҳокон Ариқ Буқонинг чопарлари ҳам қўлларида аҳолидан чорва молларини, отларни ва қурул-яроғни тўплаб олиш тўғрисидаги ёрлик билан келиб қолишди. Қисқа муддатда бу иккинчи солиқ ундириб бўлиниши билан, уларни олиб кетиб бўлмаслариданоқ, уларга бошқа чигатой Олғухон ҳужум қилиб,

⁷⁸ Бартолд Н.В. История Туркестана Т 1922. с.148

⁷⁹ Г. Хандовтов Менинг донмисим тарихим 148-бет

ҳамма нарсани тортиб олди ва чопарларни ўлдиртирди. Олғухоннинг ҳаракати очикдан-очик исён сифатида қабул қилиниб, хон Олғуни адабини бериб қўйиш учун қўшин юборди. Мағлубиятга учраган Олғухон Бухоро ва Самарқандга чекинди. Бу ерга келган Олғухон яна кўплаб молларни ва қурол-яроғни тўплаб олди ва аскарларига бўлиб берди. Орадан кўп ўтмай Еттисувда очарчилик ва эпидемия бошланди. Буни Мовароуннаҳрда ҳам бошланиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида Олғухон Маъсудбекни девон бошлиғи этиб тайинлади ва Самарқанд ҳамда Бухоронинг бошқаруви унинг зиммасига юкланди.

Маъсудбек кичик танаффуслар билан 51 йил давомида Мовароуннаҳрни бошқарди. Унинг даврида Бухоро бирмунча жонланди. Маъсудбек шаҳарда бир қанча ажойиб иншоотларни қурдирди. Шулардан бири “Маъсудия” мадрасаси бўлиб, унда 1000 га яқин талаба таҳсил олган. 1266 йилда Олғухоннинг ўлиmidан сўнг унинг қўшини “эски одати бўйича вилоятга хужум қилиб, уни талон-торож қилди”. Янги хон Барак ҳам Олғу каби ўзининг одамларига, сафдошларига Ўрта Осиёнинг аҳолисини ҳарбий хизматлар учун тўлов сифатида талон-торож қилишга йўл қўйиб берди. 1266 йилда Барак Хайдуга қарши мағлубиятли жанг олиб боргач, Бухоро ва Самарқанд аҳолиси зудлик билан шаҳарни ташлаб чиқишига, унинг қўшини эса жангда йўқотганлари ўрнини қоплаш учун бу икки шаҳарни талон-торож қилишларига буйруқ берди. Қаршилиқ қилинса, нафақат мол-мулк, балки бола-чақа, аёллар ҳам жазоланиши маълум қилинди. Ўз саркардалари билан кенгашиб турганда Баракнинг айтганлари диққатни тортади. Унинг айтишича, амал қилаётган тартиб-қоидага кўра бу подшолик (Мовароуннаҳр) уларга тегишли эмас, шу боис энг мақбули – гуллаб-яшнаб турган бу ўлкани талон-торож қилиб хонавайрон этиш. 1269 йилда Хуросонга юриш олдидан Барак Мовароуннаҳрни ҳақиқий очарчилик ҳолатига олиб келди, бутун ғаллани, нафақат арпани, балки бугдойни ҳам тортиб олди, талади. Қорамоллар ёппасига тортиб олинди. Хуросон юришидан қайтиб келаётганда йўл-йўлакай яна талон-торож қилинди. “Бухоро ҳам бундан ташқарида қолмади” – деб ёзади Вассоф⁸⁰. Бухоро воҳаси Мовароуннаҳрнинг чегарасида, Хуросон йулида жойлашганлиги учун мўғулларнинг юришларидан кўп азият чекди. Хуросонга боришда ҳам, қайтишда ҳам унинг ерлари, мол-мулклари таланди.

1272 йилда Ҳулокуийлардан элхон Абақхоннинг Оқбек бошлик аскарлари (Эрон томондан) Мовароуннаҳрга бостириб киради ва Кеш

⁸⁰ История Бухары с древнейших времён до наших дней Т 1976, с 104

хамда Нахшабни талайди. Кейинги, 1273 йилда 22 январда эса улар Бухорога юриш қилиб босиб олади. Бухоро аҳолиси киргин қилинади(жами 50 минг кишининг қалласи танидан жудо қилинади), шаҳар 7 кун таланиб, сўнгра унга ўт қўйилади. Босқинчиларнинг босқини вақтида Бухородаги Маъсудия мадрасаси ва катта кутубхона ҳам ёниб кетади.

3 йиллик танаффусдан кейин, 1276 йилда Олғухоннинг Чўлпой ва Қопон исмли ўғиллари ўн минг чигатой мўғуллари билан келиб Бухоро аҳолисини охириги буюмигача талаб, шаҳар ва унинг атрофини харобага айлантirdи.Тарихчи Вассофнинг ёзишича, шундан кейин Бухоро шаҳрида 7 йил давомида биронта одам яшамаган. 1262-1265 йилларда Бухорода бўлишган ака-ука Никола ва Матео Поло Бухорони Ўрта Осиё ва Эрондаги энг яхши шаҳар деб қўрсатган эди. Фақат 1283 йилга келиб, ноиб Маъсудбек Бухорони тиклаш тадбирларини қўрди. Бироқ мўғуллар бебошчилигининг чеки йўқ эди. 1316 йилнинг кузида (сентябр-октябр) Эрондан келган мўғуллар чигатой шаҳзодаси Ясавур билан биргаликда яна юриш қилиб Бухоро ва бошқа шаҳарларни талаб, аҳолини мажбуран олиб кетдилар.

XIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Мовароуннаҳрдаги мавжуд шарт-шароит таъсирида Чигатой улуси мўғул зодагонларининг бир қисмида ўтроқ ҳаётга ўтиш, маҳаллий аҳолининг бой маданиятидан фойдаланишга интилиш кайфияти кучаяди. Ўтроқ яшаётган маҳаллий зодагонлар, руҳонийлар, савдогарларнинг асосий қисми марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш тарафдори эдилар.

1269 йили Талас водийсида Чигатой улусининг хони Хайду қурултой ўтказиб, бундан кейин тоғ ва чўлларда яшашга, шаҳар атрофида манзил қурмасликка, чорва молларини экинзорларда ўтлатмасликка ва раяндан бекордан-бекорга солиқ олмасликка қарор қилинади. Хайдухон (1269-1303) томонидан Бухоро воҳаси билан қўчманчи чигатойликлар ўртасида химоя қилувчи отрядлар қўйилиб, улар воҳани қўчманчилар ҳужумидан химоя қилган. Ўрта Осиёда мўғул хони узок вақт қўчманчиларнинг бошлиғи бўлган ҳолда маданий ерларни бошқарувига бевосита аралашмаган. Бутун маданий вилоятларнинг ҳокимидан ташқари, ўзининг тангасини зарб этган айрим шаҳарларга ҳоким (малик)лар хон томонидан тайинланган, тарихий матнлар, ёзувлар ва тангалар Бухоро, Ўтрор, Шош, Хўжанд, Фарғона ва Олмалиқ каби шаҳарларнинг маликлари тўғрисида маълумот беради.

Шаҳарларнинг бошқарувида садрлар ва маликлар ўртасидаги кураш мўғуллар даврида ҳам давом этган. Бухорони маълум муддат келиб чиқиши хитой бўлган Чожан Тайфу бошқаргани шу даврга оид мис тангалардаги арабча ва хитойча ёзувдан маълум бўлди⁸¹.

1280-йилларда Мовароуннаҳр ноиби Маъсудбек томонидан пул ислохоти ўтказилиб, 16 та шаҳарда, шу жумладан Бухорода ҳам бир хил вазн ва юқори қийматли соф қумуш тангалар зарб қилиниб муомалага чиқарилади ва бунинг оқибатида товар ва пул муносабатлари изга тушади. XIV асрнинг 1-ярмида Чигатой улусида мўғулларнинг ўтроклашуви жараёни тезлашиб, уларнинг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар бошланади. Кепакхон (1318-1326) нинг Чигатой улусига хонлиги даврида маҳаллий аҳоли билан яқинлашув жараёни кучайди. Кепакхон Нахшаб яқинида сарой (Қарши) қурдирди, маъмурий ва пул ислохоти ўтказди. Бу даврга келиб солиқ ва туловларни ижарага бериш тизими эскирган, қўшни мамлакатлар билан алоқа қилиш учун ягона пул тизимининг йўқлигидан мамлакат аҳолиси азият чекаётган эди. Мамлакатни туманларга бўлиб, уларни ноиблар орқали бошқариш тартиби жорий қилинди. Қумушдан динор (2 мисқол) ва дирҳам (учдан бир мисқол) тангалар зарб қилинди. Бунинг оқибатида ички ва ташқи савдо-сотиқ яхшиланди. Олдинги хон, Олғунинг ворислари бўлган Муборақшоҳ ва Бароқхонларнинг исломни қабул қилиши ҳам маҳаллий халқ билан яқинлашиш сари бир қадам бўлди. Тўғри, бу жараён мўғулларнинг катта қисмига маъқул бўлмади. Шундай бўлса ҳам ўтроклашув, туркийлашув, исломга ўтиш жараёни кучайиб борди. Кепакхон Чигатой улуси тарихида муҳим ўрин тутди. Ўрта Осиёда феодализмнинг ривожини, Мовароуннаҳрда шаҳарлар қурилиши ёки таъмирлаш ишлари ривожига сабабчи бўлган пул ва маъмурий ислохотлар Кепакхон номи билан боғлиқдир. Унинг маъмурий ва пул ислохоти мамлакатни такомиллаштириш ва пул муомаласини тартибга солиш, шунингдек амалдорлар ва олиб сотарларнинг найрангу суистеъмолчиликларига барҳам бериш мақсадида амалга оширилган эди. Маъмурий ислохотга кўра, мамлакат Бухоро ва Самарқандда туманларга бўлинди. Бунинг оқибатида катта ер эгаллиги туманларга, эгалари эса туманбегига айлантирилди. Аммо маъмурий ва пул ислохоти мамлакатнинг ички тараққиётига жиддий таъсир кўрсатмади, улусдаги феодализм тарқоқликка барҳам бера олмади.

⁸¹ Бартольд В. В. История Туркестана, Т. 1922, с. 150

“Тарихи Баноқатий” (XV аср) асарида ёзилишича, мўғул хонлари Мункэхон (1251-1257), Хулоғухон (1256-1265) ва Хубилайхон (1289-1294) ларнинг онаси Бухорода махсус мадраса (Хония) ва Хонақоҳ курдириб, Сайфуддин Бохарзий (1190-1161) ни Шайх қилиб тайинлаган. Чингизхоннинг невараси Беркахон (1255-1266) Бухорога келиб мусулмон бўлган ва шайхга мурид тушган. Беркахон Шимолий Кавказдан Сибиргача бўлган ҳудудда ислом динини жорий этган, Баракахон исмини олган. Шундан кейин Сайфуддин Бохарзийга “Шайхул ислом” даражаси, Бухоро шаҳрига эса “Бухоройи шариф” унвони берилган⁸².

XIV асрда Мовароуннаҳрда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттута Чигатой улуси хони Тармаширин (1334-1376)ни масжидда учратади. “Султон (Тармаширин) масжидга кириб келганда икки ракаат намоз ўқиб бўлинган эди; шунда у қолган икки ракаат намозни келган жойидан бажо этди. У намозни одамлар ўз пойафзалини ечиб қолдирадиган жойда, масжид остонасида ўтириб ўқиди. Намознинг ўқилмай қолган қисмини ҳам тугатиб ўрнидан турди”⁸³. Тармаширин исломни қабул қилган эди.

XIII асрнинг ўрталаридаёқ мамлакатнинг алоҳида вилоятларини бошқараётган Чигатой авлоди ўртасидаги низолар кучайиб, Мовароуннаҳрдаги баъзи хонзодалар бу ердаги маҳаллий халқ, бойзодагонлар билан яқин муносабатда бўлишни истаётганлар бир тарафда, ҳаётнинг кўчманчилик тарзини афзал кўриб, мамлакатнинг ўтрок ҳудудларига босқинчилик қилишни хошлайдиганлар иккинчи тарафда эдилар.

Кепакхондан кейин Чигатой улусида ўзаро жангу жадаллар авжига чиқди. 1326 йилнинг ўзида Дуахоннинг Элчигидой ва Дурра Темур деган ўғиллари тахтда икки бор алмашганларини қайд этиш қийоғдир. Исломга бўлган эътиқоди туфайли Алоуддин лақабини олган Тармаширин Чигатой улусининг гарбий қисмида мустахкам мавқени эгаллади. Улуснинг шарқий қисми Фаргонанинг бир қисми билан кўчманчи феодаллар қўлига ўтиб кетди. Маҳаллий мулкдорлар қўлида бўлган вилоятлар ҳам бор эди: Бухоро ва унинг вилояти садрлар томонидан, Термиз маҳаллий саййидлар томонидан, Хутталон Қайхусрав томонидан бошқариларди. 1340-1370 йиллар фитна-фасод, ўзаро феодал кураш ва улусда сиёсий тарқоқликнинг кучайган даври бўлди.

⁸² Ислон энциклопедияси, Т 2004, 205-бет

⁸³ Н Иброҳимов Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сەфрати Т 1993 99-бет

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

XIV асрнинг I-ярмида юз берган Утроқлашув ва туркийлашув жараёни натижасида Чигатой улусида иккига ажралиш юз берди. 1340-йилларга келиб Чигатой улуси шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Шарқий қисми (Шарқий Туркистон ва Еттисув) Мўғулистон деб, Ғарбий қисми эса Мовароуннаҳр амирлиги деб атала бошланди. Мовароуннаҳр аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида жонланиш бошланди. Йирик шаҳарлардан Урганч ва Бухоро қайта қурилди. Самарқанд вайроналари ёнидан янгидан шаҳар қад қўтарди. Бухоро атрофидаги туманларда қишлоқ хўжалиги изига тушган, богдорчилик ва узумчилик ривожланган. 1299 йилга доир вақф ҳужжатида кўра, XIII асрнинг охирида Бухорода яна жонланиш бўлиб, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик изига тушган, қишлоқ жойларида, масалан, Ромитанда узумзорлар барпо этилган. 1326 йилги вақф ҳужжатида кўра, шу йилларда Бухоро атрофларида, хусусан жанубий шарқий ва қисман шимолий йўналишларда боглар ва узумзорлар гуллаб яшнаган. 1330 йилларда Бухорога ташриф қилган сайёҳ Ибн Баттута шундай деб ёзади: “Вобкент – чиройли шаҳарча. Унда ариқлар, боглар сероб. Шаҳар аҳолиси йил бўйи уйда узум сақлайди (Ибн Баттута Бухорога қиш фаслида келган ва қишда узумларни кўриб лол қолган). Уларнинг олу деб аталадиган меваси бор. Шу меваларни қуришиб, қоқи қилиб Ҳиндистон ва Хитойга олиб боришади. Биз қун бўйи бирининг кетига бири уланиб кетган боглар ва ариқлар, дарахтзорлар ва шудгор қилинган далалар орасидан ўтиб бориб Бухоро шаҳрига етиб келдик”.⁸⁴ Иқлим шароити туфайли Мовароуннаҳр, шу жумладан Бухоро воҳаси ҳам сунъий сугоришга асосланган ривожланган зироатчилик улкаси ҳисобланган ва бу ерда пахта, ғалла, богдорчилик маҳсулотлари, беда ва ток экинлари экилган. Ўзининг қулай географик жойлашуви жиҳатидан Буюк Ипак йўлининг савдо қарвонлари шу ердан ўтган ва савдо марказига айланган.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда ерга эгалик қилишнинг 4 хили амал қилган: 1) мулки девон – давлат ерлари; 2) Мулки инжу-хон ноиблари ва уларнинг авлодлари тасарруфидаги ерлар; 3) Мулки вақф – масжид, мадраса, хонақоҳ, мазор ва мақбаралар ихтиёридаги ерлар; 4) мулklar – хусусий ерлар. Мамлакатдаги ерларнинг катта қисми ҳарбий зодагонларга ҳадя қилинган ерлар бўлиб, уларни арабчада “иктоъ” ёки мўғулчада

⁸⁴ Н. Иброҳимов Ибн Баттута ва унинг ўрта Осиёга саяхати Т 1993.64-бет

“суюрғол” ерлари деб юритилган. Давлатга солиқ тўловчи майда мулкдорлар арабий хужжатларда музориъ, яъни зироаткор деб аталган. Иктоъ ёки суюрғол эгалари барча солиқ ва тўловлардан озод этилиб, бу мулклар авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтган.

Мамлакат ижтимоий ҳаётида қуллар табақаси ҳам мавжуд бўлиб, улардан деҳқончиликда, сув тармоқларини барпо этиш ва тозалашда фойдаланилган. Мўғул исти-лосидан кейин эркин деҳқонларга эҳтиёж ортгани туфайли қулларнинг бир қисми озод этилиб заминдорларга, вақф ерларига бириктирилган.

Мўғуллар бошқаруви даврида пул муомаласи билан боғлиқ ижтимоий гуруҳлар кучайиб борди. Уларни садрлар деб аташган (улар XI асрдаёқ вужудга келган). Садрларда жуда катта пул маблағлари бўларди ва уларни бойлик жиҳатдан нуфузли бекларгагина тенглаштириш мумкин эди. Улар ҳамма солиқ ва ўлпонларни тўплаб бериб, шулар ҳисобидан беҳисоб бойлик орттирарди. Масалан, садр Муҳаммад ибн Абдулазиз Маккага ҳаж қилганида халифага 100 туядан кўпроқ совға-салом олиб борган. У халқ орасида ўзининг нуфузини ошириб бориш мақсадида 600 нафар уламони ўз атрофида сақлаб турган. Бухоро садрлари айниқса қудратли эди. Садрлар меросхўр ранслар сулоласи даражасигача кўтарилар ва шаҳарнинг амалдаги ҳукмдорлари эдилар. Мўғуллар даврида ҳам Бухоро садрларининг мавқеи баланд бўлган.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида аҳоли томонидан давлат хазинасига тўланадиган ер солиғи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида белгиланган (калон). 1235 йилги қурултойда чорвадан “Қўбчур” солиғи (ҳар 100 бош чорвадан бир бош) йиғишга қарор қилинган. Мўғулларнинг “Ясоқ китоби”да қайд этилишича, давлат хазинасига “шулен” солиғи (ҳар бир подадан 2 яшар қўй, қимиз учун ҳар минг отдан бир бия ҳисобида) ҳам ундирилган. “Қўбчур” солиғи қўчманчилар учун белгиланган, савдодан олинадиган тарғу тўлови ҳам бўлиб, ишлаб чиқарилган ёки сотилган молнинг 30 дан бир қисми миқдорида белгиланган. Солиқлар ва тўловлар дастлаб товар ҳолида олинган. Ягона пул бирлиги жорий этилгач, 1270 йилдан бошлаб пул билан олина бошланган. Шу даврга келиб Бухорода ҳам қумуш танга зарб этилган.

Халқ норозилигининг олдини олиш мақсадида Мангу (Мункэ)хон (1257-1259) даврида қабул қилинган “Мангу ёрлиғи”да аҳоли тўлайдиган солиқнинг ўлчами белгиланган: бадавлат одам Хитой ва Мовароуннаҳрда йилига 10 динар, Хуросонда 7 динар,

камбагал одам эса 1 динар тўлаши керак бўлган. “Қўбчур” эса 100 бошдан кам чорвадан умуман олинмаслиги лозим эди. Бироқ бунга риоя этилмаган.⁴⁵ XIII-XIV асрларда мўғулларнинг зулми оқибатида зироатчилик билан шуғулланувчи аҳолининг сони камайиб кетган. Вақф ерларида гуломлар ҳам ишлаган. 1303 йилда Қозонхон чиқарган ёрликка мувофиқ кўчиб кетган зироатчи яна ўз жойига мажбуран қайтарилган. Мангухон фармонида кўра савдогарлар, дўкандорлар ва қосиб-хунармандлар ўз неъматларидан тамға тўлаганлар. Бухородан ўн олти минг хунарманд кўчириб кетилган.

Маданият

XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги шаҳар ва қишлоқларда хўжалик ҳаёти бирмунча жонланиб, мўғуллар истилоси давридаги инкироз ўрнига муайян даражада фан, адабиёт, маърифат ва маданиятнинг баъзи соҳаларида ҳам тикланиш бошланди. Айниқса, шаҳарсозлик билан боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчиликда силжишлар рўй берди. Масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара, минора ва саройлар қад кўтарди. Бизгача уларнинг айримлари етиб келган. Масалан: Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Бохарзий мақбараси ва Баёнқулихон мақбараси. Хожа Али Ромитаний ва Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий мақбаралари қурилган. XIII асрнинг ўрталарида Бухоро шаҳрида “Маъсудия” ва “Хония” мадрасалари бино қилиниб, уларнинг ҳар бирида 1000 нафаргача талабанинг таҳсил олиш имконияти мавжуд бўлган.

XIII асрнинг иккинчи ярмида айниқса тарихнавислик тараққий қилади. Жузжоний, Жувайний ва Рашидуддин (Хуросонда) ларнинг йирик тарихий асарлари яратилган.

Шу даврда Бухоро ва унинг атрофларида ислом дини пешволари, хусусан ислом ҳуқуқшунослари, ҳадисшунослар йирик асарлар яратдилар. Жумладан, Хўжа Муҳаммад Порсо (1345-1419), Шарофиддин Бухорий (XIII асрнинг иккинчи ярми- XIV асрнинг 1-чораги, Шофиркон) лар шариат ва тариқатга доир нодир асарлар яратган. Шарофиддин Бухорийнинг “Чаҳор китоб” (Тўрт китоб)и кўп йиллар давомида дарслик сифатида қўлланилган. Шу даврда шоир Бухорий Носир (XIV аср боши – 1378), риёзиётчи, фалакшунос ва файласуф Бухорий Шамсуддин Муҳаммад ибн Муборақшоҳ Мирах (? – 1340й), Риёзиётчи (математик) Бухорий Убайдуллоҳ ибн Маъсуд ибн

⁴⁵ Ўзбекистон ҳақиқати тарихи 1-жилд, Т., 1992, 150-бет

Умар Тош али Шаръиа (?-1346) ўз соҳалари бўйича фан ва адабиёт тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар.

Шоир Носир Бухорий асарларида ватанпарварлик ғояларини илгари сурган, инсоний муҳаббатни куйлаган. Давлатшоҳ Самаркандий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийнинг асарларида Носир Бухорийнинг ижоди юқори баҳоланган. Унинг 1454 йилда Маҳмуд котиб томонидан қучирилган етти байтлик девони бизгача етиб келган.

Шамсиддин Бухорийнинг “Зиж” номли асари машҳур бўлиб, унда ал-Баттоний, Абдурахмон ал-Хазиний, Али ибн Абдул Карим Ширвоний, Хусомиддин ас-Салар, Н.Тусий каби олимларнинг асарлари тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Ш.Бухорий математика, астрономия ва фалсафанинг ривожига муносиб улуш қўшган.

Убайдуллоҳ Бухорий ўз даврининг қомусий олими бўлиб, ундан математикага доир “Алгебранк масалалар” (Масонил ал-жабрия), “Ҳисоб”, “Мерос тақсимлаш ҳақида фан” (Таълими фарониз) номли асарлар қолган. Унинг қомусий асарларидан “Қиска қафолатни тозалаш” (ан-Нукайя-Мухтасар ал-Викойя) диққатга сазовордир. У.Бухорийнинг асарлари Англия, Венгрия, Германия, Тожикистон ва Ўзбекистон қўлёзмалар фондларида сақланади.

Нуриддин Саъдулдин Муҳаммад Авфий Бухорода тугилиб, XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган. Муғуллар босқинидан олдин Ҳиндистонга кетган. У 1227 йилда “Жавоме ал-хикоят ва лавоме ал-ривоёт” номли икки мингдан ортиқ тарихий ҳикоялар ва ривоятлар тўпламидан иборат асар ёзган. Унинг асарида Руснинг христиан динига ўтиши ва Русь князи Владимир тилга олинганки, бундай маълумот бошқа мусулмон муаллифлари асарида учрамайди.⁸⁶

Ромуший Али ибн Муҳаммад Бухорий. 1260-1265 йилларда вафот этган (ҳозирги Жондор туманидаги Варахша ҳудудида). Ислом қонуншунослиги билан шугулланган, ҳадис тўплаган, қуръонга тафсир ёзган. Б.Маргинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарига биринчи бўлиб шарҳ ёзган. Шунингдек у “Шарҳи ан-Нафеъ”, “Ал-фавоид”, “Шарҳи Жамъ ал-кабир”, “Шарҳи манзума” китобларининг муаллифидир.

Умар ибн Аҳмад ибн Умар Нажмиддин ал-Қоқиштивоний. XIII асрда яшаб ўтган. Математика, ҳисоб, астрономия ва бошқа фанлар билан шугулланган қомусий олим бўлган. Асарлари бизгача етиб келмаган. Шогирди Шамсуддин Маҳмуд Гулободийдир.⁸⁷

⁸⁶ Х.Ҳасанов Сайёҳ олимлар Т 1981,144-145 бет

⁸⁷ Тура Халимов, Исмоил Кобилов Қадимий ва навқирон Ромитин Т Ўзбекистон ,1997,33-бет

XII асрнинг охири XIV асрнинг бошларида яшаб утган Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ва Хожа Али Ромитанийлар хожагон-нақшбандия тариқатининг, тасаввуф илмининг Бухорода равнақ топишига катта ҳисса қўшдилар.

Хожа Ориф Ревгарий, Моҳитобон (XII аср ўрталари, Шофиркон туманидаги Ревгар қишлоғи -1269) – хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси ва назариётчиларидан бири, Б.Нақшбанднинг маънавий устози, “Қул бул авлиё” (Валийлар йулбошчиси) унвони билан машҳур. Тасаввуфга бағишланган “Орифнома” рисоласини яратган. Тавбани “ислом динининг туги” деб таърифлаган. Шофирконда дафн этилган ва қабри устидан мақбара ўрнатилган.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (XII асрнинг охири – Вобкент туманидаги Анжир Фағнав (Ҳозирги Анжирбоғ) қишлоғи-1286) – хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Гилкорлик билан шугулланган. Ревгарийдан таҳсил олиб, унинг вафотидан сўнг хожагонлик силсиласини бошқарган. Хожа Али Ромитанийга устозлик қилган. Тугилган қишлоғида дафн этилиб қабри устида мақбара ўрнатилган.

Хожа Али Ромитаний, Хожан Азизон (XIII аср ўрталари, Ромитан туманидаги Қўрғон қишлоғи-1316/1321) – хожагон-нақшбандия тариқати вакили. Тўқувчилик билан машғул бўлган. Фағнавийнинг шогирди ва Самосийнинг устози ҳисобланган. “Манокби Хожа Али Азизон Ромитаний” асари бизгача етиб келган. “Рисолаи Ҳазрати Азизон” асарида хожагонлик тариқатининг ўн шarti баён этилган. Сарибўстон қишлоғи (Қўрғон қишлоғи яқинида)да дафн этилган. Қабри устида мақбара ўрнатилган.

Шундай қилиб, 1223 йилдан бошлаб Ўрта Осиё ерларида, 1220 йилдан бошлаб Бухоро воҳасида мўғуллар ҳукмронлиги қарор топди. Бу истило воҳа халқлари учун гоят қимматга тушди. Мўғуллар халқ бошига мислсиз кулфатлар ёғдирдилар. Бухоро шаҳри ва унинг атрофларидаги шаҳар ва қишлоқлар таланди, сугориш тизими бузиб ташланди. Турмуш ва маданияти паст даражада бўлган кўчманчи мўғуллар маҳаллий маданият обидалари ва ёдгорликларни вайрон қилдилар, маҳаллий аҳолига зулм ўтказдилар, уни турли хил солиқ ва улпонлар солиш билан қийнадилар. Мўғуллар зулмига қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари (1238) шафқатсизлик билан бостирилди. Бухородаги кўзғолонни бостириш давомида 90 минг дан зиёд маҳаллий халқ вакиллари қириб ташланди.

Чигатойнинг набираси Олғухон ўлғач, унинг ворислари Муборакшоҳ ва Баракхон ўлкани нисбатан тинчликда сақлади. Сўнги чингизий Қозоғоннинг ўлиmidан сўнг Чигатой улусида майда-чўйда хонликлар кўпайди ва ўлкада интизом йўқолди. Ҳар ким ўзини ўзи хон, бек, султон ва шоҳ деб эълон қила бошлади. Феодал тарқоқлик авж олди. Катта-кичик мулклар ўртасида келишмовчилик, ўзаро жанжал ва урушлар келиб чиқди.

Ҳўжалик изга тушган, айрим шаҳарлар қайта тикланган, хунаrmандчилик ва савдо-сотиқ йўлга қўйилган бўлишига қарамасдан халқнинг аҳволи, турмуши оғир эди, илм-фан тараккиёти, айниқса дунёвий илмлар ривожини орқада қолган эди.

7-БОБ. А.ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРО (1370-1500)

1348 йилда хонлик тахтини эгаллаган Туғлуқ Темур Чигатой улусида мўғуллар мавқеини мустаҳкамлаш учун Мовароуннаҳрга бир неча бор қўшин тортиб келди. 1355 йилда Самарқанднинг бошқаруви 70 ёшлардан ошиб қолган амир Яхмак қўлида эди. 19 ёшга тулган Амир Темур унинг хизматига кириб, қўшин бошлиғи бўлиб ишлай бошлайди. Амир Темур 22 ёшда бўлган вақтида Бухоро амирининг аскарлари Амир Темурга тегишли бўлган аскарлардан олти нафарини қўлдан қайтаётганида ўлдиради. Амирга нома юборилиб, ўлдирилган аскарларнинг ҳар бири учун товон пули тулаш ёки айбдорларни топшириш талаб қилинади. Аммо Бухоро амири талабни бажармайди. Шунда, Амир Темур айбдорларни жазолаш учун Бухорога йўл олиб кечаси етиб келади ва шу кеча қалъага ҳужум уюштиради, қалъадаги Бухоро амири қўлга олинади ва қатл этилади. Амир Темур Бухородан Самарқандга қайтганида, Бухоро амирининг дўстларидан беш нафари катта қўшин тўплаб, дўсти учун қасд олишга тайёрланаётганлигидан воқиф бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида тор-мор келтиради. 1358 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган бу жангларда Амир Темур ўзининг ҳарбий бошлиқ ва аскарлардан 525 нафаридан ажралади.⁸⁸

1361 йилда Чигатой улусининг ҳукмдори Туғлуқ Темур ўғли Илёсхўжани Мовароуннаҳрга хон этиб тайинлади ва ўзи Мўғулистонга қайтиб кетди. Кетишдан олдин амир Беккичик ва амир Темурни Илёсхўжанинг хизматига тайинлаш тўғрисида фармон берди. Отасининг ўрнига ўтирган тажрибасиз ва ёш Илёсхўжа давлат

⁸⁸ Марсель Брисон Менкман, Соҳибқирон - Жаҳонгир Темур Т. 2014. 47-64 бет.

ишларига эътиборсизлик билан қаради. Амир Беккичик бундан фойдаланишга ҳаракат қилди. Ўз тарафдорларининг мададига таяниб амалий жиҳатдан ҳокимиятни ўз қўлига олишга уринди. Бу вазиятдан амир Темур норози бўлди ва у билан муросага кела олмай, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Шундан кейин амир Темур Хуросонга йўл олиб, Балхда ҳокимлик қилаётган қайногаси амир Ҳусайн билан бирлашди ҳамда бебош амирларга ва мўғулларга қарши кураш олиб борди.

Амир Темур ва Амир Ҳусайн биргаликда бир неча йил жангу жадалларда, ўзаро тўқнашувларда бўлишди, гоҳ ҳамкорликда, гоҳ алоҳида-алоҳида ҳолатларда ҳаракат қилишди. Амирлар омад излаб Хоразмга боришди. Хива амири Тўкат уларни қўлга туширишга ҳаракат қилди. Мурғоб дарёси оқимининг тугаган ерида тўқнашув бўлиб, Хива амири томонидан 1000 киши, амирлар томонидан 50 киши жанг қилиб, кўпчилик ҳалок бўлди. Шундан кейин Амир Темур ва Амир Ҳусайн бир-бириси билан келишиб, вақтинча ажраладилар. Амир Ҳусайн Гармсири (Сейистон) томонга йўл олади, Амир Темур эса Улжой Туркон оғони олиб Бухорога йўлга тушади. Зандана қишлоғига борилгач, Улжой Туркон оғони шу ерда қолдириб, ўзи Кеш вилоятига кетади. У ердан Ғузорга бориб, бир ойдан кейин Занданага қайтиб келди ва Улжой Туркон оғони ўзи билан олиб кетди. Шундан сўнг Амир Темур Самарқандга бориб, опаси Қутлуг Туркон оғоникда бўлди. Орадан 3 ой ўтиб Амир Темур Ҳирманд (Сейистон) сари йўл олди ва Амир Ҳусайн билан қўшилди.

Амир Темур ва Амир Ҳусайн мўғулларга қарши 2 йил давомида кураш олиб борди ва 1364 йилда уларни мамлакатдан қувиб чиқарди. Аммо улар Мовароуннаҳрни қўлдан чиқаришни истамай 1365 йилда яна қўшин билан қайтиб келди ва Тошкент воҳасида жанг бўлиб ўтди. 1365 йилда бўлиб ўтган “лой жанги” (Чирчик дарёси бўйидаги жанг) дан кейин Амир Ҳусайн билан Амир Темурнинг муносабатларида совуқлик пайдо бўлди. Чунки Амир Ҳусайн жангнинг ҳал қилувчи пайтида хиёнат қилди ва Амир Темур чекинишга мажбур бўлди.

Самарқандда мўғуллар босқинига қарши халқ ҳаракати авж олиб сарбадорлар ҳокимиятни қўлга олганларидан кейин амирлар бу ерга етиб келдилар. Сарбадорлар ҳаракатига мадраса талабаси Мавлонзода Самарқандий, жун титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Калавий Наддоф ва мерган Мавлоно Хурдак Бухорийлар бошчилик қилдилар. Мўғуллар шаҳардан чиқариб юборилади. Мўғуллар отларига ўлат келганлиги сабабли чекинишга мажбур бўлганларидан

кейини ҳокимият осонлик билан сарбадорларнинг қўлига тегиб, улар юртда баъзи ислохотларни амалга ошириши муносабати билан юкори ва қуйи табакалар ўртасида норозилик келиб чикди ҳамда шаҳарда бекарорлик бошланди. Шаҳарга кириб келган амирлар кескин чораларни қўллашди. Сарбадорларнинг раҳбарлари Абу Бакр Калавий ва Хўрдак Бухорий дорга осилди. Мавлонзода Самаркандийни Амир Темур кафилликка олди. Амир Ҳусайн бутун Мовароуннахрнинг ҳокими этиб тайинланади. Бирок у билан Амир Темур ўртасида зиддиятлар кучая боради ва 1366-1370 йилларда ўзаро тўқнашувлар бўлиб ўтади. Амир Ҳусайн Хуросоннинг Балх, Кундуз ва Бадахшон вилоятларида, Амир Темур эса Мовароуннахрнинг Кеш, Насаф вилоятларида куч тўплаб бошлади.

XIV асрнинг иккинчи ярмида, айниқса 60-йилларда Мовароуннахр ҳудудидаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол чигаллашиб кетди. Бир томондан тож-тахт учун кураш ва ички низоларнинг тўхтовсиз давом этиши, иккинчи томондан ташқаридан бўлаётган ва кутилаётган боскин-ҳужумларнинг кучайиб бориши оқибатида мамлакатда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари касодга учраб, халқ оғир вазиятни бошидан ўтказаётган эди. Юзага келган бундай вазиятдан энг аввало, савдо аҳли, ҳунармандлар ва деҳқонлар жуда норози бўлиб, улар орасида тангликдан қутулиш, юртни бирлаштириш ҳамда марказлашган бир давлатни барпо этиш ҳаракати авж олган эди.

1366-1370 йилларда Мовароуннахр ҳукмдори бўлиш учун Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўртасида кураш кучайиб, Қарши ва Бухорони эгаллашга бир неча бор ҳаракат қилинди. 1366 йилнинг қишида Амир Темур Қаршида қишлайди ва Маҳмудшоҳ Бухорийни Бухоронинг девонга бериши лозим бўлган солиғини йиғиб келишни амр қилади. Маҳмудшоҳ Бухорий Бухорода ясовурийларни ўз атрофига тўплаб олади ва Амир Темурнинг чакирганига қарамай, шу ерда қолади. Қишнинг ўртасида Амир Ҳусайн яна бир бор амир Мусо ва амир Ўлжойтуни катта лашкар билан Қаршига жўнатади. Амир Темур Қаршидан воз кечиб, Бухорога йўл олади. Амир Мусо ва амир Ўлжойту лашкарлар билан Бухоро устига боради. Муҳолиф кучларнинг қўпайганини кўриб, Амир Темур Марв яқинидаги Моҳонга қараб йўл олади.⁸⁹ Амир Ҳусайн лашкари Бухорони камал қилиб эгаллаб олади. Бухорони мудофаа қилган Маҳмудшоҳ Бухорий ва Али Ясовурийлар узок қаршилик кўрсата олмай шаҳарни ташлаб

⁸⁹ Муиниддин Натанний. Мунохаб-и-таворихи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси) Т 2011 77-78-97 бет

Марвга қараб ҳаракат қиладилар ва у ерда Амир Темурга етиб олиб, кечирим сўрайдилар. Халилбек бошчилигидаги бир неча бекларини Бухоронинг мухофазаси учун қолдирган Амир Хусайн ҳам Соли Саройга қайтиб кетади. Амир Темур ўз кучларини жамлаб Самарқандга қайтади, ундан Туркистонга йўл олиб, кўчманчи мўғул (кароунас) лашкари билан жанг қилади, сўнгра Қарши, Бухоро ва Термизни кўлга киритиб, бутун диққат эътиборини Хуросон йўналишига қаратади.

Ҳокимият учун Амир Хусайн ва Амир Темур ўртасидаги кураш юқори паллага кўтарилди. 1370 йилнинг март ойида Амир Темур Хуросонга юриш қилиб, Балхда мустаҳкамланиб олган Амир Хусайнни мағлуб этди ва Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори сифатида қатл этилди. 1370 йилнинг ўзида Балхда ўтказилган қурултойда пири Саййид Бараканинг дуосини олган Амир Темур расман Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинди. Ўз давлатининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ишини Амир Темур Самарқандни пойтахт қилишдан бошлади. Қисқа вақт ичида махсус қўшин ташкил этилиб, давлат чегаралари кенгайтирилди. Амударё ва Сирдарё оралигидаги ҳудудлар, Фарғона ва Шош (Тошкент) вилоятлари унинг давлати тасарруфига киритилди.

А.Темур давлатига Мўғулистондан, Олтин Ўрда (Жўжи улуси ўрнида ташкил топган) дан хавф-хатар ҳали кучли эди. Бундан ташқари, Мовароуннаҳр билан Олтин Ўрда ўртасидаги қўнғирот сўфиларининг мустиқил Хоразм давлати ҳам хавф тугдирарди. XIV асрнинг 60-йилларига келиб икки қисм (Шимолий ва Жанубий Хоразм) га бўлинган Хоразм ерлари бирлашиб ягона давлат ташкил топган, Чигатой улусига тегишли бўлган, маркази Кат қалъасида жойлашган Жанубий Хоразм ерлари ҳам Мовароуннаҳр ихтиёридан чиқиб кетган эди. Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори бўлган Амир Темур эса бутун Хоразмни Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблар ва шу боисдан ҳам уни ўз давлати таркибида бўлишини истар эди. Шунинг учун ҳам А.Темур 1371 йилда Хоразмга биринчи юришини бошлади. Хоразм ҳукмдорининг Бухоро ва унинг атрофидаги ҳудудларга тўхтовсиз хуруж қилиши ҳам Амир Темурни юриш қилишга ундади. 1371 йилнинг мартада Амир Темур элчи Алуфа тавочи орқали Хусайн Сўфийга мурожаат қилиб, Кат ва Хивакнинг Чигатой улусига тегишли эканлигини маълум қилади. Аммо Хусайн Сўфи бунга назар-писанд қилмайди.

1371 йилнинг баҳорида Самарқанддан йўлга чиқиб, ёзида Каршида ов қилиб, Бухоро ҳудудидан ўтиб, Амударё бўйидаги Сепоя мавзесида Хоразм қўшинининг қоровул қисми билан тўқнашдилар ҳамда уларни мағлуб этиб, Кат қалъасига етдилар. Қалъани Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфининг бекларидан Пирим Ясаул ва Қози Шайх Муҳаммад Муаййид ҳимоя қилдилар. Кат қалъаси қамал қилинди ва эгаллаб олинди. Ҳусайн Сўфи қамал вақтида вафот этиб ўрнига укаси Юсуф Сўфи ҳоким бўлади ва сулҳ тузишни сўрайди. Шундан кейин Темур Самарқандга қайтади.

1373 йил феврал-март ойида Хоразмга иккинчи юриш уюштирилди. Бунинг сабаби – бир қанча амирларнинг, хусусан Кайхусрав Хутталонийнинг ўгли Султон Маҳмуд, Хизр Ясовурийнинг ўгли Абу Исҳоқ ва Маҳмудшоҳ Бухорийларнинг Хоразмга қочи бориб, Юсуф Сўфини Амир Темурга қарши гиж-гижлаши бўлди. Юриш Бухорода тўхтатилди. Чунки Юсуф Сўфи узр сўраб, уруш тўхтатишни илтимос қилди.

1375 йилнинг ёзида А.Темур Хоразмга учинчи юришини бошлади. 30 минг кишилиқ қўшинини Мўғулистон томонга Амир Қамариддинга қарши урушга жўнатди. А.Темур Хоразмнинг Қашғар шаҳрига етиб борган вақтда, Жета томонга кетган қўшиннинг бошлиқлари Сари Буго ва Одишохнинг Андижон вилояти ҳокими Ҳамди билан иттифоқ тузиб Самарқандга юриш қилганлиги тўғрисида унинг ҳокими Ок Бугодан хабар олди. А.Темур ўгли Жаҳонгирни Самарқандга жўнатди ва ўзи ҳам унинг ортидан кетма-кет кели бошлади. Қўшин Бухорога етганда ўгли Жаҳонгирдан ўзиб Работ Маликда тўхтади. Жаҳонгир Карминада жалойир ва қипчоқлардан ташкил топган исёнчилар қўшинига юзма-юз бўлди ҳамда икки томон жанг қилдилар. Душманлар қочиб Дашти Қипчоққа, Ўрусхон ҳузурига бордилар. А.Темур Самарқандга келиб, ўгли Умаршайхни Андижонга ҳоким этиб юборди,⁹⁰ Хоразмга юриш якунланмай қолди.

Амир Темур Олтин Ўрда ҳукмдори Ўрусхон билан уруш олиб бораётган вақтда Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфининг лашкари Бухорога келиб, Қорақўлни ва Бухоронинг атрофидаги мавзеларни талон-торож қилди. А.Темур Жаловатийни Юсуф Сўфий ҳузурига элчи қилиб юбориб, “қариндошликдан кейин яна муҳолифат бўлишдан қандай маъни бор” мазмунида мактуб жўнатди. Аммо Юсуф Сўфий элчини қамаб қўйди (1374 йилда Ок Сўфийнинг қизи Севинбекага А.Темурнинг ўгли Жаҳонгир Мирзо уйланган эди, яъни

⁹⁰ Шарофуддин Али Яздий Забарнома Т.Шарк 1997 74-79 бет

хукмдорлар куда бўлишган эди). Шундан кейин А.Темур яна элчи юбориб қуйидаги мазмунда мактуб йўлади. “Подшоҳлар элчиси банди қилинмаслиги лозим, чунки унда айб йўқ, у хабар етказувчидир. Сенинг ишинг бўлса мен билан ҳал этгин, элчини қайтариб юборгин, акс ҳолда пушаймон бўлурсан”. Бирок Юсуф Сўфий мазкур элчини ҳам банди қилиб, Тўй Буго бошчилигидаги лашкарини Бухорога жўнатди ва улар Бухоро атрофидаги туркманларнинг туяларини қўлга тушириб Хоразмга олиб кетди⁹¹.

Шундан кейин 1379 йилда А.Темур Хоразм хукмдорининг қилган ҳатти-ҳаракатига жавобан чора қўришга қарор қилди. Унинг қўшини дарёдан (Эски Ўғуз деган жойдан) ўтиб жойлашди. А.Темурга алоҳида иморат қурилиб, у шу ердан туриб жангни бошқарди. Қўшиннинг илгор қисми ичкарига кириб ҳаракат қила бошлади. Шунда Юсуф Сўфий мактуб ёзиб, А.Темурни яккама-якка олишувга чорлади. А.Темур таклифга розилик билдириб, атрофидагиларнинг қаршичилигига қарамай отга миниб, қалъа ёнига борди ва Юсуф Сўфийни олишувга чакирди. Юсуф Сўфий кўрқиб майдонга чиқмади. Шу аснода Термиздан А.Темур ҳузурига янги пишган қовун келтирдилар. Юсуф Сўфийнинг қариндошлигини инобатга олган А.Темур қовунни олтин товоққа қўйиб унга юборди. Бирок Ю. Сўфий қовунни сувга улоқтириб, олтин товоқни дарвозабонларга ҳадя қилиб, дарвозадан лашкари билан чиқиб келди.

Унга қарши амирзода Умаршайх жанг қилди. Уруш 3 ойда қўзилди. Юсуф Сўфий касалликдан вафот этди⁹². А.Темур Хоразмга бораётганда Суюргатмишхон хасталаниб, Бухорода қолди ва шу ерда вафот этди. Уни Кешга дафн қилдилар. Унинг ўрнига ўғли Султон Маҳмудхон расмий хон қилиб қўтарилади⁹³.

Амир Темур 1381-1382 йилнинг кишини Бухорода ўтказди. Аммо бу ерда дам олишнинг имкони бўлмади. Икки нарса Соҳибқиронга тинчлик бермасди: ўша кунлари унинг бошига оғир қулфат тушганди – суюкли кизи Оғобегим оламдан кўз юмган эди. Ундан бир ёшар Султон Ҳусайн исмли ўғли ёдгор бўлиб қолганди. Иккинчиси, Алибек билан амир Вали Эроннинг Сабзавор шаҳрини олишга ҳозирлик қўраётгани ҳақидаги ташвишли хабар олинганди. Бир неча кун кайғуга ботган Амир Темур охири ором олди ва яна давлат ишларига қайтди. 1382 йилнинг январиди у лашкарини ҳаракатга келтириб,

⁹¹ Шарифуддин Али Яздий Зафарнома Т.Шарх 1997 85-86 бет

⁹² Н.Шомий Зафарнома Т. Ушбекистон 1996 109-бет

⁹³ Шарифуддин Али Яздий 121-бет

Бухорон Шарифдан чиқди ва Марв йўли билан Эрон чегараларига ўтиб, исёнчи амирларга қарши ҳаракатларни олиб борди⁹⁴.

1388 йилда Хоразмнинг янги ҳокими Сулаймон Сўфи Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан бирлашиб Амир Темурнинг чегарадош бўлган ерларини талон-торож эта бошлади. Ушбу юриш Сулаймон Сўфининг қочиши ва Гурганжнинг олиниси билан тугади.

1388 йилда А.Темур Шерозга борганидан бир неча кун ўтиб Самарқанддаги нотинчлик тўғрисида, Тўхтамишхоннинг бу ерга лашкар билан келганлиги тўғрисида хабар олди. А.Темур Шероз бошқарувини Шоҳ Яхёга топшириб, ўзи Самарқандга қайтди. Айни шу вақтда амир Сулаймоншоҳ баҳодир ва Аббос баҳодир лашкарни йиғиб Самарқандни мудофаа қилаётган, душманлар эса вилоятни вайрон этаётган эдилар. Тўхтамишхон вақтида Ок Ўрдадан қочиб, 1376 йилда Самарқандга келган ва бу вақтда Бухорода турган Амир Темур хузурида бўлиб ёрдам сўраган ва унга хизмат қилишга ваъда берган эди. Соҳибқирон Тўхтамишхонга кўп илтифотлар кўрсатади, унинг Ок Ўрда тахтини эгаллашига кўмаклашади, лекин айёр Тўхтамишхон нонкўрлик қилиб, Темурга қарши сиёсат йўлига қиради. У Олтин Ўрда худудини кенгайтириш мақсадида Темурга қарашли ерларга юриш қилади, улўғдавлатчилик сиёсатини олиб бориб, Самарқанд салтанатини заифлаштиришга уринади. Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, Зарафшон водийсига ҳужум қилади. Тўхтамишхон лашкарининг бир қисми Бухоро вилояти чегараларига бостириб қиради ва атроф қишлоқларни талайди. Жиддий қаршиликка учрамагач, Бухорони эгаллаб олиш нияти тугилади ва Тўхтамишхон лашкарининг бир қисми Бухоро ва унинг атрофларига ҳужум бошлайди. Бухоро амирлари ва акобирлари шахар ва қалъани мустаҳкамлаб, бир неча марта ташқарига чиқиб жанг қилдилар. Халқ орасида А.Темурнинг қайтиб келаётганлиги тўғрисида хабар тарқалиб, душман аскарлари бу ерда гўхтаб туришни маъқул кўрмай, ортларига қараб қочдилар. Бухоронинг химоясига Аталмиш қавчин ва Дурбой қавчин раҳбарлик қилишди.

Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарида Амир Темур Нишопурда оғу ичиб ўлибди деган гап тарқалиб, Тўхтамишхон қўшин тўплаб Мовароуннаҳрга юриш бошлагани билан боглик воқеалар баён этилади. Олти ой мобайнида Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши ва Бухорода қипчоқ аскарлари билан жанг олиб борилади (бу пайтда Амир Темур Эронда эди). “Алқисса бир куни хонимча (Сароймулк-

⁹⁴ Н.Шомий. Зафарнома. Т. 1996, 117-118 бет

хоним) яна бир тадбирни ўйлаб топди. Амир Чокуни чакириб айтди, албатта Амир Темур Соҳибкирон келурлар. Тўхтамишхонга ҳам Амир Соҳибкироннинг ҳаётлиги маълум бўлсин эмиш. Энди бир кишини топгайсизки Хуросон тилида сўзласин. Унга бир хат берсак, Мирзо Сайфиддиннинг хатидек бўлса, аммо унга бир хорган от ҳам топиб берсангиз. У бир кишлоқдан чиқиб, Бухорога келаверса албатта хоннинг қўлига тушиб хатини очиб кўргай". Бу сўз амир Чокуга маъкул келиб, хонимча Амир Соҳибкирон номидан амир Чокуга нома ёзди ва қутича ичида сақлаб қўйилган Соҳибкироннинг муҳрини босди. Шундан кейин ўша одам йўлга тушиб, неча манзилларни босиб ўтиб, кечга яқин Қорақўл мавзесига бориб, ундан Бухорога қайтиб адашган кишидек Бухоронинг дарвозасини сўраб келаверди. Шу аснода кипчок коровуллари уни ушлаб ёнларини титкилаб хатни топиб олишди. Уни нома билан хоннинг хузурига келтиришди. Номада шундай дейилганди: "Эй амир Чоку, эшитдимки Тўхтамишхон келиб, Самарқандни олиб, Бухоро шаҳри қамалда эмиш. Энди уни тадбир билан ўзга ерга юбормай саклангиз, бизлар бугун ёки эртагача етиб борармиз". Номани ўқиб бўлмасданок Соҳибкироннинг дабдабасидан кўриб беадат ва беҳисоб қўшин билан кипчоклар Бухоронинг саҳросидан қочиб кетдилар.⁹⁵

Мўғулистон юришидан галаба билан қайтиб келгач А.Темур 1389 йилнинг августида катта зиёфат, тўй берди. Шу йилнинг кишида Бухорога бориб Фаркат Қўли (Бухородан 27-30 км. масофада, Газли йўлидаги кишлок – Фарход, Барқад, Парқад) да кишлок солди ва ов ташкил этди. 1390 йилнинг бошида А.Темурнинг кизи Султонбахтбегимни Сулаймонбекка никоҳладилар. (Унинг олдинги эри Муҳаммад Мирак қайнотасига хиёлати учун 1388 йилда қатл этилган эди). Шу вақтда амирзода Мироншоҳ Хуросонни забт этиб отасининг олдига – Бухорога келди. Қиш бўйи Бухорода турган А.Темур Мироншоҳнинг ўғли Аббос Бакрга амир Ҳожи Сайфуддиннинг кизини никоҳлади. А.Темурни отасининг иккинчи хотини Қадок Хотун Бухорода вафот этди (А.Темурнинг онаси Такина Хотун аввалроқ оламдан ўтган эди) ва уни Кешга дафн этдилар. Шу кишининг охиригача А.Темур Бухорода бўлди.⁹⁶

1392 йилнинг 7 июнида А.Темур Эронни фатҳ этиш учун юришга отланиб Бухорога етиб келди ва бу ерда об-хаво таъсирида унинг саломатлигида ўзгариш бўлиб, ҳарорати кўтарилиб кетди. Шундай

⁹⁵ Сайфиддин Тошкандий Темурнома Т 1991, 208-209 бет

⁹⁶ Шарифиддин Али Яздий Зафарнома 128-бет.

бўлса-да, у Жўйи Зард (Зарафшон) га келди. (Шофиркон туманидаги арик ва мавзе шундай аталган). А.Темур билан бирга келаётганлар ҳам шу ерда тўхташди (1392 йилнинг 23 июни). А.Темурнинг касали кучайгач, ўгилларини ва хотинларини чакириш учун Самарқандга чопар юборилди. Сарой Мулк хоним, Тумон ого, Султон Бахт бегим фарзандлари билан етиб келишди. Бу вақтда қўшиннинг хирсвўл (разведка) қисмига бош бўлиб Амударёдан ўтган амирзода Муҳаммад Султонга ҳам чопар юборилиб, қўшинни қолдириб 4-5 хос одамлари билан Бухорога етиб келди. А.Темурнинг касалини аниқлаш ва даволаш учун амир Ҳожи Сайфуддин бошлиқ бир гуруҳ турк (ўзбек) ва форс табиблари ҳаракат қилишди. Бухоронинг тўрт томонига одамлар юбориб, мозорларга, ночор ва мискин кишиларга хайр-эхсон берилди, отлар ва қўйлар садақа қилинди. 1392 йилнинг 7 июлида Темур соғайди. Шундан кейин амирзода Муҳаммад Султон яна қўшини ёнига жўнаб кетди. 22-27 июлда сафар бошланди. Амир Ҳожи Сайфуддин, Сарой Мулк хоним, Тумон оғони Самарқандга жўнатдилар. Қўшиннинг асосий қисми Амударёдан ўтиши билан Шохрух Мирзони ҳам Самарқандга қайтариб юбордилар. А.Темур бошлиқ лашкар қишни Мозандаронда ўтказиб, 1393 йилнинг 9 январида Форс томонга йўл олди. Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом (Сурия) устига 3 марта лашкар тортди. Бу юришлар тарихда “уч йиллик”, “беш йиллик” ва “етти йиллик” урушлар номи билан зикр этилган.

Амир Темур ўзининг 35 (1370-1405) йиллик ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар ва Орол денгизидан Форс қўлтигига қадарли гоаят катта ҳудудни ўз ичига олган буюк бир салтанатни вужудга келтирди. Бундан ташқари, яна у Осиёнинг жанубий-ғарбий қисмлари, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимолий-ғарбда қуйи Волга, Дон бўйлари, шимолий шарқда Балхаш қўли ва Или дарёси бўйлари ҳамда жанубий-шарқда Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни бирлаштирган қудратли давлатни барпо этди. Хитойга юриш арафасида, 1405 йил 18 февралда ўтторда вафот этди.

Амир Темурнинг жасади Самарқандга олиб келиниб, дафн этилиши ва мотам маросимлари тугар-туғамас, тахт ворислари ўртасида кураш бошланиб кетди. Гарчанд, Амир Темурнинг васиятига мувофиқ Пирмуҳаммад тахтга ўтириши керак бўлса-да,

⁹⁷ Сайфуддин Али Яздий. Зафарнома. 143-бет. Мўиниддин Навоий. Мунтахаб ут-таворих. Муъиний (Муъиний тартиблари галилмани) Т. Ўзб.-я, 2011. 152-бет.

Мироншоҳнинг ўгли Халил Султон Мирзо 1405 йилнинг 18 мартида Самарқандни эгаллаб олиб, ўзини Мовароуннахрнинг олий ҳукмдори деб эълон қилди. 1405 йил 5 март куни Улугбек билан Иброҳим Султон Бухорога, катта оналар эса норасида шахзодалар Бойқора, Итил, Саид Ваққос, Суюргатмишни олиб угрук билан Алиободдан Самарқандга жўнаб кетдилар.

Улугбек, Иброҳим Султон ва уларнинг ҳамроҳлари 6 кунда Дабусиядан Бухорога етиб келдилар. Йўлда Карманада тунадилар ва эрта билан Бухоро шахрига кириб келдилар. Бухоронинг Ҳазрати Имом дарвозаси ёнида уларни шахар доругаси Ҳамза барлос, Бухоронинг кўзга кўринган машойихлари, уламою фузалоси кутиб олдилар. Улугбек ва унинг ҳамроҳлари Бухоро шахридаги Чашман Аюбга бориб, уни зиёрат қилиб, кейин арқка бордилар.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Самарқанд тахтини эгаллаб олган Халил Султон билан Ҳирог тахтини эгаллаб турган Шохрух Мирзо ўртасида бўлиб ўтган дипломатик мулоқотлардан ижобий натижага эришилмаган. Бухородан етиб келган амир Шохмалик шахзодалар Мирзо Улугбек, Гиёсиддин Мирзо, Иброҳим Султонларнинг ахволи тўғрисида Ҳиротга, Шохрух Мирзога хабар келтирган. Мирзо ХалилСултоннинг элчиси ҳам шу вақтда куйидаги мазмунда мактуб олиб келган: “Мен сизнинг инингизман. Аммо сизнинг элу улусларингиз Хуросондадир, сиз бу мамлакатни ташлаб келмассиз ва Мовароуннахрни инингиз ёки ноинбингизга топширарсиз. Шундай бўлгач, бу ишга мендан бошқа қобилиятлироқ киши бормикан?”. Шохрух бунга розилик билдириб, Халил Султоннинг илтимосини қабул этиб, Мовароуннахрга юриш фикридан қайтиб, амир Шохмаликни Бухорога юборди.

Мирзо Улугбекка Бухоро вилояти ҳам насиб этмади. Уларнинг бу ерга келганидан воқиф бўлган Халил Султон тез орада Бухоро доругаси Ҳамза ва унинг укаси Рустам барлос билан тил бириктириб, Улугбекка қарши фитна уюштирди. Амир Шохмалик Ҳиротга Шохрух Мирзонинг олдида жўнаб кетиши билан, ўша тундаёқ Бухоронинг арқига ҳужум қилдилар. Улугбек, Иброҳим Султон ва уларнинг хизматкорлари бунга тайёр турган бўлсалар-да, ҳужум илк сахар пайтида бўлгани учун кўп нарсалар – хотинлар, хазина ва угрук фитначилар қўлига тушди. Бухоро шахри, ҳамма нарсалар Халил Султоннинг мулозимлари ихтиёрига ўтди (кейинчалик бу мулклар Шохрух томонидан қайтариб олинган).

Мирзо Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари Бухоронинг Таллипоч дарвозасидан чиқиб, Қоракўл томонга қараб қочдилар. Халил Султоннинг амирлари уларни то Қоракўл қалъасигача таъқибэтиб, шу ердан ортларига қайтиб кетишди. Қисқа фурсат Қоракўлда нафасни ростлаб олган қочоклар 10 кун ичида Келифга етиб бориб, у ерда 3 кун муддат бўлишиб, кейин Амударёнинг нариги томонига (Хуросонга) ўтиб кетишди.

1406 йилнинг бошларидан бошлаб Шоҳрух Мирзо билан Халил Султон ўртасидаги муносабатлар зиддиятли тус олди ва уруш ҳаракатларини келтириб чиқарди. Шоҳрух 1405-1408 йилларда Самарқанд тахтини эгаллашга ҳаракат қилса-да, бунинг уддасидан чиқа олмайди. Бунга ўзаро тож-тахт учун курашлар ва турли вилоятлардаги нуфузли амирларнинг ғалаён ва исёнлари тўсқинлик қилиб келди. 1409 йилнинг 16 февралда Шоҳрух фарзанди Мирзо Иброҳим Султонни Ҳирот ҳукмдорлигига тайинлаб, амир Жалолиддинни унга мулозим қилиб қолдирди. Шу йилнинг март ойида катта қўшин тўплади. 1409 йилнинг 30 мартда Халил Султоннинг амир Ҳудайдод Ҳусайний қўлига тушганлиги тўғрисидаги хабар Ҳиротга етиб келди. Бу ўртада амир Ҳудайдод бутун Мовароуннаҳрни ўзига бўйсундирди. Вазиятнинг бундай чигаллашидан сўнг Шоҳрух 1409 йилнинг 7 апрелида тўплаган катта қўшини билан Мовароуннаҳрга қараб юриш бошлади.⁹⁸ 1409 йилнинг 13 майида Халил Султоннинг ўрнини эгаллаб олган амир Ҳудайдод Ҳусайнийдан Самарқанд тахти тортиб олиниб, Мирзо Улуғбекнинг хали ёш бўлганлиги учун бошқарув амир Шоҳмаликка берилди ва у 1412 йилгача Мирзо Улуғбек номидан ҳокимият ишларини олиб борди.

Тахт учун кураш давом этди. Халил Султон ва амир Ҳудайдод Ҳусайнийдан Самарқанд тахти олингач ҳам кураш тўхтамади. 1410 йилнинг апрел ойида Шайх Нуриддин ҳокимиятни эгаллаш мақсадида фитна уюштирди ва Чингиз Ўғлон билан ҳаракатни бошлади. Фитначилар 1410 йилнинг 5 майида Самарқандга етиб келишди. Амир Шоҳмалик Самарқанддан лашкар билан чиқиб Қизилработ яқинида икки томон тўқнашиб, Шоҳмалик қўшини катта талофат кўрди (амир Вафодор асирга олинди) ҳамда чекинди. Шайх Нуриддин амир Шоҳмалик устидан ғалаба қозонгач, Бухоро ва Кеш вилоятларини эгаллашга ҳаракат қилди. Бухорони эгаллаш учун амир Рустам Тағой Бугони юборди. Шайх Ҳасанни эса Амударё бўйидаги Қирғин

⁹⁸ А Самарқандий Матлаи сазъийи ва мажмаи баҳрайи Т 926-н 2008 145-147 бетлар

калъасини эгаллаш учун жунади. Шайх Нуриддин Мирзо Улугбекни шу ерда деб тахмин қилган эди. Аммо Улугбек Келиф томонга чекинган эди. Шу тарика Шайх Нуриддин бирин-кетин ҳудудларни эгаллаб олмоққа ҳаракат қиларди. 1410 йилнинг 21 июнида Шохмалик қўшини яна енгилди. Аммо орадан кўп ўтмай Шохрухнинг қўшини Шайх Нуриддинни мағлуб этди ва 1410 йилнинг июл ойида ушбу фитна бостирилди. Шайх Нуриддиннинг ўзи 1411 йилнинг сентябрида Шохмаликнинг одами Хуркадок томонидан ўлдирилди.⁹⁹.

Гарчанд Мирзо Улугбек Мовароуннахрнинг ҳукмдори этиб тайинланган бўлса ҳам, амалий жиҳатдан унинг давлати Самарқанд, Бухоро ва Кеш (Насаф) вилоятлари билан чекланар, Фарғона ва Шош, Туркистон ва Хоразм унинг ҳокимиятидан ташқарида эди. Бундай бўлишига Шохрухнинг Фарғонани Амирак Аҳмадга, Ҳисори Шодмонни эса Муҳаммад Жаҳонгирга бориб қўйиши сабабчи бўлган эди. Бундан ташқари Туркистон ҳам Шайх Нуриддинга бериб қўйилган эди. Аммо у бу билан ҳам чекланиб қолмасдан бошқа ҳудудларни эгаллашга уринди.

1412 йилдан бошлаб Мовароуннахр ва Туркистоннинг бошқаруви тўлалигича Мирзо Улугбек ихтиёрига ўтди. Шухратпарастликка берилиб кетиб, Улугбекни давлат ишларига яқинлатмай қўйган оталик амир Шохмаликни Шохрух Ҳиротга олиб кетди. 18 ёшга тўлган Мирзо Улугбек танҳо ҳукмдор бўлиб қолди. 1415 йилда Фарғона ва Қашгар ерлари ҳам Улугбекнинг ихтиёрига ўтди. 1413 йилда Шохрух Хоразмни Олтин Ўрдадан қайтариб олади. 1425 йилда Улугбек отасининг розилиги билан Мўғулистонга ҳарбий юриш қилади ва ғалаба қозониб, катта ўлжалар билан Самарқандга қайтади.

1427 йилда Улугбек Дашти Қипчокка юриш қилади. Унга укаси Муҳаммад Жўгий Мирзо ҳам ёрдамга келади. Аммо Улугбекнинг омади келмайди. Барок ўғлон Сигнок яқинида кўкқисдан ҳужумга утиб, Улугбекнинг қўшинига кучли зарба беради ва уни Самарқандга таъқиб этиб келади. Самарқанд ва Бухоро вилояти атрофларидаги кишлоқларни талайдилар. 1430-1440 йилларда кўчманчилар тез-тез ҳужумлар уюштириб чекка вилоятлар аҳолисини талон-талож қилиб кетдилар. Мирзо Улугбек Мовароуннахрнинг олий ҳукмдори ҳисобланса-да, амалий жиҳатдан отасининг Мовароуннахрдаги интизомли ва итоатли ноиб сифатида фаолият кўрсатди.

⁹⁹ А Самарқандини. Матлаи саъдийи ва маънави бяхрайн Т 95-н, 2008 182-186, 213-бет

А.Самарқандийнинг ёзишича, 1419 йилнинг 18 ноябрида Мирзо Улуғбек Бухорога йўл олади ва 22 ноябрда Бухоро аркига келиб тушади. 23 ноябрда Бухоро атрофидаги Ўрдукешан қишлоғига боради ва Хоразмдан қайтган амир Шоҳмалик билан учрашади. 28 ноябрда эса Улуғбек ўзи қурдирган мадрасани бориб кўради, илм ахлига, мухтожларга эҳсон-инъомлар беради. 1420 йилнинг 10 январига қадар Бухорода бўлиб, ов ва бошқа ишлар билан машғул бўлди¹⁰⁰.

XV асрнинг 30-йилларида кўчманчи ўзбекларнинг Мозандарон, Астробод ва Эроннинг бошқа вилоятларига талончилик юришлари шу қадар кучайиб кетдики, Шоҳрух ва Улуғбек Астробод, Мозандарон ва Мовароуннаҳр чегараларида йил бўйи катта кўшин тутишга мажбур бўлди. Ушбу темурий кўшинларга Бойсунқур Мирзо бошчилик қилди. Унинг вафотидаг сўнг (1434) бу вазифа шахзода Алоудавлага юклатилди, Улуғбек бўлса ҳар йили кишни Бухорода, Шоҳрухияда ёки Тошкентда ўтказишга мажбур бўлди.

1447 йилнинг 12 мартда невараси Султон Муҳаммад (Бойсунқур Мирзонинг ўғли) нинг исёнини бостириш вақтида бетоб бўлган Шоҳрух Рай вилоятида вафот этади. Отасининг вафотидан кейин Улуғбек анча вақт Ҳиротда турди. Кейин ўгли Абдуллатифга Ҳиротни топшириб, отасининг тобутини олиб Амударё бўйига келди ва Келиф кечуви рўпарасида дарё устига кўприк қурдирди. Кўшиннинг бир қисми дарёнинг бу томонига ўтиб улгуриши билан уларга кўчманчилар ҳужум қилди.¹⁰¹ 1447 йил баҳорида Абулхайрхон Шоҳрухнинг вафот этганлиги ва Улуғбекнинг Хуросонда эканлигидан хабар топиб, Самарқандга қараб кўшин тортди. Кўчманчи ўзбеклар Самарқандни қамал қилдилар. Самарқанд ва Бухоро атрофидаги қишлоқларни талон-торож қилдилар. Мана шу воқеа Улуғбекни шошилинич равишда Хуросондан Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур қилди. Улуғбек ўз кўшини билан Марв яқинида Амударёдан ўтаётганда кўчманчи ўзбекларнинг ҳужумига дучор бўлди. Бу кўшин Улуғбекнинг йўлини тўсиш учун Амударё бўйига Абулхайрхон томонидан юборилган эди. Натижада Улуғбек кўшинининг бир қисми тор-мор этилди ва кўчманчи ўзбеклар кўлига кўп ўлжа ҳамда асир тушди. Улуғбек қолган аскарлари билан зўр кийинчиликлардан сўнг, шиддат билан Қоракўлгача етиб келди. Карманада уни шахзода Абдулазиз кутиб олди. Ўзбеклар Улуғбекнинг келаётганини эшитиб,

¹⁰⁰ А.Самарқандий. Матлаи савъийи ва маъжан баҳрийи. Т.Ўзбекистон, 2008. 354-бет.

¹⁰¹ Б.Аҳмедов. Улуғбек. Т.1989. 167-168 бет.

Самарканд камалини бушатдилар ва Дашти Кипчокқа қайтиб кетдилар. Шу йилни Улугбек Бухорода ўтказди.

Темурийлар давлатида тож-тахт учун ўзаро курашлар кучаяди ва мамлакатни бекарорлик ўз ҳукмига олади. Хуросон ва Мовароуннаҳрда олиб борилган курашлар кўп темурийларнинг умрига зомин бўлди. Замонасининг машҳур олими ва ҳукмдори бўлган Мирзо Улугбек 1449 йилнинг 27 октябрида, 55 ёшида Самарканд яқинида фожiali равишда ўлдирилди.

Мирзо Улугбекнинг ўлиmidан кейин ҳокимият "ота қотили" деб лаънатланган Абдуллатиф ва унинг тарафдорлари қўлига ўтади. Аммо қисқа фурсатда унга қарши сарой фитнаси уюштирилиб, 1450 йил 9 майда ўлдирилади. Шундан сўнг Самаркандда Шохрухнинг яна бир набираси, Улугбекнинг жияни ва куёви Абдулло Мирзо, Бухорода эса Мироншоҳнинг набираси Абу Саид Мирзо ҳокимиятни эгаллаш учун ўзаро курашни бошлади.

Самарканд тахтини эгаллаш учун 1449 йилнинг ёзида кураш бошлаган Султон Абу Саид Амударё бўйида Мирзо Улугбек ва ўгли Абдуллатиф бир-бирисига қарши қўшин тортиб турган вақтда, Улугбекнинг қароргоҳидан қочиб кетди ва аргун қабиласидан бўлган турклар билан Самаркандни қамал қилди. Лекин Улугбекнинг шаҳарга яқинлашиб келаётганидан хабар топиб, қамални бушатди ва аргунларнинг юртига қочиб кетди. У кейинчалик Абдуллатифнинг одамлари томонидан тутилиб, Самаркандга олиб келинди ва Куксаройга қамаб қўйилди. Аммо орадан кўп ўтмай, Абдуллатифнинг сиёсатидан норози бўлган мансабдорларнинг ёрдамида Бухорога қочиб кетди. Бухоро аъёнлари қочоқ шахзодага дастлаб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар, аммо шаҳар доруғаси ва қозиси Абдуллатифдан қўриқиб, уни қамаб қўйишди. Султон Абу Саид Абдуллатиф ўлдирилганидан кейин (1450) қамокдан озод этилди ва қўшин тўплаб яна Самаркандга отланди, лекин 1450 йилда Самарканд ҳукмдори бўлган Мирзо Абдулладан енгилиб Бухорога қочди. Аммо бу ерда ҳам туриб қололмагач Туркистон томонга қочиб кетди.

Самарканд ҳукмдори Абдулло Мирзо тахтда узок вақт туролмади. Бухорода турган Абу Саид Мирзо унга қарши Дашти Кипчок хони Абулхайрхон билан иттифок тузади ва 1451 йилда Булунгур яқинидаги жангда Абдулло Мирзо ҳалок бўлиб, Абу Саид Мирзо Мовароуннаҳрнинг ҳокими бўлади. 1451, 1462 йилларда Абулхайрхон ва қўчманчи ўзбеклар тожу-тахт учун курашларга араллашиб, катта юришлар қилган, минг-минглаб кишини асир қилиб

олиб кетганлар ва уларни қулларга айлантирганлар. Бу вақтда Хуросонда Шохрухнинг набираси Абулқосим Бобур ҳукмдорлик қилар, Хуросон ерлари ўн бир бўлакка бўлиниб кетган ва Мовароуннаҳр билан низолар давом этарди. 1457 йилда Абулқосим Бобурнинг вафот этиши ички низоларни авж олишига сабаб бўлди. Пайтдан фойдаланган Мовароуннаҳр ҳокими Абу Саид Мирзо Ҳиротни эгаллаб олди ва салтанатнинг икки қисмини вақтинча бирлаштиришга муваффақ бўлди.

1468 йилнинг кузида Абу Саид Оқ қўюнли туркманларга қарши юриш бошлайди ва 1469 йилдаги жангда ҳалок бўлади. Абу Саиднинг ворислари Хуросон тахтини эгаллаган Султон Ҳусайнга қарши чиқа олмайдилар ва Мовароуннаҳрга қайтиб келадилар. Шу тарика Темурийлар салтанати яна икки қисмга бўлинади: Хуросонда Султон Ҳусайн ва Мовароуннаҳрда Абу Саиднинг ворислари

Мовароуннаҳрда 1469-1494 йилларда Абу Саиднинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо, 1494-1495 йилларда Султон Маҳмуд Мирзо, 1495-1497 йилларда эса Султон Маҳмуднинг ўғли Бойсунгур Мирзо, 1498-1500 йилларда Султон Маҳмуднинг ўғли Султон Али Мирзо ҳукмдорлик қилди.

Самарқан ҳокими Султон Аҳмад 1494 йилнинг июл ойида Умаршайх Мирзога қарши юришдан қайтишда Ўратепада вафот этди. Термиз, Чағониён, Ҳисор, Хутталон, Қундуз, Бағлон ва Бадахшон вилоятларининг ҳокими бўлиб турган укаси Султон Маҳмуд Самарқанд тахтини эгаллади. У ўғли Бойсунқурни Бухоронинг ҳокими этиб тайинлади. Аммо орадан беш ой ўтиб, 1494 йилнинг декабрида Султон Маҳмуд тўсатдан вафот этди. Отасининг ўрнига подшоҳ бўлган Бойсунқурнинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади. У ҳокимият тепасига келган кунёқ имтиёзли амирлар унга қарши фитна уюштирдилар. Мамлакатда бекарорлик ва танглик юз берди.

Мамлакатда бўлаётган бекарорликдан фойдаланган Султон Али Мирзо Бухоро тахтини эгаллаб олди. Бойсунқур тангликдан қутулиш ва ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида Ҳисордан Ўзига содиқ бўлган амирлар ва бошқа мулозимларни чақиртириб, уларни турли давлат лавозимларига тайинлади. Бироқ бу қутилган натижани бермади, фитналар давом этаверди. Фитначиларга Хожа Муҳаммад Яхё (Хожа Аҳрорнинг ўғли) ва Дарвеш Муҳаммад Тархон бошчилик қилдилар. Айнан шу кунларда Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон Самарқандга қўшин тортиб келди. Лекин Самарқанд ёнида бўлиб ўтган жангда Бойсунқур Мирзо ҳолиб бўлди.

Хожа Муҳаммад Яхё ва Дарвеш Муҳаммад тархоннинг Бойсункур Мирзога қарши кураши кун сайин давом этиб кучайиб борди. Шайхулислом Хожа Абулмакорим ва унинг яқинларининг норозилигига қарамай Хожа Яхё ва унинг шериклари Султон Али Мирзони Самарқанд тахтига ўтказиб, уни Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори деб эълон қилдилар. Бу ҳол ҳар икки гуруҳ: Бойсункур Мирзо тарафдорлари ва Султон Али Мирзони қўллаб-қувватлаган Хожа Яхё ва тархоний амирлар ўртасидаги зиддиятларни янада кучайтирди.

Ўзаро курашда дастлаб Бойсункур Мирзо тарафдорларининг қўли баланд келди. Улар Султон Алига қарши оддий халқни ҳам кўтаришга муваффақ бўлдилар. Натижада Муҳаммад Мазид тархон оила аъзолари ва кўчлари билан Чорраҳа дарвозасидан чиқиб, Бухоро томонга йўл олди. Султон Али Мирзо ва Дарвеш Муҳаммад тархон эса асир олиндилар ва Бойсункур Мирзо ҳузурига олиб келиндилар. Бойсункур Мирзо Султон Али Мирзони ўлимга буюрди, бироқ у сарой хизматчиларидан бирининг ёрдамида жазодан қочиб қутулди. У дастлаб Хожа Яхёнинг уйида бўлиб, кейин Бухоро томонга қочди. Бойсункур унинг кетидан Бухорога қараб юрди, лекин Султон Али Мирзо ва тархоний амирлар кўшин тўплаб уни тор-мор келтирдилар. Бойсункур Мирзо Самарқандга қараб чекинди. Унинг кўпгина амирлари, амир Аҳмад Хожи ҳам жангда ҳалок бўлди.

1496 йилнинг илк баҳорида Султон Али Мирзо Самарқанд томон кўшин тортди ва Қозиронга келиб тўхтади. Унга қарши Самарқанддан чиққан Бойсункур эса Сарипулга келиб тушди. Худди ўша кунлари Ҳисори Шодмон ва Бадахшон волийси Султон Масъуд ҳам катта кўшин билан Шаҳрисабзга келиб тушган эди. Фарғона подшоси бўлиб турган Заҳириддин Муҳаммад Бобир эса шу пайтлардан бошлаб Самарқанд тахти учун каттик кураш бошлади. Темурийлар ўртасидаги тожу-тахт учун бошланган бу конли кураш шубҳасиз Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннахр учун кўпдан бери олиб бораётган курашини осонлаштирди ва галабани яқинлаштирди.

Шаркий ва Шимолий Эрон вилоятлари ва Хоразм Султон Ҳусайн давлати таркибида бўлиб, 40 йил давомида ҳукм сурган сўнгги йирик темурий давлати эди. Темурийлар давлатининг сиёсий ва иқтисодий қудратининг заифлашганлиги, Ўрта Осиёнинг феодализмга ҳос турғунлиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бир маромда олиб борилмаганлиги ҳамда унинг катта ҳудудда жойлашганлиги, унда жойлашган мустақил мулкларни идора қилиш

мумкин бўлмай қолганлиги, ҳуллас феодал тарқоқлик туфайли ва ҳукмдорликка даъвогар кўпдан-кўп рақиблар ўртасида тўхтовсиз урушларнинг бўлиб туриши – буларнинг ҳаммаси пировард оқибатда Мовароуннаҳрда темурийлар сулоласи ҳалокатини тезлаштириб, бу ҳудудда ўзбеклар давлатининг ҳукмронлиги қарор топишини аниқ қилиб қўйди.

Хўжалик ва ер эгаллиги

Амир Темур ва Темурийлар даврида шаҳар ва қишлоқларда катта ободончилик ишлари амалга оширилиб, деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тартибга солинди ва янги ер майдонлари ўзлаштирилди. Темурийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё воҳаларида йирик суғориш иншоотлари барпо этилди. XIX асрнинг охирида Бухорода бўлиб, суғориш тизимини ўрганган рус олими Н.Ф.Ситняковский Когондан шарқий-жанубий томонга қараб чиқарилган ва халқ хотирасида “Темур-ариқ” деб сақланган бу канални Амир Темур фармоиши билан қазилганлигини ёзади. М.Улуғбек ҳукмронлиги даврида Бухоро воҳасининг жанубий-шарқий чегарасига ёндашган Сомонжук даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалигида ғаллакорлик, сабзавотчилик, полизчилик ва боғдорчиликка аҳамият берилган бўлса, чорвачиликда йилқичилик, қорақўлчилик, туячилик, қорамолчилик муҳим ўринни эгаллаган.

Қишлоқларда тут дарахтидан ипак қўртини боқишда фойдаланилган. Пилла хом ашёси шаҳарга келтирилиб, ундан турли хил матолар тўқилган. Самарқанд ва Бухорода пилла сотадиган дўконлар бўлган. А.Темурнинг буйруғи билан ташкил этилган боғда лимон ўстирилган. Бадриддин Кашмирийнинг ёзишича, Бухоронинг Жўйбор мавзесида лимон, хурмо ва шамшод дарахти ўсган.

А.Темур даврида Мовароуннаҳрда зиғир, кўкнори каби янги хил қишлоқ хўжалик экинлари, янги полиз экинлари, хусусан қовуннинг “Мири Темур” нави экила бошланган. Темурийлардан бўлган З.М.Бобур Бухоронинг мевалари тўғрисида маълумот берар экан шундай деб ёзади: “Ўзуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жами меваси ҳўб бўлур. Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўп ва ҳўб қовун бўлмас. Яна “олийи бухорий” машҳурдир. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб қуригиб табарруклик била вилояттин вилоятка

этарлар. Мовароуннаҳрда Бухоро чоғирларидин тундрок чоғир бўлмас”¹⁰²

А.Темур Самарқанддан бошқа шаҳарларга ҳам алоҳида эътиборни қаратган, жумладан, Бухоро унинг даврида ҳам йирик иқтисодий марказ бўлиб қолаверган. “Шаҳар (Бухоро-М.Б.) атрофида жойлар ва уларда йирик бинолар бор” – деб кўрсатиб ўтади Клавихо.¹⁰³

Бу даврда ҳунармандчилик жуда тараккий этди. Кулолчилик, шишагарлик, заргарлик, қоғоз ишлаб чиқариш, мато ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришилган. XV аср Самарқанд кулолчилигининг ўзига хос кўринишлари Бухоро ва Шаҳрисабз мисолида кўзга ташланади. Сопол буюмлар тайёрлашда ғиждувонлик усталар ўзига хос услубига эга эди. XIV асрнинг охирида улугвор иншоотлар барпо этилиши кўпайиб бориб, шунга мос ҳолда дераза ойнаси, шу жумладан, рангли ойна ишлаб чиқариши ҳам ривожланади. Масалан, Бухородаги М.Улуғбек мадрасаси қурилишида шу ойнадан фойдаланилган.

XV асрда Мовароуннаҳрда ер ва мулкчиликнинг асосан 4 шакли: “мулки девоний-давлат ерлари; “мулк” – хусусий ерлар; “мулки вакф” – мадраса ва ибодатхоналар тасарруфидаги ерлар; “жамоатчилик ерлари” амалда бўлган. Шу даврда давлат ерларини “суюрғол” ва “тархон” шаклида инъом этиш кенг тарқалган. Деҳқончилик ерларидан олинадиган асосий солиқ хирож (ёки “мол”) деб аталган. Сугориладиган ерларда ҳосилнинг учдан бир қисми, лалмикор ерларда эса олтидан бир қисмидан саккиздан бир қисмигача хирож солиғи олинган. Мулк ерларининг бир қисмидан “ушир”, яъни ҳосилнинг ўндан бир қисми (10%) миқдорида солиқ олинган. Боғ ва дарахтлардан “Моли сардарахт”, яйловлардан эса “моли ўтлок”, “сувлук” каби солиқлар олинган. Мағлуб шаҳар аҳолисида жузъя олинган, мамлакат катта хавф остида қолган пайтларида фавқулодда солиқ – аворизот йиғиб олинган. Дукондор – ҳунармандлардан тамга солиғи олинган. Четдан келадиган савдогарлардан бож ундирилган. Мол-мулк учун закот йилига бир бор берилиб, у кўчмас мулкнинг қирқдан бири ҳажмида бўлган. XV асрда ер эгалари “деҳқон”, экин майдонида ишлов берувчилар эса “музорий” (зироатчи) деб юритилган.

Тарихчилар ва сайёҳлар XIV асрнинг охири XV асрда Самарқанд, Бухорода бозор, Чорсу, тим, ток, каппон ва бошқа хил савдо-сотиқ

¹⁰² Э.М. Бобоур, Бобуризма, Т. 1984, 44-47 бет

¹⁰³ Темур ва Улуғбек даври тарихи, Т. 1996, 116-117, 126-бет

ҳамда ҳунармандчилик масканлари бўлгани ҳақида маълумотлар қолдиришган. Буларнинг ҳар бирида муайян бир мол (товар) билан савдо қилиш урф бўлган. Темур ва Темурийлар даврида шаҳар ичида кенг кўламли қайта қуриш ишлари олиб борилганлиги кўрсатиш-маганига қарамай, Бухоро ҳам ўзининг ихтисослаштирилган бозорларига эга эди. Бу бозорларнинг сақланиб қолган таърифу тавсифи XVI асрнинг ўрталарига мансуб бўлса-да, аммо улар XIV асрнинг охири – XV асрда ҳам шундай ҳолда эдилар.

Манбаларда пахта, пилла, йигирилган ип, кийгиз, анор, кўкат, пиёз каби маҳсулотларнинг ҳар бири учун алоҳида бозор, майдон ва расталар бўлгани айтиб ўтилади. Бу эса Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларнинг қишлоқ жойлар билан ҳунармандчилик буюмлари, хом ашё ва ярим хом ашё олди-бердиси бўйича яқин савдо алоқаларига эга бўлганидан далолат беради. Бозорлар айна вақтда шеърят, адабиёт, илм-фан кутуклари бўйича суҳбатлар ўтказиш, билимлар алмашинуви кечадиган жойлар ҳам эди. Шу ерда ҳукмдорларнинг фармони эълон қилинар, айбдорлар жазоланарди. Масалан, читгарлар рисоласига кўра, касб низоми кўрсатмаларини бузган шогирд бош бозор қуни елкаси хипчин билан саваланган ҳолда бозор ичидан олиб ўтилган¹⁰⁴. XV асрда деярли ҳамма йирик шаҳарларда ўрта аср ҳунармандчилигининг барча тармоқ ва соҳаларига ихтисослашган корхона, дўкон, устахона ва расталар бўлган.

Йирик карвонсаройлар ўз йўлида давом этувчи савдогарлар учун қўналга бўлибгина қолмаган. Турли давлатлардан келган йирик савдогарлар молларини шу ерга олиб келиб, кўтарасига сотгунича яшаб туришган. XV асрда Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Русия, Волгабўйи ва Сибир ўлкалари билан мунтазам савдо-сотиқ амалга оширилиб келинган. Жумладан, Хитойдан, асосан, ипак, шойи матолар, хусусан атлас ва парчалар, чинни, лаъл, гавҳар ва мушк, Ҳиндистондан нафис рангли матолар, нил бўёқлар, хушбўй зираворлар (мускат ёнғоғи, қалампирмунчок, долчин ва амбар); Эрондан сурп, марварид ва дурлар; Русия, Татаристон ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна, тери ва мум келтириларди.

XIV- XV асрнинг ўртасида Новгородда қайин пўстлоғидаги ёзувларда “занданача” номи “зендене”, “зяндяну” шаклида учрайди. Ёзувлардан бирида Новгородда яшовчи аёлнинг унга “занданача” номли матони сотиб олиб беришларини сўрагани ҳақида маълумот берилади. Москвага Бухородан олиб борилган хилма-хил

¹⁰⁴ Темур ва Улугбек даври тарихи. Т. 1996 139-бет.

матолар гурухи “зенден” деган умумий ном билан аталган. Урта Осиёдан, хусусан Бухородан олиб келинган буюмлар орасида бу гурух матолар асосий ўринни эгаллаган. XV асрда Русия, Волгабуйи ва улар орқали Европага ҳам занданача қисман етказиб берилган. 1400 йилга тегишли маълумотга кўра, занданача матоси Тевтон Орденининг Кёнигсбергдаги гумашталарига тегишли бўлиб, улар бу матони Новгороддан Европага экспорт қилиш билан шугулланган.¹⁰⁶ Бу даврда занданача матоси ипак матога қараганда анча арзон бўлиб, четдан келтириладиган ва шаҳарнинг оддий аҳолиси сотиб олишга қурби етадиган арзон матолардан бирига айланган эди.

Чет давлатлар билан ўзаро савдо-сотиқни ривожлантиришда Темурийларнинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган элчилик алоқалари катта роль ўйнади. Жумладан, XV асрнинг биринчи чорагида Улуғбек ва Шохрух давлатлари билан Хитой ўртасида мунтазам элчилик алмашилиб турилди. Шу даврда Тибет ва Ҳиндистон билан ҳам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилади. 1421 йилда Тибетдан Бухоро ва Самарқандга элчилар келади. Тарихчи А.Самарқандийнинг ёзишича, 1421 йилнинг 6 январида М.Улуғбек қўш овлаш учун Бухорога келади. М.Улуғбек Бухорода ов уюштиришни хуш кўрарди ва вақти-вақти билан овчи қўшлар, яъни лочин ва шунқорлар билан келиб шу ерда қишловни ўтказарди. 1421 йилнинг 6 мартада Бухорога Тибетдан бир гурух элчилар келиб, у билан учрашади ва ўз юртларига жўнаб кетишади.¹⁰⁶

Амир Темур, Шохрух ва Мирзо Улуғбек даврида савдогарлар ва элчиларнинг йўли беҳатар бўлишига алоҳида эътибор берилган. Муайян қонда-қонунларга амал қилинган. Инглиз муаррихи Хильда Хукхэмнинг ёзишича, А.Темур чет эллик савдогарларга катта эътибор билан қараган ва ўзининг салтанати ҳудудида улар учун улкан имкониятлар яратиб берган. Агар бирор савдогар унинг салтанати ҳудудларидан бирида талон-торож қилинса, шу ҳудуд аҳолиси ўғирланган, таланган мол-мулк қийматини икки хисса қилиб савдогарга тўлаган ҳамда айнан шу суммани беш хисса миқдорида А.Темурга тўлаши шарт бўлган.¹⁰⁷

Б.Ахмедовнинг “Улуғбек” номи асарида ҳам савдо-сотиқ билан боғлиқ бир воқеа акс эттирилган. Улуғбек девон ишлари билан машғул бўлиб турган вақтда бир киши келиб ўзининг савдогар

¹⁰⁶ Хорошев А. II Торговля Великого Новгорода с Прибалтикой и Западной Европы в XIV-XV вв. М., 1963.

¹⁰⁷ С. 210.

¹⁰⁸ А.Самарқандий. Матлаи саздайн ва аҷаман баҳрайн. Т. 936-н, 2008. 415-бет.

¹⁰⁹ Хильда Хукхэм. Властители семи созвездий. Перевод с английского Г. Хидоватова. Т., 1995. С. 163.

эканлигини. Хуросондан келаётганини, карвон Аму сувидан кечиб ўтаётганида қимматбаҳо тошини йўқотганини айтиб шикоят қилади. Улуғбек уни тинчлантириб бир йил кутишини, топилмаса қийматини тўлаб беришни айтиб, уйига жўнатади. Бир муддат ўтиб, ўтган йилда солиқ тўлаганларнинг рўйхатини кўриб турган Улуғбек Қорақўллик бир кишининг 50 тангалик солиқ ўрнига 500 танга тўлаганини аниқлайди ва Қорақўллик солиқ тўловчини Самарқандга чақириб бунинг сабабини сўраганида, у одам ҳовлисига бир қарга келиб, бир тугунчани оғзидан тушириб қўйганини, унинг ичидан эса ушбу йўқотилган қимматбаҳо тош чиққанини, кейин тошни Бухородаги заргарга сотганини, бир қисмини ўзига ишлатганини, бир қисмини эса солиққа берганини, ўзи оддий бир камбағал эканлигини бир бошдан айтиб беради. Улуғбек Бухоролик заргарни топтириб, ўша ёқут тошни жуда арзон харид қилиб олганлигини билади ҳамда ўз эгасига қайтаришга фармон беради.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққий этиши энг аввало ҳунармандчилик ва ички савдонинг ривожланиши, муайян даражада XV асрнинг биринчи ярмида амалга оширилган пул ислоҳоти билан ҳам боғлиқдир. Маълумки, 1428 йилда Мирзо Улуғбек томонидан Мовароуннаҳрда пул ислоҳоти ўтказилиб, енгил вазндаги ва муомаладаги барча пуллар ман этилиб, янги мис чақалар билан алмаштирилган. Мис пулларга бўлган эҳтиёжни кондирриш мақсадида бир неча шаҳарларда зарбхоналар ташкил этилиб, қисқа фурсатда оғир вазнли фулуслар зарб этилиб муомалага чиқарилган. Эски пуллар янгиси билан алмаштирилиб бўлингач, Бухоро шаҳридан бошқа шаҳарлардаги зарбхоналар тугатилган. Шунинг учун ҳам ушбу пул халқ орасида “фулуси адлия”, яъни “адолатли чақа” номи билан машҳур бўлиб кетган. Бу жараён ички савдонинг ривожланишига олиб келган. Айни вақтда “тамға” божни оширилиб, ташқи савдодан келадиган даромад кўпайтирилган.

XIV асрда Мовароуннаҳрнинг шимолидаги йирик иқтисодий ва сиёсий қўшниси Олтин Ўрда эди. Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан савдогарлар Олтин Ўрдага икки томондан бориши мумкин бўлган, яъни Жанубий Қозогистон чуллари орқали ва Хоразм томонидан. Амир Темурнинг Тўхтамишхонни мағлуб этиши ва Олтин Ўрдани тамомила ҳалокатга учратиши оқибатида Хитойни Яқин Шарк мамлакатлари билан боғлаган савдо қатнови яна Мовароуннаҳр шаҳарлари: Ўтрор, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро орқали Балх, Ҳирот ва Султония томон йўналди.

сунний мусулмонлар Регистон майдонига тўпланиб яна ўз талабларини кўядилар. Бу сафар талабга қарата кескин чора-тадбир амалга оширилади: ўзи шиалардан бўлган Остонакул қўшбеги майдонга йирилганларга қарши сарбозларни юборди. Вазият янада кескинлашиб, икки ўртада жанг бошланади. Шаҳарнинг бозорида ҳам суннийлар билан шиалар ўртасида жанжал кўтарилади. Суннийлар тўғри келган нарса билан қуролланган эди. Шу пайтда Хиёбон мадрасасининг атрофида шиаларнинг ҳужум қилаётганлиги тўғрисида хабар келиб, йирилган халойиқ дарҳол ўша томонга қараб йўл олади. Бироқ сарбозлар уларнинг йўлларини тўсади. Шу тариқа тўқнашув юз бериб, воқеа содир бўлган жойда суннийлардан 240 киши ўлдирилган. Вазият назоратдан бутунлай чиқиб кетиб, суннийлар бутун шаҳар бўйлаб тарқалиб, дуч келган шиаларни ўлдира бошлаган. Юз берган тўқнашувлар тўғрисидаги хабар шаҳарнинг ташқарисига ҳам тезда тарқалиб, ён-атрофдан ҳам халойиқ йиғилиб кела бошлаган. Бу биродарқушлик, хунрезлик 1910 йилнинг 10 ва 11 январь кунлари давом этган.

Қўшбеги Россиянинг Бухородаги Сийсий агентлигига ёрдам сўраб мурожаат этган. Шундан кейин, 11 январда Самарканд ва Каттакўргондан полковник Панов раҳбарлигидаги ўқчи рота, казаклар юзлиги 4 та пулемёт билан етиб келади. Содир бўлган фожеа империя пойтахтидагиларга ҳам маълум бўлиб, Россия ҳукумати бошлиги П.А.Столипиннинг буйруғи билан ўзаро хунрезликни олдини олиш учун Биринчи Туркистон армияси корпуси штабининг бошлиги генерал-майор Лилиенталь етиб келади. Карманада яшаб турган амир Абдулахадхон Бухорога ўзи келишга журъат этолмасдан ўғли ва тахт вориси Саид Олимхонни жўнатади.

Сунний халқ қўшбеги Остонакулни, Саид Олим ва Мироб Олим тўқсаболарни ҳамда халққа жабр-зулм ўтказган бир қатор шиа амалдорларини вазифасидан четлаштириш, бундан кейин уларни давлат ишларига умуман яқинлаштирмасликни талаб қилди. Халқнинг ушбу талаблари ҳокимият томонидан қондирилиб, шаҳарда осойишталик ҳукм сура бошлайди. 1910 йилнинг 15 январида шаҳарнинг сунний ва шиа мазҳаблари вакилларининг ўзаро ярашув учрашуви ташкил этилади ва шундан кейин келтирилган рус қўшини шаҳардан олиб чиқилади.

1910 йил январь воқеаларида шаҳар ҳунармандлари, ишчи-қосиблар, майда савдогарлар, муллавақчалар, руҳонийлар ва бошқалар қатнашади. Хунрезлик ҳақидаги хабар амирликнинг туманларидаги

аҳолини ҳам жунбушга келтиради. Умумий ҳисобларга кўра 1910 йилнинг январь фожеаларида 1000 дан ортиқ киши ҳалок бўлади. Мазкур хунрезлик Бухоро амирлигини ва мустамлакачи Россия маъмурларини ваҳимага солиб қўяди. 1910 йил январь воқеалари Бухоронинг амири Абдулахаднинг мамлакатни бошқаришга заифлик қилаётганлигини очик-ойдин намоён этди ва рус маъмурларини маҳаллий аҳолига нисбатан сергак бўлишга ундади.

Бухорода 1918 йил март воқеалари

1917 йилнинг октябрь-ноябрь ойда Россияда бўлиб ўтган давлат тўғрисида оқибатида большевикларнинг давлат ҳокимиятини зўравонлик йўли билан эгаллаши туфайли Советлар билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар ҳам ёмонлашди ва Бухоро амирлигида сиёсий вазият янада кескинлашди.

1917 йилнинг 2 декабрида Янги Бухоро (Когон) да бўлиб ўтган амирлик ҳудудида ташкил топган рус манзилгоҳлари (поселение) Кенгашларининг II съездида амир тузумини ағдариб ташлаб, ҳокимиятни Ёш бухороликларга беришга қарор қилинди. Ёш бухоролик жадидларнинг бир қисми Бухорода демократик тартиботларни ўрнатиш учун инқилобий кураш йўлини танлади. Улар амирликни тугатиш учун Туркистонда қарор топган совет ҳукуматидан ёрдам сўрашга мажбур бўлишди. Аммо бутун эътибори билан Туркистон Мухторияти ҳукуматини (Қўқон автономиясини) тугатиш йўлини ахтараётган Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.И.Колесов (1891-1940) Бухорога ҳужум қилишга даставвал шошилмади. Халқлар «дохийси» В.И.Лениннинг даъватига ишониб, ўз тақдирини ўзи белгилаган Туркистон Мухторияти ҳукумати 1918 йилнинг феврида кизил аскарлар томонидан тор-мор этилиб, Қўқон шаҳри қонга ботирилгач, ниҳоят Колесов бутун қуч-ғайратини амирликни йўқ қилишга сарфлади.

1918 йилнинг 1 мартада Янги Бухоро (Когон) га Колесов бошчилигидаги уч ярим минг кишилик кизил аскарлар отряди замбарак ва пулемётлар билан қуролланган ҳолатда етиб келди. Ёш бухороликларнинг инқилобий қўмитаси тузилиб, унинг таркибига Ф.Хўжаев (раис), Фитрат, Ота Хўжаев, А.Бурҳонов, Исроҳ Ағдаров, Қори Йўлдош Пулатов, Фаҳриддин Маҳсумлар аъзо сифатида кирган эди. Қисқа фурсатда инқилобий қўмита билан Колесов ўзаро маслаҳатлашиб, амир Саид Олимхон номига талабнома матни тайёрланди.

Колесов ва Ф.Хўжаев имзолари билан амир Саид Олимхонга жўнатилган мазкур талабномада қуйидагилар кўрсатилган эди:

- Бухорода сўз, матбуот ва бошқа эркинликлар жорий қилиниши;
- Амир ҳузуридаги амалдаги ҳукумат тарқатилиб, ўрнига ёш бухороликлар Ижроня қўмитасидан иборат янги ҳукумат тузилиши;
- Амирликдаги қўшин қуролсизлантирилиши.

Талабномага мувофик Саид Олимхон 24 соат ичида ушбу талабларга розилигини маълум қилса ўз ўрнида қолиши мумкин эди. Бунинг устига, мабодо Саид Олимхон рад жавобини берадиган бўлса, унинг ҳокимияти қурол кучи билан ағдариб ташланиши муқаррарлиги тўғрисидаги дағ-даға ҳам илова қилинди.

Саид Олимхон айёрлик йўлига ўтиб, вақтдан ютмоқчи бўлди ва музокаралар бошлади. Ўзининг Колесовга йўллаган мактубида амирликда ислохотларни аста-секин амалга ошириш мумкинлигини баён этди. Аммо бу ҳолат Колесовни қаноатлантирмади ва у ҳарбий ҳаракатларни бошлашга буйруқ берди. 1918 йилнинг 2 мартида амирликка қарши ҳужум бошланди. Қизил аскарларга ҳар бири 200 кишилиқ ёш бухороликлар ва Янги Бухоро ишчиларининг отрядлари ҳам ёрдам бериб турди. Бухоро шаҳри яқинидаги Фатҳободда бўлган дастлабки жангда амир қўшинлари мағлубиятга учраб, шаҳарга чекиндилар.

Шошиб қолган амир Олимхон яна дипломатияни ишга солиб, Колесовга ўзининг янги фармониини юбориб, унда қўйилган барча талабларга рози эканлигини, бундан ташқари мамлакатда солиқлар камайтирилиши ва тан, ўлим жазоси ҳам бекор қилинишини маълум қилди. Шундан кейин ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилиб, музокаралар қайтадан бошланди.

Саид Олимхон бу фурсатдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Бутун кучини ишга солиб 35 минг кишилиқ лашкарни тўплашга муваффақ бўлди. Албатта бунча миқдордаги лашкарни қисқа муддатда тўплашнинг ўзи бўлмайди. Амирнинг одамлари, биринчи навбатда уламолар, руҳонийлар бу ишда фаолликни қўлга олган эдилар, яъни мусулмонларни қизил аскар – «кофир»ларга қарши «муқаддас уруш»га чорлаган эдилар. Бухороликлар шаҳар ҳимояси учун отланади. Карманадан то Қорақўлгача чўзилган 170 км масофадаги темир йўл излари амир сарбозлари томонидан бузиб ташланади. Уруш ҳаракатларн бошланиб, Колесов отряди қуршовда қолади. Тангликдан тезроқ чиқиб олиш учун Тошкент, Самарканд, Чоржўй, Ашхобод, Марв, Карки ва Термиз гарнизонларидан қизил

аскар отрядлари Колесовга ёрдамга жўнатилади. Шунга қарамасдан, Бухорони босиб олиш режасини амалга ошириб бўлмаслигига қўзи етган Колесов 5 март кўни кечкурун Тошкент томонга чекинишга буйруқ беради. Ҳарбий ҳаракатларнинг бундай тус олишининг асосий сабаби — қизил аскарларнинг бухороликлар томонидан босқинчилар сифатида қабул қилиниши эди. Тўғри, Ёш бухороликлар кенг халқ оммасининг ишончини ҳали тўла қозона олмаган эди. Яна бир сабаби — мусулмонларнинг ўзига хос «газовот»ида эди.

Колузаев бошчилигидаги Тошкентдан жўнатилган қизил аскарлар отряди 11 мартда амирнинг Карманадаги Ёзги қароргоҳини эгаллаб олиб, уни талон-торож қилди. Ушбу отряд Қизилтепада Колесов отряди билан бирлашди. Қизилтепага келган Колесов амир Олимхонга вакилларини юбориб сулҳ музокараларини бошлади. Ўз навбатида амир ҳам сулҳ музокараларини олиб боришга розилигнини маълум қилди. Шундан кейин, 17 мартда Колесов отряди билан Самарқандга етиб келди. Айни вақтда қизил аскарлар Хатирчи, Зиёвуддин, Мир, Кармана, Қизилтепа, Қорақўл ва Чоржўйни эгаллаб олган эдилар.

Бир неча кун давом этган музокаралардан сўнг, 1918 йилнинг 25 мартида Совет Туркистони билан Бухоро амирлиги ўртасида Қизилтепа битими имзоланди. 9 банддан иборат ушбу битим шартига қўра, мустақиллигини ҳимоя қилган Бухоро амирлиги ўз ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар учун жавобгар деб ҳисобланиб, товон тўлаши лозимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, амир сарбозлари миқдорини 12 минг кишидан оширмаслик мажбуриятини олди. Амирлик ҳудудидаги аскарлар у ердан чакириб олинди. Колесов отряди талон-торож қилинган катта бойлик билан Тошкентга қайтиб кетди.

1918 йилнинг март ойида бўлиб ўтган воқеалар Бухоро амирлигида жиддий ўзгаришларни келтириб чикарди. Содир этилган ҳужум аввало Бухоронинг яқин қўшнилари бўлмиш Совет Россияси ва Совет Туркистонидagi янги режимнинг, янги ҳокимиятнинг ҳақиқий кийёфасини очиб ташлади. Бухоро амири ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга, ўз мамлакатини ҳимоя қилишга ҳаракат қилди. замонавий қуролланган мунтазам армияни тузишга уринди. Афғонистон ва бошқа давлатлар билан яқинлашишга интилди. Иккинчи томондан, амирлик ҳудудидаги 3 минг киши жаҳидликда айбланиб, ноҳақ қатл этилди ва мол-мулк мусодара қилинди. Амир ҳукуматининг назарида булар бўлиб ўтган март воқеалари учун «жавобгар» эдилар.

Бухоро босқини ёки буюртма асосида амалга оширилган «ниқилоб»

1917-1920 йилларда Бухоро амирлиги мустақил давлат эди Туркистон АССР, РСФСР билан дипломатик алоқалар йўлга қўйилган, ўзаро келишувлар мавжуд эди. Аммо Россиядаги ҳокимиятни зўрлик йўли билан эгаллаб олган большевиклар халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузиб, Хива хонлигини босиб олганларидан кейин Бухоро амирлиги сарҳадларини нишонга олдилар. Чунки 3 йил давом этган фуқаролар уруши ва ҳарбий интервенция оқибатида большевиклар давлатининг хазинаси бўшаб қолган эди.

1920 йилнинг май ойи бошларида Москвага келган Туркистон Комиссияси аъзолари Ш.Элиава ва Я.Рудзутак РСФСР ташқи ишлар вазири Г.В.Чичеринга «Турккомиссия эртагаёқ Бухоро амирлигининг мустақиллигини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради» деган баёнотини топширди. 1920 йилнинг 22 майида РКП(б) Марказий Комитети бюроси Бухорога ҳужум қилиш тўғрисидаги Туркистон Комиссияси аъзоларининг мазкур қарорини маъқуллади.

Туркистон fronti қўшинларининг қўмондони М.В.Фрунзе Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни тезлаштиришни сураб 1920 йил 31 июлда Россия Халқ Комиссарлари Советининг раиси В.И.Ленинга телеграмма жўнатади. Телеграммага жавобан РСФСР қуролли кучлари бош қўмондони С.С.Каменев «Қулай фурсатда бошлашга рухсат берилади» деган қисқа жавобни йўллайди. Шундан кейин 1920 йилнинг 12 августида М.В.Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида янги фронт — Самарқанд-Бухоро гуруҳини тузиш тўғрисида буйруқ беради. Шундай қилиб, Бухоро амирлиги сарҳадлари бўйлаб 7 минг кишилик пиеда, 2,5 минг отлик аскар, 5 та огир тул, 35 та енгил тул, 206 та замбарак, 5 та бронемашина, 5 та бронепоезд ва 11 та аэроплан тайёр ҳолатга келтириб қўйилади. Айни шу пайтда Бухоро амири бунга қарши 15 минг сарбоз, 55 та эски тул, 12 та пулемётни қўйиш имкониятига эга эди.

Ҳарбий кучлар нисбатига қараганда Туркистон fronti замонавий қуролларга эга эди. Бунинг устига кизил аскарлар уч йиллик замонавий жанг олиб бориш тажрибасига ҳам эга бўлиб, бу уруш натижасига катта таъсир кўрсатиши муқаррар эди.

1920 йилнинг 16-18 августида Чоржўйда Бухоро коммунистларининг IV қурултойи бўлиб, унда амирлик гузумига қарши қўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилинади. Шу тариқа большевикларнинг пухта ишлаб чиқилган маккорона режалари амалга

оша бошлайди. Тарихда «ялпи кўзғолон» деб аталган ҳаракат 1920 йилнинг 23 августида бошланади. Шу кун Бешим Сардор (Сейтназаров) бошчилигидаги ёлланма туркман отликлари Чоржўй яқинидаги Сақар бозорини ишғол этадилар. Бешим Сардор ва Чоржўй коммунистлари зудлик билан Эски Чоржўйни ишғол қилиб, 100 дан ортиқ амалдорларни қамокқа олади. Чоржўй беклигининг хазинаси қўлга киритилиб, ундаги бойликлар тезлик билан Чоржўй инқилобий қўмитаси ва янги ҳукумат ихтиёрига ўтказилади. Олдиндан тайёрланган «сценарий» - келишувга мувофиқ шу куннинг ўзидаёқ Чоржўй инқилобий қўмитаси «Бутун Бухоро халқи номидан» Туркистон фронтига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Бироқ Бухоро халқи съездининг қароридан ҳам, Бешим Сардор бошчилигидаги исёндан ҳам воқиф эмас эди. Юзага келган вазиятда Бухоронинг тақдири Қизил қўшин ихтиёрига топширилган эди.

Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе «ёрдам» тўғрисидаги мурожаатномани олиши билан ўз қўшинларини 4 та зарбдор гуруҳга бўлади: Самарқанд, Каттакўрғон, Чоржўй ва Когон. Ишлаб чиқилган режага кўра Самарқанд гуруҳи 29-30 августда Шаҳрисабз-Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб Қарши ва Ғузorni эгаллаши, Каттакўрғон гуруҳи эса Хатирчи, Зиёвуддин ва Карманани ишғол этиши, Чоржўй гуруҳи бўлса Эски Чоржўйни қўлга олиб, Амударёнинг Афғонистон билан чегараларини назорат остига олиши, Фароб ва Қорақўлни эгаллаб, навбатдаги буйруққа шай бўлиб туриши кўзда тутилган эди. Ҳарбий операциянинг асосий вазифаси Когон гуруҳи зиммасига юклатилади. Ушбу гуруҳ Эски Бухорони забт этиб, Саид Олимхонни асирга олиши ва Аркдаги хазинани қўлга киритиши лозим эди.

Нихоят, 1920 йилнинг 29 августида ҳарбий операция бошланади. Амирлик пойтахти – Бухоро шаҳри ҳам ҳаводан, ҳам ердан авиация ва артиллериядан қаттиқ бомбардимон қилинган. Бухоронинг Қарши дарвозасигача келган темир йўлда турган бронепоезд ва Самарқанд, Шайх Жалол, Намозгоҳ дарвозалари яқинида жойлаштирилган тўплардан 1-2 сентябрь кунлари шаҳарга 12 минг снаряд ташланиб, 11 та аэроплан эса шаҳар устида 3 кун давомида бомба ёғдирган. Милтик, пулемёт ва бронепоезддан бир неча миллион дона патрон ишлатилган. Бунинг устига Бухоро шаҳри кимёвий снарядлардан ўққа тутилган, шаҳарнинг Қарши ва Самарқанд дарвозалари тагига 800 кг дан ортиқ порох қўмилиб портлатиб юборилган ҳамда қулаб тушган дарвозалардан қизил аскарлар ичкарига бостириб кирганлар. Шундан

кейин шаҳарнинг ичкарасида кўча жанглари бошланиб кетган. Аммо замонавий курул-яроғдан фойдаланиш туфайли қизил қўшин амирлик лашкарига психик таъсир кўрсатишга улгурган эди. Амир Олимхон Бухоронинг қадимий обидалари ва аҳолини омон сақлаш учун шаҳарни ташлаб чиқади. Аммо Шўро авиацияси амирни кидириб топиш баҳонасида шаҳар атрофидаги қишлоқларни, шу жумладан тарихий обида Ситораи Моҳи Хоссани бомбардимон қилади. 2 сентябрда қизил аскарлар маъмурий бино – Аркни эгаллаб, унинг устига қизил байроқларини ўрнатганлар. Шафқатсиз ўқ ёмғири ва бомбардимон оқибатида шаҳар обидаларининг бешдан бир қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлган. «Жанглардан сўнг қўпчилик иморат ва биноларнинг ёниб вайрон бўлганлиги маълум бўлди. 34 та гузар, 3 мингдан ортиқ дўкон, 20 га яқин сарой, 29 та масжид ёниб хароб бўлди. Катта миноранинг ҳам бир неча жойига тўп тегиб, Олимхон мадрасасининг пештоқи ҳам тўп зарбидан бузилиб, ташқи дарвозаси, дарсхона эшиклари ёниб кетди. Мир Араб мадрасасининг пештоқи тўп зарбидан кулаб тушди. Баъзи мадраса ва масжидлар култепага айланди. Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назарчагача, Кофиробод, Ўғлон дарвозаси, Масжиди Калон, Зиндондан тўқимдўзий ҳаммомигача, минора остидан то Сўзангарон даҳасигача, Бозори гул, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули Ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Бухоронинг жанубидан Меҳтари Ориф гузарининг учдан бир қисми, Қарши дарвозаси олдидаги гузарнинг ярми, Наҳор дарвозасининг ярим гузари ёниб ер билан яксон бўлди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб кетди. Қўп бухороликларнинг мол-ҳоллари ёниб, қўпчиликнинг оилалари ҳам ҳалок бўлди. Шаҳарда 3 мингга яқин ҳовли ёниб кул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнди. Арки Олий устидан 300 та иморат тўп ўқи ва бомба зарбидан ёниб, қимматбаҳо моллар нобуд бўлди» - деб ёзади ушбу воқеаларнинг гувоҳи бўлган муаррих Муҳаммад Али Балжуво-ний.¹⁸³

Бухорони эгаллаб олган қизил аскарлар Аркдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, қўшбеги ва бошқа амалдорларнинг бойлигини мусодара қилганлар. Аскарлар ва қўшин бошлиқлари катта бойлик орттирганлар. Бухоро давлати хазинасини поезднинг вагонларига ортиш жараёнида бойликлар талон-торож қилинган, тартибсизликлар авж олган. Махсус давлат органлари томонидан кескин чоралар қўрилган. Тилла тангалар эритилиб, турли хил йирик

¹⁸³ Муҳаммад Али Балжувоий. Ғарқи Насфий (Фойдали тарих). Т. 2001. 70-71 бет.

шаклда қайта қуйилган. Бухорони талаш жараёни 15 кун давом этган ва амирлик хазинаси ҳамда бошқа бойликлар (олтин, кумуш, бриллиант) ортилган 2 эшалон юк Тошкент оркали Москвага олиб кетилган.

Амир Саид Олимхон Ғиждувон, Вобкент, Қизилтепа, Қарши йўналиши билан Ҳисорнинг Дехнав шаҳрига боради ва маълум муддатдан (1921 йил апрель) сўнг Афғонистонга ўтади. Бухоро амирлигининг амалдорлари, Қози калон, Раиси калон ва Қози калоннинг ўғли Шаҳобуддин ва бошқалар ҳибсга олинади.

Бухорони эгаллаган қизил қўшин бирин-кетин амирликдаги бекликларни ҳам ишғол қилиб, бу ҳудудларда Бухоро Халқ Республикасини тузади. Зўрлик билан амалга ошган «инқилоб»дан кейин собиқ Ёш бухоролик жадиждларнинг Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ташкил топади. 1756 йилдан бошлаб Бухоро амирлигини бошқариб келаётган мангитлар сулоласининг ҳукмронлиги 1920 йил сентябрда тугайди.

Мангитлар даври маданияти

Ушбу сулола ҳукмронлиги даврида маданий ҳаёт паст даражада бўлиб, ҳукмрон табақалар халқни жаҳолатда саклашга ҳаракат қилар, бадий ижодда мадҳиябозлик ва таркидунёлик мавзуси устуворлик қиларди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Бухоро муҳитида «Тухфан хоний» (Муҳаммад Вафо Карминагий), «Тож-ут-таворих» (Муҳаммад Шариф), «Фатҳномайн султоний» (Муҳаммад Миролим Бухорий), «Мангит хонлари тарихи» (Мирзо Абдулазим Сомий), «Наводир ул-вақоеъ», «Таржимаи ахvoli амирони Бухоро» (Аҳмад Дониш), «Маҳозун-ат-тоқва» (Мир Ҳусайн Мирий), «Зикри таъдади подшоҳон ўзбак» (Муйин), «Тарихи манзум» (Мирзо Содик Мунший), «Рисола» (Муҳаммад Ёқуб Дониёлбий ўғли), «Тарихи Хумулий» (Хумулий), «Баёни баъди ҳаводисати Бухоро, Ҳуканд ва Қашғар» (Мирзо Шамс Бухорий) ва бошқа бадий-тарихий жанрдаги асарлар яратилди. XIX асрда Бухоро адабий муҳитида ўз мавқеига эга бўлган қози Курбонхон Фитрат Вардонзеҳий, Афзал Махдуми Пирмастий, Мулла Аъло Пирмастий ва Мулла Муҳаммадисфок Пирмастийларнинг ижодини қайд этиш лозим. Хатирчида узок муддат қозилик қилган Вардонзеҳий амир Музаффарга бағишлаб қасида ёзгани учун сарой шоири деб эътибордан қолиб кетган. А.М.Пирмастий эса «Тазкират уш-шуаро»нинг муаллифи бўлиб, XIX

асрдаги Бухоро адабий муҳитининг 100 дан ортик намояндалари ҳақида қимматли маълумот қолдирган.

Аҳмад Дониш Маҳдуми ибн Носир 1826 йилда Бухоро шаҳрида туғилиб, 1897 йилда шу ерда вафот этган. Унинг отаси Шофиркон туманининг Сугут қишлоғидан бўлиб, шаҳарга ўқишга келган ва Бухоро масжидларидан бирида мулла сифатида ишлаган, ўғлига кунт билан билим берган. Аҳмад Дониш бошланғич саводни онасидан олган ва кейин мадрасада таҳсил кўрган. Мустақил равишда адабиёт, тарих, фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия илмини мукаммал эгаллаган Дониш ёзувчи, рассом, ҳаттот, олим ва маърифатпарвар сифатида машҳур бўлиб, XIX асрда Бухоро тараққийпарвар муҳитининг юзага келишида муҳим ўрин тутган. У тожик тилида ижод этган, ҳаттотлик, рассомлик ва наққошликни яхши билгани ва мунажжимликдан хабардор бўлгани боис, амир Насруллахоннинг назарига тушиб, саройда хизмат қилган ҳамда 1857 йилги элчилар таркибида Россияга борган. Амир Музаффар ҳукмдорлиги даврида, 1869, 1873 йилларда элчилар мирзоси сифатида яна Россияда бўлиб қайтган ва сафар таассуротлари асосида асарлар ёзган. У амирнинг таклифи билан 1865 йилда “Манозир ул-қавоқиб” (“Сайёраларнинг жойлашишлари”) номли астрономияга оид китоб ёзган. 1870-1873 йилларда ислохот ҳақида “Рисолаи дар назми тамаддун ва таовут” (“Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола”)ни ёзган, аммо ундаги ислохот тўғрисидаги фикрлар амирга хуш келмаган ва уни саройдан узоклаштирган, 1874 йилдан то 1885 йилгача (Музаффарнинг вафотигача) у Бухоронинг туманларида қозилик қилган. 1885 йилда яна Бухоро шаҳрига қайтиб келиб, мадрасада мудarrisлик қилган. Унинг “Нодир воқеалар” ва “Бухоро амирларининг таржимайи ҳоллари” асарлари муҳим аҳамиятга моликдир.

Айний (Садриддин Саидмуродзода) 1878 йил 15 апрелда Бухоронинг Ғиждувон тумани (Соктаре қишлоғи)да таваллуд топган ва 1954 йил 15 июнда Душанбе шаҳрида вафот этган, ёзувчи, олим ва жамоат арбоби, ўзбек ва тожик тилида ижод этган. У Бухорода янги усулдаги мактаблар очган, улар учун ўқув қўлланмалар, оммани илм-маърифатга чақирувчи шеър ва ҳикоялардан иборат “Ёшлар тарбияси” дарслигини 1909 йилда яратган. “Ёш бухороликлар” ҳаракатида фаол қатнашган. 1918-1921 йилларда тожикча, ўзбекча марш, қўшиқ ва шеърлар яратган. 1921 йилда “Бухоро мангит амирлигининг тарихи” асарини яратган, унда Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ифодаланган. 1922 йилда “Бухоро жаллодлари” повестини ёзган.

С.Айний тожик ва ўзбек адабиётларининг минг йиллик тарихий тараккиётида етишиб чиккан 200 дан ортиқ шоир, тарихчи, олим, тазкиранавислар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берган.

Шайх Сулаймон Бухорий (1821-1883) Қорақўлнинг Қундуз қишлоғидан бўлиб, 1846 йилда Бухоро амири Насруллахон томонидан Туркияга элчи қилиб юборилган. У “Нақший” таҳаллуси билан шеърлар ёзган, Истанбулдаги муҳожир ўзбекларнинг ташкилоти раиси бўлиб ишлаб, икки жилдди “Лугати Чигатой ва Турки Усмони” деган асарини ёзиб қолдирган.

Шу даврда амирлик ҳудудида халқ оғзаки ижодиётида «Юсуф ва Зулайҳо», «Тутинома», «Чор дарвеш», «Тоҳир ва Зухро», «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад», «Гуруғли» туркумидаги дostonлар кенг тарқалди.

Халқ санъати турлари — қизикчилик, дорбозлик, фокус ҳаёл ва бошқалар тараккий этди, мусика оммавий санъат даражасига кўтарилди, тасвирий санъат ривожланди (Абдуҳолик Маҳдум ва б.). XVIII асрнинг ўрталарида Бухоро сарой маданиятида шашмақом туркуми шаклланган бўлиб, кейинчалик Хоразм мақомлари ҳамда Фарғона-Тошкент мақом йўллари шаклланишига таъсир ўтказган.

Бухоро қандакорлик мактаби XIX асрда шаклланган бўлиб, қандакорлик буюмлари шакли содда, хушбичимлиги, нақшлари эса мураккаб ва нафислиги билан ажралиб туради. Қўкон қандакорлик мактаби яратган санъат асарларига қараганда, Бухоро қандакорлик мактаби бадий буюмларининг нақшлари бир оз йирикрок бўлиб, асосан меъморий обидалар тасвирлари акс эттирилган. Бухоро қандакорлиги вакилларида Ҳаким Бухорий (XIX аср), Олим Абдусаломов, Ғулом Ҳасанов, Олим Йўлдошев (XX аср бошлари) ва бошқалар машҳур бўлишган.

Амирликда ўзига хос таълим тизими шаклланган, бошланғич мактаблар, олий таълим даргоҳлари — мадрасалар фаолият кўрсатган. Амир Саид Олимхон даврида янги усулдаги — жаҳид мактаблари, гимназиялар, рус-тузем мактаблари ташкил этила бошланган. Мадрасаларда асосан диний таълим, қисман дунёвий таълим амалга оширилган. XX аср бошларида Бухоро амирлигида 200 дан ортиқ мадрасалар фаолият кўрсатган, уларда дарс берувчи мударрисларнинг сони 800 нафарни ташкил этган. Мадрасаларнинг молиявий таъминоти учун турли кўринишдаги вақф мулклари ажратилган. Биринчи жаҳон уруши арафасида Бухоро мадрасаларининг вақфларидан келган даромадлар 4 742 000 тангани ташкил этган. Мадрасаларга тайинланган мударрислар қозикалоннинг тақдими билан амир томонидан

тасдиқланган. Кейинги йилларда бу вазифани қўшбеги ўз тасарруфига олган. Масалан, Саид Олимхон даврида мадрасанинг мударриси Насрулло қўшбеги томонидан тайинланган. Ўз даврида Амир Ҳайдар мадрасада талабаларга дарс берганлиги манбалардан маълум (Ф Бобожонова. Бухоро амирлигида таълим тизими.¹⁸⁴

XX асрнинг бошларида Бухорода ҳам янги усулдаги мактаблар – жадид мактаблари очила бошлади. Гарчанд амир ҳукумати қаршилиқ кўрсатса-да, янги усул мактаблари қийинчилик билан ташкил этилган. 1912-1913 йилларда Бухоро шаҳрида мулло Абулқосим, Мукомилиддин Махсум, Ғиёс Махсум Ҳусайн томонидан яширин мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ бола ўқишган¹⁸⁵. 1914 йилда Бухорода ном чиқарган Усмон Ҳўжанинг мактабида 200 нафар, Эшон Ҳомид Ҳўжанинг мактабида 100 нафар, мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган¹⁸⁶.

Мангитлар сулоласи даврида амирликда бир қатор йирик иншоотлар қурилди. Жумладан, Шайх Жалол дарвозаси ва хонақоси (XVIII асрнинг иккинчи ярми), Домулло Турсунжон мадрасаси (1796-1797), Халифа Худойдод ансамбли (масжид, мадраса, сардоба ва мозор, 1777-1855), Чорминор (1807), Амир мадрасаси (XX аср боши), Ситоран Моҳи Хосса (XIX аср охири – XX аср боши) ва 20 дан ортиқ мадрасалар.

Чор минор (форс.-тўрт минора) – 1807 йилда халфа Ниёзкул томонидан Бухорода қурдирилган меъморий ёдгорлик бўлиб, у анъанавий усулда қурилган масжид, бир қаватли мадраса, атрофи бир қаватли хужралар билан ўралган ҳовлидан иборат.

Мангит амирлари томонидан ташки саройлар қуриш анъанаси ҳам ўзига хос меъморчиликни ривожланишига қўшилган ҳисса бўлди. Чунончи, амир Насруллахоннинг Бухородаги Ўғлон дарвозаси яқинида қурилган Чорбохосса номли ташки саройи, амир Музаффархоннинг шаҳардан 4 км.шарқда жойлашган Ширбудин саройи, унинг қурилишида Ғарб меъморчилиги услублари мавжуд бўлган. Амир Абдулахадхон томонидан Моҳи Хосса саройи ва Карманадаги давлат бошқарувига мослаштирилган махсус сарой барпо этилган бўлиб, Карманадаги саройда ички ва ташки сиёсатга оид масалалар қўриб чиқилган. Мазкур сарой ёғоч, гишт, лойсувоқ ва

¹⁸⁴ XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари. Т «Адиб», 2014. 38-48 бет

¹⁸⁵ С. А. Абдуев. Бухоро минтақаси тарққи учун материаллар. Асарлар. I-том. 270-275 бет

¹⁸⁶ Ф. Бобожонова. Ўша аъломет, 106-бет

ганж уймакорлиги услубида ишланиб, нақшинкор деворлар, устунлар ва мукарнаслар уни тула маънодаги санъат асари даражасига кутарган.

Бухоро амири Абдулахадхон Россия императори Николай Романовдан рухсат олиб, Петербургда мусулмонлар учун масжид қуришга 1907 йилда Бухоро амирлиги хазинасидан 312 минг рубль тулайди ва 1909 йилнинг февралида қурилиш бошланиб, 1913 йилнинг 21 февралида Романовлар сулоласи ҳукмронлигининг 300 йиллиги тантанасида очилади ҳамда амир Олимхон иштирокида жума намози ўқилади.

Бухоро амири Россиянинг вассалига айлангач, маданий-маиший ҳаётда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Қўлчилик бекор қилинди, касалхона, дорихона, рус-тузем мактаби очилди, Каттакўргондан Бухорога телеграф сими тортилди. Бухоро темир йўлида Амударёга темир кўприк қурилди. Меъморчиликда миллий ва европача услублар уйғунлашиб кетди. Масалан, 1888 йилда Янги Бухоро (Когон)да қурилган савдо ва банк муассасаларининг бинолари, амирнинг янги саройи, темир йўл вокзали.

XX асрнинг бошларида ромитанлик Чориқулбой Пирнафасов томонидан Зарафшон дарёсида қурилган кўприк мисолида бухоролик саховатпеша инсонларнинг эл-юрт ободлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари мужассамдир. Ўз даврининг йирик гидротехник иншооти бўлган мазкур кўприк 1911-1914 йилларда қурилган. Чориқулбой кўприк лойиҳасини тузиш учун мутахассисни Чехиядан, муҳандисни Россиядан, кўприк қурувчи устани эса Германиядан чакирган. Кўприк қурилишида обигишт, тоғ тошлари ва ганж ишлатилган. “Чориқулбой кўприги” деб аталадиган бу иншоот 60 йилдан ортиқ вақт хизмат қилди, ҳозир тарихий ёдгорликларни кўриклаш жамияти ҳисобида туради. Саховатли Чориқулбойнинг ўзи Совет замонида Оренбургта сургун қилинади.

Амирлик тузуми, амирликнинг вассал давлатга айланиши, рус сиёсий агентлиги ва амир ҳукуматининг олиб борган сиёсати мамлакатнинг ривожланишига, маданий тараққиётига тўсқинлик қилган бўлса-да, маданий ҳаёт ўз йўлида давом этди.

Манғитлар сулоласи даврида Бухоро амирлигида давлат бошқаруви

Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги (1756-1920) йилларида Бухоро амирлигида давлат бошқарувида олдинги сулолалар (шайбонийлар, аштархонийлар) давридаги бошқарув тизими давом этган. Сулола

асосчисининг хон авлодидан бўлмаганлиги сабабли амирлик ва амир ҳокимияти вужудга келади.

Бухоро амирлигида олий ҳукмдор амир ҳисобланиб, ижро этувчи ҳокимият қўшбеги қўлида тўпланган эди. Мангитлар сулоласи даврида амирдан кейинги олий мансаб эгаси қўшбеги бўлиб, унга барча вилоятлар ва бекликларнинг ҳокимларн, беклари буйсунган ҳамда амир пойтахтда бўлмаган вақтида у амирликнинг барча ишларини бажарган.

Амирликда маъмурий бошқарув тизимида иккита қўшбеги бўлиб, биринчиси «қўшбегийи боло», яъни юкори қўшбеги, иккинчиси эса «қўшбегийи поён», яъни қуйи қўшбеги деб аталар эди. Юкори қўшбеги арқда яшаб, сарой ишларида етакчи мавкени эгаллаган ва доимий равишда арқда амир билан мулоқотда бўлиб турган. Қуйи қўшбеги эса арkning қуйисидаги ховлилардан бирида яшар ва бош закотчи вазифасини бажариб, бутун мамлакатдаги солиқ ишларини назорат қилар эди. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, амирликда фавқуллодда вазият юз берганда ёки урушлар бошланганда ҳар икки лавозим бирлаштирилиб «Кулли Қўшбеги» (кулли – арабчада «барча» дегани) лавозими жорий қилинар ва у амирликдаги бутун ҳукумат ишларини ўз қўлида тўплар ва тезкор қарорлар қабул қилар эди. Мангитлар сулолаеи даврида Ҳаким қўшбеги, Остонакул қўшбеги, Насрулло қўшбеги кабилар катта мавкега эга бўлишган.

Бухоро қози калони Садри Зиё – Муҳаммад Шарифжон ибн қози Абд уш-Шакур ўзининг эсдаликларида Бухородаги амал ва унвонлар ҳамда улар эгаларининг вазифалари ҳақида қуйидаги маълумотларни беради.

Оталик – Бухоро суви Самарқанддан то Қорақўлгача ва барча туманларнинг суғорилиши ва сувининг таксимоти унинг ихтиёридадир. Бухоронинг бошқаруви Дониёлбийга ўтганидан сўнг оталикнинг зиммасига шундай вазифа юклатилган. Шунингдек унга Бухоро атрофларини кечаси назорат қилувчи миршаб бошлиги – доруга лавозими ҳам топширилган.

Девонбегийи калон – асосий вазифаси вилоят хирожини барча масъул амалдорлар ва бошқалардан олиш бўлган. Унинг назоратида вилоятлардан олинадиган нақд пул тушакхона меҳтарига берилиб, амлоқдорга бериладиган ғалла эса девонхона ва танобона дафтари ҳисобидан кейин қирим қилинган. Қорақўлнинг мироблиги ҳам унинг вазифасига кирган.

Парвоначи – олий ҳукмдорнинг умаро, уламо ва барча одамларга қилинган олий буйруқлари, имзоланган фармон ва кўрсатган марҳаматлари у орқали эгаларига етказилган. Бундан ташқари мангитлар даврида араблар тоифасининг бошқаруви ҳам унга тегишли бўлган.

Додхоҳ – шикоятчилар ва даъвогарларнинг арзларини амирга етказиб, жавобини уларга топширган.

Кўкалдош – вилоят ишларидан, дўсту душмандан хабардор бўлиш, жосуслик ишларини назорат қилиш унинг зиммасида бўлган.

Иноқи калон – подшоҳ томонидан амир бўлмаган шахслар ва шогирдпешаларга бериладиган мансаб ва амаллар хабарини эгаларига етказган.

Иноқи хурд – бирор ариза ёки элчининг хати саройга келса уни очиб, амирнинг розилиги билан мунший (котиб)га баланд овоз билан ўқиш учун берган.

Меҳтари калон – унинг вазифаси закот, мусулмонларнинг ушири (даҳяк-ўндан бир солиғи)дан тўртини, мусулмон бўлмаганлар ушининг ярмини, ҳарбийларнинг ушини, мол ва нақд пуллар, чорва ва топиб олинган эгасиз нарсаларни ўз эгаларига топширишдан иборат бўлган.

Девони саркор – султон ерлари, тегирмон ва подшолик дўконларини фойдаланишга ва ижарага бериб, қирим-чикими ҳақида хос саркорга ҳисобот берган. Султон ҳарами, хазинаси, кўриниш вақтидаги таом ва шунга ўхшаш харажатлар унга тегишли бўлган.

Тўпчи бошийи калон – тўпхона (артиллерия) ишларига, кутвол, яъни султон иморатлари ва қурилишларига мутасадди бўлган амалдор.

Эшикоқобоши – сарой отларининг назорати ва Шопурком тумани бошқаруви (ҳокимлиги) унга тегишли бўлган.

Тўксоба – подшоҳ дастурхонидаги тавоқлар ва идишларни жойлаштириш вазифаси ва Харконруд (Ғиждувон) тумани бошқаруви унга тегишли бўлган.

Мироҳўри калон – подшоҳ жиловидида юриб, унинг ўнг ва чап томонида капалакдек айланиб хабардор бўлиб юриш (замонавий хос соқчи) ва Коми Абу Муслим (Вагонзе) тумани бошқаруви ва мироблиги унинг вазифасига кирган.

Амирликдаги суд ҳокимияти, яъни қозилик иши ўзига хос ташкил этилиб, бундай лавозимга уламо ва содот (саййидлар) тайинланган ва улар ҳокимларга тенглаштирилган. Булар – шайхулислом, қози ул-қуззот, қози аскар ва волийи аскария.

Вилоятларга кози, раис, мадрасаларга мударрис, масжидларга имом тайинлаш Бухоро козикалонининг вазифасига кирган. Амир Абдулахадхон даврида Бухоро амрлигининг козикалони — Бадриддин, унинг вафотидан кейин Бакохон, амир Олимхон даврида Бурхониддин, Муҳаммад Шариф садр, ундан кейин яна Бурхониддин бу лавозимда ишлаган. Козикалон Бурхониддиннинг укаси Каромиддин Чоржўйда, укасининг ўғли Аминжон Маҳдум садр Хайробод туманида, катта ўғли Умархон “Авракий” мансабини эгаллаб Пирмаст туманида, кичик ўғли Усмонжон ҳам “Авракий” мансабида бўлиб, Зандана туманида козилик қилишган.¹⁸⁷

Амир Олимхон даврида раислик лавозимини Абдуллахўжа, Абдусамадхўжа ва Изомиддинлар эгаллашган. Бухоро амирлигида ўрнатилган тартибга кўра вилоятлар ҳокимлари ва қозилари ҳафтада бир марта мамлакатнинг аҳволи юзасидан амирга расман арз этардилар. Аризани амир саройига олиб келган аризаچی унинг жавоби чиқмагунича қайтиб кета олмас ва ушбу жавобни кутиб ўтириши шарт эди.

XIX аср бошларида амирлик саройида хизматкор амалдорлар табақаси шаклланиб, фақат амир саройининг ўзида 300 га яқин амалдор хизмат қилар, давлат хазинасидан маош олиб, амирга батамом қарам эди. Маҳаллий бошқарув тизимида эса 30 мингга яқин амалдор хизмат қилиб, ҳоким ва унинг амалдорларига давлат хазинасида маош берилмас, улар халқдан йиғиб олинган солиқ, йиғим, туловлар ҳисобидан кун кечирарди. Ҳоким, солиқ йиғувчи ва қозиларнинг фаолиятини белгилловчи аниқ қонун — қоида бўлмаган. Амирликда Жўйбор Шайхлари алоҳида мавқега эга бўлиб, XIX асрда улар Бухорода 16 маҳалла бўлиб яшарди.¹⁸⁸

Бухоро амирлиги маъмурий жиҳатдан бекликларга, бекликлар эса амлоқликларга бўлинган эди. Амирликда энг катта беклик Бухоро беклиги ҳисобланиб, у туманликлардан иборат бўлган. Бухоро вилоятини амир номидан қўшбеги бошқарган. Амирлик қўшбегиси девонининг 1915 йилги рўйхатига мувофиқ, Бухоро амирлиги 27 та вилоят (беклик) ва 11 та тумандан ташкил топган эди. Ҳамма туманлар Бухоро шаҳрининг атрофида жойлашган бўлиб, Бухоро вилояти таркибида эди. Туманларга қуйидагилар кирган: Камот (Вобкенд), Коми Абу Муслим (Вагонзе), Қорақул, Пирмаст, Сомжон (Ромитан), Хайробод, Ҳарконруд (Ғиждувон), Хуффар (Зандана),

¹⁸⁷ А. Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукумронлик йиллари. Т. 1992, 23-26 бет.

¹⁸⁸ К. Усманов, М. Содиқов, С. Бурханова. Ўзбекистон тарихи, Т. 2, 1993, 174-176 бетлар.

Шофурком, Жанубий Руд ва Шимолий Руд (кейинги 2 туман 1915 йилга келиб туман деб атала бошланган, улар катта Шоҳруд каналининг жануби ва шимолида жойлашган ерлардан иборат эди) Жанубий ва Шимолий Руд туманларининг маъмурий маркази йўқ бўлиб, уларнинг солиқ тизимини Садр раиснинг мулозимлари бошқарган. Қолган 9 та туманнинг солиқ ишлари билан Қози калонга бўйсунувчи қозилар шуғулланган. Бухоро тарихчиси Абдурахмон Томкиннинг ёзишича, яқин ўтмишда 80 та аҳоли пункти (манзили) дан битта туман ташкил этилган. Кейинчалик тумандаги аҳоли пунктлари миқдори ортиб бориб, 1916 йилга келиб бир тумандаги аҳоли пункти 120-140 тани ташкил этган¹⁸⁹.

Бухоро беклиги (вилояти) таркибидаги туманларнинг бошқаруви ўзига хос шаклда бўлиб, кейинги йилларда Шофурком тумани бошқаруви эшикоқобошига, Ҳарқонруд (Ғиждувон) тумани бошқаруви тўқсабога, Коми Абу Муслим (Вагонъе) тумани бошқаруви мирохури калонга юклатилган. Одатда туманларнинг бошқаруви туман ҳокими (амлоқдори) орқали амалга оширилган. Туманликларга амлоқдорлар амир томонидан тайинланарди. Манғитлар даврида, 1852 йилда Шоҳруххон ибн Иброҳимхонни, 1856 йилда Шаҳрисабз беки Искандар валломани Қоракўл туманига ҳоким қилиб юборилгани маълум. Бухородан бошқа бекликлардаги амлоқдор беклик ҳокими томонидан тайинланиб, унга бўйсунардилар.

XIX-XX асрдаги бошқарув тизимига мувофиқ туман ёки беклик ўз навбатида амлоқдорликларга бўлинган (амлоқдорлик термини арабча “амлок”, яъни мулк сўзининг купликдаги шакли бўлиб, дор – форс-тожикча эга маъносини билдиради). Бухоро хонлиги (амирлиги)даги бекликларга қарашли энг кичик маъмурий бўлинма амлоқдорлик деб аталиб, уни бошқарган амалдор амлоқдор деб аталган. Амлоқдор аҳолининг ўзига тўқ вакилларида бек томонидан тайинланган ва тегишли қишлоқларни бошқаруви унинг ихтиёрида бўлган. Амлоқдор хирож йиғиш, деҳқонлар етиштирган ҳосилни ҳисобга олиш, солиқ тўламаганларни жазолаш, жарима солиш каби ишлар билан машғул бўлиб, мирза (котиб), мироб, миршаб, амин ва оксоқоллар ёрдамида амлоқдорликни бошқарган. Ўрнатилган тартиб-қоидага мувофиқ туман ёки вилоятни амир томонидан тайинланган бек, қози ва раис бошқариб, улар амир номидан иш юритган, аммо амирнинг фармонисиз ва муфтиларнинг розилигисиз фуқарони катл эта олмаган. Маъмурий жиҳатдан амлоқдорликлартуманларга

¹⁸⁹ Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – нач. XX вв.) Т. Университет. 2001, с. 4, 10.

тенглаштирилган. Вилоятларни беклар(хокимлар), туман (амлоқдорлик)ларни амлоқдор (хоким)лар бошқарган. Ҳоким (амлоқдор) ўз қули остидаги мулкларни, яъни амлоқликларни бошқарган. Масалан, Қорақўлда 9 та амлоқлик бўлган. Ҳар бир амлоқлик ихтиёрида 10 тадан 20 тагача кишлоқлар бўлиб, улар оксоқол, амин ва мироблар орқали бошқарилган.

Мангитлар сулоласи ҳукмронлигининг охириги даврида маъмурий бўлиниш асосан вилоят (беклик) лардан иборат бўлиб, уларнинг сони турлича кўрсатилади (27, 29, 32 та). «Бухоро мамлакати йигирма саккиз бекликка бўлинган эди. Шу қарорга мувофиқ Нурота, Қорақўл, Қабокли, Чаҳоржўй, Карки, Бурдолик, Ҳисор, Дехнав, Қўргон (тепа), Балжувон, Қўлоб, Кабодиён, Калиф, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Ғузор, Қоратегин, Бойсун, Дарвоз, Рувшон бекликлари ва мирликларига бўлиниб, бу вазибалар қадим-қадим айёмлардан буён мерос бўлиб қоларди» - деб ёзади собиқ амир Саид Олимхон.¹⁹⁰

1868 ва 1873 йиллардаги шартномалар натижасида амирлик Россияга қарам мамлакатга айлантирилиб, Россия манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Оқ подшо Александр IIнинг 1885 йил 12 ноябрдаги фармони билан 1886 йил 1 январдан бошлаб Бухорода “Россия императорлигининг сиёсий агентлиги” – ваколатхонаси таъсис этилди, 1903 йил 6 майда подшо Николай II унинг ҳуқуқларини кенгайтди. Мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилган бу муассасага барча сиёсий-иқтисодий, ҳарбий масалалар юзасидан амир ва унинг вазирлари устидан назорат қилиш, Зарафшон дарёсининг сув тақсимоли билан шугулланиш, Бухоро-Афғонистон чегараларини кузатиб туриш, Бухородаги рус қароргоҳларида газеталар ва театр пьессалари устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқлари берилди. Дастлабки даврда сиёсий агент чор Россиясининг расмий-доимий вакили бўлиб, Петербург ва Тошкентнинг Бухоро ҳукумати билан қиладиган барча алоқалари шу агент орқали ўтар эди. Кейинчалик сиёсий агентлик амирликнинг ички ишларига ҳам аралаша бошлади. 1917 йилнинг декабридан бошлаб Туркистон ўлкасининг ХКСнинг Бухоро ишлари бўйича коллегияси таъсис этилди. 1918 йил 30 апрелидан бошлаб Туркистон ўлкасининг Бухоро ишлари бўйича комиссари тайинланди. Хулоса қилиб айтганда, салкам қирқ йил давомида турли номлар билан фаолият кўрсатган бу муассаса факат мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилди. Мангитлар ҳукмронлиги даврида (1860

¹⁹⁰ Амир Саййид Олимхон Бухоро халқининг ҳасрати тарихи Т 1991 «Фан», 27-бет

йиллардан бошлаб) Бухоро амирлигида давлат бошқаруви ишлари қарамлик шароитида амалга оширилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида 2 млн.га яқин аҳоли яшарди. Жумладан, Зарафшон водийсида 300-350 минг, Қашқадарё воҳасида 500 минг, Сурхондарё воҳасида 200 минг, Шарқий Бухорода эса 500 минг киши яшаган. Амирликнинг йирик шаҳарларида, Бухорода 60 минг, Самарқандда эса 50 минг киши истиқомат қилган. Аҳолининг этник таркиби турли элатлардан ташкил топган бўлиб, 57 фоизини ўзбеклар ташкил этган. Мангит, сарой, қўнғирот, жабғу, қарлук, қалмоқ, найман, кипчоқ, минг, юз, дўрмон, арлот ва бошқа қабилалар кўпчилик бўлиб, улар асосан, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги шаҳар ва қишлоқларда яшаган. Н.Ханиковнинг кўрсатишича, амирлик ҳудудида ўзбекларнинг 28 қабиласи вакиллари доимий истиқомат қилган¹⁹¹. Ҳисор, Душанбе, Шарқий Бухородаги Вахш, Кофирниҳон ва Панж дарёлари водийларида асосан тожиклар яшарди. Амирликнинг жанубий ва ғарбий қисмида туркманлар, шимолий-шарқий томонида эса қозоқ ва қирғизлар яшарди. Шунингдек, амирликда афғонлар, эронийлар, араблар, яҳудийлар, ҳиндлар ва бошқа этник гуруҳлар яшарди. Амирликнинг ҳудуди қарийб 200 минг км.кв.ни ташкил этган. Унинг чегаралари жанубда Амударёнинг чап қирғоғидан бошланиб, Сирдарёгача чўзилиб, қозоқ жузлари билан чегарадош эди. Шарқда эса Помир тоғлари, ғарбда Хива хонлиги чегараларигача бўлган ҳудудни ишғол этган. Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланган. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Вахш, Кофирниҳон ва Панж дарёлари водийсидаги шаҳар ва қишлоқлар, ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Мурғоб дарёси воҳаларидаги ерлар Бухоро амирлигига қарар эди.

Мангитлар даврида савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россия-Бухоро савдо ва дипломатик алоқалари анча ривожланди. Бунда 1774-1776, 1779-1780 йилларда Эрназар Мақсудов бошчилигида ва 1797 йилдаги Полвонкули қўрчи элчиликлари катта аҳамият касб этди. XIX аср бошларида Россия-Бухоро алоқалари анча фаоллашди. Амирлик қўшни хонликлар, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон давлатлари билан

¹⁹¹ Н.Хаников. Описание Бухарского ханства СПб, 1843с. 63

ҳам савдо алоқаларини олиб борди. Йирик савдо-сотик маркази бўлган амирлик пойтахтида 1848 йилда 38 та карвонсарой, 9 та тим ва куплаб бозорлар бўлган.

Ер-сув муносабатлари, қишлоқ ҳўжалиги ўзига хос кўринишга эга бўлиб, одатда ерлар уч турга бўлинган эди: 1) мулки султоний – давлат ерлари; 2) мулки хусусий – мулкдорлар ерлари; 3) вакф – диний муассаса ерлари. Хусусий ерлардан хирож олиниб, унинг миқдори ҳосилнинг 40-50%ни ташкил этган.

Аҳолининг 85 % ини деҳқонлар ташкил этиб, улар амирлиكنинг 15 % ерига эгалик қилишган. Қишлоқларда мулкӣй ва ижтимоӣй табақаланиш кучли эди. Қишлоқ аҳли батрақлар, мардикорлар, майда деҳқонлар, урта деҳқонлар ва йирик ер эгалари каби мулкӣй табақаланиш асосида турмуш кечирар эди. Батрақлар – ерсиз деҳқонлар энг қуйи табақа бўлиб, улар қарол, етим ва қорандалардан иборат эди. Мардикорлар ҳам қўпчилиқни ташкил этиб, уларнинг аксариятини 0,1 десятинадан 1 десятинагача бўлган ерга эгалик қилувчилар ташкил этар эди. Улар малақасиз ишчи бўлиб, маълум бир ишни бажариш учун муайян бир муддат (бир кун, бир ҳафта, бир ой ва бир мавсум)га ёлланар эди.

Ўзининг ҳўжалигида 1 десятинадан 3 десятинагача ерига эга бўлган деҳқонларни майда деҳқон дейишган. Одатда улар ўз оиласи ва деҳқончилик воситалари билан ҳўжалик юритишган. Йирик ер эгаларининг ўзи ҳам 3 тоифага бўлинган эди: 1) йирик бойлар (30-50 десятина ерга эга); 2) урта бойлар (15-20 десятина ерга эга); 3) кичик бойлар (7-10 десятина ерга эга). Ушбу даврда қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқарувчи қучларнинг қорикорлик, ижарачилик ва шерикчилик кўринишидаги муносабатлари амал қилар эди. Қишлоқ ҳўжалигида турли хил солиқлар амал қилган. Умумий ҳолда амирликда 40 дан ортик солиқ ва йиғимлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида амирликда жорий этилган солиқлар, тўловлар ва йиғимлар тўғрисида қуйидагича маълумотлар бериледи. Ер солиғи (мулки хирож) ҳосилнинг $\frac{1}{3}$ дан $\frac{1}{5}$ гача бўлган қисми. Мулки ушир, шунингдек даҳяк ($\frac{1}{10}$) ерларидан ўндан бир қисса солиқ олинган. Савдогарлар учун сотган маҳсулотидан 25% закот олинган. Қорвадор учун 40 бош қўйдан бир бош закот жорий этилган. Деҳқон учун алоҳида зақоти қакана жорий этилган. Булардан ташқари кўрсатилган хизмат учун, мансабдорлар-амалдорлар учун ва бошқа ишлар учун ҳам тўловлар жорий этилган эди: қафсан – солиқ йиғувчи амалдор фўйдасига олинган; доруғачи –

доруга учун солик; мушрифона — солик йиғувчи мушриф учун; соғубардору — амалдорнинг оти учун; котибона — ҳар бир ман ғалладан котиб учун бир тангадан олинган; муҳрона — бугдой хирмонини муҳрлаш учун олинган (хирмонни лой билан суваб, устига муҳрлаган); сомон пули — қўшнинг отлари учун сомондан олинган; сурукона — чўпондан боқиладиган яйлов учун олинган (ҳар 100 бош қўйдан 4 танга олинган); танобона — бог, узумзор ва бедазордан олинган; миробона — суғориш учун олинган (бир қўш ердан 1 ман миқдорда ғалла); аминона — бозорда мол ва товар сотиш учун олинган (бу солик амир Музаффар томонидан жорий этилиб, сотилган товарнинг 1,5 фоизи ҳисобидан олинган; тарози пули — бозор растасида олинган; той пули — келтирилган товар учун; сув пули — кемада келтирилган юк учун; чўп пули — ёғочнинг 2/3 қисмида олинган; шукрона пули — адолатли ишлагани учун қозига берилган; омонпули — авф этиш учун берилган; луқота — эгасиз мол учун тўланган; камшут — камомад учун; никоҳона — никоҳдан ўтиш учун; хизматона — йўл учун, ҳар бир фарсах масофа учун; тариқаси- кози мулкни бўлгани учун; обжувоз пули — жувоздан ёғ чиқаргани учун; осие пули — сув тегирмони учун; қўналга пули — қўшин тўхтаган жойда унинг таъминоти учун; жузя — мусулмон бўлмаганлардан олинган; шунингдек мақтаб пули, ҳашар пули, ўтинпули, заҳкаш пули ва бошқалар олинган.

«Танҳо» бериш анъанаси мангитлар сулоласининг кейинги вакиллари даврида одат тусини олди ва кучайди. «Танҳо» амир ҳукумати томонидан амалдорларга берилар, бунинг учун шахсан амирнинг ўзи фармон чиқариб, ёрлик бериши зарур бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб танҳо ерлари ҳам мерос бўлиб ўтадиган бўлган, ерлардан ташқари тегирмонлар ҳам танҳо мулкка айлантирилган.

XIX асрнинг охирида амирликнинг Камот, Сомжон, Хайробод ва Қоракўл туманларида ер-мулкларнинг ҳолати теширилиб, эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи амирнинг фармони бўлмаса ёки йўқолган бўлса, амалдорлар танҳони давлат ихтиёрига ўтказишга, мусодара этишгача ҳаракат қилишган.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг амал қилиши ер эгалари, ерга ишлов берувчилар, ерни ижарага олувчилар ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномалари асосида шаклланган эди.

Ер-сув муносабатларида суғориш тизими — ирригация иншоотлари билан боглик тадбирлар ҳам муҳим роль ўйнар, бунинг оқибатида суғориладиган ерларнинг ҳолати яхшиланиб, суғориш

тизими тартибга солинарди. Бу иш учун кетадиган харажатларни аҳолидан йиғиб олардилар, таъмирлаш ишига қатнашмаганлардан жарима ундириларди.

Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалигида узумчилик яхши ривожланган. Унинг ўн икки хил тури етиштирилган: халили, ок халили, ҳусайни, кишмиши, маска, оқ узум, беҳишти, соҳиби, тоифи, шибирғони, шакари, жовзон ва қора узум.

Мевалардан: анор, анжир, шафтоли, ўрик (унинг хасаки, ширпайванди ва махмури навлари), олхўри, олча, гилос, нок (ношпўти пағойи – эртапишар, ношпўти бегойи – кечпишар), мурут (қандак, қадимурут ва мурут навлари), олма(аччик олма, жўпазак, ҳожихони, рахш, турш (нордон), мохитоби, мушкин ва қизил), тут (донадори, балхи ва хоссаки) ва жийда етиштирилиб бозорларга ҳамда чет элга чиқарилган.

Сабзавотчиликда: лавлаг, сабзи, пиёз, шолғом, қарам, бодринг, нўхат, ловия ва ясмик етиштирилган. Полиз экинларидан: қовун, тарвуз ва қовоқ (қаду) экилган. Қовуннинг икки хили етиштирилган: пағойи (эрта пишар) ва бегойи (кеч пишар). Эрта пишар қовун навлари: қукча, шерози, қашғари, бекзоди, шакарпора, оқзоғора, қоразоғора, бўрикалла, қариқиз ва борғанойи. Кечки қовун навларига қуйидагилар кирган: обинавот, зармитони, қора қутири, чоржўйи, қариқиз ва шакарпора. Қовоқ (қаду)нинг тўққиз нави амирлик ҳудудида етиштирилган: олапўчок, қадузард, оқ қаду, урганжи қаду, машҳади қаду(салла қаду), чилим қаду, сарахси, носқаду ва чўпқаду.

Донли экинлардан: бугдой, шоли, арпа, тарик ва жўхори экилиб, яхши ҳосил олинган. Амирликда донли экинларни, умуман қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш асосан сунъий суғориш тизими билан боғлиқ бўлиб, манғитлар даврида Зарафшон суви унинг қуйи оқимида етиб келмай катта қийинчилик туғдирган.

“Бухоронинг суви оз бўлиб, Зарафшон дарёсидин келтурмак ва бир неча наҳрлар қоздурулса ҳам, аксар ёз фаслида қифоя қилмайдур” –деб ёзган эди Мирзо Олим Маҳдум хожи. “Бухоро суви Самарқанддан то Қорақўлгача ва барча туманларнинг суғорилиши ва сувининг тенг тақсмоти оталиқнинг ихтиёридадур”¹⁹². Ўз вақтида Аҳмад Дониш ҳам Бухоро амири Музаффархонга Амударё сувини Бухорога олиб келиш, Зарафшоннинг қуйи қисмидаги ерларни суғоришда ундан фойдаланиш режасини таклиф этган, аммо амир уни рад этган эди. 1872 йилда рус маъмурияти ва Бухоро амирлиги

¹⁹² Мирзо Олим Маҳдум хожи, Тарихи Туркистон Т.2008. 191, 234-бет

ўртасида Зарафшон сувидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Амирликда чорвачилик, хусусан қўйчилик, йилкичилик хўжалик ишлаб чиқаришида муҳим аҳамият касб этган. Бу ерда отларнинг тўрт тури парвариш қилинган. Аргумоқ ёки туркман оти энг яхши от зотларидан ҳисобланган. Ўзбеки ва қўқони отлар ҳам қўп етиштирилган. Булардан ташқари қирғизи ва қорабайир отлари ҳам қўпайтирилган. Қорабайир отлари ўзбеки ва туркмани отларини чатиштиришдан пайдо бўлган. XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро бозорларида аргумоқ ёки туркмани отларнинг нархи 50-100 тилла атрофида, арзон отларнинг нархи эса 5-15 тилла атрофида бўлганлиги қайд этилган.¹⁹³

XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлиги хўжалигида қўйчилик, хусусан қоракўл тери етиштириш билан шугулланиш муҳим аҳамият касб этган. Амирликнинг ғарбий ҳудудларида қоракўлчилик кучли ривожланган, хусусан Қоракўл, Қарши, Кармана ва Келиф бекликларида бу соҳа яхши тараққий этган эди. 1829-1830 йилларда Россиянинг Нижегород ярмаркасида Бухоро қоракўлининг бир донаси 5 рублдан, қозок қоракўлининг бир донаси эса 0,7 рублдан сотилган. Қоракўл терилари Бухоро амирлигидан Россияга 1870-1890 йилларда йилига 30-40 минг дона, 1914 йилга келиб эса йилига 1800 минг дона экспорт қилинган.¹⁹⁴

XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг бошларида амирликда пахтачилик қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этган. Замон тақозоси билан маҳаллий «ғўза» нави ўзининг камҳосиллиги ва толасининг калталиги билан тўқимачилик саноатига мос тушмай, Америка пахтаси билан рақобатлаша олмай қолган. Шу боисдан ҳам 1870 йиллардан Америка пахта навини иқлимлаштириш ишлари бошланган. Бу иш билан дастлаб бухоролик йирик савдогарлардан Х.Сайидумаров 1850-йиллардаёқ шугулланган, аммо кейинчалик эътибор берилмаган эди.¹⁹⁵

Пахтани сотиб олувчи Россия фирмалари ҳам ашёни қўпайтиришдан манфаатдорлиги учун олдиндан маблаг (бўнак) тўлаб қўярдилар. Амирлик бўйича 1904 йилда 1 220 минг танга бўнак пули (аванс) тўланган. 1888 йилда Бухоро амирлигида – Чоржўй беклигида Россиянинг «Кедрин ва К» савдо кампанияси томонидан Америка

¹⁹³ Н. Хавилов. Описание Бухарского ханства (Т1-6 1843, с. 157).

¹⁹⁴ Г. А. Микляева. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века: ремесло, торговля и повинности. Т. 1991, с. 89.

И. А. Алимов. Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре. Т. 1970, с. 9.

¹⁹⁵ Х. Зиёев. Тарих – ўтмиш ва келажак кўнгуси, 139-бет.

пахта навини маҳаллийлаштириш буйича тажриба амалга оширилган. 1889-1992 йилларда амирликнинг Кармана, Чоржуй, Вобкент, Зиёвуддин, Шеробод, Бўстон, Қорақўл, Ёғжувон каби ҳудудларида ҳам ушбу пахта нави иклимлаштирилган.

Амирликда пахта толасидан ташқари саноат учун ипак толаси ҳам етиштирилган. 1867 йилдан бошлаб, дастлабки ипак қалаваси фабрикалари қурилган. Амирликнинг Бухоро, Карки, Шаҳрисабз, Чирокчи, Қабодиён ва Ҳисор бекликларида ипакчилик билан шуғулланилган. XIX асрнинг охирида Бухоро амирлигида йилига ўртача 2 млн. пуд ипак пилла (ҳом ашё) си, 100 минг пудгача ипак матолар ишлаб чиқарилиб, бу миқдор бутун Ўрта Осиёда ишлаб қилинган ва етиштирилган пилла ҳом ашёси ва ипак матоларнинг қарийб ярмини ташкил этган. Амирлик ҳудудида етиштирилган ипак матолар ярим ипак матоларнинг умумий қиймати 1,5 млн. сўмга етган¹⁹⁷. Туркистон генерал-губернаторлиги бевосита пилла етиштиришга алоқадор ишлар билан шуғулланган. Пилланинг катта қисми рус тадбиркорлари қўлига ўтиб, ундан ипак толаси олиш учун Италия ва Францияга жўнатилган.

Айнан шу даврга келиб, пахта, жун, ипак билан савдо қилиш ҳам кучайиб, 1883 йилдан 1911 йилгача Россия-Бухоро савдоси деярли 100 баробарига ошди. 1911-1913 йилларда Россиядан Бухорога 1 512 000 сўмлик ипак ва ярим ипак газламалар келтирилган¹⁹⁷.

Амирликда саноат ишлаб чиқариши XIX асрнинг охири чорагида ва XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида маълум даражада шаклланган эди. Тўқимачилик ишлари ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, гиламча (шолча), кийгиз (набат), турли хил қоп-қанорлар, эгар учун мослама, қўй ва туя жунидан аралаштириб тўқилган бўз матолар етиштирилган. Бу ерда ишлаб чиқарилган кийгизлар, тўқилган чопонлар Россиянинг совуқ ҳудудларига олиб кетилган.

Май, шароб ишлаб чиқариш расман тақиқланган бўлишига қарамай, айрим жойларда, масалан, Душанбе, Қарши, Шаҳрисабз ва Ҳисорда яшайдиган яҳудийларга вино етиштиришга рухсат этилган эди, фақат улар винони мусулмонларга сотиши тақиқланган эди. Темир йўллар қурилиши билан бундай ишлаб чиқариш темир йўллар яқинида ривожланган, масалан, Қорақўл станцияси яқинида француз кампаниясига қарашли вино заводи қурилган.

¹⁹⁷ Логофет Д.Н. История завоевания Бухарского ханства СПб. 1906 с. 271-273

¹⁹⁸ Х. Ўзбекистон мустанлақи ва туғилган қандақиди Т 2006, 300-бет

Бухоро амирлигида йирик саноат ишлаб чиқариши ривожланмаган, корхоналардаги ишчилар сони 50 нафардан ортиқ бўлмаган. Кўпроқ маҳаллий хунармандчилик, темирчилик ривожланган. XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида Бухоро шаҳрида маҳаллий хунармандчиликнинг қуйидаги турлари ривожланган эди: 1. Темирчилик (чилангарлик, дегрезлик, мисгарлик, рехтагарлик, заргарлик, пичокчилик, тунокасолик); 2. Толага ишлов бериш (пиллакашлик, ип йиғириш, мато тўкиш, бўёкчилик, тайёр газламани ишлаб чиқиш); 3. Курилиш хунармандчилиги (ғишт терувчилик, ганжкорлик, гилкорлик, наққошлик, уймакорлик, дурадгорлик); 4. Терига ишлов бериш-кўнчилик (чармгарлик, махсидўзлик, кавушдўзлик, саррожилик, сиёҳкорлик, кўҳнадўзлик); 5. Кийим-кечак хунармандчилиги (пўстиндўзлик, телпакдўзлик, зардўзлик, дўппидўзлик, каштадўзлик, коржомадўзлик); 6. Озиқ-овқат хунармандчилиги (нонпазлик, ошпазлик, сомсапазлик, кабобпазлик, қассоблик, ёғ-мойчилик, ун чиқариш, ҳолвапазлик); 7. Турли хил маиший турмуш буюмлари хунармандчилиги (кулолчилик, гаварасозлик-бешик тайёрловчи, сандиқсозлик, араवासозлик, совунгарлик, бўйрачилик, чодирдўзлик, тўқимдўзлик, ғилофдўзлик, югандўзлик, тароқсозлик). Хунармандчилик айрим турларининг Бухоро шаҳрида жойлашуви қуйидагича бўлган: ип йиғирувчилар шаҳарнинг 51 маҳалласида, гилкорлар 34 маҳалласида, тўкувчилар 33 маҳалласида, дурадгорлар 33 маҳалласида, этикдўзлар 32 маҳалласида, заргарлар 30 маҳалласида, ҳолвафурушлар 21 маҳалласида жойлашган¹⁹⁸. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш, пахтани тозалаш учун дастлабки корхоналар ташкил этила бошланган. Пахта тозалаш заводи илк бор 1890 йилда Ярославль катта мануфактураси томонидан Когонда қурилган. 1898 йилда рус тадбиркори Л.Н.Левин томонидан Қорақўлда ҳам пахта тозалаш заводи ишга туширилган.

Бухоро амирлигида ер ости қазилмаларини аниклаш, тадқиқ этиш, излаб топиш ишлари муайян режа асосида олиб борилмаган. Ер ости ишларини олиб боришга катта маблағ ажратилмаган, асбоб-ускуна ва жиҳозлар мукаммал бўлмаган, бунинг устига руда эритиш печлари ҳам жуда оддий бўлган. Шунга қарамасдан, XX аср бошларида Бухоро амирлигида катта бўлмаган миқдорда олтин, темир, олтингургурт, туз қазиб чиқарилган. Амирликнинг Дароз, Қоратегин, Ҳисор бекликлари ҳудудидан йилига 3-4 минг пудгача темир, чўян эритиб ишлатилган. Аммо амирлик ҳудудларидан қазиб олинган ер

¹⁹⁸ О. А. Суҳраева. Позднефеодальный город Бухара. Т. 1962. с. 16, 30

Фаргона, Уратена ва Марв каби вилоятлар қайд этилган. Пойтахт – Бухоро шаҳрига тегишли туманлар хоннинг ўзи томонидан бошқарилиб, вилоят ҳокимлари хон томонидан тайинланган.

Шайбонийлар даври давлат бошқаруви тўғрисида фикр юридилар экан, унинг ўзига хослигини, ривожланиш жиҳатидан маълум даражада консервативроқ хусусиятга эга эканлигини эътироф этиш лозим. Бу ҳолат мазкур давр манба етарли бўлмаганлиги учун чуқур ўрганилмаганлиги ва Дашти Қипчоқдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар шайбонийлар фаолиятида маълум даражада сақланиб қолганлиги билан низоҳланади.¹³⁷

Абдуллахон II даврида энг олий давлат идораси даргоҳ ҳисобланган. Давлат бошқаруви олий даргоҳ орқали амалга оширилиб, олий бошқарув тўла-тўқис даргоҳда мужассамлашган эди. Шайбонийлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида олий ҳукмдорлик мансаби отадан болага эмас, балки сулоладаги энг улуг (ёши катта) вакилга ўтиши тартиби устун бўлса-да, кейинчалик XVI асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб сулола ичидаги оилавий анъана устуворлик қила бошлаган. Масалан, Искандархондан ўгли Абдуллахонга ва Абдулахондан эса ўгли Абдулмўминга ўтган.

Давлат бошқарувида девон ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этган. Чунки у ўзига хос ижро этиш органи ҳисобланиб, энг машҳур, илмли, ҳисоб-китобни жуда яхши билган мансабдоргина мазкур маҳкамага бош этиб тайинланган. Чунончи, 1585 йилда шайбонийлар давлатининг улуг вазири вазирлар дастури Хожа Разиуддин ал-Алхофий шу лавозимга тайинланади. «Очиш, ёқиш, ушлаш, бўшатиш, девоннинг ҳамма ишлари, ҳоконга тегишли ҳамма муҳим ишлар у кишининг билармонлик зиммасига юклатилди»¹³⁸ Девонлар тизими бу даврда мукамал бўлмаган. Абдуллахон даврида девонбегни мамлакатнинг муҳим ишларидан, мол-мулк, яъни молия, солиқ, ер-сув масалаларидан хабардор бўлиши, вилоятлар бўйлаб ҳукмдорларга иш тақсимлаши, мансабларга тайинлаши ва бу ҳақда ҳукмдорга ҳар куни ҳисобот бериб туриши лозим эди.

XVI асрда бошқарув ишидаги мансаблардан бири оталиқдир. Манбаларда бу лавозим оталиқ, отака тарзида ишлатилган. Бундай мансаб (регент) Ғарбий Европада ҳам мавжуд бўлиб, салтанат ҳукмдорлигига даъвогар бўлган, вояга етмаган шахзодаларга васийлик қилган амалдорларга нисбатан қўлланилган. Оталиқ лавозимига

¹³⁷ Азизат Зие. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. 2000й. 242-бет
¹³⁸ Абдулқалима, 2-китоб, 193-бет

хоннинг ишончини қозонган, ҳарбий ишларда шуҳрат ортирган юқори лавозимли амирлар тайинланиши мумкин бўлган. Оталиклар махсус топшириқларни бажарар, хон номидан элчилик ишини ҳам амалга оширар эди. Абдуллахон йирик, марказлашган давлатни барпо этмоқчи бўлган ҳукмдорлардан бири ҳисобланади. Шу боис, марказий ҳокимият таъсирининг маҳаллий жойлар (вилоятлар)да ҳам кучли бўлишини таъминлаш учун оталикларни вилоятларга юборар ва уларга катта ишонч билан қарарди. Балоғат ёшига етмаган хонзодаларга оталиқ килиб тайинланган амирлар мазкур ҳудудда ўз таъсирига эга бўлишган. Чунки хонзода балоғатга эришгунча мазкур вилоятнинг бошқарув ишлари оталиқ ихтиёрида эди. Демак, оталиклар марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқариб турувчи, тартибга солувчи хон вакили сифатида ўз обрў-эътиборига эга эдилар.

Давлат бошқарувидаги яна бир муҳим лавозим кўкалдош ҳисобланиб, бу атаманинг ижтимоий жиҳатдан моҳият-мазмуни ҳукмронлик қилаётган сулоланинг бирор-бир вакили билан эмиқдошликни (бир онани эмиш) англатади. Шунинг учун бўлса керак, кўкалдошга ўта муҳим, нозик ишлар топширилган. Давлат аҳамиятига молик бўлган вазифалар унинг зиммасига юклатилган. Абдуллахон ҳукмронлиги даврида узок йиллар давомида бу лавозимни амир Қулбобо эгаллаб келган. Унинг мамлакат ҳаётида қандай роль ўйнаганлигини билиш учун Бухоро шаҳрида барпо этилган Кўкалдош мадрасасини эсга олиш kifоя. Абдуллахоннинг бобурийлар ҳукмдори бўлган Акбаршоҳ билан олиб борган музокараларида, хон ва унинг ўғиллари ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишда, мамлакатда амалга оширилган тафтиш ишларида амир Қулбобо Кўкалдошнинг хизмати катта бўлган. Ҳофиз Танишнинг ёзишича, амир Қулбобо Кўкалдош ҳар куни девонда ўтириб, халқ ишини тартибга солар, қозилар ва даъвогарлар, амалдорлар ва омма (райят) ўртасида адолат билан иш тутарди. Мамлакатни ободонлаштиришда унинг роли салмоқли бўлиб, амир Қулбобо томонидан барпо этилган иморатларга Балхдаги олий мадрасани, Жума масжидида бир работни. Бухоронинг Қоровул мавзесида икки работни, Бухоро шаҳрининг ичида отаси қурдирган масжиди жомеъ қаршисида қурдирган олий мадрасани киритиш мумкин.

Бу даврда маҳаллий бошқарув ҳам ўз хусусиятига эга бўлиб, бутун-бутун ерлар, вилоятлар суюрғол, мерос сифатида хоннинг

ўғиллари ва яқин қариндошларига инъом этилган ва бўлиб берилган. Ўз навбатида улар маҳаллий мутлақ ҳукмдорларга айланиб, ўз қароргоҳига, давлатхонасига, бошқарувчи ва назорат қилувчи амалдорларига эга эдилар. Масалан, Тошкент вилояти Абдулқундус Султонга, Балх вилояти «Саодатманд фарзанди» - Абдулмўмин Султонга, Фаргона вилояти «азиз фарзанди» - Исфандиёр Султонга, Шаҳрисабз вилояти Мўмин Султонга суюрғол сифатида инъом этилиб, йирик вилоятлардан бири бўлган Самарқандда хоннинг укаси Ибодулла Султон ҳукмдорлик қиларди.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлиги давлат бошқарувида Жўйбор хожаларининг таъсири кучли бўлган. Шайхулислом лавозимида ишлаган Хожа Муҳаммад Ислоом ва унинг ўғли Хожа Саъднинг давлат бошқаруви ишларига таъсир кўрсатиши кўпгина манбаларда қайд этилган. 1561 йилда Пирмуҳаммадхон билан Абдуллахон ўртасида Балх бошқарувини Бухоро бошқарувига айирбошлаш учун келишув бўлганда Хожа Муҳаммад Ислоом шундай деган: «Абдуллахон биз билан бемаслаҳат Бухорони Балхга айирбошлабди. Балким у Бухорода ҳокимиятни бирор-бир кимсанинг мададисиз ўз қўлимда тутиб турибман деб ҳаёл қилаётгандир. Хоҳлаган ишини қилсин, ҳокимиятни истаган кишисига берсин, кўрамиз бу билан нимага эришар экан». «Айирбошлаш ҳақидаги битим тузилганидан беш кун ўтгач, Абдуллахон Жўйборга борди, олий ҳазратлари (Хожа Муҳаммад Ислоом — М.Б.) га бўлган воқеани сўзлаб берди ва пушаймон бўлганлигини изҳор этди» - деб ёзади Ҳофиз Таниш Бухорий.

Абдуллахон II даврида давлат бошқаруви нисбатан марказлашган ҳолда олиб борилган. Марказий ҳокимият, теурийлар давридаги каби нисбатан кучайиб борган. Ҳарбий-сиёсий ҳаракатларда, қўшни давлатлар билан олиб борилган элчилик муносабатларида анча силжишлар бўлган.

Умуман олганда, XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида давлат бошқаруви маълум даражадаги чекинишлар билан амал қилиб келган. Асосий ролни олий даргоҳ ўйнаб, ижро ҳокимияти бўлган девоннинг мавқеи бирмунча пасайган. Ҳар бир вилоятнинг ўз бошқарувига эга эканлиги ҳисобга олинса, маҳаллий бошқарувнинг марказий ҳокимиятга бўйсунитиши заифроқ эканлиги сезилади. Удел ерларининг мустақилликка интилиши кучайиб бориши билан марказий ҳокимият аста-секин кучсизланиб борган.

3. XVI асрда Бухорода маданият

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ўзаро урушлар, тахт учун курашлар давом этиши билан бирга Мовароуннаҳрда, хусусан хонлиқнинг пойтахти бўлган Бухоро шаҳрида ва унинг атрофларида ободончилик ишлари олиб борилган, мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар ҳамда савдо расталари, ҳаммомлар, хунарамандчилик корхоналари, устахоналар қурилган. Ҳукмрон сулола вакилларида Шайбонийхон (ғазал, рубоий ва “Баҳр-ул худо” достони), Убайдуллахон (шеърӣ девон), Дўст Муҳаммад султон (“Силсиот-ус салотин ва анис-ул ошикин” асари), Абдуллахон II (“Хон” таҳаллуси билан ёзилган ғазаллари) лар ҳам ижод билан шугулланганлиги маълум.

1533-1540 йилларда Бухорода ҳукмдорлик қилган Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд султон даврида Бухоронинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги мавқеи ошди. Айнан шу даврда Бухорода Мирак Саид Ғиёс боғи барпо этилди, Мир Араб мадрасаси қурилди.

Уша давр манбаларига қараганда, XVI асрнинг бошидан ўрталаригача Бухоро адабий муҳиtida 100 дан ортиқ шоир яшаб ижод этган. Улардан 11 нафари соҳибидевон шоирлар бўлган. Масалан, Рўзбехон Исфahоний, Зайниддин Восифий, Абдурахмон Мушфикий, Ҳасанхожа Нисорий, Наҳлий Бухорий, Девона Ҳусомий қабилар шулар жумласидандир.

Убайдуллахон саройида ҳам қўлаб шоирлар тўпланган бўлиб, хон ва шайхулисом Ҳожа Ҳошимий Сиддикий ижод аҳлини қўлаб-қувватлаган. «Ул ҳазратнинг одати шу эдики, ҳар куни бир шеърни ўртага ташлаб, унга татаббуъ ва жавоб ёзишга шоирларни ундардилар» - деб ёзади Зайниддин Восифий.¹³⁹

Убайдуллахоннинг ўзи «Убайдий», «Қул Убайдий» ва «Убайдуллоҳ» таҳаллуслари билан ўзбек, форс ва араб тилларида ижод этган. Унинг туркий девонида 310 ғазал, 430 рубоий, 11 туюк, 18 маснавий, 7 муаммо ва 2 ёр-ёр мавжуд. Шунингдек, девондан диний-тасаввуфий ва ахлоқий-дидактик руҳдаги «Омонатнома», «Шавкнома», «Ғайратнома» ва «Сабрнома» мавзулари ҳам ўрин олган. Форсий девонида 163 ғазал, 418 рубоий, 7 китъа, 1 фард, 1 маснавий, 1 тартеъбанд ва 3 муаммо бор. Араб тилидаги мероси 35 га яқин ғазал, китъа ва фардлардан иборат. Убайдуллахон ижодкор сифатида Аҳмад Яссавий асос солган ҳикматнавислик анъанасини ривожлантирган.

¹³⁹ Зайниддин Носифий, Бадоъу уя вақоеъ, форсийдан Навои Норқулов таржумаси, Т., 1979, 46-бет

Ундан 1786 байтдан иборат 220 дан ортик ҳикматлар бизгача етиб келган. Убайдуллахоннинг ижодида диний-тасаввуфий ғоялар етакчилик қилади. У ўзбек ва форс адабиётидаги йирик рубоийнавис ҳисобланади. Убайдуллахоннинг икки тилдаги рубоийлари 850 га яқин бўлиб, айтиш жоизки, ўзбек адабиётида рубоийнинг Бобурдан кейинги тараққиёти унинг номи билан боғлиқдир. Унинг шеърларида ўзбек тилининг бой имкониятлари, ўзига хос хусусиятлари маҳорат билан ифодаланган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Мулла Мушфикий ўзининг ўткир шеърлари билан танилди. Абдурахмон Мушфикий (1525-1588) Бухоро мадрасаларида таҳсил олган, 1564 йилгача Бухорода яшаган. 1568-1572 йилларда Самарқанд ҳокими Султон Саид саройида китобдор, 1572-1573 йилларда Ҳиндистонда Акбаршоҳ саройида, 1578 йилдан бошлаб Бухорода Абдуллахон саройида хизмат қилган ва «Малик уш-шуаро» унвонини олган. Шоирнинг ҳажвия, ғазал ва қасидалари «Девони мутоибот», «Девони газалиёт», «Девони қасоид», «101 тугун» (саду як бувад) қабиларда жамланган. Мушфикий гузаллик ва муҳаббат ҳақида «Эрам боғи», шунингдек, «Соқийнома» ва «Жаҳоннома» каби поэтик асарларни яратган. Унинг асарлари халқ орасида кенг тарқалган ва шоирнинг ўзи Мулла Мушфикий номи билан тожик халқ латифалари қаҳрамонига айланиб кетган.

«Абдуллонома» (Шарафнома)и шоҳий) асарида шаҳардан бир фарсах масофада жойлашган Сумитан мавзесидаги Абубакр Саъд (Хожа Исломининг ота-боболаридан, 971 йилда вафот этган)нинг мазорига 1559-1567 йилларда мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа бинолар қурилганлиги ҳақида маълумот берилган. Ушбу мазор ёнида Абдуллахон учун бир чорбоғ ҳам қурилиб, шаҳардан чорбоққача бўлган йўлнинг икки томонига дарахтлар ўтказилган.

Бухоронинг Сумитан мавзеидаги ушбу меъморий ёдгорлик шу ерда. Сомонийлар даврида яшаб ўтган тўрт шайх (улар сомонийлар даврида юқори мавқега эга бўлиб, шайхулислом даражасига етган) яъни, Абу Бакр Саъд (IX асрнинг охири-971 й.), Абу Бакр Фазл (IX асрнинг иккинчи ярми -937 й.), Абу Бакр Муҳаммад (IX асрнинг иккинчи ярми -937 й.), Абу Бакр Тархон (IX асрнинг иккинчи ярми -945й.)лар номи билан боғлиқ. Кейинги асрлар (XVII-XIX)да яна қўшимча бинолар қурилиб, атрофи боғларга айлантирилган. Ҳозирги вақтда Чор Бакр меъморий мажмуаси деб аталади.

Абдуллахоннинг замондоши, унинг саройида ҳам бўлган, хизмат қилган Мушфикийнинг маълумотига кўра, Бухоро шаҳридаги Чорсу

ва ундаги тимлар 1569-70 йилда, машхур темирчилик чорсуси 1582 йилда, Қулбобо Қукалдош мадрасаси 1574 йилда, Карманадаги Зарафшон дарёсидаги қўприк эса 1582 йилда қурилган.

Бухородаги Говкушон, Фатхулла Қушбеги, Миракон, Хожа Муҳаммад Порсо мадрасалари ва бошқа қўплаб бинолар ҳам XVI асрнинг иккинчи ярмида барпо этилган. 1558-1559 йилларда Бухорода бўлган инглиз савдогари Антони Женкинсон шундай деб ёзган эди: “Бухоро – ҳашаматли шаҳар, унда қўплаб пишиқ гиштдан қилинган бинолар ва маҳобатли жамоатчилик қурилишлари, айниқса шундай ҳаммомлари борки, дунёда уларга тенг келадигани йўқ”. Бизгача етиб келган ривоятларга қараганда Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдаги хароб бўла бошлаган қўпгина ёдгорликлар ҳам Абдуллахон даврида қайта тикланган.¹⁴⁰

XVI асрнинг 80-йилларида Абдуллахоннинг буйруғи билан ҳозирги Нурота туманидаги Оқчоп қишлоғи яқинида катта тўғон (банд) қурилиши бошланган. Бирок ушбу иншоотнинг тугаллангани ёки тугалланмаганлиги аниқ эмас. 1957 йилда академик Я.Ғуломов бошчилигидаги археологик экспедиция томонидан ушбу иншоотнинг қолдиқлари топилган. Академик А.Р.Муҳаммаджоновнинг фикрича, мазкур тўғон 750-800 минг м³ сувни тўплаб, 2,5-3 минг гектар экин майдонини суғориш имкониятига эга бўлган¹⁴¹.

«Бухоронинг ташки қалъасида, шаҳарнинг ғарб тарафида, хиёбон қучасида хон ҳаммоми қаршисида 1566-67 йилда тоқлари баланд, гумбазлари юқори ва 2 қаватли, қўп ҳужралардан иборат олий мадраса қурилди» - деб ёзади Ҳофиз Таниш Бухорий¹⁴². Мазкур мадрасада ўша давр уламоларининг пешвоси бўлган Мавлоно Поянда Муҳаммад, Қози раис номи билан машхур бўлган Қози Садр, илму калом қонунларини белгиловчи Мавлоно Амир каби мударрисларнинг талабаларга дарс берганлиги ҳам қайд этилган. Ушбу мадраса Абдуллахоннинг ғарбий мадрасаси номи билан ҳозиргача ҳам сақланиб қолган. Шу мадрасанинг рўпарасида турган яна бир мадраса ҳам 1581-82 йилда қурилиб бизгача етиб келган ва «Модарихон» номи билан аталади. Иккала мадраса ҳам олий тоифали. Ғарбий мадрасада 140 (108) ҳужраси, шарқий мадрасада эса 64 ҳужраси бўлган. Ҳозирги вақтда бу мадрасалар «Қўш мадраса» деб аталади. Абдуллахон мадрасасининг кутубхонаси жуда бой бўлиб, унда тиб, ҳикмат,

¹⁴⁰ Абдуллаев, 1-қитба, 11-бет

¹⁴¹ «Фан ва турмуш» журналі, 1963, 3-сон, 23-бет

¹⁴² Абдуллаев, 1-қитба, 180-бет

мантик, нахв (араб грамматикаси), тафсир, ҳадис ва илмнинг бошқа соҳаларига доир кўплаб вақф қилинган китоблар мавжуд бўлган.

Бухоронинг Гавкушон гузарига, Қарши дарвозаси йўлида 31 хужралик яна бир мадраса ҳам 1570 йилда (айрим манбаларда 1581 йил) Жўйборий шайхлардан Носириддин Хожа Саъд (Хожа Калон Хожа) томонидан қурилган. Ушбу мадраса ҳам олий тоифали мадраса ҳисобланган.

Булардан ташқари, 1582 йилда Абдуллахон Бухоро шаҳрида «Абдуллахон тими» номи билан машҳур бўлган ёпик бозорни ҳам қурдирган бўлиб, унинг «Токи заргарон» деб аталган биноси ҳам диққатга сазовордир. Унда заргарлар, саррофлар, телпакфурушлар ва китобфурушлар савдо қилишган. Буларни ичида, айниқса китоб бозори бошқа юртларда ҳам машҳур бўлган. Ушбу тоқ бугунги кунда ҳам ишлаб турибди.

Абдуллахон олиму фозиллар ва тариқат аҳлини ҳурмат қилган, яхши муомалада бўлган. Жумладан, Хожа Ислоҳ Жўйборий, Хожа Калон Хожа (унинг ўғли) ва Қосим шайх Карманагий каби тасаввуф илми билимдонларини ўзининг пири деб билган ва давлат бошқарувида улар билан маслаҳатлашган. У замонасининг Мирзажон Шерозий, Мавлоно Поянда Муҳаммад ва Садриддан Муҳаммад Бухорий каби машҳур алломаларини таълим-тарбия соҳасига, яъни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этган.

XVI асрда Бухоро хонлигида адабиёт, тарих, таржимонлик, лугатчилик, меъморлик, наққошлик, тасвирий санъат ва бошқалар раванқ топди: Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб», Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Камолиддин Биноининг «Шайбонийнома», Абдулла ибн Муҳаммаднинг «Зубдат ул-асрор», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий (Абдуллонома)», Муҳаммадёр ибн Араб Қатаганнинг «Мусаххир ал-билод», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» каби адабий ва тарихий асарлари яратилди; лугатлар тузилди. Шу даврда Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим», Рашидуддин Фазлуллоҳнинг «Жомеъ ат-таворих» ва Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» каби тарихий асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Муҳаммад Ҳусайн Мунажжим Бухорийнинг «Маърифати самти қибла» каби асарининг яратилганлиги бу даврда аниқ фанлар соҳасида ҳам юксалиш бўлганини билдиради.

Жони Маҳмуд ибн Шайх Али ибн Имомиддин ал-Ғиждувоний XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган ва ижод қилган ажойиб сайёҳдир. Унинг иккита устози бўлиб, бири — Шайх Камолиддин Хусайн Хоразмий, иккинчиси эса Шайх Ҳожи Муҳаммад ал-Ҳабушонийдир. Қўрган-кечирганлари асосида у 1543 йилда “Мифтод ат-толибин” асарини ёзган. 1532 йилда Хоразмда бўлиб ўтган вабо тўғрисида, Қорақум ичкарисида яшаган Салор қабилалари ва Каспий денгизи хавзаси тўғрисида маълумот берган.

Мусика, хаттотлик (Кавкабий Нажмиддин Бухорий, Мир Али Ҳиравий, Аҳмад Хусайний, Мир-Хусайн ал-Хусайний, Султон Али Машҳадий, Дўстмуҳаммад Бухорий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шихабий ва бошқалар) юқори даражада ривожланди. Тасвирий санъат юксалиб, Бухоро миниатюра мактаби вужудга келди. Кутубхоначилик (Абдулазизхон кутубхонаси, Абдуллахон II кутубхонаси ва б.), китоб безаш ва муковачилик ривожланди. Тиббиёт илми тараккий этди (Муҳаммад Хусайн ибн ал-Мирокий Самарқандий, Шоҳ Али ибн Сулаймон, Султон Али ва б.), йирик шаҳарларда шифохона (дор уш-шифо) лар ташкил қилинди.

XVI асрда Бухорода меъморчилик юксак даражада ривожланди — Шайбонийхон мадрасаси, Мир Араб мадрасаси, Абдуллахон мадрасаси, Қўқалдош мадрасаси, Говкушон мадрасаси ва б., Масжиди Калон, Говкушон мажмуаси ва бошқа қарвонсаройлар, Абдуллахон банди, Зарафшон сув айирғичи, кўприқлар ва сув омборлари қурилди, сардоба ва ғаммомлар солинди. Бухоро шаҳри Янги мудоффа девори билан ўралди. Қабр тоши яшаш бадий даражага етди. Таълим-тарбияга эътибор қучайиб, маҳалла масжидларида ва хонадонларда уй таълими жорий этилди. Савод чиқариш учун ўқишга олти ёшдан қабул қилинадиган бўлди. Мадрасаларда диний таълим-тарбиядан ташқари, риёзиёт, фароиз, ғандаса, фикҳ, мантиқ, мусика, шеър санъати, хаттотлик ва бошқа фанлар ўқитилди.

XVI асрнинг биринчи чорагида мамлакатда ҳокимият учун курашлар бўлиб ўтганлиги оқибатида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва маданият суст бўлса-да, 30-40-йиллардан бошлаб яна кўтарилиш қайд этилади. Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллахон ва Абдуллахон ободончиликка, маданиятга катта эътибор берди.

Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида, XVI аср охириларига келиб Бухоро хонлиги йирик феодал давлатга айланди. Хонлиқнинг чегаралари шарқда Қашғар билан, ғарбда Орол ва Каспий денгизи соhillари билан туташди. Унинг шимолдаги чегаралари Туркистон ва

Сайрамгача етиб, жанубда Хуросоннинг шаркий қисмини ўз ичига оларди.

Бутун XVI аср мобайнида ҳокимиятни ўз қўлларида саклаб келган Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги ўзбек давлатчилиги тарихида катта аҳамиятга молик бўлиб, худди шу даврда ўзбек халқининг этник шаклланишидаги учинчи давр бошланди. Дашти қипчоқлик ўзбеклар Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маҳаллий-туркий халқ — ўзининг азалий қон-қардошлари билан қўшилиб кетди ва уларга ўзининг номини берди.

Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллахон ва Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигида зироатчилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланди ва маданий ҳаёт анча юксалди. Хонлиқнинг пойтахти сифатида Бухоро шаҳри кенгайтирилди, девор ва ҳарбий истеҳкомлар қайта қурилди. Мадрасалар, хонақоҳ ва қарвонсаройлар, янги савдо расталари барпо қилинди. Бухоро ва бошқа шаҳарлар ўртасидаги савдо йўлақларида тим (усти ёпиқ раста)лар, кўчалар, чорраҳалар ва ҳаммомлар, қарвон йўлларида сардобалар ва кўприқлар қурилди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида марказлашган давлат барпо этиш ҳаракати туфайли мамлакат ичкарисида ўзаро қурашлар бир мунча пасайган. 1598 йилда бошланган ички сиёсий низолар натижасида Абдуллахон ва унинг ўғли Абдулмўмин ўлдирилган. Кейин тахтга ўтказилган Пирмуҳаммад II нинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормаган (1601 йилда ўлдирилган). Шунинг билан шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги ҳам тугаган.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида Бухоро воҳасида истиқомат қилган оддий халқнинг аҳволи, яшаш шароити оғир бўлган. Турли-туман солиқларнинг кўплиги, мажбурий ишларга сафарбарлик қилиш, феодал мулклар ўртасидаги ўзаро урушлар оқибатида меҳнаткаш халқ кўп азият чекди.

9-БОБ. АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА БУХОРО

Аштархонийлар Жўжи наслидан бўлиб, XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (Аштархон, Ҳожи Тархон) ва унинг атрофидаги ерлар, халқлар устидан ҳукмронлик қилган.

1556 йилда Астраханни Россия босиб олгандан кейин Астрахандан Ёрмуҳаммадхон оиласи билан Бухорога кўчиб келган. Шу вақтда Бухоро хони бўлган Искандархон (1563-1583) қизи

Зухрахонимни унинг ўғди Жонибекка берган. Ана шу Жонибек Султон Зухрахонимдан уч ўғил фарзанд кўрган: Дин Муҳаммад, Боки Муҳаммад, Вали Муҳаммад.

Абдуллахон Пизмони (1583-1598) да Дин Муҳаммад Нисо ва Абиварднинг ҳокими бўлди. 1598 йилда Шайбоний Абдулмўминнинг ўлдирилишидан сўнг амир ва руҳонийлар Жонибек султонни Бухоро тахтига кўтармоқчи бўлдилар. Аммо Жонибек султон бундан воз кечгандан кейин улар унинг катта ўғли Дин Муҳаммаднинг номига хутба ўқитдилар. Бухорога бораётган Дин Муҳаммад йўлда ҳалок бўлди. Шундан сўнг Жонибек султоннинг ўртанча ўғли Боки Муҳаммад тахтга ўтказилди.

1601 йилда охириги шайбоний ҳукмдор бўлган Пирмуҳаммадхон II нинг тахтдан ағдарилиши билан ушбу сулоладан тахтга даъвогар колмаганлиги сабабли Мовароуннаҳрдаги сиёсий ҳокимият Аштархоний (Астраханликлар) лар сулоласи қўлига ўтган.

Шайбонийлар сулоласининг охириги вакили бўлмиш Пирмуҳаммадхон (1598-1601) 1599 йилда алоҳида хизматлари учун Боки Муҳаммадни Самарқанд вилоятига ҳоким этиб тайинлади. Бирок бу рағбатга жавобан ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Боки Муҳаммад унга итоатсизлик қилиб, ҳужум қилишга ҳозирлик кўра бошлади. 1601 йилда Пирмуҳаммадхон билан Боки Муҳаммадхон ўртасида адоват бошланди. Жалоир (Саидбий), дўрмон (Бокибий, Алиқулибий, Сокибек) ва бошқа қабилла бошлиқларининг игвоси билан Пирмуҳаммадхон ва Боки Муҳаммадхон ўртасидаги муносабатлар бузилган. Улар Пирмуҳаммадхонни аввал Самарқандга қўшин тортиб, у ердаги Тўқай Темурийлар ҳокимиятини тугатишга ундадилар, кейин хал қилувчи дақиқаларда унга соткинлик қилиб, Боки Муҳаммадхон томонига ўтиб кетдилар. Бундан ташқари, Боки Муҳаммадхон ўзбошимчалик билан иш тутган, бунинг устига ўз улусини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Масалан, 1601 йилда у Миёнқолнинг энг мустаҳкам қалъаси Дабусияни босиб олди, кейин Қарши билан Кешни қўлга киритди. Бу ҳол катта ҳарбий тўқнашувга сабаб бўлди. Бўлиб ўтган тўқнашувда Бухоро қўшинлари сон жиҳатдан қуп эди. Балхдан ўн минг кишилиқ қўшин мададга келган эди. Шунга қарамай, Боки Муҳаммадхоннинг қўли баланд келди. Пирмуҳаммадхон ва унинг эътиборли амирлари қатл этилди.¹⁴¹ Шундай қилиб, 1601 йилда Самарқанд яқинидаги Боғи Шамол деган жойда Пирмуҳаммадхон билан Боки Муҳаммад ўртасида жанг бўлиб ўтди ва Пирмуҳаммадхон

¹⁴¹ Б. Ахмедов Тарихдан сабақлар Т 1994, 192-193 бет

мағлубиятга учради. Шу воқеа (1601 йил, июн) дан кейин Боқи Муҳаммад Бухоро шахрига кириб тахтни эгаллади ва янги сулоланинг ҳукмронлигини бошлаб берди.

Абдуллахоннинг вафотидан кейин Абдулмумин олти ойгина ҳокимият тепасида турди ва кейин фитначилар томонидан ўлдирилди. Фитначиларнинг тепасида Абдуллахоннинг эски амирларидан Абдуссамад баҳодир мирохўр ва Муҳаммадқул баҳодир тирандоз турдилар. Бу воқеа 1598 йилнинг июл ойида Ҳуратепа билан Зомин оралиғида бўлди. Шундан кейин Мовароуннаҳрда ўзаро феодал курашлар кучайган. Шимол томондан Таваккалхон бошчилигида қозоқлар бостириб кириб, Тошкент билан Самарқандни эгаллаб, Бухорога яқинлашдилар. Лекин Бухоро амирлари орасида яқдиллик бўлмади. Бир гуруҳ Ибодулло Султон (Абдуллахоннинг укаси)нинг ўн етти яшар асранди ўғли Абдуламин (Испанд султон) султонни олиб Балхга қараб кетдилар ва ўша ерда уни хон қилиб қўтардилар. Иккинчи гуруҳ эса Абдулмумин қирғинидан омон қолган Пирмуҳаммадни уч ўғли билан олиб келиб, ўзини шайбонийларнинг олий ҳокони деб эълон қилдилар. Ҳиротда ҳокимиятни аштархонийлардан бўлган Ёрмуҳаммадхон (Жўчининг ўн учинчи ўғли Тўқай Темур авлодидан)нинг ўғли Динмуҳаммадхон эгаллади. Илгари у Сейистонни Абдуллахоннинг номидан идора қилган, 1586 йилдан кейин эса Жом вилоятини бошқарган ва сўнгра отаси Ёрмуҳаммадхонни хон деб эълон қилган эди. Ана шундан кейин қозок қўшинлари Бухоро воҳасига ҳужум қилиб Миёнқолнинг Дабусия ва Куфин қалъаларидан ташқари барча қишлоқларини босиб олиб, талон-торож қилди. Бухоро шахри икки ой давомида қамал қилинди. Шундай қилиб, 1601 йилда Бухоро хонлигида ҳокимият янги сулола – жонийлар (Жони Муҳаммадхон номидан) ёки аштархонийлар (келиб чиқиш бўйича) деган ном олган Тўқай Темирийлар сулоласи қўлига ўтди¹⁴⁴

Бухоро хони бўлган Боқи Муҳаммад ўз ҳукмронлиги даврида хонлик ҳудуди яхлитлигини сақлаб қолишга ва ўзидан олдин ўтган хонлар қўлдан чиқарган ерларни душманларидан қайтариб олишга ҳаракат қилиб кўп урушлар олиб боради. Шу жумладан, Боқи Муҳаммад 1601-1602 йилларда Балх тахтига даъвогарлик қилиб исён қўтарган аштархоний шахзодалар – Аббос Султон ва Раҳмонқули султонларни 1602 йилнинг баҳоринда мағлуб этади.

¹⁴⁴ Б. Аҳмедов Тарихдан сабоқлар. Т. 1994. 184-195 бет.

Эрон шоҳи Аббос I Балхни босиб олиш, сунгра Боки Муҳаммаднинг тахтдан ағдариб, унинг ўрнига Шайбонийлардан Муҳаммад Салим Султонни ўтказиш ва шу йўл билан Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласи ҳукмронлигига барҳам бериш учун катта қўшин билан юриш қилганда Боки Муҳаммад Амударё бўйидаги Пули Хатаба деган жойда 1602 йилнинг июлида унга пешвоз чиқиб, Эрон қўшинини бутунлай тор-мор этади. Шох Аббос I эса қолган-қутган лашкари билан зўрға кочиб қутулади.

1603 йилнинг 25 мартида Боки Муҳаммад теурийлардан бўлган Кобул ҳокими Муҳаммад Ҳаким Мирзонинг жияни Бадиуззамон босиб олган Кундуз шаҳрини 3 ой камал қилгач, яна қўлга киритади. Ўзининг ҳукмронлиги даврида Боки Муҳаммад хонликни бошқариш тизими ва солиқларни тартибга солиш, қўшинни қайта ташкил этиш каби катор ўзгаришларни амалга ошириб, мамлакатда савдо-сотиқ, хунармандчилик ва ободончилик ишларига кўп эътибор беради. Боки Муҳаммад 1605 йилда вафот этади.

Боки Муҳаммаднинг вафотидан кейин унинг ўрнига укаси Вали Муҳаммад Бухоро хонлиги тахтига чиқади. Акаси ҳукмронлиги даврида, у 1599-1605 йилларда Балх вилоятининг ҳокими бўлади. Вали Муҳаммаддан кейин Балх вилоятининг ҳокими бўлган Надр Муҳаммадхон бошлиқ маҳаллий амалдорлар фитна уюштириб Имомқулихонни Бухоро тахтига ўтказмоқчи бўладилар. 1611 йилнинг баҳорида Вали Муҳаммад Имомқули ва Надр Муҳаммадхонлар билан бўлиб ўтган курашда енгилиб, Имомқулихон Бухоро хони деб эълон қилинади. Вали Муҳаммад эса Эрон шоҳи Аббос ҳузурига кочиб боради. У шох Аббос ёрдамида Мовароуннаҳрни қайтариб олишга ҳаракат қилади.

Тарихчи Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” (XVII аср) асарида ёзилишича, Эрон шоҳи Аббос Имомқулихонга қарши курашиш учун Вали Муҳаммадга 80 минг кишилик кизилбошлилар қўшинини берган. Аммо 1611 йилнинг 27 августида Самарқанд яқинидаги машҳур Боғишамолдаги жангда Имомқулихоннинг қўли баланд келиб, Вали Муҳаммад асирга олинади ва қатл қилинади.

Имомқулихон Вали Муҳаммадхон Эрондан олиб келган қўшинга қарши Бухоро халқининг курашига бошчилик қилиб, қозоқлар ёрдамида эронийларни тор-мор келтирган. 1611 йилда Сирдарёнинг қуйи оқимларига юриш қилиб, исёнкор қозоқ, қалмоқ ва қорақалпоқларни бўйсундирган. Шундан кейин, 1612 йилда

Тошкентни эгаллаб олган ва ўгли Искандарни у ерга ҳоким қилиб тайинлаган. Орадан кўп ўтмай, Искандарнинг сиёсатидан норози бўлган Тошкент аҳолиси унга қарши бош кўтариб, уни ўлдирган. Бундан ғазабланган Имомқулихон Тошкент аҳолисини жазолашга аҳд қилиб, Бухоро, Балх ва Бадахшон вилоятларидан тўпланган қўшин билан Тошкент аҳолисини қиргин қилган, кўп одам ўлдирилган.

Бухорода Имомқулихон ҳукмронлиги даврида маҳаллий ҳокимларнинг марказга бўйсунishi расмийлигича қолаверган. Шундай бўлса-да мамлакатда ижтимоий-сиёсий аҳвол бирмунча барқарорлашган ва хўжалик ҳаётида айрим силжишлар кўзга ташланган. Хоиликка қарашли бўлган Тошкент, Балх ва Самарқанд каби йирик вилоятларнинг мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилишлари синдириб турилиши натижасида ички низоларга чек қўйишга муваффақ бўлинган.

XVII асрнинг биринчи ярмида, Имомқулихон ҳукмронлиги даврида Бухорода дарвишларнинг, Жўйбори хўжаларининг мавқеи баланд эди. Имомқулихон дарвишларни қўллаб қувватлар, Жўйбори хўжалар билан яхши муносабатда бўлар, жуда кўп мол-мулклар уларнинг қўлида эди.

Имомқулихон саройида олимлар ва шоирлар тўпланган, унинг ўзи ҳам шеърлар ёзган. 30 йил (1611-1642) дан ортиқ ҳукмдорлиги даврида марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳаракат қилиб, Ҳиндистон, Эрон ва Россия билан элчилик муносабатларини йўлга қўйган. 1620-1622 йилларда Россиянинг элчиси И.Д.Хохлов Бухорода бўлган. Имомқулихон умрининг сўнгги йилларида кўр бўлиб қолган ва Бухоро тахтини укаси Надр (Нодир) Муҳаммадга топшириб, ўзи Маккага ҳаж сафарига кетган ва ўша ерда вафот этган.

Надр Муҳаммадхон ибн Динмуҳаммадхон (1592-1651) Бухоро хонлигини 1642-1645 йилларда бошқарди. У кўп йиллар давомида хонликнинг йирик вилоятларидан бири бўлган Балхда ҳокимлик (1606-1642) қилган. Надр Муҳаммадхоннинг ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигида ички низолар авж олиб, ҳаттоки унинг ўғиллари (улар 12 нафар эди) ҳам итоат этмай қўйган. Бунга унинг қайсарлиги, ўта такаббурлиги ва мол-дунёга ўчлиги сабаб бўлган ҳамда халқнинг норозилигини келтириб чиқарган. Бундан ташқари мамлакатнинг шимолидаги қўчманчи қабилаларнинг кетма-кет ҳужум уюштириб туришлари ҳам хонликдаги вазиятни мураккаблаштирган. Тухтовсиз бўлиб турган қўчманчиларнинг ҳужуми натижасида мамлакатнинг мол-мулки таланган ва аҳолисининг осуда ҳаёт кечириши издан

чиккан. Албатта Надр Муҳаммад буни олдини олишга уринган, ўгли Абдулазизни уларга қарши курашга сафарбар этган. Бирок бу ҳам муваффақиятли чикмаган. Унинг кўпдан-кўп муҳолифлари ҳарбий юриш вақтида ўгли Абдулазизни хон қилиб кўтардилар. 1645 йили Бухоро тахтидан ўз ўгли Абдулазиз султон томонидан ағдарилган Надр Муҳаммадхон илгариги мулки Балхга қараб қочди, сўнгра бухоролик лашкарларнинг Балхга ҳужумидан хавфсираб бобурийлар кўмагида чегарани мустаҳкамлашга киришди. Аммо унинг ўгли ва набиралари (Субҳонкули султон — Жузжонда, Қутлуқ султон — Қунузда, Қосим султон — Маймана ва Анхудда) бирин-кетин марказий ҳокимият тобелигидан бош тортиб исён кўтардилар. Бундай шароитда Надр Муҳаммадхон Ҳиндистонда ҳукмронлик қилаётган бобурийлардан бўлган Шохжаҳондан ёрдам сўрайди. Ўз навбатида бунга розилик билдирган Шохжаҳон Муродбахт ва Аврангзеб исми ўғилларини катта қўшин билан Балхга жўнатади. Шохжаҳоннинг ҳам ўзига яраша режалари бор эди. Шу боис кулай фурсатдан фойдаланиб қолиш мақсадида ўғилларига Балх вилоятини босиб олиш вазифасини ҳам топширган эди. Бу ниятни сезган Надр Муҳаммадхон уларнинг йўлига чиқиб қаршилиқ кўрсатади, аммо Майманадаги жангда мағлубиятга учрайди. Умидсизликка тушган Надр Муҳаммадхон шундан сўнг Эрон шоҳи Аббос II (1642-1667) нинг олдига боради ва икки ярим йилгача шу ерда бўлади.

Бу ўртада Балхдаги вазият ҳам ўзгаради. Шохжаҳон ўғилларининг қўшини шу муддат ичида бутун Балх вилоятини талон-торож қилади, маҳаллий халқнинг норозилигини кучайтиради, бобурийларга қаршилиқ кўрсатиш бошланади. Бунинг устига кишнинг жуда совук келиши ва бошланиб кетган очарчилик бобурийлар қўшинини ҳолдан тойдиради. Вазиятни ҳисобга олган Шохжаҳон ўз ўғилларини Ҳиндистонга чақириб олади. Балх вилояти яна Надр Муҳаммадхонга берилади. Бу вазиятни вақтинча барқарорлаштиради.

Бирок хонликнинг пойтахти-Бухородаги аҳвол бошқача эди. Надр Муҳаммаднинг муҳолифлари кўмагида ўгли Абдулазизхон ҳокимиятини мустаҳкамлаб олиб, 1651 йилда укаси Субҳонкулихонни Балхга ноиб (ҳоким) этиб тайинлайди. Юзага келган вазиятдан ночор аҳволга тушган Надр Муҳаммадхон Бухоро тахтидан воз кечади ва ҳаж сафарига отланиб, йўлда вафот этади. У Мадина яқинидаги акаси Имомқулихоннинг ёнида дафн этилган. Надр Муҳаммадхоннинг фармонида кўра Маҳмуд ибн Вали “Баҳр ул-асрор” (“Сирлар денгизи”) асарини ёзган. Муаррих Муҳаммад Юсуф Муншийнинг ёзишича,

Надр Муҳаммадининг 600 туяси, 8 минг ажойиб тулпор отлари, 80 минг қорақўл қўйлари бўлган.

Абдулазизхон Бухоро хонлигини 1645-1681 йилларда бошқаради. Хон бўлишидан аввал, 1626 йилдан бошлаб Хуросондаги Хутталоннинг ҳокими, 1630 йилдан бошлаб Балх вилояти гарбий туманлари ҳокими бўлиб ишлаган эди. У мамлакатнинг ободончилигига маълум даражада ҳисса қўшган, мамалакатда барқарорликни сақлашга ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Унинг ҳукмронлиги даврида, 1652 йилда Улуғбек мадрасанинг қаршисида меъмор Мимхоқон ибн Хўжа Муҳаммадамин томонидан катта мадраса қурилган бўлиб, у XVII аср Бухоро маҳобатли меъморчилигининг ёрқин ва етук намунаси ҳисобланади.

Абдулазизхон даврида ака-укалар ўртасидаги тож-тахт курашлари авж олган. 1651 йилда Балхнинг ноиб бўлган Субхонқулихон тез орада Бадахшонни ҳам қўлга киритиб акасига бўйсунмасдан, мустақил сиёсат олиб бора бошлайди. 1658 йилга келиб Абдулазизхоннинг пири Абдулғаффорхўжа воситачилигида ўзаро келишувга эришилиб, Субхонқулихон акасини расман хон сифатида тан олади. Абдулазизхон она тарафдан Абдурахим Хожа Жўйборий (1575-1627)нинг невараси эди. Абдулазизхоннинг тахтни эгаллашида ҳам Хожа Жўйборийнинг роли бор эди. Шу боис ҳам Хожа Жўйборийлар хонадони уни қўллаб турар, хон саройидаги олий даражадаги мажлислар ҳам Хожа Тожиддиннинг иштирокисиз ўтмасди.

Бухоро хонлигини Абдулазизхон бошқарган йилларда Бухоро ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатлар бир маромда кечмаган, ўзаро тўқнашувлар, талончиликдан иборат бўлган юришлар бўлиб турган. Хусусан, Хива хони Абулғози Баҳодирхон ҳукмронлиги даврида, 1655, 1658, 1662 йилларда Бухорога тегишли Кўкардлик, Гурдуш (Қорақўл), Ёйчи (Қорақўл), Варданзе, Наразм, Суюнч боло ва бошқа мавзеларга талончилик юришлари содир этилган. 1662 йилги ҳужумда Хива қўшинлари Бухоронинг Жўйбор гузаригача етиб келадилар. Шу юришда Абулғозихон Бухоро шахрининг Намозгоҳ дарвозаси атрофидаги ерларини ун кун мобайнида горат қилади. Абдулазизхон бу пайтда Самаркандда эди. Подшоисиз шахарни эгаллашни ўзига ор билган Абулғозихон эса орқасига қайтиб кетади.¹⁴⁵ Бундай юришлар Хива Хони Анушахон даврида ҳам давом этиб, 1681, 1685 йиллардаги талончиликдан Бухоро, Қорақўл, Самарканд, Насаф ва Шаҳрисабз

¹⁴⁵ А. Баҳодирхон Шаҳарий турк. Т. 1992. 185-186 бет.

шаҳарлари аҳолиси зиён кўрган¹⁴⁶. 1680 йилги хуружларнинг бирида хиваликлар Бухоронинг атрофларигача бориб, Кармана ва Варданзе ерларини талаб, Самаркандни эгаллаб олдилар. Самаркандликлар Хива хони Анушахон иомига хутба ўқилишига ва унинг номи билан танга зарб қилинишига розилик бердилар. Бухоро ҳукмдори Субҳонқулидан норозилик туфайли шундай бўлди. Бадахшоннинг ҳокими Маҳмудбий оталикнинг ёрдами билан хиваликларни Самарканддан чиқаришга муваффақ бўлдилар. 1685 йилда хиваликлар Ғиждувон, Ҳазора ва Бухоронинг бошқа туманларини эгаллаб олиб талончилик қилдилар. Искандарбий сарой (1681 йилда Анушахон томонига ўтиб кетган), Муҳаммад Бакр Хўжа, қози амир Насир (1681 йилда Анушахонга хизмат қилган), Хўжамқулибнӣ утарчи, Шоҳибек Хўжа найман (1686 йилда Анушахонга ёрдам берган) каби аштархоний амирлар ва айрим қабилла бошлиқларининг фаолиятлари ҳам бундай хуружларни амалга оширишига ёрдам берган. Анушахон хузурига кетган Искандарбий сарой яна қайтиб Бухоро ҳукмдори олдига келганида унга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаган. Сарой қабиласи яна исён кўтармаслиги учун Абдулазизхон шу қабиладан бўлган Оллоҳёрбийни Қорақул қалъасига, Ғойибназарбийни эса Чоржўй қалъасига ҳоким қилиб тайинлаган. Айнан шу одамлар Субҳонқулихон ҳукмдорлиги даврида оталик (Оллоҳёрбий) ва амир-ул умаро – қўшиннинг бош қўмондони (Ғойибназарбий) лавозимларида ишлашган. Буларнинг бари хон ҳокимиятининг заифлашуvidан ва аксинча маҳаллий амалдорлар, қабилла бошлиқларининг мавқеи ортиб бораётганидан далолат берарди. Умуман, XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ва унинг ерларига хиваликлар томонидан 19 марта юриш амалга оширилиб, маҳаллий аҳоли талофат қўрган, маълум қисми Урганчга олиб кетилган. Бундай хуружлардан кейин мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи оғирлаша борган, ўттиз беш йиллик ҳукмдорлик Абдулазизхонни толиқтириб қўйган. Гарчанд ташки сиёсатда Бобурийлар ва Сафавийлар билан яхши муносабат ўрнатилган, ички сиёсатда барқарорлик сақланиб қолган бўлса-да, туб ислохотлар амалга оширилмаган ва умумий таназул давом этаверган.

Муҳаммад Юсуф Муншийнинг ёзишича, 1680 йилда кексайиб қолган Абдулазизхон Бухоро тахтини укаси Субҳонқулихонга топширади ва ўзи ҳаж сафарига жўнайдди. Абдулазизхон 42 йил ҳукмдорлик қилиб, 72 ёшда вафот этади ва Имомқулихоннинг қабри ёнида дафн қилинади.

¹⁴⁶ Б. Аҳмедов Улугбек Т 1994, 197-бет

Бухоро хони Субхонкулихон марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун солиқларни ошириб, кўшинни кўпайтирган. Хонликнинг ҳарбий салоҳиятини оширган Субхонкулихон 1687 йилда Хива хони Анушахоннинг тахт вориси Аранг Муҳаммаднинг Бухорога юришини тўхтатиб қолмасдан, 1688 йилда ўлдирилган Хива хони урнига ноиб бўлган амир Ниёз (Шониёзни)ни Хива тахтига ўтказди. Бу билан Субхонкулихон худди шайбоний Абдуллахон II давридаги сингари Хива хонлигини Бухорога қўшиб олади.

Бухоро хонлигини Субхонкулихон бошқарган вақтда Бухоронинг Шарқ давлатлари билан дипломатик алоқалари яхшиланган. Масалан, Бобурийлардан бўлган Аврангзеб 1689 йилда Забардастхон бошчилигидаги, Усмонли турк султонларидан Аҳмад II 1691 йилда Мустафо Човуш бошчилигидаги элчиларини Бухорога жўнатган. Субхонкулихон билан Аврангзеб ўртасида бир неча марта (1671-1687 йилларда) ўзаро мактублар алмашилган.

Субхонкулихон даврида Балх ва Бухорода кўплаб меъморий обидалар, жумладан, Балхда мадраса, Бухорода Доруш-шифо, Регистонда катта ҳовуз, Арқда Саломхона ва Жоме масжиди, шунингдек, Аминободда чорбоғ барпо этилган. Айни шу даврда тиббиётга эътибор кучайган. Дор-уш-шифода беморларни даволаш билан бирга, шу соҳага тегишли илмий ишлар ҳам олиб борилган. Манбаларнинг гувоҳлигича, Субхонкулихоннинг тиббиётга оид китоблар жамланган кутубхонаси бўлган. Унинг ўзи “Субхоний тиббиёти бўйича даволаш;” “Бахтли соатларни аниқлашда ой манзилларининг моҳияти” номли нужум илмига доир рисола ёзган. Субхонкулихон “Нишоний” таҳаллуси билан шеърлар ёзган ва саройдаги мушоираларда шеърлари билан иштирок этган.

Субхонкулихон 1702 йилда вафот этади. Вафотидан олдин Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхонни тахт вориси – валиаҳд этиб тайинлаган эди. Аммо Бухоронинг уламолари ва ҳарбий кўшиннинг мададига таянган Убайдуллахон II 1702 йилнинг сентябрида Бухоро тахтини эгаллаб олади. Бирок хонликнинг айрим ҳудудлари мустақил бўлишга уринади. Балх ҳокими Муҳаммад Муқимнинг оталиғи бўлган Маҳмуд Қатаган (Маҳмудбий) Бухорога бўйсунмади. Бундан ташқари 1703 йилда Қободиёни, 1704 йилда Термизни ҳам Балхга қўшиб олиб уни Бухородан мустақил деб эълон қилади. Маҳмудбийнинг Балхдаги ҳукмдорлиги 5 йил давом этади. Ички низоларнинг кучайиши натижасида 1707 йилнинг март ойида бекларнинг амалга оширган сарой фитнасида у ўлдирилади. Орадан кўп ўтмай, 1707 йилнинг 27

майида Убайдуллахон II ўзининг катта қўшини билан Балхга юриш қилади ва уни эгаллаб олади.

Убайдуллахон II (1702-1711) ҳукмронлиги даврида Балх, Термиз ва Шаҳрисабз ҳокимлари марказий ҳокимиятга бўйсунтиришни истамаганлиги боис уларга қарши урушлар олиб борилади. Убайдуллахон II мураккаб вазиятда Бухоро хонлигини идора қилади. Бир томондан, мамлакат ичкарисидаги иқтисодий таназзул, иккинчи томондан Жунгор (Қалмоқ)ларнинг (Самарқандга) ҳужуми ва бунинг натижасида улардан кочиб келган қозоқ ва қорақалпоқларнинг бутун Мовароуннаҳр (Тошкент атрофлари ва Зарафшон водийси) бўйлаб кўчиб юриши, учинчи томондан, ўзаро ички низоларнинг авж олиши вазиятни жуда мураккаблаштириб юборади.

Юзага келган вазиятда Убайдуллахон ислохотларни амалга оширишга киришади. Биринчидан, маъмурий бошқарувга ўрта табақани, яъни ҳунармандлар ва савдогарларни жалб этади, иккинчидан, марказий ҳокимиятни кучайтириш учун йирик ер эгаларининг имтиёзларини қискартиради (масалан, Жўйбор хўжаларини солиқ тўлашга мажбур этади), учинчидан, пул ислохотини амалга оширади.

Убайдуллахоннинг фаолиятида пул ислохоти ўзига хос аҳамият касб этади. Бунинг амалга ошириш билан у давлат хазинасини тўлдиришни, бебош бўлиб қолган амир ва беклар, уруғ-қabila бошлиқлари билан курашда ўз мавқеини ошириш ва маҳаллий ҳокимларнинг айирмачилик (мустақил бўлишга интилиш) ҳаракатларини бартараф этиб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилади.

Убайдуллахон давлат хазинаси мутасаддиси Хожа Болта, молиявий идора бошлиғи Меҳтар Шафе билан маслаҳатлашгач, 1708 йилда пул ислохоти амалга оширилиб, янги қумуш тангалар зарб қилинади. Аммо янги қумуш танганинг таркибидаги қумушнинг миқдори 9% дан ошмас, олдинги тангага нисбатан 3-4 марта кам эди. Янги тангалар муомалага чиқарилиб, унга мажбурий киймат ўрнатилади ва олдинги тангалар билан бир хилда товарлар учун тўланади. Бир вақтнинг ўзида солиқлар натура ҳолида, яъни ғалла ва бошқа маҳсулотлар билан йиғилади. Жамоатчилик бунинг қабул қилмайди. Бухоронинг савдогарлари янги тангаларни қабул қилишдан бош тортиб, дўконларини ёниб, барча молларини ундан олиб кетадилар. Шаҳарда савдо-сотиқ тўхтатилади. Ҳунармандлар ўз маҳсулотини қадрсизланган пулга сотишдан бош торгади, ҳам ашё

бўлмагандан сунг устахоналарда иш тухтаб қолади. Тирикчилик ўтказиш қийинлашади. Аҳолининг камбағал қатлами жуда оғир аҳволга тушади. бутун бошли оилаларда озиқ-овқат танқислиги ва етишмаслиги, ҳатто очлик бошланади. Уруш ёки ҳосилсизлик эмас, балки ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати туфайли шундай ҳолат вужудга келади ва шаҳар аҳолисининг ғалаён кутаришига олиб келади.

Кузғолон кутарилиши билан боғлиқ тафсилотлар “Убайдулло-нома” асарида қисқа бўлса-да ёритилган. Ёзилишича, қийин аҳволга тушган ва норози бўлган аҳоли хон саройига келиб шикоят қилмоқчи бўлган, аммо уларни арққа киритишмаган ва шикоятини қабул қилишмаган. Шунда ҳалойиқ уларни тинглайдиган одамга мурожаат қилган ва бу киши халқнинг ҳаракатига бошчилик қилган. Қайд этилган манбага кўра унинг таҳаллуси “Девонаи Панжсадмани” бўлган, ҳақиқий исми, шарифи номаълум. Девонаи Панжсадмани бошчилигидаги ҳалойиқ хоннинг энг яқин одамларидан саналган Маъсум оталиқнинг уйига борган. Кузғолончиларнинг бакирик-чакирикларидан кўркиб кетган. Маъсум оталиқ уларни тинчлаштиришга уриниб хонга шикоятларини етказишга ваъда берган. Аммо унинг сўзларига ишонишмаган ва Девонаи Панжсадмани бошчилигида Регистон майдонига бориб аркнинг дарвозаларига тош ота бошлашган. Қуролланмаган оддий халқни майдондан қувиб юбориш қийин бўлмаган. Девонаи Панжсадмани ва яна уч киши қатл қилинган. Убайдуллахон II савдогарларга ўлдириш таҳдиди билан ўз дўконларини очишни ва янги пулни аввалги қиймати бўйича қабул қилишни буюрган. Лекин савдогарлар хоннинг фармойишини бажармаган. Охир-оқибатда хон ён беришга мажбур бўлган ва янги тангалар эскисининг ярмига тенг бўлиши тўғрисида амр қилган. Шу тариқа мажбурий қабул қилинган танганинг қиймати икки бараварига камайтирилган.

Халқ кузғолони туфайли ҳукумат ён берган бўлса-да, умуман пул ислохотидан кўпчилик зарар кўрган, йирик савдогарлар касодга учраган. Норозилик давом этиб, 1709 йилда халқ ҳаракати ва йирик ер эгаларининг исёнлари бошқа вилоятларга ҳам тарқалган. Ҳатто Убайдуллахоннинг тахдан ағдарилиши ва ўрнига укаси Абулфайзхоннинг тахтга ўтириши хавфи кучайган. Бухоронинг хавфсизлиги учун мутасадди этиб тайинланган Худоёрбий мангит (кейинги сулолани бошловчининг бобоси) Қорақўлдаги қўшимча кучларни ёрдамга чакирган. Қорақўлдаги лашкар ўзбек қабилалари вакилларидан ташкил топган эди. Бу пайтда Қорақўлнинг ҳокими

бўлиб турган Муҳаммад Ёр эшикоғабоши дўрмон қабилалар лашкаридан иборат кучларни Бухоро шахрига келтириб, арkning дарвозаси олдига жойлаштирган. Шаҳар аҳолиси бундан хавфсираб, ҳамма маҳаллаларда куну тун навбатчилик ўрнатилиб, қурол-ярoғ кўтаришга қурби етганлар қуроллантирилган. Шаҳар атрофидаги аҳоли қўрқанидан шаҳар ичкарасига кириб олган. Нарх-наво бирдан кўтарилиб, талон-торож бошланиб кетган. Аҳоли ўртасида Худоёрбий кушбеги исёнчи қўшин ва амирлар билан тил бириктириб Абулфайзхонни тахтга чиқармокчи, хиваликлар шаҳарга ҳужум қилмокчи деган миш-мишлар тарқалган. Бу ҳаракатлар бостирилган бўлса-да, барқарорлик узоқ давом этмаган. Хонликда иқтисодий ва сиёсий аҳволнинг ёмонлашуви ички зиддиятларни кучайтириб юборган.

Кичик ер эгалари каби шаҳарликлар ҳам марказлашган хон ҳокимиятини маъқуллар эди, бунинг устига Убайдуллахон II ўз атрофига унчалик машҳур бўлмаган, ўрта табакага мансуб амалдорларни яқинлаштириб, уларга ерга ва танҳо (ҳарбийларга) га эгалик қилиш ҳуқуқини бера бошлади. Илгари қўшин ем-хашак ва озиқ-овқат оладиган ер участкалари мулкка айлантирилиб, ҳеч қандай солиқ тўламайдиган бўлди. Убайдуллахон сугориш каналларида янги дамбалар ва тегирмонлар қуришга руҳсат бериб, олдин имтиёзга эга бўлган сугориш тизимини бузди. Савдо-сотикда чет элликларга устиворлик берилди. Бир вақтнинг ўзида солиқ ундириш кучайтирилди, солиқ турлари кўпайтирилди, ҳатто Жўйбори хўжаларнинг солиқ тўламаслик имтиёзлари ҳам бекор қилинди. Қабилаларнинг бошлиқларининг норозилигига дин пешволари, руҳонийларнинг норозилиги ҳам қўшилиб, уюштирилган фитна оқибатида Убайдуллахон II ўлдирилади. Фитна нуфузли амирлар томонидан 1711 йилнинг 16 мартда Бухоронинг Пири Мирза чорбоғида амалга оширилади. Убайдуллахон отаси Субҳонқулихон қабри ёнида дафн этилади.

Убайдуллахон мамлакатда ободончилик ишларига эътибор қаратган. Унинг фармони билан шаҳарда мадраса ва Бухоронинг ғарбида 1709 йилда Хонобод чорбоғи барпо этилган. Муаррих Мир Муҳаммад Амин Бухорий унинг саройида бош Мунший (бош котиб) бўлиб ишлаган ва унинг фаолияти ҳақида 1716 йилда “Убайдулланома” асарини ёзган.

Убайдуллахоннинг ўрнига укаси Абулфайзхон (1695-1747) Бухоро тахтини эгаллади. Унинг ҳукмронлиги даврида ўзаро низолар

кучайиб, мамлакат чукур иктисодий-сиёсий инкирозга юз тутати. Абулфайзхон ҳокимиятни расман, номигагина бошқаради. Хонликда марказий ҳокимият заифлашиб, амалда бир гуруҳ амирлар давлат сиёсатини олиб боради. 1720 йилларда узаро қабилалараро урушларнинг ва шимол томондан кучманчиларнинг тобора кўпроқ кириб келиши мамлакатдаги ҳунармандчилик, савдо-сотик ва деҳқончиликка катта зиён етказади. Бухоро хонлигининг ҳудуди кескин кискариб кетади. Минг қабиласидан чиққан Шохрухбий 1710 йилда Чодак хўжалари ҳокимиятини ағдариб, дастлаб Фаргона водийсида Бухоро хонлигидан мустақил бўлган мулкка асос солади. Юз берган вазиятдан фойдаланиб, 1711 йилда Балх вилояти, 1723 йилда Самарканд вилояти Бухоро хонлигидан ажралиб чиқади, 1720 йилда калмоқлар Тошкентни босиб олади.

Шу вақтда Хива хони Шерғозихон ҳам Бухоро тахтига даъвогарлик қилади. Бухоро хонлигида катта мавқега эга бўлган катаган қабиласи вакиллари қози Самъойи Ҳисорий бошчилигида Хива хони Шерғозихонни Бухоро тахтига ўтказмоқчи бўладилар. Хиваликлар шу йилларда кетма-кет Бухорога тегишли бўлган Қорақўл, Вобкент ҳудудларига талончилик юришларини уюштирадилар. Уларнинг бир отряди Хўжа Ўбон чўлида ташналикдан ҳалок бўлади.¹⁴⁷ 1721 йилда Хива хони Шерғозихондан норози бўлган бир гуруҳ хиваликлар Ўрозали Кушбеги бошчилигида Бухорога келади. Уларни қурол яроғ билан таъминлаб, Шерғозихонга қарши урушиш учун Орол бўйига юборадилар. Лекин бу гуруҳ бир неча марта ҳужум уюштира-да, Шерғозихондан енгилади.¹⁴⁸

1723 йилда (23 декабрда) Шахрисабзлик Рустам оталикнинг ўғли Иброҳимбек оталик, Ниёзхўжа катаган, Қоплон кипчоқ ва оғайнилари, Аваз тўқсоба ва бошқалар тил бириктириб, урганчилик хонлар авлодидан бўлган Ражаб Султонни хон қилиб кўтардилар. Шундан кейин 1723-1731 йилларда Самарқандда Ражаб Султон, Бухорода Абулфайзхон бошқаруви вужудга келиб, икки ҳокимиятчилик давом этган. (Ўз даврида Абдуллахон Урганчдан шахзодаларни олиб келган эди. Ражаб Султон ана шу шахзодалар авлодидан эди). Бундан олдинроқ (1716 йилда) Шахрисабзлик Иброҳимбек кечаси 2 минг киши билан Бухорога кириб келиб, аркни эгаллаган, Абдуллобий Кушбеги ва Неъматиллобий девонбегини уйларига ҳужум қилиб, талон-торож қилган эди. 1719 йилнинг баҳорида (Гулисурх байра-

¹⁴⁷ Абдурахмон Таллий. История Абулфайзханов Т 1956, С 66 133-134 138

¹⁴⁸ Абдурахмон Таллий. Ўша асар 66-бет

мида) Исмоил мироҳур бошчилигидаги икки минг кишилик кенегаслар отряди Бухоронинг Баҳоуддин мавзесига келиб кўп минг кишилик халққа тажовуз қилди. Ражаб Султон Бухорони эгаллай олмади, аммо Зарафшон бўйларида исён кутарди. Вобкент атрофида хон тарафдорлари билан исёнчилар уртасида тўқнашув бўлиб ўтди.

Ражаб Султон бошчилигидаги кучлар билан Абулфайзхон ихтиёридаги кучлар уртасида бир неча марта тўқнашувлар бўлиб ўтади. Хонлиқнинг Маворауннаҳрдаги ҳудудларидан анча қисми Ражаб Султон томонидан эгаллаб олинган бўлиб, Бухоро шаҳрининг бир қисми (Мир Араб мадрасаси атрофлари), шаҳар атрофида жойлашган ҳудудлар хоннинг назоратида эди. Вобкент, Ғиждувон, Жондор ва Занданада аҳоли гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга тарафдор бўлиб турган. Вобкент ва Ғиждувонда қаттиқ тўқнашувлар бўлиб, Ғиждувон қалъаси қаттиқ қаршилик кўрсатиб, дарвозаларни очмайдилар. Қози Абдулла Ғиждувоний ва Хўжа Убай ғиждувонликларга бош бўлиб, қалъани ҳимоя қилишган. Иброҳимбек оталик ва Ниёз Хўжа қатаганнинг ҳаракатлари зое кетиб, ғиждувонликлар Бухоро қозиси Мир Абдулбаракат, Садриддин Аълам ва Шайх Мулла Латифга мурожаат қилишган. Исёнчилар ўз одамларига, агар биз Бухоро ва унинг атрофини қўлга киритсак, сизларга уч кун талон-торож қилишга рухсат берамиз ва нимаки қилсангиз индамаймиз деб ваъда беришган.

Бухорони эгаллай олмагач, Ражаб султон қозоқлардан ёрдам сўради, уларга қатта ерлар ва ўлжаларни ваъда қилди. Бу вақтда қозоқларнинг ўзи ҳам огир аҳволда эди. 1723 йилнинг баҳорида қалмиқлар қозоқларга ҳужум уюштириб, уларни мағлуб этган эди. Қозоқлар Сирдарё бўйларига қочиб келдилар. Аммо бу ерда ҳам очлик, қашшоқлик уларни тарк этмади. Шу вазиятда Мовароуннаҳрға юриш қилиш улар учун маъқул бўлди. Оч-ялонғоч қозоқлар ўз ўтовларин ва чорва моллари билан Самарқанд вилоятининг ҳудудларига кириб келдилар. Бу ердан Миёнқол ва Бухоронинг туманларига қадар тарқалдилар. Етти йил давомида қўчманчилар Зарафшон воҳасини хонавайрон қилдилар, ҳеч ким уларга қаршилик кўрсатмади. Ражаб султон ҳам нима қилишини билмай боши қотди. Унга қарши курашиб турган Муҳаммад Ҳаким ва Абулфайзхон пойтахтда эдилар. Ниҳоят, Абулфайзхоннинг атрофидагилар уни Муҳаммад Ҳакимни Бухоро шаҳридан чиқариб юборишга кўндирадилар. Шундай қилиб, оталик Муҳаммад Ҳаким Қаршига

жунаб кетди. Бирок бу билан аҳвол ўзгармади. Бухоро ва унинг атрофларидаги туманларда савдо-сотик иши назоратдан чикиб кетди. Алоҳида вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ўзларича мустақил иш юрита бошладилар.

Абулфайзхоннинг ўз гвардиясидан бошқа ишончли одами қолмаган эди¹⁵⁰. 1722-1723 йилларда рус элчиси сифатида Бухоро хонлигида бўлган Флорио Беневени шундай деб ёзади: "Иброҳимбий Оталик кенегас Абулфайзхон билан келиша олмай Бухородан Самарқандга кетиб қолди ва у ерда Ражаб Султонни хон қилиб қўтарди, унга қизини никоҳлаб берди, ўғли ва бошқалар билан бирлашиб, Бухоро ва унинг атрофларини талон-торож қилиб катта зарар келтирди". "Ҳамма ёқ талон-торож қилинган, хароб аҳволда. Шаҳар ва унинг атрофида озик-овқат ва бошқа заҳиралар етишмайди, танқислик ва қашшоқлик ҳукмронлик қилади, оддий халқ ўзининг кун кечириши учун болаларини сотишга мажбур бўлди, бошқалари эса очликдан ҳалок бўлишди, хоннинг ўзи ҳам от-туяларининг ярмидан, чорва молларининг қўпчилигидан ажради"¹⁵¹.

Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида дастлаб ҳокимиятни Жавшан қалмоқ, уни ўлдирганларидан кейин қўшбеги Абдуллобий, кейинроқ эса оталик Муҳаммад Ҳакимбий бошқарган. Бунинг оқибатида марказий ҳокимият борган сари заифлашиб борган ва хонликнинг Эрон таъсирига тушиб қолишига олиб келган. 1720-йиллардаги ички низолар, исёнлар, қўчманчиларнинг деҳқончилик районларига уюштирган ҳуружлари туфайли мамлакатнинг қўп жойларида очарчилик содир бўлди. Бухоро шаҳрининг қўпчилиги аҳолиси бошқа жойларга кетиб қолди.

1738-1740 йилларда ички низолар билан заифлашиб қолган Бухоро хонлиги Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг истилосига рўпара бўлди. Дастлабки уруш Қаршида бўлиб ўтади. Хива хони Элбарсхон билан иттифок тузиб 60 минг кишилик лашқарни Нодиршоҳга қарши қўйилади. 15 кунлик жанг натижасиз тугайди. Бухоро қўшини сон жиҳатдан қўпчиликни ташкил этса-да Эрон қўшинидан енгилади. Енгилишнинг сабаби қўшиннинг замонавий қурол-яроғ билан таъминланмаганида эди. Флорио Беневени шундай деб ёзган эди: "Ўзбеклардан камчилиги милтик отишни билади, қўпчилиги эса ўй-ёй ишлатади. Шаҳарда 13 та замбарак бўлиб, байрам вақтида улардан

¹⁵⁰ История Узб ССР. Т 1967. 1-том с 561

¹⁵¹ Б. Ахмедов История-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (Письменные источники) Т 1987. 215-216

биттасидан отдилар¹⁵². Шундан кейин Қорақўлда жанг бўлиб ўтади ва бу ерда ҳам Бухоро қўшини маглубиятга учрайди. Абулфайзхон Нодиршоҳ билан сулҳ тузишга ҳаракат қилади. Нодиршоҳ билан Абулфайзхон ўртасида сулҳ тузиш учун ҳаракат бошланиши билан мамлакат пойтахтида икки гуруҳ, икки ҳокимиятчилик бошланади. Хон ва унинг атрофидагилар сулҳ тузишга қарши эди ва шу боис Ҳакимбий оталиқ бошчилигидаги мангитларни хоинликда айблар эдилар. Ҳакимбий оталиқ хоннинг олдига бормас, хон оталиқ жойлашган Мир-Араб мадрасасига келмоқчи бўлса, уни ўққа тутардилар. Охир-оқибатда Абулфайзхон сулҳ тузишга рози бўлиб, Бухоро Эроннинг вассалига айланади. Абулфайзхон ва Нодиршоҳ Қорақўлда учрашиб сулҳни имзолайдилар. Унга биноан Бухоро халқи Нодиршоҳга 200.минг харвор галла ва 10 минг отлик етказиб беришга рози бўлади. Бундан ташқари Самарқанд, Қарши, Кеш ва Ҳисор Нодиршоҳнинг мамлакатига қўшиб олинган. “Қорақўлда бир-бирига мулоқот қилганда, Нодиршоҳ Абулфайзхоннинг бошига тож кийдириб, “Абулфайзшоҳ” деб хитоб қилиб, икки кундан кейин Чаҳорбакрда Мовароуннаҳр ҳукмронлигини унга қайта топширди¹⁵³. Нодиршоҳ 25 кун давомида Чорбакрда бўлиб, кейин Ҳакимбий оталиқ кўмагида Чоржўйга қайтиб, у ердан ўғли Ризоқулихонни Машхадга жўнатади ва ўзи Хоразмга йўл олади¹⁵⁴. Ҳакимбий оталиқнинг ўғли Раҳимбий ҳам ўн минг лашкар билан Эронга жўнаб кетади. 1743 йилда Ҳакимбий оталиқ вафот этади. Бу муносабат билан Бухоро ва унинг атрофида исёнчи феодалларнинг чиқишлари кучаяди.

1745 йилда баҳорги гулисурх байрами кунларида Ибодуллобий бошчилигидаги Миёнқол кипчоқлари исён кўтариб, Бухоро шаҳри ташқарисида байрам қилаётганларга ҳужум уюштирдилар. Кўпчилик асирга олинади ва кейин озод қилинади. Бу воқеа Нодиршоҳга етиб борганида, у Раҳимбийдан нима учун Ибодуллобий бошқа исёнчи феодаллар билан Эронга жўнатилган отрядга киритилмаган деб сўради. Раҳимбий исёни бостиришга ваъда беради. Уни Бухорога қайтариб юборадилар. 1746 йилда Раҳимбий билан бирга эронлик, афгон, туркман, лазгин ва бошқалардан иборат Беҳбудхон ва Ҳасанхон бошчилигидаги қуролланган қўшин ҳам йўлга тушади. Марвда уларга артиллерия (30 та тўп, замбараклар) ҳам қўшилади. Миёнқол, Шаҳрисабз, Қободиён, Бойсун ва Зарафшоннинг юқори

¹⁵² 152 Б. Ахмедов. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (Письменные источники). Т. 1985, с. 214.

¹⁵³ Мирза Олим Махдуми хожа. Тарихи Туркистон. Т. 2008, 168-бет.

¹⁵⁴ Қашқадули Салимий. Бухоро, 2003. 281-283 бет.

окимидаги кузголонларни бостирган Раҳимбий ушбу вилоятларда Бухоро ҳокимиятини тиклади. Лекин буни у Абулфайзхон учун эмас, балки ўзи учун килди. Ана шундан кейин, 1747 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Раҳимбийни Эронга чакириб олади. Нодиршоҳ унга Абулфайзхонни ҳокимиятдан тушириб, ўрнига унинг ёш ўғли Абдулмўминни ўтказиб, амалий ҳокимиятни ўзи қўлга олишини буюради.

Раҳимбий манғитни 1747 йилда Бухорога қайтиб келиши Нодиршоҳ мамлакатида халқ ҳаракати ва исёнларнинг авж олган даврига тўғри келади. Йўллар нотинч эди. Раҳимбий ўзининг отряди билан Бухороликларнинг Машҳаддан юртларига қайтишига қўмаклашади. Карвон ва отряд Қорақўлга етиб келганида, у Бухорога чопар юбориб, Бухороликларга хавфсизлик ва тинчликни ваъда қилади. Бухоролик амирлар, сайидлар ва қозилар шаҳар ташқарисида уни совға-саломлар билан кутиб олади. Раҳимбий шаҳарга кирмасдан ўзининг Ғозиобод деган чорбоғида тўхтади. Шу ердан туриб Жўйбори хўжалар билан боғланиб, Абулфайзхонни ағдариб ташлашда уларнинг қўмаклашувига умид боғлади. 1747 йил 9 июлда Эрон шоҳи вакили, қўшин бошлиғи Бехбудхоннинг кўрсатмаси билан кенгаш чакирилиб, Абулфайзхоннинг тахтдан туширилиб, ўрнига ўғли Абдулмўминнинг тайинланиши масаласи кўрилади, унда Муҳаммад Раҳимбий ҳам катнашади.

Шундан кейин қўп ўтмай Абулфайзхон тахтдан ағдарилиб Ғозиободда ҳибсда сақланади, кейин Раҳимбий уни қатл қилиш тўғрисида буйруқ беради. Хорижий қўшин ёрдамида Раҳимбий тез орада Бухоро аркини эгаллаб олиб, ёш хонзода Абдулмўмин-Султонни тахтга ўтказди. Аммо уни ҳам тахтдан туширади. Шу тариқа Бухоро хонлигининг Эронга вассал қарамлиғи тугатилади. Параллел равишда амалий жихатдан жонийлар-аштархонийлар сулоласининг ҳукмронлиғи ҳам тугатилади. Тўғри, маълум муддат тахтда охириги аштархоний Абулғози ўтирди. Аммо унда ҳеч қандай ҳокимият йўқ эди. У номигагина тахтда туриб хон вазифасини бажаради.

1747 йилнинг июнь-июль ойларида Раҳимбий олиб келган кизилбошлар қўшини Бухорони остин-устин қилиб ташлади. Уларнинг тўп-замбаракларидан отилган ўқлар нафақат шаҳар ташқарисини, балки шаҳарнинг ичкарасини ҳам вайрон этди. Артиллерия отишмаларидан омон қолиш учун аҳоли Қарши дарвозасидан то Лаби Ҳовузгача бўлган гузарларни ташлаб чиқди.

Қизилбошларга қарши курашда Раҳимбий ҳунармандларни шаҳар девори ва дарвозаларини ҳимоя қилишга сафарбар этади. Бир ойлик қамалдан сўнг, Бухорони эгаллай олмаган эронликлар тинчлик сулҳини имзолашга мажбур бўладилар. Раҳимбий уларнинг ҳавф-хатарсиз ўз юртларига қайтишини таъминлашга ваъда беради. Ўзaro асирлар алмаштирилиб, эронликлар жўнаб кетадилар. Абулфайзхоннинг ўлиmidан кейин Амударёнинг чап қиргоғидаги ерлар — маркази Балх бўлган вилоятлар Бухоро бўйсинуvidан чиқиб кетди. Шундан кейин эса ҳокимиятни минг уруги эгаллаб олган Фаргона ҳам Бухоро тасарруфидан чиқди.

XVIII асрнинг биринчи ярмида огир иқтисодий-хўжалик қийинчиликларни ҳамда чет эллик босқинчиларнинг истилосини бошидан кечирган Бухоро шаҳри янги сулола — мангитларнинг пойтахти бўлиб қолди. Гарчанд давлат ҳокимияти бошқа сулола қўлига ўтган бўлса-да, унинг моҳияти ўзгармади. 1756 йилда Раҳимбий ҳокимиятни тўла эгаллаб, ўзини “амир” деб эълон қилади. чунки у хон авлодидан эмас эди. Шу тариқа Бухорода амирлик тузуми ва амир бошқаруви бошланади.

Аштархонийлар даврида давлат бошқаруви

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида давлат бошқарувидаги юқори даражали лавозим ва мансабларнинг кўпчилиги аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам мавжуд бўлган. Таъкидлаш лозимки, уларнинг баъзиларининг мазмун-моҳияти, амалий жиҳати ўзгариб борган ва XIX асрнинг охирига қадар давом этиб келган.

Давлат бошқарувидаги юқори лавозимлардан бири оталик бўлган. Оталиқ атамасининг келиб чиқиши туркий сўзга боғлиқ бўлиб, “ота ўрнида,” “тоға-амаки” маъносини англатган. Бошқа томондан олиб қаралганда ўрта аср Фарбий Европасидаги баъзи мамлакатларда мавжуд бўлган “регент” мансабига мос келади. Шарқ одатича, оталиқ (отака) лар хонзода, подшоҳзода, шаҳзода, амирзодаларнинг тарбиячилари бўлишган ҳамда улар балогатга етгунларича уларга тегишли мол-мулк (улус)ни ҳам бошқаришган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шаҳзодалар олий мансабга эришганларидан кейин ҳам оталиқлар зўр обрў-эътибор ва нуфузга эга бўлиб, хонликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаганлиги маълум.

Оталиқнинг вазифаси шайбонийлар даврида асосан жойлардаги бошқарув тизими билан боғлиқ бўлса, аштархонийлар даврига келиб, унинг мамлакат марказидаги, марказий ҳокимиятдаги мавқеи кучайиб

борган. Масалан, Бухоро хони Абдулазизхон тахтга чикқач, пойтахтдаги оталик вазифасини Ялангтушбийга – уша пайтдаги энг кучли амирга инъом этган. Оталикнинг мавкеи Субҳонқулихон ҳукмронлиги даврида ҳам баланд бўлиб, ута муҳим ҳарбий-сиёсий ишлар оталикнинг зиммасига юклатилган. Шу ҳолат маълум даражада Убайдуллахон II ҳукмронлиги даврида ҳам сакланиб қолган. “Убайдуллонома” да айтилишича, “умдат ал-умаро”, “яъни амирлар жамоасининг етакчиси”, “амирлар табақасининг таянчи” дир. Кенг қамровли ислохотларни бошлар экан, Убайдуллахон II 1707 йилда Бухоро хонлигида катта мавкега эга бўлган Одилбийни (Ўзбекларнинг минг уругидан) Балх вилояти мулкларининг бош оталиги этиб тайинлайди. Демак, XVIII асрнинг ўрталарига келиб, оталиқ лавозими кўпроқ амалий жиҳатга эга бўлган. Бухоро хонлигини Убайдуллахон II бошқарган вақтда Маҳмудбий оталикнинг таъсири катта бўлган. Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида Қутлуг оталиқ, Маъсум Хўжа оталиқ ва Муҳаммад Ҳакимбий каби оталиқларнинг давлат бошқарувидаги роли салмоқли бўлган. Айниқса, мангитлардан саналган Муҳаммад Ҳакимбий оталикнинг мавкеи жуда кучли бўлиб, амалий жиҳатдан ҳокимиятни унинг ўзи бошқариб, Абулфайзхон номигагина, расман ҳукмдор бўлган ҳамда кейинчалик унинг ўғли-Муҳаммад Раҳимбий Бухорода мангитлар сулоласи ҳукмронлигига асос солган.

Аштархонийлар даврида Қушбегининг ҳам мавкеи маълум даражада ошди. Ушбу лавозимни эгаллаб турган амалдорларнинг вазифаси бирмунча кенгайди. Тарихан бу атаманинг келиб чиқиши хон томонидан ташкил этилган ов “шикор” да “ов бошлиғи”, “овчи қушларнинг беги” вазифасини бажарувчи шахс фаолияти билан боғлиқдир. Кейинчалик (XIX аср) бу мансаб бош ҳукмдордан кейинги мансаб даражасига кўтарилиб, бош вазир мақомига тенглашди. (Қушбеги ва Қушбеги деб аталувчи лавозимлар тўғрисидаги фикрлар бир хил эмас. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бош вазир даражасида бўлган мансабдорни Қушбеги деб аталган. Унинг маъноси – уруш, ҳарбий ҳаракатларда қўшиннинг олдинги маррада жойлашувини аниқлашувчи “қўш” ташлаш атамаси билан боғлиқдир. – М.Б.). Абулфайзхон даврида Боки Муҳаммад Султонбий, Тўрақули ва Ўрозали деган Қушбегилар ном чиқарганлиги маълум “Убайдуллонома”да айтилишича, хонга яқин саналган юқори лавозимли амалдор Абдулло Ҳожига хон саройининг олий мансаби – инок лавозими инъом этилиб, унга қушбеги лавозими ҳам қўшиб берилган. Бу ерда шунинг аниқлаш керакки, Убайдуллахон даврида қушбеги

лавозими унчалик юкори мавкеда бўлмаган. Аммо юкорида зикр этилган Тўракули кушбегибоши мансабига кўтарилган даврда ушбу лавозимнинг мавкеи анча кучайган, яъни у мансабга тайинлаш, унвон бериш, хон ёрлигисиз шахсан ёзма кўрсатмалар тарқатиш, олий қабул маросимларида ўз хоҳишига кўра иштрок этишдек имтиёзларга эга бўлган. Демак, Тўракули кушбеги даврида бу лавозим эгаси амирларнинг энг улуғи даражасига эришган.

Аштархонийлар даврида Бухоро хонлигида амалда бўлган олий мансаблардан бири – “иноқ” деб аталган. Давлат бошқарувида Иноқ лавозимининг ўрни салмоқли бўлиб, одатда улар хоннинг маслаҳатчиси ҳисобланган. Тарихан бундай лавозим бошқаларга нисбатан кучлироқ саналган ўзбек уруғларидан бўлган амирларга берилган. Мазкур лавозим атамасининг манбаларда ёзилишида ҳам бир хиллик мавжуд эмас. Масалан, XIX асрда яшаб ўтган Мунис Мирараб, Огаҳийлар “қуришмоқлик” маъносини берувчи араб сўзи деб талқин этсалар, бошқа муаллифлар эски ўзбек (туркий) сўзи “инонмоқ” дан келиб чиқиб, давлат ишларида ишонч билдирилган киши, яъни ишончли вакил тарзида изоҳлайди. Аштархонийларнинг Бухоро хонлигини бошқарган даврда “Иноқ” лавозими икки хил бўлган: “Иноқи калон” (Катта иноқ) ва “Иноқи хурд” (Кичик иноқ). Катта иноқнинг вазифаси амир унвонига эга бўлмаган шахслар билан хоннинг суҳбатини ташкил этишдан иборат эди. Кичик иноқнинг вазифасига амир фармонларининг орқа томонига муҳр босиш ва уларни эгаларига етказиш, элчиларни қабул қилиш вақтида элчининг мактубини олиб, очиб ўқиш учун хоннинг шахсий қотибига топшириш қабила қирган ва у кушбегидан кейин иккинчи ўринда турувчи шахс ҳисобланган.

“Абулфайзхон тарихи” да кўрсатилишича, ўша давр давлат бошқарувида “Девони Олий” – “Буюк девон” нинг роли салмоқли бўлган. Шайбонийлар давлати тузилишини таҳлил этар экан, академик Б.Аҳмедов бу давлатда девонлар борлигини, лекин уларнинг сони қанчалиги ноъмалумлигини қайд этади. “Буюк девон”. давлат хизматида бўлганларга вақтинчалик фойдаланиш учун бериладиган ер (танҳо)ни тақсимлаш ишларини, шунингдек белгиланган миқдорда (пул) танга ёки натура ҳолидаги ғаллани олишга имкон берувчи чекларни тақсимлашни бошқарган. “Буюк девон” ни девонбеги бошқарган. Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида Баротбий, Иброҳимбий, Қутлугбий, Шохбек, Фаттоҳ ва Худоёрбий қабила девонбеги лавозимида фаолият кўрсатишган. Девонбеги лавозимининг мавкенини

тасаввур қилиш учун қадимий Бухорода бунёд этилган Нодир девонбеги хонақосини эслаш kifоядир.

Бухоро хонлигида тупчибоши лавозими алоҳида хусусиятли ҳарбий мансаб ҳисобланиб, ушбу лавозимдаги киши икки хил вазифани бажарган. Тупчибоши ҳарбий вазир мақомида бўлиб, хонликдаги барча қўшинлар бошликлари унга бўйсунган. “Тупчибошийи лашкар” деган номга эга бўлган ва шаҳар ичкарасида яшаган. Бухоро хонлигида яна бир тупчибоши лавозими жорий этилган бўлиб, унинг вазифаси аркни қўриклашдан иборат эди. Бошқача айтганда арк коменданتي даражасида бўлган.

Сарой амалдорлари орасида ўзига хос мавқега эга бўлган мансабдорлардан бири – эшиқоғабози бўлганлиги тўғрисида манбаларда маълумотлар кўп. Мазкур лавозимни эгаллаган мансабдор олий даражадаги қўриқчилар бошлиғи саналиб, арк ва хон саройини каттиқ назорат қилган. Убайдуллахон II даврида Муҳаммад Ёр дўрмон бу лавозимга тайинланган. Бир вақтнинг ўзида хонлиқнинг йирик туманларидан бири ҳисобланган Қорақўлда ҳокимликни ҳам амалга оширган. Шунини ҳам эътироф этиш керакки, бу даврда лаёқат, малакадан кўра, кўпроқ шахсий садоқатга қараб мансабга тайинлаш одат тусига кирган эди. Шунинг учун ҳам айрим кишилар икки, баъзан ундан ортиқ лавозимларга тайинланган.

Қонуншуносликка оид, умуман ислом қонунчилиғи – шариатга доир муҳим масалаларни ечиш ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётга татбиқ этиш вазифаси аъламнинг зиммасида бўлган. Муфтийлар тузган фатво ёки ривоятга муҳр босиш аъламнинг зиммасига юклатилган. Одатда муфтийлар тузган фатво ёки ривоятга аълам муҳр босгандан кейин у ҳуқуқий кучга эга бўлган ва қозилар шу асосда ҳукм чиқаришган. Ҳарбий ишлар, қўшин учун алоҳида “қозийнаскар” тайинланган.

Парвоначи мансабини эгаллаган шахсга хон ёрлиқларини тегишли мансабдорларга топшириш ва ҳарбий қисмларига етказиш каби вазифаларни бажариш юклатилган. “Парвоначи” деб аталиши ушбу мансаб эгасининг бошига хоннинг ёрлиқларини қистириб олиб, у ёқдан бу ёққа чаккон ҳаракат қилиб (худди парвонадек), елиб-югуриб юрганлиғи билан боғлиқдир.

Шиғовул (шағовул) – элчиларни хон қабулига олиб кирувчи мансабдор шахс бўлиб, у саройдаги қабул маросимларини бошқарган ва назорат қилган. Шиғовулнинг фаолияти “бухрилар” (айғокчилар) фаолияти билан яқиндан боғлиқ бўлган.

Мехтар (форсчада улуг, жаноб) — хон саройидаги мансаблардан бири. Бухоро хонлигида мехтар ҳукмдорга яқин тўрт давлат мансабдорларидан иккинчиси бўлиб, баъзан у олий фармонга мувофик, саройга отдан тушмаган ҳолда киришга ҳақли деб ҳисобланган. Унинг зиммасига закотдан, шунингдек, товар, ақча, дон, чорва сингари тушумларнинг қонунга биноан, зарур ўринларда ишлатилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Мирохур-хонликдаги мансабдор шахс бўлиб, сарой отхоналарининг бошлиғидир. Сарой отбоқарларига етакчилик қилишдан ташқари, бошқа ташкилий ишларни ҳам бажарган, ҳарбий юришларда қатнашиб муайян қисм ва бўлинмаларга саркардалик ҳам қилган.

Ясовул — сарой мансаби бўлиб, саройдаги турли хилдаги маъмурий-сиёсий кичик топшириқларни бажарувчи қуйи даражадаги амалдор. Ясовуллар солиқ тўплаш ва олинган ўлжанинг хонга тегишли қисмини ҳисоблаш билан машғул бўлганлар.

Мироб — сувни тақсимлаш ва сугориш тармоқларини назорат қилувчи мансабдор шахс. Бухоро хонлигида XVI-XVIII асрларда бош вазир (оталиқ), давлат назоратчиси (мирохур) каби олий мансабдор шахслар хонликнинг бош мироби деган унвонга ҳам эга бўлишган.

Мирзабоши — хон саройидаги ёзув-чизувларни олиб боровчи амалдор, котиб.

Аштархонийлар даврида хонликнинг маъмурий бўлиниши вилоятлар (бекликлар) ва туманлар билан чекланар эди. Пойтахт алоҳида мақомга эга эди. XVIII асрнинг ўрталарида хонликнинг пойтахтида ўн беш минг хонадон бўлиб, етмиш минг аҳоли истикомат қилар эди. XVII аср бошларига оид манбаларда хонликка бўйсунувчи олтита вилоят — Бухоро, Самарқанд, Сағораж, Ўратепа, Шаҳрисабз ва Ғузор қайд этилиб, кейинчалик Имомқулихон даврида Ҳисор, Тошкент, Туркистон, Фарғона ва Балх вилоятлари қайта бўйсундирилган. Ҳисор ва Шаҳрисабз амалда ярим мустақил бошқарилган. Маҳмуд ибн Валининг кўрсатишича, Бухоро вилояти (шаҳар атрофи) ўша вақтда, яъни 1630-1640 йилларда унта туманга бўлинган эди: 1) Ғиждувон (эски номи Харкона); 2) Вобкент (эски номи Вобкана); 3) Фороб (эски номи Фарабр); 4) Руди шаҳр (Харконруд); 5) Коми Абу Муслим (Вағонзе); 6) Шопурком; 7) Ромитон (эски номи Сомжан); 8) Султонобод; 9) Зандани; 10) Хайробо (ҳозирги Жондор). Бухоро атрофларида жойлашган туманлардан бўлган Қорақўл бу пайтда вилоят мақомида бўлган. Вилоятларни ҳоким (бек)лар, туманларни эса

хокимлар бошқарган, маҳаллий бошқарувда ўзбек қабилаларининг бошликлари катта мавқега эга бўлган.

Муҳаммад Юсуф Муншийнинг "Муқимхон тарихи" да аштархонийлар даврида давлат бошқарувида турли хил кавмларнинг иштироки хусусида шундай маълумот берилган: "Хоннинг чап томонидан ҳарбий юришлар, жанговар ҳолатларда қушиннинг тузлиши ва жойлашуви. ҳаракатига бошчилик қиладиган нақиб-сайидлар, уларнинг орқасидан эса дўрмон, қушчи, найман ва қўнғирот номли ўзбек қабилаларининг оқсоқоллари жой олишган. Улардан қуйроқда буюк оталиқ – оталиқи бузург, унинг орқасидан шахзодалар, ўғлонлар ва баҳодирлар ўтиришган. Булардан кейин дўрмон, қушчи, найман қабилаларининг унчалик машҳур бўлмаган вакиллари ўтириб, уларнинг орқасидан эса қарлук, буйрак, уйлик қабилалари вакиллари жой олишган.

Хоннинг ўнг томонидан биринчи ўринда шайх-ул ислом, ундан кейин қозийи бузрук (буюк қози), кейин хожалар, садрлар ўтиришган, улардан кейин қозийнаскар, кейин аълам ва раис, кейин қарақийт ва кенегас қабилалари вакиллари, улардан кейин дўрмон, қушчи ва найман қабилаларининг ўрта бўгин вакиллари жой олишган. Хоннинг рўпарасида эса, биринчи ўринда манғитлар, иккинчи ўринда дўрмонлар ўтиришган"¹⁵⁵. Ушбу поғонали тизим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги давридаги бошқарувнинг ўзбек қабилалари вакиллари ўртасида тақсимлаб олинганини кўрсатади. Албатта, вақт ўтиши билан қабилаларнинг мавқеи ва тизимдаги ўрни ўзгариб турган. Аштархонийлар даврида марказий ҳокимият кучсиз бўлиб, ўзбек кавмлари бошликларининг мавқеи баланд бўлган.

Сулола ҳукмронлигининг охири босқичида (XVIII асрнинг биринчи ярмида) марказий ҳокимиятнинг заифлашуви кучайиб боради, маҳаллийчилик ва сиёсий бошбошдоклик кайфияти устунлик қила бошлайди ҳамда мамлакатнинг куч-қудрати пасайиб боради. Давлат бошқаруви тизимида шайбонийлар даврида бошланган "орқага қайтиш" жараёни кучайиб борган ва аштархонийлар замонида девонлар тизимининг аҳамияти камайиб борган. Бутун ҳокимият даргоҳда мужассам бўлган. Бошқарувда даргоҳ ва девонлар тизими мавжуд бўлган шароитда марказий ҳокимият вилоятларни даргоҳ (маҳаллий ҳокимликлар) тизимидан ташқари девонларнинг маҳаллий бўлимлари орқали ҳам бошқариш имкониятига эга бўлиб, бу ҳолат

¹⁵⁵ Муҳаммад Юсуф Мунши. Мукимхонская история. Т. 1956, С. 19-20

марказий ҳокимиятни мустаҳкамлар эди. Эндиликда эса жойларда бутун ҳокимият маҳаллий кучлар қўлида мужассамлашди. Турли вилоятларнинг марказдан узоклашиш жараёни охир окибатда яхлит давлатнинг учга бўлиниб кетишига олиб келди. Бир бутун Мовароуннаҳрда Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонлиги ташкил топди. Ўзбек хонликлари даври бошланди.

Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида бошқа давлатлар билан, хусусан Россия давлати билан элчилик ва савдо алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, ҳар иккала давлат ўртасида элчилар алмашинуви бўлиб турган. Масалан, 1620-1622 йилда Россия элчиси И.Хохлов, 1642 йилда астраханлик Савин Горохов ва Онисим Грибов, 1669 йилда ака-ука Борис Андреевич ва Семён Иванович Пазухинлар ҳамда Иван Савельев ва Прощлесов, 1675 йилда Даудов ва астраханлик татар Муҳаммад Юсуф Қосимов, 1719 йилда Флорио Беневени Бухоро хонлигига элчи бўлиб келишган эди. Ўз навбатида Бухоро хони Имомқулихон томонидан элчи Одамбой ўз акаси билан (1619 й), Чобак Баликов (1622 й), Нодир Муҳаммад томонидан Хўжа Иброҳим (1639 й), Қозихон (1640 й), Қози Нўғай ва чопар Шихбоб (1640 й), Абдулазизхон томонидан Назарбек ва Хожа Муҳаммад (1670 й), Ҳожӣ Фориқ (1675 й), Убайдуллахон томонидан Осимбек Қочокбек (1705 й),

Абулфайзхон томонидан Қулибек тўпчибоши ва савдогар Эсон Бобо (1716 й), Муҳаммад Баҳодирхон, вазир Алибек Парвоначи, савдогар Нағбат Қоровулбек ва ясовул Мирмуҳаммад (1734 й), Ҳожӣ Муҳаммад Чухра оқоси (1737 й) ва бошқалар элчилик ҳамда савдосотик алоқаларини йўлга қўйиш учун Россия подшоҳлари Михаил Фёдорович, Алексей Михайлович, Пётр I, Екатерина I, Анна Ивановна ва Елизавета Петровна ҳузурига борганлар.¹⁵⁶ Рус давлатининг элчилари энг аввало Бухоро хонлигининг аҳолиси, урф-одати, мамлакат ичкарасидаги вазият, мавжуд бойликлар (асосан олтин) ва Бухоронинг Туркия, Ҳиндистон, Эрон билан муносабатларига доир маълумотлар билан қизиққан, уларнинг барчаси Бухорога келиб – кетиш йўллари ва энг муҳими Бухородан Ҳиндистонга бориш учун қулай йўлни ўрганишга алоҳида эътиборни қаратганлар. элчиларнинг кўпчилиги Бухоро хонлигидаги рус тутқунларини озод қилиш билан машғул бўлишган (бу пайтда Бухоро хонлигида 300 нафар (Пазухин), 1000-2000 нафар (Ф.Беневени) бўлганлиги манбаларда қайд этилган).

¹⁵⁶ Жуковский С. В. Россиянини Бухоро ва Хива хонликлари билан сулҳи учун йилликдаги муносабатлари Бухоро 2009 15-55 бет

Аштархонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигининг иқтисодий ҳаётида деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо асосий ўринни эгаллаган. Тўхтовсиз давом этган ички низоларга қарамасдан мамлакат иқтисодиётининг бу соҳалари ривожланишда давом этган. Хонликдаги деҳқончилик сугориш билан бевосита боғлиқ бўлиб, сугориш тармоқлари Зарафшон ва Амударёдан чиқарилган эди.

Хонликда ер эгаллигининг 3 тури-амлок (хон бошчилигидаги мулкдорлар гуруҳи ихтиёридаги ерлар), мулк (хусусий ер эгаларига қарашли ерлар) ва вақф (мусулмон руҳонийлари, мадраса, масжид ва мозорларга қарашли) ерлари мавжуд бўлиб, деҳқонлар ерни асосан ижарага олиб ишлар эди.

Хонлар суюрғол ерлардан ташқари, хизмат кўрсатган кишиларга танҳо ҳам берардилар. Танҳодан келган катта даромадни танҳодор оларди, аммо танҳо ер наслдан наслга ўтмас эди. Аштархонийлар даврида баъзи қишлоқлар, ер майдонлари, шу ерлардан ундирилган солиқларнинг бир қисми ҳам суюрғол тариқасида бериладиган бўлган. XVIII асрдан бошлаб суюрғолнинг моҳияти ўзгариб, унинг фақат меросийлиги сақланиб қолган. Танҳодорнинг ҳокимияти деҳқонлардан ер солиғи олиш ҳуқуқи билан чеклаб қўйилган ва натижада деҳқонлар аста-секин унга шахсан қарам бўлиб қолишган.

XVII-XVIII асрларда давлат ерининг катта бир қисмини сотиш, инъом этиш ёки танҳо бериш натижасида ер эгаларининг иқтисодий қуввати ортиб борган ва улар ўртасида ўзаро кураш кескинлашиб кетган. Натижада сиёсий ва иқтисодий тарқоқлик кучайиб, марказий давлат иқтисодига катта зиён етган. Хазинани тўлдириш учун янада кўпроқ солиқлар жорий этилган. Солиқ тури ва тўловларнинг кўплигидан, ҳашар, бегор ва мардикор деб аталадиган ишлаб чиқариш мажбуриятларининг гоятда кўпайиб кетганлигидан меҳнаткаш халқ тез-тез ғалаён қилиб турарди (1612-1613 йилларда Ғошкентда Искандарга қарши қўзғолон, 1709 йилда Бухорода Девонаи Панж-садмани бошчилигидаги қўзғолонлар).

Деҳқончиликда асосан пахта, ғалла экилган. Ипакчилик кўпроқ Зарафшон водийсида ривожланган. Чорвачиликда от, туя, қорамол ва қўй боқилган.

Ҳунармандчиликнинг кўп турлари раванк топган. Хусусан, тўқимачилик, тикувчилик, мисгарлик ва заргарлик буюмлари хонликдан ташқарида ҳам харидоргир бўлган. Тўқимачилик маҳсулот-

ларининг катта қисми Яқин шарқ мамлакатларига чиқарилган. Бухоро шаҳри Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо маркази сифатида машҳур бўлган, кўплаб карвонсаройлари ва савдо расталарига эга бўлган. Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа қўшни мамлакатлар билан, Қозоғистон, Сибир ва Астрахан орқали Россиянинг марказий минтақалари билан кенг савдо-сотиқ амалга оширилган. Манбаларда таъкидланишича, бухоролик савдогарларнинг Сибир шаҳарларида доимий фаолият кўрсатувчи ўз савдо расталари бўлиб, улар бу шаҳарларда нафақат савдогар, балки билимдон ва ўқимишли кишилар сифатида ҳам катта мавқега эга бўлишган. Шу даврда Бухоро хонлигидан ташқарига пахта, ипак, ип, гилам каби моллар ва транзит моллар чиқариларди. Ташқаридан мовут, ҳар хил мўйна, ёғоч маҳсулотлари, ёғоч идишлар келтириларди.

Бухорода бўлган митрополит (рухоний) Хрисанф шундай деб ёзади: “Бухоро бой мамлакат, унда кўплаб савдогарлар ва сон-саноксиз бойликка эга бўлган бошқа даражадаги кишилар борки, улар кумуш ва олтинларнинг, жавохир ва қимматбаҳо тошларнинг соҳибидирлар. Мамлакатнинг Балх ва Бухоро оралигида унчалик баланд бўлмаган тоғда туз конлари (Шеробод вилояти, Тошқўрғон, Қўлоб) мавжуд, яна шунақа тоғлар ҳам борки, улар ўзларида кўплаб металл рудаларини сақлайди, бу ерларда Қўнғирот ўзбеклари яшайди, бу тоғларнинг бир томони шимолдан Самарқандгача, шарқдан Бадахшонгача чўзилиб кетган”¹⁵⁷.

Аштархонийлар даврида маданият

Аштархонийлар давридаги муттасил уруш ҳаракатлари, ички низолар ва зиддиятлар маданий ҳаётнинг ривожланишига жиддий тўсқинлик қилди. Диний зўравонлик кучайиб, дунёвий фанлар ўрнини ислом ақидалари эгаллай бошлади. Аммо шунга қарамасдан маълум даражада адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда бир қанча истеъдодли олимлар етишиб чиқди.

Дарвишали Чангий – XVIасрда Ҳиротда туғилиб, XVIIIасрнинг 20-йилларида Бухорода вафот этган. У мусиқашунос, бастакор созанда, ҳофиз ва шоир. Мовароуннаҳр ва Хуросаннинг маданий марказларида (Бухоро, Балх, Андижон, Кеш, Самарқанд) яшаб ижод этган. Шеърларини Чангий таҳаллуси билан ёзган. Бир қанча қасида, ғазал, рубойилари, ва “Ҳисолан мусикий” асари бизгача етиб келган.

¹⁵⁷ Б. Аҳмедов. Кўрсатилган асвр, 218 бет.

Мазкур рисола XVI-XVII асрлар муסיқа маданиятининг асосий манбаи сифатида катта илмий аҳамиятга эга.

Мавлоно Носирий – XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошида Қорақўлда туғилиб ўсган ва аштархонийлар пойтахти Бухорода яшаб ижод қилган шоир. У ўзбекларнинг ябғу уругига мансубдир, Мавлоино Носирий кўплаб газаллар ва маснавийлар муаллифи ҳисобланади. Дарвишали Чангийнинг “Рисолаи муסיкий” асарида Мавлоино Носирий ижодига мансуб форсий тилдаги катта қасидани ва унинг аштархоний ҳукмдор Боқи Муҳаммадга бағишланган “Бокийнома” дostonидан иккита парчани келтириб ўтади. Носирийнинг аштархоний ҳукмдор Вали Муҳаммадхонга бағишланган “Валинома” дostonи ҳам мавжуддир¹⁵⁸.

Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг ёзишича, Убайдуллахон II ҳукмронлиги даврида Бухорода Мулла Сайид, Қосим Хўжа деган шоирлар яшаб ижод этган. Мулла Сайиднинг мухаммас ва шеҳрашублари ўша даврда машҳур бўлган. Бухоро қозиси Хўжа Шоҳаъламининг ўғли бўлган шоир Қосим Хўжа ҳар йили ўтказиладиган янги йил (Наврўз) ва қизил лолалар (Гулисурх) байрамларига бағишлаб шеърлар ёзган.

Бир қатор адабий-тарихий асарлар яратилди. Жумладан Саид Насафийнинг “Ҳайвонинома”, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул асрор” (Тўла номи: “Баҳр ул асрор фиманоқиб ул-аҳёр” – “Олийжаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақида сирлар денгизи”) – қомусий асар бўлиб, ўрта аср фанининг илми нужум, жаҳоҳиршунослик, усимликшунослик, жүгрофия ва тарих соҳаларини ўз ичига олади), Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланомани” (Аштархоний ҳукмдор Убайдуллахонга бағишланган тарихий асар), Абдурахмон Толенинг “Абулфайзхон тарихи” (Тарихи Абулфайзхон) асари (Аштархоний ҳукмдор Абулфайзхонга бағишланган тарихий асар), Муҳаммадамин ибн Муҳаммадзамон Бухорийнинг “Муҳит ут-таворих” (“Тарихлар океани” тарихий асар бўлиб, сомонийлар ва аштархонийларга бағишланган) асари, шоир Трудининг “Субҳонкулихон тўғрисида ҳажвия” асари.

Турдий, асл исми ва таҳаллуси: форс-тожикча шеърларидаги таҳаллуси эса Фароғийдир. Бухорода (XVII аср) таваллуд топиб, 1700 йилда Хўжандда вафот этган, шоир Бухоро мадрасасида таълим олган. Абдулазизхон даврида саройнинг амалдори бўлган, юз уругининг кўзга қўринган сиёсий арбобларидан бўлган. Субҳонкулихон тахтга

¹⁵⁸ Саъдулла Гайбуллаев Қорақўл Тарихи номидаги таълими томи Т 2014 31-32 бет

чиккач саройдан четлаштирилган. 1685-1686 йилларда Аштархонийларга қарши кўтарилган халқ исёнида фаол иштирок этган. Турдининг адабий мероси 18 шеърдан иборат, улардан 12 таси ғазал, 5 таси мухаммас, биттаси фардга оид. 434 мисра ҳажмидаги бу мероснинг 164 мисрасини Субҳонқулихон ҳақидаги машхур ҳажвияси ташкил этади. “Субҳонқулихон туғрисидаги ҳажвия” (1691 йил).

XVII асрда Мовароуннаҳрда яшаб, ижодий фаолият кўрсатган йирик файласуф олим Муҳаммад Шариф Бухорий (1697 йилда Бухорода вафот этган) Ал-Мавлавий таҳаллуси билан машхур бўлган ва фалсафа, тарих, шеърят, ҳуқуқшунослик, тилшунослик каби илм соҳаларига оид 20 дан ортикасарлари бизгача етиб келган. Унинг 1643 йилда ёзилган “Фавоиди ҳоконийа” (“Ҳоконга аталган фойдалар”) китоби диққатга лойиқдир.

Аштархонийлар даврида Бухоро шахрининг кўринишини Флорио Беневени қуйидагича тасвирлаган: “Ярим кулай деб турган баланд кўтарма девор билан ўраб олинган, унда 15 минг паҳсадан қурилган хонадон ва шаҳарнинг ўртасида хон саройи, мадрасалар, миноралар ва бир неча масжидлар ғишт деворлар билан ўралган”¹⁵⁹. Албатта, италиялик Флорио Беневенининг бундай деб ёзишига 1720-1723 йиллардаги ўзаро урушлар, вайронгарчиликлар билан боғлиқ ҳолатлар сабабчи бўлган.

Шу даврда Бухорода тиббиёт илми анча ривожланди. Субҳонқулихон Бухорода махсус шифохона ва тиббиёт кутубхонаси қурдирди.

Бухорода бир катор мадрасалар бино қилинди: Абдулазизхон мадрасаси, Бухоронинг Азизон гузарида, Мирзо Улуғбек мадрасаси рўпарасида жойлашган, 96 хужрадан иборат, 1654-1655 йилда Абдулазизхон ибн Надр Муҳаммадхон томонидан қурдирилган. Тиллақори мадрасаси – Самарқанднинг Регистон ансамблида, Улуғбек даврида бунёд этилган Мирзои карвонсаройи ўрнида Самарқанд ҳокими Ялангтушбий Баҳодир томонидан 1641-1646 йилларда қурилган. Бу ерда мадраса ва жоме масжиди қурилган эди. Унинг номи дастлаб “Ялангтушбий кичик мадрасаси” деб аталган. Кейинчалик масжидга бошқа бир обиданинг қурилишига етадиган миқдордаги олтин (тилла) сарфлангани учун тиллақори (тилла билан ишлов берилган) деб аталган.Шердор мадрасаси – Самарқанднинг Регистон ансамбли таркибидаги меъморий ёдгорлик. Мирзо Улуғбек хонақохи ўрнига Ялангтуш Баҳодир томонидан қурилган (1619-

¹⁵⁹ Б. Аҳмедов Кўрсатилган асар, 214 б

1635). Нодир Девонбеги мадрасаси – Бухородаги меъморий ёдгорлик. Имомқулихоннинг вазири Нодир Девонбеги (Нодир Мирзо Тоғай ибн Султон) қурдирган (1622-1623й). Бухородаги Лаби Ҳовуз ансамблининг шарқий томонида жойлашган. Дастлаб карвонсарой сифатида қурилган, кейин хоннинг қарори билан мадрасага айлантирилган. Нодир девонбеги хонақоҳи – Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбеги 1620-1621 йилларда қурдирган. Лаби Ҳовуз ансамблидаги Ҳовуз билан бирга бунёд этилган. Нодир девонбеги мадрасаси – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Нодир Девонбегининг маблагини ҳисобидан 1630-1631 йилда қурилган. Хўжа Аҳрор хонақоҳи яқинида бўлгани учун Хўжа Аҳрор мадрасаси, қуёш ва шерларнинг тасвири туширилгани учун кичик Шердор мадрасаси деб ҳам юритилади. Болоҳовуз масжиди – Бухородаги меъморий ёдгорлик, унинг катта гумбазли масжиди 1712 йилда, Ҳовли ва ҳужралари эса XIX асрда қурилган. Шу даврда шаҳар атрофида иккита ташқи сарой – қароргоҳ барпо этилади. 1709 йилда шаҳарнинг ғарбида, Таллипоч дарвозаси яқинида Хонобод боғи ва саройи барпо этилиб, замондошлари уни Куфа яқинидаги Ҳаворнок саройига қиёслашган. Пири Марза чорбоғ – саройи шаҳарнинг Шайх Жалол дарвозаси билан Хўжа Исмат мазори ораллигида барпо этилган.

Аштархонийлар даврида мактаб ва мадрасаларда асосан диний фанлар, қисман адабиёт ўқитилган. Навоийнинг шеърлари, Ғофиз ва Бедилнинг асарларидан парчалар ўрганилган.

Аштархонийлар сулоласининг Бухоро хонлигида ҳукмронлиги даврида мамлакатдаги ички вазият нисбатан беқарор бўлди, ўзаро феодал урушлар давом этди. Бир томондан Эрон ҳамда кўчманчилар билан, иккинчи томондан Хива хонлиги билан бўлган муносабатлар хонлиқнинг марказий ҳокимиятини заифлаштирди. Аштархоний ҳукмдорлардан Имомқулихон (1611-1642) ва Субҳонқулихон (1680-1702) ҳукмронлиги даврида марказий ҳокимият бир мунча кучайди. Маҳаллий феодал ҳукмдорларнинг марказий ҳокимиятга қарши тўхтовсиз олиб борган кураши натижасида сулола ҳукмронлигининг кейинги вақтларида хонлиқнинг иқтисодий аҳволи анча ёмонлашди, бунинг азобини оддий халқ оммаси тортди. Убайдуллахон (1702-1711) ҳукмронлиги даврида амалга оширилган пул ислохоти қўйилган натижани бермади ва 1708 йилда Бухорода рўй берган кучли халқ қўзғолонини келтириб чиқарди. XVIII асрнинг 20-40 йилларида ҳам хонлиқнинг бир қатор шаҳар ва туманларида ғалаёнлар бўлиб ўтди. Аштархоний ҳукмдорларнинг исён кўтарган вассалларига қарши

кураши охир оқибатда айрим мулкларнинг мустақилликка эришувиغا, Фарғонани эса хонлик таркибидан чиқиб, мустақил хонликка айланишига олиб келди. Хива хонлигининг босқинчилик юришлари бир томондан, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ҳарбий юриши иккинчи томондан, ўзаро феодал урушлар учинчи томондан аштархонийлар сулоласи ҳукмронлигини таъаззулга олиб келди.

Аштархонийлар давридаги Хива хонлиги босқинчилигида ҳамда Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг ҳарбий юришида бир қатор шаҳар ва туманлар вайрон этилди, хусусан Бухоро шаҳри, Қарши, Кармана, Қорақўл, Вобкент, Вардонзе аҳолиси азият чекди.

Аштархоний ҳукмдорлардан Имомқулихон, Субҳонқулихон ва Убайдуллахон ободончиликка, меъморий ва жамоатчилик бинолари қурилишига, чорбоғлар барпо этилишига эътибор берган.

Бу даврда давлат бошқарувида марказий ҳокимиятнинг кучсизлиги авж олган. Айниқса, сулола ҳукмронлигининг охириги босқинчида ҳокимиятнинг заифлашуви, маҳаллийчилик ва сиёсий бекарорлик қайфияти юқори даражага кўтарилган ва охир — оқибат Бухоро Эронга тобе бўлиб қолган. Бундай вазиятда янги сулола вакиллари ҳокимиятни эгаллаб олган. XVII асрда Бухоро хонлигидаги йирик шаҳарларда олий таълим берувчи 150 га яқин мадрасалар фаолият кўрсатган бўлсада, улардаги таълим тизими замон тараққиётини белгилаб берадиган билимларни беришдан ожиз эди. Аник фанлар соҳасида ҳатто ўрта асрлардаги ютуқлар даражасига етадиган асарлар яратилмади.

10-БОБ. БУХОРО МАНГИТЛАР СУЛОЛАСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА (1756-1920)

Муҳаммад Раҳимхоннинг 1756 йил 16 декабрда Бухоро тахтини расмий равишда эгаллаши ва ўзини амир деб эълон қилиши билан янги сулоланинг ҳукмронлигига асос солиниб, Бухоро бундан кейин амирлик деб атала бошланди. Ҳокимиятни эгаллаб олган мангитлар сулоласининг вакиллари марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилсаларда вилоятларнинг мустақилликка интилиш жараёни давом этган. Маҳаллий тарихчилардан унинг жияни Муҳаммад Ёқуб (Дониёлбийнинг ўғли) амакисини жасур, ўз мақсадига эришиш йўлида қуч-қуввати ва иродасини аямайдиган, ҳарбий саркардалик салоҳиятига эга шахс бўлганлигини қайд этади. Шунинг билан бирга унинг

шахсиятидаги салбий жиҳатлар — исломий маънавият ва маърифатдан мукамал хабардор эмаслиги ҳам тилга олинади.

1758 йилнинг 24 мартада Муҳаммад Раҳимхон вафот этгандан кейин унинг ўғиллари бўлмаганлиги туфайли тахтга вояга етмаган набираси Фозилтўра ўтказилган ва Миёнқол ҳокими бўлиб турган Дониёлбий (Муҳаммад Раҳимнинг катта амакиси) унга оталиқ қилиб тайинланади. Аммо ушбу қарорни ҳамма ҳам маъқулламайди. Норози бўлган вилоят ҳокимлари ва айрим қабилалар (кенегас, юз, баҳрин, буркут ва сарой) амирлари марказий ҳокимиятга қарши бош кўтариб, 10 минг йигитни қуроллантириб Бухоро шахрига қараб ҳаракат қилади. Дониёлбий исён кўтарган ҳокимлар ва амирлар билан бир битимга келишга муваффақ бўлади. Шу келишувга қўра Фозилтўра тахтдан туширилиб, унинг ўрнига аштархонийлардан бўлган шахзода Абулғозихон тахтга чиқади (1758-1785). Бўлиб ўтган воқеадан кейин Дониёлбий ҳам оталиқ мансабини, ҳам амалдаги ҳукмдорликни ўзида сақлаб қолган.

Дониёлбий оталиқ ҳукмдорлиги даврида ҳам ўзаро урушлар давом этиб, бир қатор вилоятлар (Кармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун)да маҳаллий ҳукмдорлар марказга бўйсунмасликка ҳаракат қилишган. Дониёлбийдаги кўнгилчанлик ва раҳмдиллик хислатлари туфайли ўзбек қабилаларининг оқсоқоллари мустақилликка интилган, юқори мансабдаги сарой амалдорлари ўз мансабини суистеъмол қилган. Шу йилларда (1781й.) Россия давлати томонидан савдо битими тузиш тўғрисидаги таклифни 92 ўзбек қабилалари бошлиқларининг розилигисиз қабул қила олмаслигини айтар экан, Дониёлбий оталиқ марказий ҳокимиятнинг анча заифлигини тан олади. Ҳақиқатдан ҳам бу вақтга келиб марказий ҳокимият Муҳаммад Раҳимхон даврига қараганда анча заифлашиб қолган эди. Бунинг устига Дониёлбий оталиқнинг қўшин таъминоти учун қўшимча солиқларнинг жорий этиши вазиятни оғирлаштириб юборади ва 1784 йилда Бухорода қўзғолон кўтарилишига олиб келади, 1000 га яқин киши ўлдирилади. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, вилоятларнинг мустақилликка интилиши ва юзага келган ижтимоий-иқтисодий танглик оқибатида Дониёлбий оталиқ ҳокимиятни ўғли Шохмурод (1785-1800) га топширишга мажбур бўлади. Чунки пойтахт аҳолиси ўртасида Шохмуроднинг обрў-эътибори анча баланд эди.

1785-1800 йилларда Бухоро амирлигини бошқарган Шохмурод 1748 йилда таваллуд топган эди. У отасининг вафотидан кейин расман Бухоро тахтини эгаллаб келаётган аштархоний Абулғозихонни

хокимиятдан четлатиб, 1785 йилнинг 9 июнида ўзини Бухоронинг амири деб эълон қилди ҳамда отасининг «амир-ул умаро» деган унвонини қабул қилди. Манбаларда қайд этилишича, Шохмурод саккиз ёшида Кармана вилояти ҳукмдори бўлиб, унга отаси болалик йиллариданок ҳарбий санъат сирларини ўргатган. У кейинчалик Қарши вилоятининг ҳукмдори бўлган. Шохмурод куннинг биринчи ярмида ислом ҳукуқшунослиги илми билан, куннинг иккинчи ярмида эса «Қуръон»нинг сура ва оятларини ёд олиш билан шуғулланиб, саккиз ёшидаёқ уни ёд билган. Амир Шохмурод бошқа ҳукмдорлардан фарқи равишда камтарона ҳаёт кечириб, энг арзон ва оддий кишилар киядиган оёқ кийимини кийган. Оила эҳтиёжларини Бухоро шаҳри атрофидаги «Работи кофирун» кишлоғида истикомат қилувчи, исломни қабул қилмаган кишилардан олинадиган жузя солиғи ҳисобидан қондириб, кунлик харажати етти тангадан ошмаган. Садриддин Айнийнинг ёзишича, амир Шохмурод ўқувчи ва олимларга ғамхўрлик қилган, мамлакатда тартиб ўрнатган. Аҳмад Дониш эса амир Шохмурод исломий ривожга хисса қўшди деб ёзади. Шохмурод олиму фузалоларга ғамхўрлик қилган, исломий қондаларни мустаҳкамлаш йўлида ҳарбий ҳаракатлар олиб борган. Марвга қарши уюштирилган ҳарбий юришлардан бирида мағлубиятга учраган амир ўз мулозимларига гоз тутиб келишни буюрган. Ғозни ушлаб келиб, сўнгра уни учуриб юборишган ва Шохмурод ғозни нишонга олиб ўқ узган ҳамда отган ўқи нишонга аниқ текканидан хурсанд бўлиб Бухорога «ғолиб» сифатида қайтган. Шохмурод юзага келган ижтимоий-сиёсий бекарорликни бартараф этишнинг ўзига хос усулини қўллади: ўн нафар укасининг ҳар бирига биттадан вилоят ҳокимлигини бериб қўйди (Дониёлбийнинг Маъсум, Маҳмуд, Умар, Фазл, Султонмурод, Рустам, Кенжаали, Ёқуб, Тўхтамиш, Дарвиш ва Ражабали исми ўн бир ўғли бўлган). Албатта ўзининг ўғилларини ҳам унутгани йўқ. Ўғли Ҳайдарни Қаршига, Носирбийни Марвга ва Ҳусайнбийни Самарқандга ҳоким этиб тайинлади.

Ўзининг ўн беш йиллик ҳукмдорлиги даврида амир Шохмурод мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боришга ҳаракат қилиб, мамлакатнинг ички ҳаётини, иктисодий аҳволини яхшилаш мақсадида пул ислоҳоти ўтказган ва соф қумушдан танга зарб қилдирган.

Бухорода Мангитлар сулоласи ҳукмронлигининг дастлабки даврида Бухоро ва Россия муносабатларида элчилик ва савдо алоқалари ҳам муҳим аҳамият касб этиб, ҳар икки томондан ҳам элчилик алмашинуви давом этган. 1774 йилда Бухоро амирлигининг

элчиси Мулла Эрназар Мақсудов Астрахан орқали Москвага борган ва йўлда Е.Пугачёвнинг исёнчилари томонидан мол-мулки таланган. 1779 йилда Э.Мақсудов яна элчи бўлиб Петербургга боради ва Россия давлати ҳудудидан бухороликларнинг Ҳажга боришига рухсат олинади. Жавоб тариқасида 1781 йилда малика Екатерина буйруғи билан Бекчурин Бухорога элчи бўлиб келади. Элчи нима сабабдан Туркия элчиси келгани, нега у Эрон орқали эмас, Россия орқали келгани, Бухоро амирлигининг куч-қудрати билан боғлиқ маълумотларни олишга ҳаракат қилган.¹⁶⁵

1802 йилда Подшо Александр I даврида I-ҳарбийлаштирилган карвон тузилиб, савдо вазири граф Румянцевнинг маърузасига кўра, 1802 йил 12 августда императорнинг Россияга нисбатан дўстона муносабатда бўлган Бухоро амирлигида савдо-сотиқни ривожлантириш ва у ергача бўлган йўлни ўрганиш мақсадида ҳарбий карвон юбориш буйруғи чиқди. Ҳарбийлаштирилган карвон тузилиши Россия давлатининг бевосита Ўрта Осиё хонликлари билан яқиндан боғланиш ва аста-секин ичкарилаб боришга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ эди.

Ўз даврида ва кейинги замонда амир Шоҳмурод «Амири Маъсум» («Бегуноҳ амир») ва «Умаройи Соний» («Иккинчи Умар»), «Ғозий» унвонлари билан тилга олинган.

Хуросонга қилган ҳарбий юришларида унинг қўшини голиб чиқиб, Балх, Марв, Маймана ва Андхўй вилоятлари Бухоро амирлигига яна қайтариб олинган. Муаррих

Муҳаммад Мир Олим Бухорийнинг ёзишича, амир Шоҳмурод ўзининг пири – шайх Сафарнинг талаби билан Хуросонга юриш қилган. Ҳарбий кенгашнинг маслаҳатига кўра, у бу юриш учун 150 минг кишилик лашкарни Амударё бўйига тўплаган. Аммо бу юриш мазҳаблараро (сунний – шиъа) урушга айланиб кетган.¹⁶⁶ Амир Шоҳмурод томонидан қўшни давлатларга, хусусан, Туркия ва Россияга бир неча марта элчилар жўнатилган.

Амир Шоҳмурод тасаввуф ғоялари билан сугорилган «Айн фи-ҳикмат» («Донишмандлик асослари») асарини ёзган. исломнинг ханафия мазҳаби қонун-қоидаларига бағишланган «Фатава-йи аҳли Бухоро» («Бухоро аҳлига фатволар») тўпламини тузган.

¹⁶⁵ Жуковский С. В. Россиянини Бухоро ва Хива хонликлари билан сўнги уч юз йилликдаги муносабатлари. Бухоро 2009. 62-63 бет.
¹⁶⁶ Т. Ганджулов. Очерки историографии истории народов Средней Азии. Т. 1992. с. 136.

Мўминхўжа Вобкандий, Мулло Ҳусниддин ибн Башир Туфтарий ва Мулло Абдулғаффор ибн Саид аш-Ширвоний кабилар билан яқин мулоқотда бўлган. Амир Ҳайдар ўзи томонидан чиқарилган барча фармонлар ва тарихий ҳужжатларни тўплаб тартибга солишни буюрган. У тарих фанига кўпроқ эътибор берганлиги боис, унинг давридан бизгача тўртта йилнома етиб келган.

Сарой тарихчиси, амир Дониёлбийнинг кичик ўгли Муҳаммад Ёқуб Бухорий амир Ҳайдар тўғрисида ёзар экан, уни шундай таърифлаб беради: «Илмли, маърифатли, катъиятли, ҳудожўй. Ҳадис илмининг билимдони. Давлат ишлари билан қанчалик банд бўлмасин, барибир у ҳар куни 400 талаба (муллабачча) учун маъруза қилади, 10 минглаб қаландар ва дарвишларга хайр-эҳсон қилади, шунингдек тегишли суратда ватандошларига ёрдам кўрсатади. Шайхларни ҳурмат қилади ҳамда уларга катта миқдордаги ғаллани инъом этади. Жума намозини ва кечкурунги ибодатларни ҳеч қачон қанда қилмайди»¹⁶⁵.

Амир Ҳайдар 1826 йилнинг 6 октябрида вафот этиб, Бухоронинг Жўйбор мавзесидаги Эшони Имло қабристонида отаси Шохмурод ёнида дафн этилган. Мовароуннаҳр тарихчилари амир Шохмурод ва амир Ҳайдар ҳукмронлиги даври Бухоро амирлигининг кучайган, гуллаб-яшнаган йиллари эканлигини ёзиб қолдирганлар.

Амир Ҳайдардан Ҳусайнхон, Умархон, Абдуллоххон, Насруллоххон, Баходирхон, Зубайрхон ва Жаҳонгирхон исмли ўғиллар қолган. Отасининг вафотидан сўнг катта ўғли Ҳусайн тахтга ўтирган. У онаси томонидан Саййид Жўйбори хужаларга авлод эди. Ҳусайн отаси ҳукмдорлиги даврида Кармана ва Самарқанднинг ҳокими бўлган эди. Амир Ҳусайн 2 ярим ой муддат ҳукмдорликни адо этган ва заҳарланиб (уни Ҳаким қўшбеги заҳарлаган деган гап тарқалган) Бухорода вафот этган.

Амир Ҳусайндан кейин укаси Умархон амирлик тахтига чиққан. Акасининг ҳукмдорлиги даврида у Кармананинг ҳокими бўлган. Мирзо Олим Маҳдуми ҳожининг ёзишича, амир Умархон давлат ишларига эътиборсизлик билан қараган ва майхўрликка ружу қўйган. Бундан фойдаланган кичик укаси Баходирхон Насафдан йулга чикиб, Самарқандда катта қўшин тўплаб, Бухорони қамал қилган. Аммо бирон-бир натижага эриша олмасдан, икки кундан кейин Бухородан чикиб Ҳиротга борган, у ердан Фарғонага қайтиб келган ва шу ерда вабо касалидан вафот этган. Жасади бобоси Дониёлбийнинг ёнида дафн этилган.

¹⁶⁵ Т. Самдқулов, Очерки историографии истории народов Средней Азии. Т. 1992, с. 135

Шундан кейин Бухоро тахтини Насруллоҳхон эгаллаган, унинг онаси Амир Ҳайдарнинг энг сеvimли жорияси бўлган. Насруллахон тахт учун курашда айрим амалдорлар, ҳарбийлардан унуvли фойдаланган, бунинг учун маблағни аямаган. 1826 йилнинг 7 февралидан бошлаб Бухоро шаҳри Насруллахон томонидан қамал қилиниб, у 44 кун давом этади. Шаҳарда очарчилик, қимматчилик бошланиб, бир фунт гўштининг нархи 4-7 тангага чиққан. Ичкарида ўлиб қолганларни ташқарига чиқариб, ўрнига ғалла, ун олиб киритишган. Шаҳар ҳимоячилари номидан Ҳаким қўшбеги ва Аёз тўпчибоши Насруллахонга мактуб ёзиб, шаҳарни топширишга ваъда берадн. Улар аҳолига тегмасликни талаб қиладилар. Кафолат сифатида Аёз тўпчибоши 100 ботмонлик тўпни портлатиб бўлаклаб ташлашни ваъда қилади, буни бажаради ҳам. 1826 йилнинг 22 мартида шаҳарни эгаллайдилар ва Умархон тарафдорларини талон-торож қиладилар Тахтни эгаллаб олган Насруллахон ўзига ёрдам берганлардан аста-секин қутулиб олишга ҳаракат қилган. Чунки бу одамлар унинг қўп сирларини билар эдилар. 1837 йилда Ҳаким қўшбеги Қаршига юборилади, кейин Нуротага жўнатилади ва у ердан чақириб олиниб зиндонга ташланади. Ундан кейин Аёз тўпчибоши (у Насруллахоннинг отаси амир Ҳайдар томонидан озод этилган қуллардан эди)ни Самарқанддан Бухорога чақиртиради ва у ҳам зиндонга ташланади. 1840 йилда иккаласи ҳам қатл этилади.¹⁶⁶ Насруллахоннинг укалари Зубайр ва Жаҳонгир тўраларнинг оналари Жўйборий хўжалардан эди. Улар Чоржўй томонга жўнатишган¹⁶⁷.

1826 йилда Бухоро тахтига ўтирган Насруллахон 1806 йилнинг 1 июнида Бухоро шаҳарида таваллуд топган. У 34 йил давомида ҳукмдорлик қилган. Амир Насруллахон шахси тўғрисида бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжуд. М.М.Соловьев 1841-1842 йилларда рус экспедицияси билан Бухорода бўлар экан, Насруллахон шахси тўғрисида шундай деб ёзган эди: “Айёр, хиёнаткор ва ҳайратланарлик даражада тилёғламачи Насруллахон олдиндан, ҳали отаси ҳаётлигидаёқ тахтни эгаллашда қўллаб-қувватлашга кодир булган маслакдошларни турли хил қимматбаҳо совға-саломлар ва ширин сўзлар билан ўзига оғдириб олган эди. Тула қонли ҳокими мутлак бўлишга ҳаракат қилар экан, у ҳокимият бошқарувини ҳеч ким билан бўлишишни хоҳламас эди. Шунинг билан бирга Насруллахон жуда

¹⁶⁶ Н. Халилов. Описание Бухарского ханства СПб. 1843 с. 228-230

¹⁶⁷ Мирзо Олиш Махдуми хожи. Тарихи Туркистон Т. 2010. 179-180 бет

огзига кавуш билан урдирган.¹⁷⁰ Вазир кучларни бирлаштириб мамалакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни таклиф этганда амир узокни кўра олмай қалтабинлик қилган.

Насруллахоннинг катъий ҳаракати билан икки давлат ўртасидаги тортишув майдонига айланган Марв вилояти ҳам 1843 йилда Бухорога бўйсундирилди. Марказий ҳокимиятга бўйсунганини истамай келаётган Шаҳрисабз кенегаслари билан 20 йил давомида бўлиб ўтган 32 юришдан сўнг, 1856 йилда у узил-кесил бўйсундирилиб, сулҳ рамзи сифатида ҳоким Искандарбекнинг синглиси Кенегасхоним амир Насруллахонга никоҳланди.

Бухорода Насруллахон ҳукмронлик қилган йилларда Хива хонлари Оллоқулихон (1825-1842), Раҳимқулихон (1842-1845) ва Муҳаммад Аминхон (1845-1855) билан ўзаро урушлар бўлиб турди. Жумладан, Оллоқулихон даврида хиваликлар Ғиждувонгача бўлган ерларга талончилик юриши уюштирилди. Хиваликлар босқинидан Бухоронинг Ромитан, Зандана, Вардонзе, Хайробод ва Қоқиштувон мавзелари аҳолиси катта талофат кўриб, чорва молларидан ажралиб қолдилар. Ромитан бозоридан 300 киши асир қилиб олиб кетилди. Фақатгина 1842-1845 йилларда Бухоро ерларига 7 марта кетма-кет юриш уюштирилди. Хоннинг буйруғи билан келган лашкарлар бир кунда Қорақўлга тегишли бўлган 22 та қалъага босқинчилик қилдилар. Бу қалъалар кичик бўлиб, чеккада жойлашган ва ўзини ўзи ҳимоя қилган.¹⁷¹ Ўз навбатида Бухоро амирининг лашкари ҳам Хива хонлигининг Даргонота, Хонка, Фитнак ва Ҳазорасп каби мавзеларига ҳужумлар уюштириб турган. Бир неча марта бухоролик элчилар Хивага бориб вақтинчалик бўлсада ўзаро сулҳ тузишга эришган.¹⁷²

Амир Насруллахон ҳукмронлиги даврига келиб Туркистон минтақасида Россия-Англия манфаатлари ўзаро тўқнашди. Насруллахоннинг ҳарбий ислохот ўтказиб, қўшин сонини кескин кўпайтирганлиги, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлиги ҳамда Туркистонни бирлаштиришга уринганлиги — буларнинг барчаси Россия ва Англия ҳукмрон доираларини бефарқ қолдирмаган эди. 1831-1833 йилларда инглиз сайёҳи Александр Борнс Бухорода бўлади ва Англияга керакли маълумотларни йиғади. 1841-1842 йилларда Ўрта Осиёга Бутенов бошчилигидаги чор Россияси

миссияси келади. Бу миссиянинг асосий вазифаси Англиянинг Ўрта Осиёга сукилиб киришга интилаётганига қарши қаратилган эди. Миссия бундан ташқари Бухоро амирлигида Россиянинг иқтисодий ва сиёсий таъсирини мустаҳкамлашдан иборат вазифани ҳам бажариши лозим эди. Аммо Бутенов миссиясининг Бухоро амири билан савдо ва дипломатик шартнома тузиш юзасидан олиб борган музокаралари нобой натижа бермади.

Афғонистонни ўз мустамлакасига айлантириб олишга уринаётган инглизлар бир неча бор ўз элчиларини Бухорога жўнатиб, амирдан Шаҳрисабзни ўз ҳукмдорига қайтаришни ва Карки қалъасини афғонлар бошқарувига топширишни талаб қилишди. Афғон элчилари изидан келган ўн кишилик инглиз элчилари гуруҳи эса Афғонистон билан Бухоро ўртасида тинчлик ўрнатиб бериш эвазига Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги чегараларидаги Қорақўл ва Чоржўй қалъаларини афғон амири Дўстмуҳаммадхонга беришни талаб қилди. Бу пайтга келиб Дўстмуҳаммадхон майда хонликларни ҳамда Қандахор ва Ҳиротни ўз давлатига қўшиб олган ва Афғонистоннинг катта қисмини ўз бошқарувига киритиб бўлган эди. Юқоридаги талаблари билан инглизлар Ўрта Осиёда руслар босқинига қарши турадиган Дўстмуҳаммадхон бошчилигидаги ҳукуматларини ташкил этмокчи бўлдилар. Бироқ бундай кескин ва катъий талаб қўйилиши Насруллахонни ташвишга солиб қўйди. Чунки Россиянинг Қўкон хонлиги чегараларига яқинлашиб келаётганлиги бир томондан, Бухоронинг ташки сиёсатда Россияга нисбатан эҳтиёткорлиги ва хавотири иккинчи томондан вазиятни мураккаблаштирар эди. Узқ иккиланишлардан кейин амир катъий қарорга келди ва рад жавобини берди.¹⁷³

Насруллахон ҳукмдорлиги даврида инглизлар Афғонистонга ҳужум қилиб, Кобулни босиб олган, унинг амири Дўстмуҳаммадхон Кобулни ташлаб Балхга келган эди. Балхга келган амир Дўстмуҳаммадхон амир Насруллахон билан учрашиш учун келиб, Бухоро ва Шаҳрисабзда бўлади ва қўп турмай юртига қайтиб кетади. Насруллахон амир Дўстмуҳаммадхонни яхши қабул қилмаган ва ҳурматини жойига қўймаган эди. Инглиз элчиларининг Шаҳрисабзга яна валломалар ихтиёрига қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам шу воқеалар билан боглик эди. Чунки Насруллахон Шаҳрисабзга бўйсундириб, ҳукмдорликни Искандар валломадан олиб унинг ўрнига мангитлардан ҳоким тайинлаган. Искандарни эса ҳоким лавозими

¹⁷⁰ Ибрат Фарғона тарҳи. М.: 1991 й. 294-бет.

¹⁷¹ Отавий. Зубдату-т-таворих. Т. 2009 131, 174-бет.

¹⁷² Отавий. Зубдату-т-таворих. Т. 2009 112-116, 131, 139, 148, 171-бет.

¹⁷³ М. Сидиков. Бухоро ва Афғонистон яқин ушмишга // Молиядан савдо. 2008, 1-сон, 43-бет.

билан Қоракўлга бадарга қилган эди¹⁷⁴. Инглизларнинг ҳарбийларидан полковник Стоддорт ва капитан Канолли элчи сифатида амир Насруллахоннинг хузурига келади, аммо амир улардан шубҳаланиб қамаб қўяди ва кейинроқ иккаласини ҳам катл қилдиради. Инглиз ҳукумати уларни россиялик амалдор Бутаков орқали озод қилдиришга ҳаракат қилади, аммо амир кўнмайди, аслида инглиз ҳарбийлари айғокчилик, жосуслик мақсадида келган эдилар. Кейинчалик, рус босқини даврида, Бухоро-Англия музокаралари чоғида бу воқеа амирнинг элчиларига эслатилади. Амир Насруллахон 1860 йилнинг 30 сентябрида, 54 ёшида вафот этади ва Бухорода дафн этилади.

Амир Насруллахоннинг вафотидан кейин Бухоро амирлиги тахтини Карманада ҳокимлик қилиб турган ўғли Музаффар эгаллади. У 1819 йилда Бухорода таваллуд топган эди. Амир Музаффар тахтга ўтиргач, отаси томонидан Карманага сургун қилинганларни Бухорога қайтариб келди ва уларга юқори мансабларни берди. Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида 1863-1865 йилларда Шарқий Бухоро бекликлари, Шахрисабз ва Қўқон хонлигига юришлар уюштирди ва уларнинг қаршичилигини енгди. Чунки шу йилларда Ҳисор, Дарвоз, Қўлоб ва Балжувон бекликлари пойтахт маъмуриятига бўйсуннишни истамай қолган эдилар. Қўшини Қўқон хонлигидаги тожу тахт учун ўзаро урушларга нисбатан Бухорода турлича фикрлар бўлган. Маллахон Тошкент ҳокимлигига каноат қилмай Қўқон хони бўлишга ҳаракат қилиб, қипчоқ ва қирғизлар ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб олади ва 1858 йилда Қўқон хони тахтига ўтиради. 1863 йилнинг 23 сентябрида Бухоро тахтига ўтирган Музаффархон тахтдан туширилган Худоёрхоннинг яна ҳокимиятга келишида унга ёрдам беради. 3 йил ҳукмдорлик қилган Маллахон бир томондан русларнинг қўшинига, иккинчи томондан Бухоро амиридан ёрдам олган Худоёрхоннинг ҳужумига дош беролмайди.

Амир Музаффарнинг ҳукмронлик даври Россия империясининг Ўрта Осиёни забт этиш учун бошланган ҳатти-ҳаракатларининг кучайиши палласига тўғри келади. Пишпак (ҳозирги Бишкек), Тўқмоқ вилоятларини 1862 йилда, Сўзок қалъасини 1863 йилда, Туркистон, Авлиёота (ҳозирги Тароз) ни ва Чимкентни 1864 йилда рус қўшинлари босиб олади. Ҳарбий ҳаракатларни кучайтирган чоризм қўшинлари 1865 йилнинг 17 июнида генерал Черняев бошчилигида Тошкент шаҳрини ҳам эгаллаб олади. Қамал қилинган шаҳар аҳолиси очлик ва

¹⁷⁴ Мирзо Ояли Мақдуми ҳожи Тарихи Туркистон Т 2008 181-бет Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-том, 134-бет.

ташналик туфайли оғир қийинчиликларни бошидан ўтказди. Қўкон хонлигининг ҳарбий саркардаси — Алимкул шаҳар мудофаасига бошчилик қилиб, тенгсиз жанглارнинг бирида ҳалок бўлади.

Босиб олинган ҳудудларда Оренбург генерал-губернаторлигига итоат этувчи Туркистон вилояти ташкил этилади.

1. Бухоро амирлигини Россиянинг вассалига айланиши (1865-1873)

1865 йилда Тошкент руслар томонидан ишғол этилгач, Бухоро амири Музаффар генерал Черняевга элчи жўнатиб, шаҳарни бўшатиб қўйишни талаб қилади. Талаб рад этилгач, яна бир нуфузли элчилар юбориб, Россия ишғол этган ерлар билан Бухоро ҳудуди орасида бетараф ҳудуд бўлиши лозимлигини уқтиради. Бирок бу хатти-ҳаракатлардан тайинли бирор-бир натижа бўлмайди, чунки амир кечиккан эди.

Генерал Черняев Тошкентнинг хавфсизлигини таъминлаш учун унинг атрофларидаги баъзи ерларни ҳам ишғол этиш нияти борлигини ва ушбу ҳудудлар Қўкон хонлиги тасарруфида бўлгани боис Бухоро амирлиги аралашмаслигини маълум қилади. Бухоро амирлигининг бу ишларга аралашуви унга қимматга тушишини олдиндан ҳис этган Черняев Бухоро амирини Тошкентга ёрдам бериш ниятидан қайтариш ва маълум даражада қўрқитиб қўйиш ниятида Тошкент-Оренбург оралигида бухоролик савдогарларни таъкиб этишга ҳамда уларнинг молларини талашга буйруқ беради.

Юзага келган келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф қилишдан умидини узмаган амир Музаффархон «ётиб колгунча отиб кол» қабилида иш тутиб, 1865 йилнинг июль ойи бошларида Нажмиддинхўжа бошлиқ элчиларини Петербургга жўнатади. Бирок генерал Черняевнинг хоҳишига кўра элчилар генерал-губернатор Крижановский томонидан Оренбургда тўхтатиб қўйилади. Бу ҳолат амир Музаффархоннинг нафсониятига тегади ва у ҳам Бухорода турган рус элчиларининг Россияга қайтишларини таъқиқлаб қўяди. Бундан жазавага тушган генерал Черняев элчиларини дарҳол озод этилишини талаб қилади. Бунга жавобан амир Музаффархон ҳам «Бухоро элчилари рус подшоҳи билан учрашмагунича рус элчилари ҳам ушлаб турилади» деган жавобни йўллайди. Туркистон вилоятининг генерал-губернатори этиб тайинланган генерал Черняев 1866 йилнинг январида Бухоро амирлигига қарши эълон қилинмаган урушни бошлаб юборади. Асосий мақсад — Бухоро амирлигини

бўйсундириш эди. Шу мақсадда генерал Черняев бошчилигидаги қўшинлар Жиззахга отланади. Бундан хабардор бўлган амир Музаффархон Худоёрхонга чопар йўллаб русларнинг йўлини тўсишни буюради. Бунинг сабаби — амир Қўқон хонлиги тахтини қайта эгаллашида ёрдам кўрсатгани учун Худоёрхондан умидвор эди. Аммо амирнинг умиди чиппакка чикди: Қўқон хони Россия билан тўқнашишдан кўрқди ва шу сабабли Музаффархоннинг фармони бажармади. Бухоро амирлиги Россия империясининг босқинчилик тажовузига ёлғиз ўзи рўбарў бўлиб қолди.

Рус истилочилари Бухоро амирлигига қарши уруш ҳаракатларини икки ҳарбий мавсумда — 1866 ва 1868 йилларда амалга оширади. 1866 йилда олиб борилган истилочилик ҳаракатлари натижасида амирликнинг Ўратепа, Жиззах ва Янгикўрғон каби ҳудудлари Россия таркибига киритилади. 1868 йилда эса Самарқанд эгалланади, амир қўшини Зирабулоқ жангида узил-кесил тор-мор этилади.

Россия империясининг босқинчилик сиёсати моҳиятини тўлароқ англай бошлаган амир Музаффархон муфтий Хожа Муҳаммад Порсо бошчилигидаги элчиларини ёрдам сўраб Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Истанбулга — Туркияга жўнатди. Хожа Муҳаммад Порсо инглизларнинг Ҳиндистондаги вакили Жон Лоуренсга амирнинг мактубини топшириб, Англия қироличасига ҳам бу илтимосни етказишни сўради. Ўз навбатида Жон Лоуренс Хожа Муҳаммад Порсо билан бўлган суҳбат чоғида Бухоро амири Насруллахон томонидан 1842 йилда инглиз офицерлари Стоддорт ва Канолли ўлдирилишини эслатади. Ўз фуқароларининг Бухорода ўлдирилишини унутмаган инглиз ҳукумати Истанбулга келиб, у ердаги Англия элчисидан ёрдам сўраб мурожаат этган Хожа Муҳаммад Порсога дастлаб ўзларининг Ҳиндистондаги вакили Жон Лоуренс, кейинроқ Истанбулдаги элчилари Генри Эллаб орқали ўртадаги масофа узоклигини баҳона қилиб, рад жавобини беради.

Англия ва Туркиядан ёрдам кутган амир Музаффархон ҳатто ўз ҳомийлигидаги Қўқондан ҳам мадад ололмаганидан тегишли хулоса чиқара олмади. Қўл остидаги бор имкониятлардан фойдаланиб, барча беклар ва сардорларнинг бошини қовуштириб, душманга қарши бирлашиб ҳужум уюштиришни ҳам ўйламади. Унинг масъулиятсизлиги ва маишатпарастлиги оқибатида 1866 йил 8 майда генерал Романовский қўшинларининг илғор қисми Ўржарда кўриниши билан Оллоёрбек девонбеги бошчилигидаги 30 минг кишилик лашқар

жанг қилмасдан чекинади. Бу иш билан Оллоёрбек ва унинг қариндошлари Тўхтамишбек ва Ғозил додхоҳ ишратпараст ҳукмдордан уч олдик деб ҳисоблайдилар. Шахсий адоват, хусуматнинг устунлиги оқибатида руслар амир ихтиёридаги қўшинни бир зарба билан тўзғатиб юборадилар ва амир Музаффархон жанг майдонини ташлаб, чекинади. Бутун диққат-эътиборини Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудларини зудлик билан босиб олишга қаратган Россия ҳарбийлари 1866 йил 24 майда Хўжанд шаҳрини ва Нав қалъасини, 2 октябрда Ўрагепани, 18 октябрда эса Жиззахни босиб оладилар.

Замонавий ҳарбий қурол-аслаҳа жиҳатидан русларга тенг кела олмаган амир Музаффар 1867 йилда таъсис этилган Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманга элчи жўнатиб, сулҳ шартномаси тузишни таклиф этади. Аммо Кауфман амир олдида жуда оғир шартларни қўйгандан кейин бу шартнома имзоланмади. Шундан сўнг амир Музаффар охириги умид билан Туркия ҳукуматига, Афғонистон ва туркманларга элчилар юбориб, шошилишч ёрдам қўрсатишни сўради. Туркистонда юз берган сўнгги воқеалар ҳақида ёзилган икки мактуб 1868 йилнинг апрель ойида Маккадан – ҳаж сафаридан қайтаётган элчи Ҳожа Муҳаммад Порсога етказилади. Мактубнинг бири амир Музаффарга, иккинчиси эса қўшбеги Муҳаммадшоҳга тегишли эди. Истанбулда турган элчи Бухоро амири Музаффарнинг 1868 йилнинг 7 февралда ёзилиб, 14 киши имзолаган мактубини Туркия ҳукуматига топширади.

Аммо мусулмонлар халифаси – Туркия султони Абдулазиз (1830-1876) Бухоро амирига ёрдам берадиган аҳволда эмасди. Чунки Россия таъсирининг Болкон ярим оролига ёйилиши Туркия давлатига хавфхатар туғдириб турарди. Шунинг учун Франция императори Наполеон III нинг таклифига биноан Парижда очилган катта бир кўрғазмани томоша қилиш баҳонаси билан 1867 йилда Францияга кетиб, қайтишда йўл-йўлакай Англия қироличаси Виктория, Бельгия қироли Леопольд II, Пруссия қироли Вильгельм I, Австрия императори ва Венгрия қироли Франсуа Жозеф I, Руминия шахзадаси Карл I лар билан учрашган Абдулазизхон, ниҳоят Бухоро амирининг мактубини муҳокама қилишни лозим топади. Аммо Туркия ҳукуматининг Махсус Мажлиси 1868 йилнинг май ойи бошларида мактубни муҳокама қилишга киришган пайтда, Бухоро билан Россия ўртасидаги уруш янада кучайиб, амир Музаффарнинг руслар билан сулҳ тузишдан бошқа чораси қолмаганлиги тўғрисида хабар олинади.

1868 йилдаги жанглар, бирин-кетин амирликка тегишли бўлган ҳудудларнинг эгаллаб олинishi, ташқаридан кутилган ёрдамдан умид йўқлиги оқибатида Бухоро амири Музаффар ўзаро сулҳ тузишга мажбур бўлган бўлса, иккинчи томондан, Самарқанднинг қамал қилинишидан сўнг Кауфман ҳам сулҳ тузишга мойиллик беради. Шу тариқа сулҳ шартномаси Самарқандда имзоланади ва унга кўра Бухоро амирлиги Россия империясига тобе эканлигини расман тан олади. Мазкур сулҳ шартномасига кўра, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларидан то Зирабулоққача бўлган Бухоро амирлигининг ерлари Россия таркибига киритилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Зарафшон округи ташкил этилади. Сулҳга кўра Амударёда рус кемаларининг эркин қатновига, эркин савдо-сотик қилишга рухсат этилади. Амир Музаффар рус савдогарлари учун ўз ҳудудида қулай шароитларни яратиб беришни ўз зиммасига олади, улар учун 2,5 % миқдорида бож белгиланади. Бухоро амири русларга 500 минг рубль товон пули тўлайди.

1866-1868 йилларда Бухоро амирлигига қарши уюштирилган ҳарбий кампания даврида Бухоро амирлигининг бундай қўламдаги урушни олиб боришга тайёр эмаслиги намоён бўлди. Аммо амирлик урушга тайёрланмаган эди дейиш ҳам тўғри эмас. 1840-1860 йилларда, Насруллахон ҳукмронлиги даврида ҳарбий ислохотлар бошланган эди. Аммо бу жараёни охиригача олиб боришга ички низолар ҳалақит берган эди. Зеро, уруш ҳавфи сезила бошлаганда Хива хони Оллоқулихон амир Насруллахонга бу йўлда иттифоклашиш таклифини ҳам орага солган эди. Зарафшон ҳарбий округини бошқарган ва Бухорода яшаган Г.А.Арондаренконинг айтишича, «Насруллахон даврида дала тўплари сезиларли даражада яхшиланиб, улар учун инглиз ҳарбий низомидан сал-пал хабардор бўлган афғон тўпчилари хизматга олинади. Оғир қуролли отликлар – фальконетли хасабдорлар сони ҳам оширилади, пиёдалар кўпайтирилиб, тўплар ҳимоясида жангга кириш ва қалъаларга ҳужум қилиш қўллана бошлайди»¹⁷⁵.

Насруллахон ўзини Бухоро амирлиги артиллериясининг асосчиси деб ҳисоблар эди. У Қўқон хонлиги билан бўлган жангда ўлжа сифатида қўлга туширган «Жаҳонгир» - катта тўпларнинг амирлик тўпларидан устунлигини кўриб, уни юқори баҳолаган. Аммо бундай тўплар жуда оғир (544 кг) бўлиб, уни камида 8 та от зўрга тортиб

¹⁷⁵ Арондаренко Г. А. Досуги в Туркестане 1874-1889 СПб, 1889, с. 543; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-том, 93-бет.

юрган. Насруллахон ҳузуридаги Эрон ва Афғонистон тўпчи конструкторлари амирга тўпларни пўлатдан ишлаб чиқариш лойиҳаларини такдим этишган, аммо бу иш ниҳоясига етказилмай қолган эди. Бу даврга келиб европаликлар (руслар ҳам) чуян ва бронза тўплардан воз кечган эдилар. Сифатли пўлатдан тайёрланган тўплар снарядни узокқа отар ва нишонга аниқ етиб борарди. Амирликда ишлаб чиқарилган дастлабки тўплар «даҳанпур» (ўқ тўпнинг олди томондан, оғзидан жойланган) деб номланган. Улар асосан қалъа химоясида ишлатилиб, дала шаронтида фойдаланиш ниҳоятда қийин эди. Рус босқини арафасида тўпларни 2 тадан 6 тагача отлар тортиб борган ва шунга қараб енгил ва оғир тўп деб аталган¹⁷⁶.

Амир Насруллахон даврида ва ундан кейин ҳам Бухоро қўшинида тўпчибоши бош қўмондон деб ҳисобланган. 1841-1842 йилларда Бухорода бўлган рус экспедицияси ҳақида ёзар экан, М.М.Соловьёв амирликдаги тўпчибоши Абдусамадни ҳарбий вазир деб кўрсатади¹⁷⁷. Мирзо Олим Махдуми хожи эса «1835 йилда Эрондан Абдусамад Табризий Бухорога келди. У доно ва заковатли, ишбилармон эди. Унинг ташаббуси билан асирлардан 200 кишилик инглиз қондаси асосида тартиб кўрган мунтазам аскарый гуруҳ тузилди. отларга тартиб берилди» деб ёзади (Мирзо Олим Махдуми хожи. Тарихи Туркистон. Т. 2003, 184-бет). Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, шу давргача тўпларни ҳукизлар судраб келиши одат бўлган, Абдусамад тўпчибоши эса уларни отлар билан тортиб юришни жорий этган, уларни гуруҳлаб рақамлаган, эндиликда тўп ва тўпхоналарнинг дала шаронтидаги ҳаракати имкониятлари оширилган.

Бошқа томондан мулоҳаза қилинса, 1868 йилгача амирлик қўшинининг асосини ҳасабдорлар ва галаботирлар ташкил этарди. Ушбу икки қўшин турига олинганлар бир умр хизматда бўларди. Пиёдаларнинг аҳволи бошқача эди. Пиёда сарбозлар уруш бўлмаган вақтда уйларида яшар, 4 кун эшак билан Бухорога келиб 3-4 соат машқ қилиб, яна уйига қайтиб кетарди. Буни мунтазам қўшин деб ҳам бўлмасди.

Бухоро амири урушга тўлақонли тайёрланган бўлмаса-да, эълон қилинмаган урушда қатнашишга мажбур бўлди, фуқароларнинг кистови билан қўшинни муқаррар ҳалокат сари бошлаб борди. Чунки

¹⁷⁶ Шуғурчиласа К) А. Бухоро амирлигида қўшини ва ҳарбий иш (1756-1920 йиллар) Номтодлик диссертацияси автореферати Т 2006, 19-20 бет

¹⁷⁷ М.Н.Соловьёв. Экспедиция в Бухару в 1841-1842 гг. при участии натуралиста А.Лемана М.-Л. 1936 с.59

бу даврга келиб уруш тақдирини қўшиннинг миқдорий салмоғи (қўшиннинг кўпсонли бўлишлиғи) эмас, балки унинг техникавий салмоғи, жанговарлик қобилияти ҳал этарди. Бошланиб кетган урушда халқ оммаси, диёнатли мусулмонлар, турли хил қавмлар имкони борича душманга қаршилиқ кўрсатишди.

Хўжанд калъасининг ҳимоясида 2600 мусулмон ҳалок бўлган бўлса, босқинчилардан ҳам 1200 киши ўлдирилади. Жиззах мудофаасида 8-9 минг киши қатнашиб, рус қўшинини ҳам енгил мумкинлигини кўрсатди ва ушбу мағлубиятдан сўнг генерал Черняев ўз мансабидан четлатилди. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори ва қўмондони қилиб генерал Романовский тайинланди.

1868 йил 29 майда Каттакўргон атрофида 30 минг кишидан иборат қўшин ва оломон рус аскарларига қарши жангга отланадилар. Душман томон бу урушда 30 тўп ва 13156 дона милтиқ ўқларини ишлатиб, 7 минг кишини ҳалок этади. Бироқ шунга қарамай ватанпарварлар 31 майда Каттакўргон истехкомидаги рус аскарларига ҳужум қиладилар. Каттакўргондаги жанглар босқинчиларга қарши курашнинг энг даҳшатлиларидан бири сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Каттакўргонга генерал-губернатор Кауфманнинг шахсан ўзи қадам ранжида қилиши бежиз бўлмаган.

Истилочилар Зирабулоқ жангига бутун кучларини сафарбар этишган, чунки бу жанг ҳар иккала томон учун ҳам ҳал этувчи оқибатлар чегараси деб қаралган. 1868 йил 2 июлда бўлиб ўтган Зирабулоқ урушида амир томонидан 6 минг пиёда сарбозлар, 15 минг отлик аскарлар, 14 та енгил замбарак қатнашган. Руслар томонидан 18 та пиёдалар ротаси, 900 казак, 14 та тўп иштирок этган. Амир қўшинида қиличлар сони кўп, аммо огир тўплар, милтиқлар ва ракета мосламаси бобида босқинчилар катта устунликка эга эди. Энг ёмони, Бухоро қўшини замбараклардан отишда ва мўлжалга олишда жуда тажрибасиз эди. Кауфманнинг айтишича, «душманнинг Зирабулоқ тепаликларидан отган тўплари бирон зарар келтирмаган»¹⁷⁸. Зирабулоқ жангида Бухоро қўшинининг деярли ҳаммаси қириб ташланган, тўплар зарбидан қочиб қутулганлар Карманда тўпланган ва минг кишини ташкил этган. Зирабулоқ жанги қўнларида Самарқанддаги руслар гарнизонига ҳужум уюштирилган ва «Самарқанд гарнизонидаги йўқотиш катта» деб босқинчилар томонидан эътироф этилган.

¹⁷⁸ Ўзбекистоннинг янги тарихи, I-том, 111-112бет

1868 йилнинг 1-8 июнида Самаркандда русларга қарши исён кўтарилади. Шаҳрисабзликлар ва самаркандликлар бу ердаги ҳарбий истеҳкомга ҳужум қиладилар ва натижада душманнинг 400 аскарини ўлдирадилар. Аммо 8 июнда ёрдамга етиб келган қўшимча кучлар исёнчилардан қаттиқ уч оладилар. Туп ва замбараклардан уққа тутилган шаҳарда ёнгин бошланади. 9 июндан бошлаб 3 кун ичида шаҳар аҳолиси киргин қилинади. «Сайқали рўйи замин»нинг тарихида аянчли фожеа содир этилади: 49 минг киши қурбон бўлади. Ўлдирилган ҳар бир рус аскари учун босқинчилар 100 дан ортиқ одамни киргин қилади.

1868-1870 йилларда амир Музаффарнинг катта ўғли — Абдумалик тўра (1848-1909) бошчилигидаги кучлар русларнинг босқинига қарши кураш олиб бордилар. Генерал-губернатор билан сулҳнинг имзоланишидан кейин норозилик ҳаракати авж олди. Бу ҳаракатга Абдумалик тўра, эрксевар беклар Жўрабек, Бобобек ҳамда Кенесари Қосимовнинг ўғли Султон Содик раҳбарлик қилади. Бирлашган ватанпарвар кучлар Амир Темурнинг Оксаройида тантанали суратда Катта тўра номи билан машҳур бўлган амирзода Абдумаликни амир деб эълон қиладилар. Амир Музаффарнинг мулозимларидан бўлган Худоёр, Абдулла, Иброҳим тўқсаболар ва кўпчилик уламолар бу қарорни маъқуллаб, Музаффарнинг тахтдан туширилганини тан оладилар. Ватанпарвар кучлар Шаҳрисабздан кейин Қаршини эгаллайдилар. Қармана ва Чирокчи ҳам тез орада уларнинг қўлига ўтади. Руслар билан курашда чиниққан қозок халқининг содик фарзанди Султон Содикни Абдумалик тўра Қармана вилояти ҳокими этиб тайинлайди. Шунингдек, амирга нисбатан тесқари қайфиятда бўлган Китоб ҳокими Жўрабек ва Шаҳрисабз ҳокими Бобобек каби лашкарбошилар Абдумалик эълон қилган газот йўлида эркпарвар кучларни бирлаштиришга ҳаракат қилдилар.

Юзага келган вазиятни Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ҳам ташвиш ва хавотир билан кузатар, аммо имзоланган сулҳ шартномасига мувофиқ Бухоронинг ички ишларига аралаша олмасди, чунки қайд этилган ҳаракатлар расман Бухоро амирлиги сарҳадларида юз берган эди. Ниҳоят 1868 йилнинг кузида амир Музаффар ёрдам сўраб фон Кауфманга мурожаат этишга мажбур бўлди. Босиб олинган Бухоро ҳудудларида ташкил этилган Зарафшон округи бошлиғи генерал Абрамовга кўрсатма берилиб, у 6 октябрдан ўз ҳаракатини бошлади. Қарши шаҳри остонасида қаттиқ жанг бўлиб, Абдумалик тўра Шаҳрисабзга қараб чекинади. Руслар билан бирга

амирнинг сарбозлари ҳам ватанпарварлар эгаллаган ҳудудларни бирин-кетин қўлга кирита бошлайдилар. Абдумалик тўра билан Султон Содиқ Хива хонлиги томонга қочишга мажбур бўладилар.

1868 йилнинг 22 декабрида Абдумаликни Хивада тантанали равишда кутиб оладилар. Аммо Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Абдумаликка ҳарбий ёрдам кўрсатишга ожиз эди. Шу боисдан ҳам амирзода тез фурсатда Афғонистонга ўтади ва у ерда ҳам илик кутиб олинади. Афғон амири Шералихон Абдумаликка хайрихоҳ эди, аммо Англияга қарши курашда Россиядан кўмак олишга умидворлиги сабаб яқин орада амирзодага ҳарбий ёрдам кўрсата олмаслигини баён этади. Охириги умидини Кўконга боғлаган Абдумалик бу ердан ҳам ёрдам ололмаслигига ишонч ҳосил қилади. Чунки Кўкон хони Худоёрхон руслар билан ўчакишни истамасди. Ниҳоят, ноилож қолган Абдумалик Қашғарга ўтиб, машҳур ўзбек саркардаси Ёқуббекнинг ҳузурига боради. Ёқуббек Кўкон хонлигининг собик лашкарбошиси бўлиб, 1853 йилдан бери русларга қарши курашарди. У Абдумаликни яхши кутиб олади ва янги Ҳисор қалъасини унинг ихтиёрига топширади. Бу ерда Абдумалик Ёқуббекнинг ёрдамида Туркия ҳукумати билан алоқа ўрнатади, Қашғарга келган Англия элчиси билан учрашади, аммо натижага эриша олмайди. Шундан кейин Абдумалик Ҳиндистоннинг Калькутта, Пешавор шаҳрида яшайди. 1885 йилда отасининг касаллигидан фойдаланиб, Бухоро тахтини эгаллашга уриниб кўради, аммо натижаси бўлмайди ва шу тариқа армон билан 1909 йилда Пешаворда вафот этади.

Китоб ҳокими Жўрабек ва Шаҳрисабз ҳокими Бобобек эса курашни давом эттиради. Амир Музаффар уларга қарши курашда ёрдам сўраб 1870 йилда Кауфманга мурожаат этади. Бир томондан генерал Абрамовнинг қўшини, иккинчи томондан амирнинг сарбозлари билан олиб борилган жанглар оқибатида Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб руслар томонидан истило этилади. Ўзлон қилинмаган уруш Россия империяси фойдасига ҳал этилиб, Бухоро амирлигининг қарам давлатга айланиши билан тугайди.

2. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида

Бухоро амирлиги

1873 йилнинг 28 сентябрида Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасида навбатдаги шартнома (унинг лойиҳа варианты 1873 йилнинг 11 майида амирга юборилган эди) имзоланиб, Бухоро амирлиги расман Россия империясининг протекторат (вассал)и

эканлиги эълон қилинади. Мазкур шартномага кўра, Зарафшон дарёсининг юкори қисми бўлган Шаркий Бухородаги вилоятлар (Шугнон, Воҳон ва Рўшон) қўлдан кетади. Амударёнинг чал соҳилидаги ерлар (Балх, Мозори Шариф, Шибиргон, Кундуз ва б.) эса Россия ва Буюк Британиянинг талаби билан Афғонистонга берилади. Аввалги (1868) шартномага мувофиқ бир қатор вилоятлар (Хужанд, Ўратепа, Жиззах, Самарканд ва Каттақўргон) Зарафшон округи таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ихтиёрига ўтган эди. Кейинги шартномадан сўнг Бухоро амирлиги хорижий давлатлар билан мустақил алоқа олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Амирлик ҳудудининг катта қисми (тахминан 1/3 қисми) Россия қўшинлари томонидан босиб олингандан сўнг мамлакатдаги аҳвол тубдан ўзгариб, давлат мустақиллиги йўқотилди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мураккаб ўзгаришлар юз берди.

1873 йилда Тошкентда Буюк Британия вакили Дуглас Форсайт Кауфман билан яширинча учрашиб, Ўрта Осиёдаги вазият муҳокама қилинади. Қўкон хонлигини руслар томонидан батамом босиб олинishiга инглизларнинг қаршилиқ кўрсатмаслиги, аммо Бухоро амирлиги мустақил давлат сифатида қолиши ва Афғонистонга ҳужум қилмаслигини таъминлашни Россия, Афғонистоннинг Бухорога ҳужум қилмаслигини таъминлашни Буюк Британия ўз зиммасига олишлари тўғрисида келишиб олинади. Бу келишувнинг натижасида юкоридаги шартнома тузилган ва 1876 йилда Қўкон хонлиги тугатилган эди¹⁷⁹.

Бухорода ташкил этилган Россия Сийёсий Агентлиги (1885-1917) Бухоро амири ва амирлик устидан назорат олиб бориб, амир ва Петербург ўртасидаги воситачи ролини бажарган. Саид Абдулаҳадхон (1885-1910) ва Саид Олимхон (1910-1920) ўз ҳукмронлиги даврида Россия императори марҳамати ва илтифотига эришиш йўлида барча воситаларни ишга солишган. Империя ҳукмдори ва ҳукумати томонидан «зоти олийлари», «ҳазрати олийлари» мақомига қўтарилган, император мулозим генерали (генерал-адъютант), энг олий генераллик унвони (генерал от кавалерии) га эришган Абдулаҳадхон империянинг биринчи ордени (Андрей Первозванный) кавалери бўлган. Бу «марҳаматлар»га жавобан Абдулаҳадхон Россия императори Александр III (1881-1894) шарафига соф олтиндан «Искандар» орденини таъсис этиб, уни рус подшоҳига тақдим этган. Бухоро амири Россия давлати пойтахтидаги қиборлар доирасида ўзининг совға-саломлари ва қуюқ зиёфатлари билан катта эътибор

¹⁷⁹ Бобобек-и Х Н. Англо-русские соперничество в Средней Азии XIX в. Т 2006, с 21-22

қозонган. Амирнинг қимматбаҳо ҳадяларини император Николай II (1894-1917), ҳарбий вазир генерал А.Н.Куропаткин (1898-1903) ва ҳатто ревизия комиссияси раиси, граф, сенатор К.К.Пален (1908-1910) ҳам мамнуният билан қабул қилган. Бухоро амири шунинг учун ҳам Россия паноҳида ўзини хотиржам сезиб, халққа беадад оғир солиқ-мажбуриятлар юклаб, роҳат-фароғатда яшаган. Амирга қарши кўтарилган исён ва қўзғолонлар эса мустамлакачи руслар милтиқлари ёрдамида бостирилган. Масалан, 1888 йилда Қўлоб беклигида деҳқонлар қўзғолони кенг тарқалганда Помир чегара қўшини амирга ёрдам кўрсатиб қўзғолонни бостирган. 1889 йилда эса Келиф аҳолиси ҳоким зулмидан безор бўлиб бош кўтарганда бекни рус қўшини ўз ҳимоясига олади. Бундай анъаналар амир Саид Олимхон даврида ҳам давом этган. Жумладан, 1910 йилда Бухорода суннийлар ва шиалар ўртасидаги можаролар, қуролли тўқнашувлар, ғалаёнлар ҳам рус қўшини воситасида бостирилган, 1914 йилдаги Тошкўприк, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши ва Ҳисорда содир этилган халқ ғалаёнлари ҳам бевосита рус ҳарбийлари ёрдамида бартараф этилган. Саид Абдулаҳадхон ҳам, ўғли Саид Олимхон ҳам рус тобелигидан халос бўлиш учун ҳаракат қилмади. Ҳатто генерал-губернатор Кауфман амирни «энг итоатгўй туман бошлиғи» деб атаган.

Бухоро амирининг русларга мутелиги зиёлилар, савдо-саноат аҳли ва таракқийпарвар уламоларнинг кучли норозилигини уйғотган. Шунинг учун ҳам 1910 йилда Бухоронинг 56 уламози махсус хат билан Туркия ва Афғонистон ҳукмдорларига мурожаат қилиб, Россия васийлигидан халос қилишларини сўраган. Биринчи жаҳон уруши даврида, 1915 йилда Туркия Россияга қарши уруш эълон қилганда, Бухоро уламолари туркларга ёрдам жамғармаси тузишган. 1916 йилда улар миллий озодлик ҳаракатини бошлаган Жиззах аҳолисига ёрдам кўрсатишга Бухоро халқини ундашган эдилар.¹⁸⁰

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги маъмурий жиҳатдан 29 та вилоят (айрим манбаларда 27 та ёки 32 та вилоят) га, вилоятлар амлоқларга, амлоқлар эса кишлоқларга бўлинган. Бу вилоятларга қуйидагилар кирган: Бойсун, Балжувон, Бурдалик, Дарвоз, Денов, Зиёвуддин, Яккабоғ, Қабодиён, Қоратегин, Карки, Кармана, Қарши, Калиф, Китоб, Қўлоб, Қўргонтепа, Нурота, Сарижўй, Усти, Хатирчи, Ҳисор, Ғузор, Чоржўй, Чирокчи, Шаҳрисабз, Шеробод, Шугнон, Рошан, Ваҳон. Ушбу вилоятларни амир томонидан

¹⁸⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-том, 212-213 бет

тайинланган беклар бошқарган. Манбаларда бекларни вилоят ҳокимлари деб ҳам ёзишган.

Россия саноатини арзон хом ашё билан узлуксиз таъминлаб туриш учун темир йўллар ётқизилган. Темир йўллар 1881 йилдан 1886 йилгача Қизил Арвот, Ашхобод, Марв, Чоржўй (Туркманобод) орқали Амударёгача ётқизилади. 1887 йилда Янги Бухоро (Когон) ва Самарқандгача қурилади. 1915 йилда эса Бухоро-Қарши-Термиз, Бухоро-Қарши-Шахрисабз-Китоб темир йўли қуриб фойдаланишга топширилади. 1910 йилда подшо ҳукумати амир Абдулаҳаднинг розилиги билан Россия ва Бухоро амирлигини иктисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида Бухорода темир йўл қурилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Узок музокаралардан сўнг Бухоро амирлиги капитали жалб қилинмаган ҳолда Когон (Янги Бухоро) – Термиз темир йўлини қуришга қарор қилинди. Ушбу қарор Россия Вазирлар Кенгашининг раиси Столиппин бошчилигида 1910 йилнинг 10 апрелида бўлиб ўтган йиғилишида тасдиқланди. 1912 йилнинг 15 июнида амир Саид Олимхон муҳандис-тадбиркор Ковалевский билан қурилишга оид шартномани имзолади. Шартномага мувофиқ амир темир йўл учун зарур бўлган олти минг десятини ер участкасини ҳамда қурилиш учун зарур бўладиган саксон етти десятина ер участкасини Янги Бухоро районида қайтарилмаслик шарти билан рус концессионерига берди ва 1913 йилда Ковалевский Бухоро темир йўл акциядорлик жамиятини ташкил этди. Жамиятнинг директори этиб И.М. Слуцкий тайинланди. Шундай қилиб 1914 йилнинг 16 июлида бу жамият қурилиш ишини бошлади ва 1916 йилнинг 15 июлида темир йўл қурилиши тугалланди. Умумий узунлиги 562 чакирим (верст) бўлган бу йўлнинг 150 чакирими Афғонистонга чегара ерлардан ўтарди. Темир йўл қурилишида етти минг киши, шу жумладан Пенза губернясидан ёлланган беш юз рус, кам миқдордаги афғон, форс ва татарлар ишлади. Когон ҳудудида амир ўзининг маблағи ҳисобидан катта бўлмаган Амиробод вокзалини қурдирди.

Бухоро амирлигида рус маъмурлари катта имтиёзга эга бўлган. Айниқса, амирлик ҳудуди бўйлаб темир йўллар ўтказилгач, унинг атрофига қўлаб рус аҳолиси келтириб жойлаштирилган ва рус манзилгоҳ (поселение) лари барпо этилган. Айнан шу вақтда Янги Бухоро (Когон), Янги Термиз ва Янги Чоржўй шаҳарларига асос солинган.

1883 йилда Каттакўрғондан Бухорога телеграф сими ўтказилади, 1901 йилда Амударё устига темир йўл қўприги қурилади. Албатта бу

қурилишлар энг аввало рус маъмурларининг манфаатларига хизмат қиларди.

Афғонистон орқали бўладиган савдо муносабатларида Россия ўз манфаатлари устунлигини таъминлаш чораларини кўрди. 1873 йилги шартноманинг 7-моддасига мувофиқ Россиядан Афғонистонга, Афғонистондан Россияга ўтадиган товарлардан бож тўлови олинмаслиги лозим эди. Бироқ амалда бунга риоя этилмади ва Россия савдогарларининг норозилигига сабабчи бўлди. Аҳволни яхшилаш учун Бухорода рус тижорат агентлиги таъсис этилди¹⁸¹.

1890 йилга келиб Ўрта Осиёдаги савдо-сотик муносабатларини Россия манфаатларига бўйсундириш масаласи долзарб тус олди. Шу мақсадда, Россия империяси молия вазирлигининг ташаббуси билан 1892 йилнинг охирида Махсус кенгаш чақирилиб, унда Бухоро ва Хива хонликларини ягона рус божхона тизимига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Лекин Бухоро амири томонидан норозилик эҳтимоли борлиги учун подшо Александр III Кенгаш қарорини тасдиқлашга шошилмади ва унга чет эл товарларидан олинадиган бож тўловининг бир қисмини беришни ваъда қилди. 1893 йилнинг октябрида ягона божхона тизими тўғрисидаги лойиҳа Туркистон генерал-губернатори Верёвскийга ва Бухоро амирига жўнатилди. Шундан кейин амир Абдулахадхон бу лойиҳани имзолашга мажбур бўлди ва 1894 йилдан бошлаб амирлик чегара пунктларида рус божхоналарини ташкил этишга қарор қилинди. Бухоро-Афғон чегараси Россия-Афғон чегарасига айлантирилиб, эндиликда ушбу чегарани қўриклашни ҳам рус аскарлари ўз қўлларига олди. 1894 йилда Бухоро амирлигидаги бож тизими Россиянинг божхонаси ихтиёрига олингач, амирлик чет давлатлар билан мустақил савдо алоқалари олиб бориш имкониятидан ва ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Россия протекторати ўрнатилгандан сўнг рус ҳукумати ўз олдида Бухоро пул тизимини йўқотишни ҳамда муомалага рус қоғоз пулларини, жумладан кредит чипталарини киритишни мақсад қилиб қўйди. 1893 йилгача Бухоро бозорларида 1 Бухоро кумуш тангасининг нархи 20 тийин рус пули даражасида сақланган. 1893 йилда Россия давлат банкнинг Бухоро бўлимлари Когонда ташкил этилиб, унга Бухорода пул муомаласини тартибга солиш вазифаси юкланди. Бухоро тангаси Туркистон ва Бухоро ўртасида (Самарқандда) ҳам

¹⁸¹ Сафарова Т.Т. XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошигача Ўрта Осиё савдо йуллари. Номзадлик диссертацияси автореферати. Т 2009. 20-21 бет.

жорий этилди. 1910 йилларга келиб 7 та рус хусусий банкининг бўлимлари Бухорода иш олиб борарди.

Россия ҳукуматининг тазйиқи остида 1904 йилда Бухоро кумуш тангаси чиқарилиши тўхтатилди. Танга зарб этилиши тўхтатилиши билан бирга 2 пул қимматли янги мис тангалар ҳамда оддий фулус (мис чақа) мунтазам зарб этилиши йўлга қўйилди. Амир ҳукумати кумуш тангаларни мис тангаларга алмаштиришга маълум даражада ҳаракат килди. Аммо амирлик Россияга молиявий жихатдан қарам бўла бошлади.

1900 йил 27 январда тузилган шартномага кўра, Амударё қирғоғидаги 10514 десятина ер (Термиз шаҳари ва унинг атрофлари) ҳарбий истехкомлар ва чегара тўсиқлари қурилиши учун ажратилиб, Россия мустамлакачилари қўлига берилди. Шундай қилиб, Янги Термиз шаҳри ҳам Россия ихтиёрига ўтди.

Бухоро амирлигида саноат ишлаб чиқариши ривожланмаган бўлса-да, руслар босқинидан олдинги даврда ўзига хос мануфактуранинг куртаклари мавжуд эди. Дехқон ҳўжаликлари учун ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Масалан, 1841 йилда Бухорода 6 та чўян қўйиш цехи бўлиб, уларда кишлок ҳўжалик қуроллари, тўплар учун ядро ишлаб чиқарилган.

Россияга пахта хом ашёсини олиб кетишнинг борган сари қўпайиб бориши пахта тозалаш заводлари қурилишини тезлаштирган. 1880-1914 йиллар оралигида Туркистон ўлкасида 220 та шундай завод қурилган бўлса, Бухоро амирлигида 1905 йилда 9 та, 1913 йилда эса 26 та пахта тозалаш заводи ишлаб турган.

Ёш бухороликлар (жадидлар) ҳаракати

XIX асрнинг 80-йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский (Гаспирали) раҳбарлигида ташкил этилган жадидчилик (араб тилида «жадид» - янги) ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳаракат бўлиб, XIX асрнинг охирларида ва XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳам кенг тарқалди. Ушбу ҳаракат намояндалари қўпинча ўзларини тараққийпарвар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Жамиятнинг илғор тараққийпарвар кучлари — зиёлилар маҳаллий халқнинг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини тушуниб, жамиятни ислох қилиш заруриятини англаб етган эдилар.

Туркистон минтақасида жадидчиликнинг уч йўналиши вужудга келган бўлиб, улар ўртасида маълум тафовут мавжуд эди. Масалан, Туркистон ўлкасидаги жадидчилик ҳаракати подшо Россияси

мустамлакачилиги тузумига қарши курашнинг олдинги сафида турган бўлса, Бухоро ва Хивадаги жадидчилик ўзига хос йўналишда бўлиб, бу ерда аввало чекланган (конституцион) монархия, кейин демократик республика тузиш учун кураш асосий масала сифатида қўйилган эди.

Бухоро жадидчилигининг таркиби асосан Бухородаги шахар аҳолисининг таракқийпарвар қисми: зиёлилар, муллавачалар, майда дукондорлар ва маъмурлар, хунармандлар ва савдогарлардан иборат эди. Дастлабки даврда ҳаракатнинг деҳқонлар ва аскар-ҳарбийлар орасида нуфузи паст бўлган. Бухоролик жадидлар дастлаб амирлик тузуми доирасида ислохотларни жорий этишга ҳаракат қилишган ва 1900 йилда амирдан янги усулдаги мактаблар очишга рухсат олишга муваффақ бўлишган. Шу йили Бухорода вобкентлик деҳқон (Мулла) Жўрабой томонидан биринчи янги усулдаги мактаб очилиб, 1903 йилга келиб уларнинг сони 6 тага етган эди (Бошқа манбада, 1893 йилда Абдулахаднинг рухсати билан Мўминхўжа Вобкандий ва гиждувонлик Домла Фозилнинг саъй-ҳаракати билан янги усул мактаби очилди деб ёзилган.¹⁸²

XX асрнинг бошларига келиб Бухородаги ижтимоий вазият кескинлашди. Юз бераётган янгиликларга хайрихоҳ ва унга қарши бўлган кучлар ўртасида зиддият келиб чиққан. Икром Домла бошчилигидаги таракқийпарвар ва Мулла Абдураззоқ бошчилигидаги қадимий (консерватор, жоҳиллар) лар оқими шаклланиб, бир-бирига мухолифатда эдилар.

Аҳмаджон Ҳамдий (Абусаидов), Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон Хўжа), Ҳамидхўжа Меҳрий, Абдулвоҳид Бурҳонов, Абдулқодир Муҳиддинов, Садриддин Айний, Абдурахмон Саъдий каби ҳаракатнинг фаоллари ташаббуси билан 1908 йилда «Бухороий Шариф Ширкати» тузилиб, дарсликлар нашр этиш ва китоб савдоси билан шугулланди. Жамиятнинг дастлабки иши С.Айнийнинг «Тартиул-Курьон» номли дарслигини нашр қилдириш бўлди.

Абдулвоҳид Бурҳонов, Ҳамидхўжа Меҳрий, Мукамил Бурҳонов, Аҳмаджон Ҳамдий ва Ҳожи Рафе раҳбарлигида 1909 йилнинг декабрида Бухоро жадидларининг «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамияти таъсис этилди. Мазкур жамият туркистонлик ва бухоролик ёшларни Истанбулдаги «Бухоро таълими маориф жамияти» бўлимига ўқишга жўнатди. Жамиятнинг саъй-ҳаракати билан 1911 йилда 15 нафар, 1912 йилда эса 30 нафар ёшлар ўқишга юборилди. Хориждаги таълим ёшлар дунёкарашида тубдан

¹⁸² ЎзМЭ, 10-том, 384-бет

бурилиш ясади. Туркияга бориб таълим олган ёшлардан бири, кейинчалик машхур шоир, адиб ва олим Абдурауф Абдурахим ўгли Фитрат эди. У Истанбулдан мутлақо янги туғилган одамдай бўлиб қайтади ва шу боис ўзига «Фитрат» - «Туғилиш» деб тахаллус олади.

Жадидчиликнинг кўпчилик вакиллари ёшларга аввало диний таълим билан бир қаторда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кун тартибига қўйдилар. Таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, шу мактаблар учун дарслик ёздилар ва нашр этдилар. Масалан, 1908 йилда А.Бурҳоновнинг «Раҳбари хат» номли дарслиги нашр этилган.

Жадидчилик ҳаракати давомида уларнинг ўз матбуоти шаклланди. Бухорода дастлабки газеталар – тожик тилида «Бухорои шариф» (Когонда, 1912 йилнинг 11 мартдан 1913 йилнинг 2 январигача, ҳафтасига 3 марта, жами 153 та сони чиққан) ва ўзбек тилида «Турон» (Когонда, 1912 йил 14 июлдан 1913 йилнинг 2 январигача, ҳафтасига 2-3 марта, жами 49 та сони нашр этилган, унинг муҳаррири бухоролик Ғиёс Махсум Ҳусайний эди) чиқа бошлади. Газеталарни моддий жиҳатдан таъминлаш ва нашр ишларини йўлга қўйишда Муҳиддин Мансуров ва Мирзо Сирож Ҳаким катта роль ўйнашди. Аммо 1913 йилнинг январидан бошлаб рус маъмурулари (Сиёсий Агентлик) томонидан газеталарнинг фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Жадидчилик ҳаракати Бухоро ва Туркистонда бир вақтда бошланган бўлса-да, Бухородаги мураккаб вазият унинг тараққиётини тезлаштирди. 1910 йилдан бошлаб Бухородаги жадидчилик ҳаракати ташкилий тус олиб, «Тарбияи атфол» яширин жамияти негизида сиёсий ташкилотга айланди – «Ёш бухороликлар» партияси ташкил топди.

Кейинги даврда партиянинг фаолиятида Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуровлар салмоқли роль ўйнадилар. Ёш бухороликлар ёшларни Истанбул, Қозон, Уфа, Бокчасарой (Қрим)га ўқишга юбордилар. Жўнаб кетган иқтидорли ёшлар партиянинг моддий маблағи ҳисобидан таълим олишиб, бунинг учун Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуров партияга катта маблағ ажратишган эди.

1910-1914 йилларда «Ёш бухороликлар» партияси асосан, маърифатпарварлик ишлари билан машғул бўлиб, Бухоро амирлигида маориф тизимини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар. Асосий мақсад – янги усул мактабларини очиш (1912 йилда уларнинг сони 57 тага етди), болаларнинг саводини тезроқ чиқариш, мактаб, мадраса, ўқув

тизимини ислоҳ этиш эди. Бухорода бошланган ҳаракат тезда Шаҳрисабз ва Каркига тарқалди.

1914 йилдан бошлаб «Ёш бухороликлар» партияси маърифатчиликдан сиёсат соҳасига ўтдилар. Энди улар амирлик тузумини ислоҳ этиш тўғрисидаги дадил ва қатъий фикрлар билан кураш майдонига чиқа бошладилар. Бухорода «Маърифат» кутубхонаси ва «Баракат Ширкати» тузилиб, улар китоблар нашр этиш ва чет элларда чиқарилган турли хил адабиётлар, газеталар ва журналларни Бухорода тарқатиш билан шугулландилар. Бу ишда А.Бурхонов, А.Ҳамдий, Мирзо Сирож Ҳаким фаоллик кўрсатишди. Аммо бу ҳаракат амир ҳукумати томонидан қаттиқ қаршиликка учради.

1917 йил февралда Россияда бўлиб ўтган инқилобдан сўнг ёш бухороликларнинг орасида қайта гуруҳланиш тезлашди ва Абдулвоҳид Бурхонов бошчилигидаги аста-секин ислоҳ этиш тарафдорлари ҳамда Абдурауф Фитрат бошчилигидаги ислохотдаги фаол ҳаракатни қўлловчи, нисбатан оз сонли ёш жаҳидлар гуруҳи шаклланди.

Ёш бухороликлар Петрограддаги Муваккат ҳукумат номига Бухорода демократик ислохотларни ўтказишни сўраб 2 марта телеграмма юборди, Фитрат ва Усмонхўжа Пулатхўжаев шу масалада Петроградга жўнатилди. Айнан шу вақтда Россиядан махсус комиссия келаётганлиги бонс Оренбургдан орқага қайтишди. Рус резиденти (Сиёсий агентлик ўрнига Рус резидентлиги таъсис этилган эди) А.Я.Миллер Бухорода У.Пулатхўжаев ва А.Бурхонов билан учрашди ва уларнинг талаблари билан қизиқди. Шунда ёш бухороликлар номидан янги усул мактабларини очиш, матбуотга эркинлик бериш ва халқ ҳукуматини тузиш каби талаблар илгари сурилди. Бухоро амири Саид Олимхон резидент Миллер ва унинг ёрдамчиси Шульга томонидан тузилган манифест матнини айрим тузатишлар билан фармони олий тарзида 1917 йилнинг 7 апрелида эълон қилди. Амир фармонида қуйидагилар қайд этилган эди:

- нуфузли кишилардан иборат мажлис тузиш;
- давлат хазинасини таъсис этиш;
- мамлакат бюджетини белгилаш;
- пойтахтда босмахона очиш;
- саноат ва савдони ривожлантириш;
- солиқларни тартибга солиш;
- амалдорлар устидан назорат ўрнатиш ва уларга маош тўлаш.

Россиядаги Муваққат ҳукумат, унинг Бухородаги вакили (резиденти) ҳам февраль инқилобидан сўнг Бухорода ислохотлар ўтказиш фурсати етганини тушунгандилар. Аммо амирнинг юкори мансабдорлари ва ислом дини руҳонийларининг мутаассиб қисми ислохотга қарши эдилар.

Демократик кучлар амир манифестини мамлакатда тинч йул билан ижобий ўзгаришларни амалга ошириш томон қўйилган дастлабки қадам деб қарадилар. Шунинг учун ҳам, 1917 йилнинг 8 апрелида шукрона намойиши ўтказишга қарор қилинади. «Яшасин ислохот», «Яшасин Амир» деган шиорлар билан намойиш бошланади. Бир неча юз киши шаҳар маркази – Пассаждан Гавкушон ва Хиёбон орқали Регистонга юриш бошлашди. Намойишчилар бошида Ф.Хўжаев, А.Бурҳонов, Отахўжаев, Мирбобо, Юсуфзода ва бошқа фаоллар бордилар. Бир неча жойда қисқа митинглар бўлди. Намойишчиларга янги-янги гуруҳлар қўшилди. Намойишчиларда кўтаринки кайфият мавжуд эди.

Шу куни консерваторлар ва мутаассиб гуруҳлар Регистонда тўпланиб ислохотга, янгиликларга қарши жангарилик ва мурасасизлик кайфиятларини намойиш қилдилар. Ҳукуматнинг айрим амалдорларига нисбатан, ислохот тарафдорларига қарата душманларча дағдағалар, пўписалар ва ҳайқириқлар бўлди. Уларнинг жазаваси соат сайин кучайиб борарди. Вазиятнинг ривожланиб бориши икки томоннинг тўқнашувига ва нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин эди. Шундай вазиятда демократик намойишчиларнинг раҳбарлари Регистон майдонига бориш ниятидан қайтдилар ва намойишчиларни тарқалиб кетишга ундадилар. Гарчанд, сиёсий тадбир ниҳоясига етмаган бўлса-да, у Бухоро амирлиги демократик ислохотлар учун етилганлигини намойиш этди. 8 апрель воқеаларининг якуний ҳулосаси шу бўлдики, ҳукуматда консерватив (қадимчилар) кучлар яна устунликка эришдилар. Намойишдан кўриб кетган Амир Олимухон қозикалон Шарифжон Махдумни лавозимидан бўшатди. Даргазаб бўлган мутазассиблар раис Абдусамадхўжани оломон қилиб ўлдирдилар. Қўшбеги Насруллобекнинг буйруғи билан шоир С.Айний, ёш бухороликлардан Мирбобо, Мирзо Нарзулло 75-150 (калтак) дарра уриб жазоландилар.

1917 йилнинг 14 апрелида амир ўз фармонини бекор қилди. Ёш бухороликлар эндиликда амир ҳокимиятига қарши яширин кураш йўлига ўтадилар. Улар Бухоро шаҳрини тарқ этишиб, Янги Бухоро (Когон) га келиб ўрнашдилар. Когонда ёш бухороликлар сафига

олдинрок Бухородан чикиб кетган йирик савдогар Мухиддин Мансуров ўғиллари (Абдулқодир, Амин ва Исом Мансуров) ва бошқалар билан келиб қўшилади. 1917 йилги апрель воқеалари партия ичидаги бўлиниш тезлашувига ва унда А.Бурҳонов бошчилигидаги ўнг қанотнинг вақгинчалик устун бўлишига олиб келди. Кейинрок ёш бухороликлар партиясидан қисман ислохотлар ўтказиш тарафдори бўлган жадидларнинг уламолар билан боғланган Икром Домла (Икромча) бошчилигидаги гуруҳи ажралиб чиқди. «Ёш бухороликлар» партиясининг ижтимоий таркибида ўзгариш бўлиб, йирик сармоядорлар ундан чиқди ва кўпроқ шаҳарнинг камбағал қатлами вакиллари кирди.

Бухорода 1910 йил январь воқеалари

Мангитлар сулоласи ҳукмронлигининг охириг қаврига келиб, марказий ҳокимият заифлашган, айрим бекликлар ва вилоятлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғирлашган, амирликнинг Россия империясига қарамлиги янада ортган, бошқарувда исломнинг шиа мазҳаби вакилларининг маъкеи маълум даражада ошган эди. Амир Абдулаҳад ўз фаолиятини Қарманадан туриб амалга оширади, пойтахтдаги воқеаларга қўп ҳам эътибор беравермас эди.

1910 йилнинг 9 январь кунда Бухоронинг Ўғлон дарвозаси яқинидаги сарбозхонада шаҳарнинг шиа мазҳабидаги аҳолиси ўзларининг анъанавий мотам маросимлари – «шахсей-вахсей» маросими (Шиа мазҳабидаги мусулмонлар халифа Алининг ўғли Хусайннинг Қарбало ёнидаги жангда ҳалок бўлганлиги хотирасига бағишлаб муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида ўтказиладиган мотам маросими «Ашуро» деб номланиб, шу кун масжид ва мадрасаларда, таъхона ва ҳусайнийхоналарда имом Хусайн ва сафдошлари туғрисида қиссалар жамоат орасида ўқилади; кўчаларда шиалар юриш қилиб, мотам тўғлари ва шиорларини кўтариб, «Шох Хусайн, вох Хусайн» сўзларини такрорлаб қола чекишади; айримлари кўкракларига тўхтовсиз мушт уриб, занжир ва ханжарлар билан баданларини шикастлайдилар) ни ўтказаятганларида сунний мазҳабидаги муллавақчалар уларнинг бу ҳолидан қўладилар. Бундан ғазабланган шиалар бир муллавақчани ўлдирадилар ва уч нафарини қаматтирадилар. Суннийларнинг вакиллари амирнинг Аркига келиб қўшбеги Остонақўлдан гуноҳқорларни жазолашни ва қамалганларни озод этишни талаб қиладилар. Қўшбеги эса уларнинг талабини қондириш ўрнига, барча тўпланганларни хайдаб юборади. Шунда

сунний мусулмонлар Регистон майдонида тўпланиб яна уз талабларини қўйдилар. Бу сафар талабга қарата кескин чора-тадбир амалга оширилэди: ўзи шиалардан бўлган Остонақул қўшбеги майдонга йиғилганларга қарши сарбозларни юборди. Вазият янада кескиилашиб, икки ўргада жанг бошланади. Шаҳарнинг бозорида ҳам суннийлар билан шиалар ўртасида жанжал кўтарилади. Суннийлар тўғри келган нарса билан қуролланган эди. Шу пайтда Хиёбон мадрасасининг атрофида шиаларнинг ҳужум қилаётганлиги тўғрисида хабар келиб, йиғилган халойиқ дарҳол ўша томонга қараб йўл олади. Бирок сарбозлар уларнинг йўлларини тўсади. Шу тариқа тўқнашув юз бериб, воқеа содир бўлган жойда суннийлардан 240 киши ўлдирилган. Вазият назоратдан бутунлай чиқиб кетиб, суннийлар бутун шаҳар бўйлаб тарқалиб, дуч келган шиаларни ўлдира бошлаган. Юз берган тўқнашувлар тўғрисидаги хабар шаҳарнинг ташқарисига ҳам тезда тарқалиб, ён-атрофдан ҳам халойиқ йиғилиб кела бошлаган. Бу биродарқушлик, хунрезлик 1910 йилнинг 10 ва 11 январь кунлари давом этган.

Қўшбеги Россиянинг Бухородаги Сийсий агентлигига ёрдам сўраб мурожаат этган. Шундан кейин, 11 январда Самарқанд ва Каттақўрғондан полковник Панов раҳбарлигидаги ўқчи рота, казаклар юзлиги 4 та пулемёт билан етиб келади. Содир бўлган фожеа империя пойтахтидагиларга ҳам маълум бўлиб, Россия ҳукумати бошлиги П.А.Столипиннинг буйруғи билан ўзаро хунрезликни олдини олиш учун Биринчи Туркистон армияси корпуси штабининг бошлиги генерал-майор Лилиенталь етиб келади. Карманада яшаб турган амир Абдулахадхон Бухорога ўзи келишга журъат этолмасдан ўгли ва тахт вориси Саид Олимхонни жунатади.

Сунний халқ қўшбеги Остонақулни, Саид Олим ва Мироб Олим тўқсаболарни ҳамда халққа жабр-зулм ўтказган бир қатор шиа амалдорларини вазифасидан четлаштириш, бундан кейин уларни давлат ишларига умуман яқинлаштирмасликни талаб қилди. Халқнинг ушбу талаблари ҳокимият томонидан қондирилиб, шаҳарда осойишталик ҳукм сура бошлайди. 1910 йилнинг 15 январида шаҳарнинг сунний ва шиа мазҳаблари вакилларининг ўзаро ярашув учрашуви ташкил этилади ва шундан кейин келтирилган рус қўшини шаҳардан олиб чиқилади.

1910 йил январь воқеаларида шаҳар ҳунармандлари, ишчи-косиблар, майда савдогарлар, муллаваччалар, руҳонийлар ва бошқалар қатнашади. Хунрезлик ҳақидаги хабар амирликнинг туманларидаги

аҳолини ҳам жунбушга келтиради. Умумий ҳисобларга кўра 1910 йилнинг январь фожеаларида 1000 дан ортиқ киши ҳалок бўлади. Мазкур хунрезлик Бухоро амирлигини ва мустамлакачи Россия маъмурларини ваҳимага солиб қўяди. 1916 йил январь воқеалари Бухоронинг амири Абдулаҳаднинг мамлакатни бошқаришга зафлик қилаётганлигини очик-ойдин намоён этди ва рус маъмурларини маҳаллий аҳолига нисбатан сергак бўлишга ундади.

Бухорода 1918 йил март воқеалари

1917 йилнинг октябрь-ноябрь ойда Россияда бўлиб ўтган давлат тўнтариши оқибатида большевикларнинг давлат ҳокимиятини зўравонлик йўли билан эгаллаши туфайли Советлар билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар ҳам ёмонлашди ва Бухоро амирлигида сиёсий вазият янада кескинлашди.

1917 йилнинг 2 декабрида Янги Бухоро (Когон) да бўлиб ўтган амирлик ҳудудида ташкил топган рус манзилгоҳлари (поселение) Кенгашларининг II съездида амир тузумини ағдариб ташлаб, ҳокимиятни Ёш бухороликларга беришга қарор қилинди. Ёш бухоролик жадидларнинг бир қисми Бухорода демократик тартиботларни ўрнатиш учун инқилобий кураш йўлини танлади. Улар амирликни тугатиш учун Туркистонда қарор топган совет ҳукуматидан ёрдам сўрашга мажбур бўлишди. Аммо бутун эътибори билан Туркистон Мухторияти ҳукуматини (Қўқон автономиясини) тугатиш йўлини ахтараётган Туркистон Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф.И.Колесов (1891-1940) Бухорога ҳужум қилишга даставвал шошилмади. Халқлар «дохийси» В.И.Лениннинг даъватига ишониб, ўз тақдирини ўзи белгиллаган Туркистон Мухторияти ҳукумати 1918 йилнинг феввалида қизил аскарлар томонидан тор-мор этилиб, Қўқон шаҳри қонга ботирилгач, ниҳоят Колесов бутун қуч-ғайратини амирликни йўқ қилишга сарфлади.

1918 йилнинг 1 мартада Янги Бухоро (Когон) га Колесов бошчилигидаги уч ярим минг кишилиқ қизил аскарлар отряди замбарак ва пулемётлар билан қуролланган ҳолатда етиб келди. Ёш бухороликларнинг инқилобий кўмитаси тузилиб, унинг таркибига Ф.Хўжаев (раис), Фитрат, Ота Хўжаев, А.Бурҳонов, Исҳоқ Ағдаров, Қори Йўлдош Пулатов, Фахриддин Маҳсумлар аъзо сифатида кирган эди. Қисқа фурсатда инқилобий кўмита билан Колесов ўзаро маслаҳатлашиб, амир Саид Олимхон номига талабнома матни тайёрланди.

Колесов ва Ф. Ҳўжаев имзолари билан амир Саид Олимхонга жўнатилган мазкур талабномада қуйидагилар кўрсатилган эди.

- Бўхорода суз, матбуот ва бошқа эркинликлар жорий қилиниши;
- Амир ҳузуридаги амалдаги ҳукумат таркатилиб, ўрнига ёш бўхороликлар Ижроия қўмитасидан иборат янги ҳукумат тузилиши;
- Амирликдаги қўшин қуролсизлантирилиши.

Талабномага мувофиқ Саид Олимхон 24 соат ичида ушбу талабларга розилигини маълум қилса ўз ўрнида қолиши мумкин эди. Бунинг устига, мабодо Саид Олимхон рад жавобини берадиган бўлса, унинг ҳокимияти қурол кучи билан ағдариб ташланиши муқаррарлиги тўғрисидаги дағ-дағ ҳам илова қилинди.

Саид Олимхон айёрлик йўлига ўтиб, вақтдан ютмоқчи бўлди ва музокаралар бошлади. Ўзининг Колесовга йўллаган мактубида амириликда ислохотларни аста-секин амалга ошириш мумкинлигини баён этди. Аммо бу ҳолат Колесовни қаноатлантирмади ва у ҳарбий ҳаракатларни бошлашга буйруқ берди. 1918 йилнинг 2 мартида амирилкка қарши ҳужум бошланди. Қизил аскарларга ҳар бири 200 кишилик Ёш бўхороликлар ва Янги Бўхоро ишчиларининг отрядлари ҳам ёрдам бериб турди. Бўхоро шаҳри яқинидаги Фатҳободда бўлган дастлабки жангда амир қўшинлари мағлубиятга учраб, шаҳарга чекиндилар.

Шошиб қолган амир Олимхон яна дипломатияни ишга солиб, Колесовга ўзининг янги фармонини юбориб, унда қўйилган барча талабларга рози эканлигини, бундан ташқари мамлакатда солиқлар камайтирилиши ва тан, ўлим жазоси ҳам бекор қилинишини маълум қилди. Шундан кейин ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилиб, музокаралар қайтадан бошланди.

Саид Олимхон бу фурсатдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Бутун кучини ишга солиб 35 минг кишилик лашкарни тўплашга муваффақ бўлди. Албатта бунча миқдордаги лашкарни қисқа муддатда тўплашнинг ўзи бўлмайди. Амирнинг одамлари, биринчи навбатда уламолар, руҳонийлар бу ишда фаолликни қўлга олган эдилар, яъни мусулмонларни қизил аскар – «кофир»ларга қарши «муқаддас уруш»га чорлаган эдилар. Бўхороликлар шаҳар ҳимояси учун огланади. Карманадан то Қоракўлгача чўзилган 170 км часофадаги темир йўл излари амир сарбозлари томонидан бузиб ташланади. Уруш ҳаракатлари бошланиб, Колесов отряди қўршовда қолади. Тангликдан тезроқ чиқиб олиш учун Тошкент, Самарқанд, Чоржўй, Ашхобод, Марв, Карки ва Термиз гарнизонларидан қизил

аскар отрядлари Колесовга ёрдамга жўнатилди. Шунга қарамасдан Бухорони босиб олиш режасини амалга ошириб бўлмаслигига қўзи етган Колесов 5 март кун и кечкурун Тошкент гомонга чекинишга буйруқ беради. Ҳарбий ҳаракатларнинг бундай тус олишининг асосий сабаби — қизил аскарларнинг бухороликлар томонидан босқинчилар сифатида қабул қилиниши эди. Тўғри, Ёш бухороликлар кенг халқ оммасининг ишончини ҳали тўла қозона олмаган эди. Яна бир сабаби — мусулмонларнинг ўзига хос «газовот»ида эди.

Колузаев бошчилигидаги Тошкентдан жўнатилган қизил аскарлар отряди 11 мартда амирнинг Карманалаги ёзги қароргоҳини эгаллаб олиб, уни талон-торож қилди. Ушбу отряд Қизилтепада Колесов отряди билан бирлашди. Қизилтепага келган Колесов амир Олимхонга вакиллариини юбориб сулҳ музокараларини бошлади. Ўз навбатида амир ҳам сулҳ музокараларини олиб боришга розилигини маълум қилди. Шундан кейин, 17 мартда Колесов отряди билан Самарқандга етиб келди. Айни вақтда қизил аскарлар Хатирчи, Зиёвуддин, Мир, Кармана, Қизилтепа, Қорақул ва Чоржўйни эгаллаб олган эдилар.

Бир неча кун давом этган музокаралардан сўнг, 1918 йилнинг 25 мартда Совет Туркистони билан Бухоро амирлиги ўртасида Қизилтепа битими имзоланди. 9 банддан иборат ушбу битим шартига кўра, мустақиллигини ҳимоя қилган Бухоро амирлиги ўз ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар учун жавобгар деб ҳисобланиб, тоvon тўлаши лозимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, амир сарбозлари миқдорини 12 минг кишидан оширмаслик мажбуриятини олди. Амирлик ҳудудидаги аскарлар у ердан чакириб олинди. Колесов отряди талон-торож қилинган катта бойлик билан Тошкентга қайтиб кетди.

1918 йилнинг март ойида бўлиб ўтган воқеалар Бухоро амирлигида жиддий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Содир этилган ҳужум аввало Бухоронинг яқин қўшнилари бўлмиш Совет Россияси ва Совет Туркистонидаги янги режимнинг, янги ҳокимиятнинг ҳақиқий кийёфасини очиб ташлади. Бухоро амираи ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга, ўз мамлакатини ҳимоя қилишга ҳаракат қилди, замонавий қуролланган мунтазам армияни тузишга уринди. Афғонистон ва бошқа давлатлар билан яқинлашишга интилди. Иккинчи томондан, амирлик ҳудудидаги 3 минг киши жадидликда айбланиб, ноҳақ қатл этилди ва мол-мулки мусодара қилинди. Амир ҳукуматининг назарида булар бўлиб ўтган март воқеалари учун «жавобгар» эдилар.

Бухоро босқини ёки буюртма асосида амалга оширилган «ишқилоб»

1917-1920 йилларда Бухоро амирлиги мустақил давлат эди. Туркистон АССР, РСФСР билан дипломатик алоқалар йўлга қўйилган, ўзаро келишувлар мавжуд эди. Аммо Россиядаги ҳокимиятни зўрлик йўли билан эгаллаб олган большевиклар халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузиб, Хива хонлигини босиб олганларидан кейин Бухоро амирлиги сарҳадларини нишонга олдилар. Чунки 3 йил давом этган фуқаролар уруши ва ҳарбий интервенция оқибатида большевиклар давлатининг хазинаси бўшаб қолган эди.

1920 йилнинг май ойи бошларида Москвага келган Туркистон Комиссияси аъзолари Ш.Элиава ва Я.Рудзутак РСФСР ташқи ишлар вазири Г.В.Чичеринга «Турккомиссия эртагаёқ Бухоро амирлигининг мустақиллигини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради» деган баёнотини топширди. 1920 йилнинг 22 майида РКП(б) Марказий Комитети бюроси Бухорога ҳужум қилиш тўғрисидаги Туркистон Комиссияси аъзоларининг мазкур қарорини маъқуллади.

Туркистон fronti қўшинларининг қўмондони М.В.Фрунзе Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни тезлаштиришни сўраб 1920 йил 31 июлда Россия Халқ Комиссарлари Советининг раиси В.И.Ленинга телеграмма жўнатади. Телеграммага жавобан РСФСР қуролли кучлари бош қўмондони С.С.Каменев «Қулай фурсатда бошлашга рухсат берилади» деган қисқа жавобни йўллайди. Шундан кейин 1920 йилнинг 12 августида М.В.Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида янги фронт — Самарқанд-Бухоро гуруҳини тузиш тўғрисида буйруқ беради. Шундай қилиб, Бухоро амирлиги сарҳадлари бўйлаб 7 минг кишилик пиеда, 2,5 минг отлик аскар, 5 та оғир тўп, 35 та енгил тўп, 206 та замбарак, 5 та бронемашина, 5 та бронепоезд ва 11 та аэроплан тайёр ҳолатга келтириб қўйилади. Айни шу пайтда Бухоро амири бунга қарши 15 минг сарбоз, 55 та эски тўп, 12 та пулемётни қўйиш имкониятига эга эди.

Ҳарбий кучлар нисбатига қараганда Туркистон fronti замонавий қуролларга эга эди. Бунинг устига кизил аскарлар уч йиллик замонавий жанг олиб бориш тажрибасига ҳам эга бўлиб, бу уруш натижасига катта таъсир кўрсатиши муқаррар эди.

1920 йилнинг 16-18 августида Чоржўйда Бухоро коммунистларининг IV қурултойи бўлиб, унда амирлик тузумига қарши қўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилинади. Шу тарика большевикларнинг пухта ишлаб чиқилган маккорона режалари амалга

оша бошлайди. Тарихда «ялпи кўзғолон» деб аталган ҳаракат 1920 йилнинг 23 августида бошланади. Шу кун и Бешим Сардор (Сейтназаров) бошчилигидаги ёлланма туркман отликлари Чоржўй якинидаги Сакар бозорини ишғол эгадилар. Бешим Сардор ва Чоржўй коммунистлари зудлик билан Эски Чоржўйни ишғол қилиб, 100 дан ортик амалдорларни қамокқа олади. Чоржўй беклигининг хазинаси қўлга киритилиб, ундаги бойликлар тезлик билан Чоржўй инқилобий қўмитаси ва янги ҳукумат ихтиёрига ўтказилади. Олдиндан тайёрланган «сценарий» - қелишувга мувофиқ шу куннинг ўзидаёқ Чоржўй инқилобий қўмитаси «Бутун Бухоро халқи номидан» Туркистон фронтига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Бирок Бухоро халқи съездининг қароридан ҳам, Бешим Сардор бошчилигидаги исёндан ҳам воқиф эмас эди. Юзага келган вазиятда Бухоронинг тақдир қизил қўшин ихтиёрига топширилган эди.

Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе «ёрдам» тўғрисидаги мурожаатномани олиши билан ўз қўшинларини 4 та зарбдор гуруҳга бўлади: Самарқанд, Каттақўрғон, Чоржўй ва Когон. Ишлаб чиқилган режага қўра Самарқанд гуруҳи 29-30 августда Шаҳрисабз-Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб Қарши ва Ғузorni эгаллаши, Каттақўрғон гуруҳи эса Хатирчи, Зиёвуддин ва Карманани ишғол этиши, Чоржўй гуруҳи бўлса Эски Чоржўйни қўлга олиб, Амударёнинг Афғонистон билан чегараларини назорат остига олиши, Фараб ва Қорақўлни эгаллаб, навбатдаги буйруққа шай бўлиб туриши кўзда тутилган эди. Ҳарбий операциянинг асосий вазифаси Когон гуруҳи зиммасига юклатилади. Ушбу гуруҳ Эски Бухорони забт этиб, Саид Олимхонни асирга олиши ва Арқдаги хазинани қўлга киритиши лозим эди.

Нихоят, 1920 йилнинг 29 августида ҳарбий операция бошланади. Амирлик пойтахти – Бухоро шаҳри ҳам ҳаводан, ҳам ердан авиация ва артиллериядан қаттиқ бомбардимон қилинган. Бухоронинг Қариш дарвозасигача келган темир йўлда турган бронепоезд ва Самарқанд, Шайх Жалол, Намозгоҳ дарвозалари якинида жойлаштирилган тўнлардан 1-2 сентябрь кунлари шаҳарга 12 минг снаряд ташлаиб, 11 та аэроплан эса шаҳар устида 3 кун давомида бомба ёғдирган. Милтик, пулемёт ва бронепоезддан бир неча миллион дона патрон ишлатилган. Бунинг устига Бухоро шаҳри қимёвий снарядлардан ўққа тутилган, шаҳарнинг Қарши ва Самарқанд дарвозаларн тагига 800 кг дан ортик порох қўмилиб портлатиб юборилган ҳамда қулаб тушган дарвозалардан қизил аскарлар ичкарига бостириб кирганлар. Шундан

кейин шаҳарнинг ичкарасида куча жанглари бошланиб кетган. Аммо замонавий курул-ярогдан фойдаланиш туфайли қизил қўшин амирлик лашкарига психик таъсир курсатишга улгурган эди. Амир Олимхон Бухоронинг қадимий обидалари ва аҳолини омон сақлаш учун шаҳарни ташлаб чиқади. Аммо Шуро авиацияси амирни қидираб топиш бяхонасида шаҳар атрофидаги қишлоқларни, шу жумладан тарихий оёнда Ситораи Моҳи Хоссани бомбардимон қилади. 2 сентябрда қизил аскарлар маъмурий бино – Аркни эгаллаб, унинг устига қизил байроқларини урнатгаилар. Шафқатсиз уқ ёмғири ва бомбардимон оқибатида шаҳар обидаларининг бешдан бир қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлган. «Жанглардан сўнг кўпчилик иморат ва биноларнинг ёниб вайрон бўлганлиги маълум бўлди. 34 та гузар, 3 мингдан ортиқ дўкон, 20 га яқин сарой, 29 та масжид ёниб хароб бўлди. Катта миноранинг ҳам бир неча жойига тўп тегиб, Олимхон мадрасасининг пештоқи ҳам тўп зарбидан бузилиб, ташқи дарвозаси, дарсхона эшиклари ёниб кетди. Мир Араб мадрасасининг пештоқи тўп зарбидан қулаб тушди. Баъзи мадраса ва масжидлар култепага айланди. Ҳазрати Имом дарвозасидан Гузари Назарчагача, Кофиробод, Ўғлон дарвозаси, Масжиди Калон, Зиндондан тўқимдўзий ҳаммомигача, минора остидан то Сўзангарон даҳасигача, Бозори гул, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули Ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетди. Бухоронинг жанубидан Мехтари Ориф гузарининг учдан бир қисми, Қарши дарвозаси олдидаги гузарнинг ярми, Наҳор дарвозасининг ярим гузари ёниб ер билан яксон бўлди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб кетди. Кўп бухороликларнинг мол-қоллари ёниб, кўпчиликнинг оилалари ҳам ҳалок бўлди. Шаҳарда 3 мингга яқин ҳовли ёниб қул бўлди. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнди. Арки Олий устидан 300 та иморат тўп уқи ва бомба зарбидан ёниб, қимматбаҳо моллар нобуд бўлди» - деб ёзади ушбу воқеаларнинг гувоҳи бўлган муаррих Муҳаммад Али Балжувоиний.¹⁸⁵

Бухорони эгаллаб олган қизил аскарлар Аркдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, қўшбеги ва бошқа амалдорларнинг бойлигини мусодара қилганлар. Аскарлар ва қўшин бошликлари катта бойлик ортирганлар. Бухоро давлати хазинасини поезд, ва вагонларига ортиш жараёнида бойликлар талон-торож қилинган, гарчибеизликлар авж олган. Махсус давлат органлари томонидан кескин чоралар қўрилган. Тилла тангалар эритилиб, гулни хил йирик

шаклда кайта қуйилган. Бухорони талаш жараёни 15 кун давом этган ва амирлик хазинаси ҳамда бошқа бойликлар (олтин, қумуш, бриллиант) ортилган 2 эшалон юк Тошкент орқали Москвага олиб кетилган.

Амир Саид Олимхон Ғиждувон, Вобкент, Қизилтепа, Қариги йўналиши билан Ҳисорнинг Деҳнав шаҳрига боради ва маълум муддатдан (1921 йил апрель) сўнг Афғонистонга ўтади. Бухоро амирлигининг амалдорлари, Қози калон, Раиси калон ва Қози калоннинг ўғли Шаҳобуддин ва бошқалар ҳибсга олинади.

Бухорони эгаллаган кирил қўшин бирин-кетин амирликдаги бекликларни ҳам ишғол қилиб, бу ҳудудларда Бухоро Халқ Республикасини тузади. Зурлик билан амалга оширган «инқилоб»дан кейин собиқ Ёш бухоролик жадидларнинг Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ташкил топади. 1756 йилдан бошлаб Бухоро амирлигини бошқариб келаётган мангитлар сулоласининг ҳукмронлиги 1920 йил сентябрда тугайди.

Мангитлар даври маданияти

Ушбу сулола ҳукмронлиги даврида маданий ҳаёт паст даражада бўлиб, ҳукмрон табакалар халқни жаҳолатда сақлашга ҳаракат қилар, бадий ижодда мадҳиябозлик ва таркидунёлик мавзуси устуворлик қиларди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Бухоро муҳитида «Тухфаи хоний» (Муҳаммад Вафо Карминағий), «Тоғ-ут-таворих» (Муҳаммад Шариф), «Фатҳномаи султоний» (Муҳаммад Миролим Бухорий), «Мангит хонлари тарихи» (Мирзо Абдулазим Сомий), «Наводир ул-вақоеъ», «Таржимзи ахvoli амирони Бухоро» (Аҳмад Дониш), «Маҳозун-аг-тоқва» (Мир Ҳусайн Мирӣ), «Зикри таъдади подшоҳон узбак» (Мўйин), «Тарихи манзум» (Мирзо Содик Муншӣ), «Рисола» (Муҳаммад Ёқуб Дониёлбӣи ўғли), «Тарихи Хумулий» (Хумулий), «Баъни баъди хаводисаги Бухоро, Ҳуканд ва Қашгар» (Мирзо Шамс Бухорий) ва бошқа бадий-тарихий жанрдаги асарлар яратилди. XIX асрда Бухоро адабий муҳитида уз манкеига эга бўлган қози Қўрбонхон Фитрат Вардонзахӣ, Афзал Маҳдуми Пирмастӣ, Мулла Аъло Пирмастӣ ва Мулла Муҳаммадифок Пирмастӣларнинг ижодини қайд этиш лозим. Хатирчида узок муддат қозилик қилган Вардонзахӣ амир Музаффарга бағишлаб қасида ёзгани учун сарой шоири деб эътибордан қолиб кетган. А.М.Пирмастӣ эса «Тазкират уш-шуаро»нинг муаллифи бўлиб, XIX

асрдаги Бухоро адабий мухитининг 100 дан ортиқ намоёндалари ҳақида қимматли маълумот қолдирган.

Аҳмад Дониш Маҳдуми ибн Носир 1826 йилда Бухоро шаҳрида туғилиб, 1897 йилда шу ерда вафот этган. Унинг отаси Шофирқон туманининг Сугут кишлоғидан бўлиб, шаҳарга ўқишга келган ва Бухоро масжидларидан бирида мулла сифатида ишлаган, ўғлига кунг билан билим берган. Аҳмад Дониш бошланғич саводни онасидан олган ва кейин мадрасада таҳсил кўрган. Мустақил равишда адабиёт, тарих, фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия илминини мукаммал эгаллаган Дониш ёзувчи, рассом, ҳаттот, олим ва маърифатпарвар сифатида машҳур бўлиб, XIX асрда Бухоро тараққийпарвар мухитининг юзага келишида муҳим ўрин тутган. У тожик тилида ижод этган, ҳаттотлик, рассомлик ва наққошликни яхши билгани ва мунажжимликдан хабардор бўлгани боис, амир Насруллахоннинг назарига тушиб, саройда хизмат қилган ҳамда 1857 йилги элчилар таркибида Россияга борган. Амир Музаффар ҳукмдорлиги даврида, 1869, 1873 йилларда элчилар мирзоси сифатида яна Россияда бўлиб қайтган ва сафар таассуротлари асосида асарлар ёзган. У амирнинг таклифи билан 1865 йилда “Менозир ул-кавоқиб” (“Сайёраларнинг жойлашishiлари”) номли астрономияга оид китоб ёзган. 1870-1873 йилларда ислохот ҳақида “Рисолаи дар назми тамаддун ва таовут” (“Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола”)ни ёзган, аммо ундаги ислохот тўғрисидаги фикрлар амирга хуш келмаган ва уни саройдан узоқлаштирган, 1874 йилдан то 1885 йилгача (Музаффарнинг вафотигача) у Бухоронинг туманларида қозилик қилган. 1885 йилда яна Бухоро шаҳрига қайтиб келиб, мадрасада мударрислик қилган. Унинг “Нодир воқеалар” ва “Бухоро амирларининг таржимайи ҳоллари” асарлари муҳим аҳамиятга моликдир.

Айний (Садриддин Сандмуродзода) 1878 йил 15 апрелда Бухоронинг Ғиждувон тумани (Соктаре кишлоғи)да таваллуд топган ва 1954 йил 15 июнда Душанбе шаҳрида вафот этган, ёзувчи, олим ва жамоат арбоби. Ўзбек ва тожик тилида ижод этган. У Бухорода янги усуллаги мактаблар очган, улар учун ўқув қўлланмалар, оммави илм-маърифатга чақирувчи шеър ва ҳикоялардан иборат “Ёшлар таъбири” дарслигини 1909 йилда яратган. “Ёш бухороликлар” ҳаракатида фаол катнашган. 1918-1921 йилларда тожикча, ўзбекча марш, қўшиқ ва шеърлар яратган. 1921 йилда “Бухоро манғит амирлигининг тарихи” асарини яратган, унда Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ифодаланган. 1922 йилда “Бухоро жаллодлари” повестини ёзган.

С.Айний тожик ва ўзбек адабиётларининг мянг йиллик тарихин тараққиётида етишиб чиккан 200 дан ортик шоир. тарихчи. олим. таъкираниавислар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берган.

Шайх Сулаймон Бухорий (1821-1883) Қорақўлнинг Қундуз қишлоғидан бўлиб, 1846 йилда Бухоро амири Насруллахон томонидан Туркияга элчи килиб юборилган. У “Нақший” таҳаллуси билан шеърлар ёзган, Истанбулдаги муҳожир ўзбекларнинг ташкилоти раиси бўлиб ишлаб, икки жилдли “Лугати Чигатой ва Турки Усмони” деган асарини ёзиб қолдирган.

Шу даврда амирлик ҳудудида халқ оғзаки ижодиётида «Юсуф ва Зулайхо», «Ўғинома», «Чор дарвеш», «Тоҳир ва Зухро», «Ўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад», «Гуруғли» туркумидаги дostonлар кенг тарқалди.

Халқ санъати турлари – кизикчилик, дорбозлик, фокус ҳаёл ва бошқалар тараққий этди. мусика оммавий санъат даражасига кўтарилди, тасвирий санъат ривожланди (Абдуҳолик Маҳдум ва б.). XVIII асрнинг ўрталарида Бухоро сарой маданиятида шашмақом туркуми шаклланган бўлиб, кейинчалик Хоразм мақомлари ҳамда Фаргона-Тошкент мақом йўллари шаклланишига таъсир ўтказган.

Бухоро кандакорлик мактаби XIX асрда шаклланган бўлиб. кандакорлик буюмлари шакли содда, ҳушбичимлиги, нақшлари эса мураккаб ва нафислиги билан ажралиб туради. Қўқон кандакорлик мактаби яраган санъат асарларига қараганда, Бухоро кандакорлик мактаби бадиий буюмларининг нақшлари бир оз йирикрок бўлиб, асосан меъморий обидалар тасвирлари акс эттирилган. Бухоро кандакорлиги вакилларидаан Ҳаким Бухорий (XIX аср), Олим Абдусаломов, Ғулом Ҳасанов, Олим Йўлдошев (XX аср бошлари) ва бошқалар машҳур бўлишган.

Амирликда ўзига ҳос таълим тизими шаклланган, бошланғич мактаблар, олий таълим даргоҳлари – мадрасалар фаолият курсатган. Амир Саид Олимхон даврида янги усулдаги – жадид мактаблари. гимназиялар, рус-тузем мактаблари ташкил этила бошланган. Мадрасаларда асосан диний таълим, қисман дунёвий таълим амалга оширилган. XX аср бошларида Бухоро амирлигида 200 дан ортик мадрасалар фаолият курсатган, уларда дарс берувчи муаллимларнинг сони 800 нафарни ташкил этган. Мадрасаларнинг молиявий таъминоти учун турли кўринишдаги вақф мулклари ажратилган. Биринчи жаҳон уруши арафасида Бухоро мадрасаларининг вақфларидан келган даромадлар 4 742 000 тангани ташкил этган. Мадрасаларга тайинланадиган муаллимлар қозқалоннинг тақдими билан амир томонидан

тасдиқланган. Кейинги йилларда бу вазифани қўшбеги ўз тасарруфига олган. Масалан, Саид Олимхон даврида мадрасанинг мударрисси Насрулло қўшбеги томонидан тайинланган. Ўз даврида Амир Ҳайдир мадрасада талабаларга дарс берганлиги манбалардан маълум (Ф Бобожонова Бухоро амирлигида таълим тизими ¹⁸⁴

XX асрнинг бошларида Бухорода ҳам янги усулдаги мактаблар — жадид мактаблари очила бошлади. Гарчанд амир ҳукумати қаршилик қўрсатса-да, янги усул мактаблари қийинчилик билан ташкил этилган. 1912-1913 йилларда Бухоро шаҳрида мулло Абулқосим, Мукомилдин Махсум, Ғиёс Махсум Ҳусайн томонидан яширич мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ бола ўқишган ¹⁸⁵. 1914 йилда Бухорода ном чиқарган Усмон Ҳўжанинг мактабида 200 нафар, Эшон Ҳомид Ҳўжанинг мактабида 100 нафар, мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган ¹⁸⁶.

Мангитлар сулоласи даврида амирликда бир қатор йирик иншоотлар қурилди. Жумладан, Шайх Жалол дарвозаси ва хонақоси (XVIII асрнинг иккинчи ярми), Домулло Турсунжон мадрасаси (1796-1797), Халифа Худойдод ансамбли (масжид, мадраса, сардоба ва мазор, 1777-1855), Чорминор (1807), Амир мадрасаси (XX аср боши), Ситоран Мохи Хосса (XIX аср охири — XX аср боши) ва 20 дан ортиқ мадрасалар.

Чор минор (форс.-тўрт минора) — 1807 йилда халфа Нилёзул томонидан Бухорода қурдирилган меъморий ёдгорлик бўлиб, у анъанавий усулда қурилган масжид, бир қаватли мадраса, атрофи бир қаватли хужралар билан ўралган ховлидан иборат.

Мангит амирлари томонидан ташки саройлар қуриш анъанаси ҳам ўзига хос меъморчиликни ривожланишига қўшилган хисса бўлди. Чунончи, амир Насруллахоннинг Бухородаги Ўғлон дарвозаси яқинида қурилган Чорбохосса номли ташки саройи, амир Музаффархоннинг шаҳардан 4 км.шарқда жойлашган Ширбудин саройи, унинг қурилишида Ғарб меъморчилиги услублари мавжуд бўлган. Амир Абдулҳанхон томонидан Моҳи Хосса саройи ва Карманадаги давлат бошқарувида мослаштирилган махсус сарой барпо этилган бўлиб Карманадаги саройда ички ва ташки снэсагга оид масалалар қўриб чиқилган. Мазкур сарой ёғоч, гишт, лойсувок ва

¹⁸⁴ XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошлари) Т. «Адиё», 2014. 38-48 бет.

¹⁸⁵ Айтади Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар 1 том. 270-275 бет.

¹⁸⁶ Ф. Бобожонова, Ўша вақтда, 106-бет.

ганж уймакорлиги услубида ишланиб, нақшинкор деворлар, устунлар ва мукарнаслар уни тўла маънодаги санъат асари даражасига кўтарган.

Бухоро амири Абдулахадхон Россия императори Николаг Романовдан рухсат олиб, Петербургда мусулмонлар учун масжид қуришга 1907 йилда Бухоро амирлиги хазинасидан 312 минг рубль тўлайди ва 1909 йилнинг февралда қурилиш бошланиб, 1913 йилнинг 21 февралда Романовлар сулоласи ҳукмронлигининг 300 йиллиг тантанасида очилади ҳамда амир Олимхон иштирокида жума намози ўқилади.

Бухоро амири Россиянинг вассалига айланиб, маданий-маиший ҳаётда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Қўлчилик бекор қилинди, касалхона, дориона, рус-тузем мактаби очилди, Каттакўрғондан Бухорога телеграф сими тортилди. Бухоро темир йўлида Амударёга темир кўприк қурилди. Меъморчиликда миллий ва европача услублар уйғунлашиб кетди. Масалан, 1888 йилда Янги Бухоро (Когон)да қурилган савдо ва банк муассасаларининг бинолари, амирнинг янги саройи, темир йўл вокзали.

XX асрнинг бошларида ромитанлик Чорикулбой Пирнафасов томонидан Зарафшон дарёсида қурилган кўприк мисолида бухоролик саховатпеша инсонларнинг эл-юрт ободлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари мужассамдир. Ўз даврининг йирик гидротехник иншооти бўлган мазкур кўприк 1911-1914 йилларда қурилган. Чорикулбой кўприк лойиҳасини тузиш учун мутахассисни Чехиядан, муҳандисни Россиядан, кўприк қурувчи устани эса Германиядан чакирган. Кўприк қурилишида обигишт, тоғ тошлари ва ганж ишлатилган. “Чорикулбой кўприги” деб аталадиган бу иншоот 60 йилдан ортиқ вақт хизмат қилди. Ҳозир тарихий ёдгорликларни қўриқлаш жамияти ҳисобида туради. Саховатли Чорикулбойнинг ўзи Совет замонда Оренбургга сургун қилинади.

Амирлик тузуми, амирликнинг вассал давлатга айланиши, рус сиёсий агентлиги ва амир ҳукуматининг олиб борган сиёсати мамлакатнинг ривожланишига, маданий тараққиётига тўсқинлик қилган бўлса-да, маданий ҳаёт ўз йўлида давом этди.

Манитлар сулоласи даврида Бухоро амирлигида давлат бошқаруви

Манитлар сулоласи ҳукмронлиги (1756-1920) йилларида Бухоро амирлигида давлат бошқарувида олдинги сулолалар (шайбонийлар, аштархонийлар) давридаги бошқарув тизими давом этган. Сулола

ҳисобчисининг хон авлодидан бўлмаганлиги сабабли амирлик ва амир ҳокимияти вужудга келади.

Бухоро амирлигида олий ҳукмдор амир ҳисобланиб, ижро этувчи ҳокимият қўшбеги қўлида тўпланган эди. Мангитлар сулоласи даврида амирдан кейинги олий мансаб эгаси қўшбеги бўлиб, унга барча вилоятлар ва бекликларнинг ҳокимлари, беклари бўйсунган ҳамда амир пойтахтда бўлмаган вақтида у амирликнинг барча ишларини бажарган.

Амирликда маъмурий бошқарув тизимида иккита қўшбеги бўлиб, биринчиси «қўшбегийи боло», яъни юқори қўшбеги, иккинчиси эса «қўшбегийи поён», яъни қуйи қўшбеги деб аталар эди. Юқори қўшбеги арқда яшаб, сарой ишларида етакчи мавқени эгаллаган ва доимий равишда арқда амир билан мулоқотда бўлиб турган. Қуйи қўшбеги эса арkning қўйисидаги ҳовлилардан бирида яшар ва бош закотчи вазифасини бажариб, бутун мамлакатдаги солиқ ишларини назорат қилар эди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, амирликда фавақулдада вазият юз берганда ёки урушлар бошланганда ҳар икки лавозим бирлаштирилиб «Кулли Қўшбеги» (кулли – арабчада «барча» дегани) лавозими жорий қилинар ва у амирликдаги бутун ҳукумат ишларини ўз қўлида тўплар ва тезкор қарорлар қабул қилар эди. Мангитлар сулоласи даврида Ҳаким қўшбеги, Остонақул қўшбеги, Насрулло қўшбеги қабилар катта мавқега эга бўлишган.

Бухоро қози калони Садри Зиё – Муҳаммад Шарифжон ибн қози Абд уш-Шакур ўзининг эсдаликларида Бухородаги амал ва унвонлар ҳамда улар эгаларининг вазифалари ҳақида қуйидаги маълумотларни беради.

Оталик – Бухоро суви Самарканддан то Қорақўлгача ва барча туманларнинг сугорилиши ва сувининг тақсимоги унинг ихтиёридадир. Бухоронинг бошқаруви Дониёлбийга ўтганидан сўнг оталикнинг зиммасига шундай вазифа юклатилган. Шунингдек унга Бухоро этрофларини кечаси назорат қилувчи миршаб бошлиғи – доруға лавозими ҳам топширилган.

Девонбегийи калон – асосий вазифаси вилоят хирожини барча масъул амалдорлар ва бошқалардан олиш бўлган. Унинг назоратида вилоятлардан олинадиган нақд пул тушақхона меҳтарига берилиб амлоқдорга бериладиган ғалла эса девонхона ва танобона дафтери ҳисобидан кейин қирим қилинган. Қорақўлнинг мироблиғи ҳам унинг вазифасига кирган.

Парвоначи – олий ҳукмдорнинг умаро, уламо ва барча одамларга қилинган олий буйруқлари, имзоланган фармон ва курсатган марҳаматлари у орқали эгаларига етказилган. Бундан ташқари мангитлар даврида араблар тоифасининг бошқаруви ҳам унга тегишли бўлган.

Додхоҳ – шикоятчилар ва даъвогарларнинг арзларини амирга етказиб, жавобини уларга топширган.

Қўжалдош – вилоят ишларидан. дўсту душмандан хабардор бўлиш, жосуслик ишларини назорат қилиш унинг зиммасида бўлган.

Иноқи калон – полшоҳ томонидан амир бўлмаган шахслар ва шогирдпешаларга бериладиган мансаб ва амаллар хабарини эгаларига етказган.

Иноқи хурд – бирор ариза ёки элчининг хати саройга келса уни очиб, амирнинг розилиги билан мунший (котиб)га баянд овоз билан ўқиш учун берган.

Меҳтари калон – унинг вазифаси закот, мусулмонларнинг ушири (дахяк-ундан бир солиги)дан тўртини, мусулмон бўлмаганлар ушининг ярмини, харбийларнинг ушинини, мол ва нақд пуллар, чорва ва топиб олинган эгасиз нарсаларни ўз эгаларига топширишдан иборат бўлган.

Девони саркор – султон ерлари, тегирмон ва подшолик дўконларини фойдаланишга ва ижарага бериб, қирим-чикими ҳақида ҳос саркорга ҳисобот берган. Султон ҳарам, хазинаси қўриниш вақтидаги тасм ва шунга ўхшаш харажатлар унга тегишли бўлган.

Тўпчи бошийи калон – тўпхона (артиллерия) ишларига, қутвол, яъни султон иморатлари ва қўрилишларига мутасадди бўлган амалдор.

Эшиқоқобоши – сарой отларининг назорати ва Шопурком тумани бошқаруви (ҳокимлиги) унга тегишли бўлган.

Тўқсоба – подшоҳ дастурхонидаги тавоқлар ва идишларни жойлаштириш вазифаси ва Харконруд (Ғиждувон) тумани бошқаруви унга тегишли бўлган.

Мироҳўри калон – подшоҳ жиловига қўриб, унинг ўнг ва чап томонида капалақдек айланиб хабардор бўлиб юриш (саййидлар ҳос соқчи) ва Коми Абу Муслим (Вагонизе) тумани бошқаруви ва мироблиги унинг вазифасига кирган.

Амирликдаги суд ҳокимияти, яъни қозилик иши ўзига ҳос ташкил этилиб, бундай лавозимга уламо ва содот (саййидлар) тайинланган ва улар ҳокимларга тегишлатирилган. Булар – шайхулислом, қози ул-қуззот, қози аскар ва волийи аскария

Вилоятларга қози, раис, мадрасаларга мударрис, масжидларга имом таъинлаш Бухоро қозикалонининг назифасига кирган. Амир Абдулахадхон даврида Бухоро амирлигининг қозикалони — Бадиуддин, унинг вафотидан кейин Бақохон, амир Олимхон даврида Бурхониддин, Мухаммад Шариф садр, ундан кейин яна Бурхониддин бу лавозимда ишлаган. Қозикалон Бурхониддиннинг укаси Каромиддин Чоржўйда, укасининг ўгли Аминхон Маҳдум садр Хайробод туманида, катта ўгли Умархон "Авракий" мансабини эгаллаб Пирмаст туманида, кичик ўгли Усмонхон ҳам "Авракий" мансабида бўлиб, Зандана туманида қозилик қилишган.¹⁸⁷

Амир Олимхон даврида раислик лавозимини Абдуллаҳужа, Абдусамадхўжа ва Изомиддинлар эгаллашган. Бухоро амирлигида ўрнатилган тартибга кўра вилоятлар ҳокимлари ва қозилари ҳафтада бир марта мамлакатнинг аҳволи юзасидан амирга расман арз этардилар. Аризани амир саройига олиб келган аризачи унинг лавоои чиқагунича қайтиб кета олмас ва ушбу жавобни кутиб ўтириши шарт эди.

XIX аср бошларида амирлик саройида хизматкор амалдорлар табақаси шаклланиб, фақат амир саройининг ўзида 300 га яқин амалдор хизмат қилар, давлат хазинасидан маош олиб, амирга батамом қарам эди. Маҳаллий бошқарув тизимида эса 30 мингга яқин амалдор хизмат қилиб, ҳоким ва унинг амалдорларига давлат хазинасида маош берилмас, улар халқдан йиғиб олинган солиқ, йиғим, туловлар ҳисобидан кун кечирарди. Ҳоким, солиқ йиғувчи ва қозиларнинг фаолиятини белгиловчи аниқ қонун —қоида бўлмаган. Амирликда Жўйбор Шайхлари алоҳида мавқега эга бўлиб, XIX асрда улар Бухорода 16 маҳалла бўлиб яшарди.¹⁸⁸

Бухоро амирлиги маъмурий жиҳатдан бекликларга, бекликлар эса амлоқликларга бўлинган эди. Амирликда энг катта беклик Бухоро беклиги ҳисобланиб, у туманликлардан иборат бўлган. Бухоро вилоятини амир номидан қўшбеги бошқарган. Амирлик қўшбегиси лезонининг 1915 йилги рўйхатида мувофик, Бухоро амирлиги 27 та вилоят (беклик) ва 11 та тумандан ташкил топган эди. Ҳамма туманлар Бухоро шаҳрининг атрофида жойлашган бўлиб, Бухоро вилоят таркибида эди. Туманларга қуйдагилар кирган: Қамот (Вобкенд), Коми Абу Муслим (Вагонзе), Қоракул, Пирмаст, Сомжон (Ромитан), Хайробод, Ҳарқонруд (Ғиждувон), Хутфар (Зандана).

¹⁸⁷ А. Фитрат Амир Олимхоннинг ҳукумрончи бадалари Т. 1992, 74-76 бет

¹⁸⁸ К. У. Чочов, М. И. Одилов, С. Бурханова Ўзбекистон тарихи Т. 2005 174-176 бетлар

Шофурком. Жанубий Руд ва Шимолий Руд (кейинги 2 туман 1915 йилга келиб туман деб атала бошланган, улар катта Шаҳрух каналининг жануби ва шимолида жойлашган ерлардан иборат эди.) Жанубий ва Шимолий Руд туманларининг маъмурий маркази йўқ бўлиб, уларнинг солиқ тизимини Садр раиснинг мулозимлари бошқарган. Қолган 9 та туманнинг солиқ ишлари билан Қози калонга бўйсунувчи козилар шугулланган. Бухоро тарихчиси Абдурахмон Томкиининг ёзишича, яқин ўтмишда 80 та аҳоли пункти (манзилли) деярлик битта туман ташкил этилган. Кейинчалик тумандаги аҳоли пункти лари миқдори ортиб бориб, 1916 йилга келиб бир тумандаги аҳоли пункти 120-140 тани ташкил этган¹⁸⁹.

Бухоро беклиги (вилояти) таркибидаги туманларнинг бошқаруви ўзига хос шаклда бўлиб, кейинги йилларда Шофурком тумани бошқаруви эшикоқобошига, Ҳарконруд (Ғиждувон) тумани бошқаруви ғўсабога, Коми Абу Муслим (Вагонзе) тумани бошқаруви мирохури калонга юклатилган. Одатда туманларнинг бошқаруви туман ҳокими (амлоқдори) орқали амалга оширилган. Туманликларга амлоқдорлар амир томонидан тайинланарди. Манғитлар даврида, 1852 йилда Шохруххон ибн Иброҳимхонни, 1856 йилда Шаҳрисабз беки Искандар валломани Коракўл туманига ҳоким қилиб юборилгани маълум. Бухородан бошқа бекликлардаги амлоқдор беклик ҳокими томонидан тайинланиб, унга бўйсунардилар.

XIX-XX асрдаги бошқарув тизимига мувофиқ туман ёки беклик ўз навбатида амлоқдорликларга бўлинган (амлоқдорлик термини арабча “амлок”, яъни мулк сўзининг кўпликдаги шакли бўлиб, дор – форс-тожикча эга маъносини билдиради). Бухоро хонлиги (амирлиги)даги бекликларга қарашли энг кичик маъмурий бўлинма амлоқдорлик деб аталиб, уни бошқарган амалдор амлоқдор деб аталган. Амлоқдор аҳолининг ўзига тўқ вакилларида бек томонидан тайинланган ва тегишли қишлоқларни бошқаруви унинг иштиёрида бўлган. Амлоқдор хирож йиғиш, деҳқонлар етиштирган ҳосилни ҳисобга олиш, солиқ тўламаганларни жазолаш, жарима солиш каби ишлар билан машғул бўлиб, мирза (қотиб), мироб, миршаб, амин ва оқсоқоллар ёрдамида амлоқдорликни бошқарган. Ўрнатилган тартиб-қоидага мувофиқ туман ёки вилоятни амир томонидан тайинланган бек, қози ва раис бошқариб, улар амир номидан иш юритган, аммо амирнинг фармонисиз ва муфтиларнинг розилигисиз фуқарони қатл эта олмаган. Маъмурий жиҳатдан амлоқдорликлартуманларга

¹⁸⁹ Населённые пункты Бухарского эмирата (Авторы: XIX – нач. XX вв.) Т. Ун-верситет 2001, с. 1, 10

теги таштирилган. Вилоятларни беклар(хокимлар), туман амлоқдорликларни амлоқдор (хоким)лар бошқарган. Ҳоким (амлоқдор) ўз қўли остидаги мулкларни, яъни амлоқликларни бошқарган. Масалан, Қорақўлда 9 та амлоқлик бўлган. Ҳар бир амлоқлик ихтиёрида 10 тадан 20 тагача кишлоқлар бўлиб, улар оқсоқол, амин ва мироблар орқали бошқарилган.

Мангитлар сулоласи ҳукмронлигининг охириги даврида маъмурий бўлиниш асосан вилоят (беклик) лардан иборат бўлиб, уларнинг сочи турлича курсатилади (27, 29, 32 та). «Бухоро мамлакати йигирма саккиз бекликка бўлинган эди. Шу қарорга мувофиқ Нурота, Қорақўл, Қабокли, Чаҳоржўй, Карки, Бурдолик, Ҳисор, Дехнав, Кўргон (тепа), Батжувон, Кўлоб, Кабодиён, Калиф, Шаҳрисабз, Яккабег, Китоб, Ғузор, Қоратегин, Бойсун, Дарвоз, Рувшон бекликлари ва мирликларига бўлиниб, бу вазифалар қадим-қадим айёмлардан буён мерос бўлиб қоларди» - деб ёзади собиқ амир Саид Олимхон.¹⁹⁰

1868 ва 1873 йиллардаги шартномалар натижасида амирлик Россияга қарам мамлакатга айлантирилиб, Россия манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Оқ подшо Александр IIнинг 1885 йил 12 ноябрдаги фармони билан 1886 йил 1 январдан бошлаб Бухорода "Россия императорлигининг сиёсий агентлиги" – ваколатхонаси ташвис этилди, 1903 йил 6 майда подшо Николай II унинг ҳуқуқларини кенгайтирди. Мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилган бу муассасага барча сиёсий-иқтисодий, ҳарбий масалалар юзасидан амир ва унинг вазирлари устидан назорат қилиш, Зарафшон дарёсининг сув тақсимоли билан шугулланиш, Бухоро-Афғонистон чегараларини кузатиб туриш, Бухородаги рус қароргоҳларида газеталар ва театр пьессалари устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқлари берилди. Дастлабки даврда сиёсий агент чор Россиясининг расмий-доимий вакили бўлиб, Петербург ва Тошкентнинг Бухоро ҳукумати билан қиладиган барча алоқалари шу агент орқали ўтар эди. Кейинчалик сиёсий агентлик амирликнинг ички ишларига ҳам аралаша бошлади. 1917 йилнинг декабридан бошлаб Туркистон ўлкасининг ХКСнинг Бухоро ишлари бўйича коллегияси ташвис этилди. 1918 йил 30 апрелидан бошлаб Туркистон ўлкасининг Бухоро ишлари бўйича комиссари тайинланди. Хулоса қилиб айтганда, сўнгги қирк йил давомида турли номлар билан фаолият курсатган бу муассаса факат мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилди. Мангитлар ҳукмронлиги даврида (1860

¹⁹⁰ Саид Олимхон Бухоро халқининг ҳасрати тарихи Т. 1991. «Фан», 37-бет

йиллардан бошлаб) Бухоро амирлигида давлат бошқаруви ишлари қарамлик шароитида амалга оширилди

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида 2 млн.га яқин, аҳоли яшарди. Жумладан, Зарафшон водийсида 300-350 минг Қашқадарё воҳасида 500 минг, Сурхондарё воҳасида 200 минг Шарқий Бухорода эса 500 минг киши яшаган. Амирликнинг йирик шаҳарларида, Бухорода 60 минг, Самарқандда эса 50 минг киши истикомат қилган. Аҳолининг этник таркиби турли элатлардан ташкил топган бўлиб, 57 ғоизини ўзбеклар ташкил этган. Мангит, сарой, қўнғирот, жабғу, қарлук, қалмоқ, найман, қипчоқ, минг, юз, дўрмон, арлот ва бошқа қабилалар кўпчилик бўлиб, улар асосан, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги шаҳар ва қишлоқларда яшаган. Н.Ханиковнинг кўрсатишича, амирлик ҳудудида ўзбекларнинг 28 қабиласи вакиллари доимий истикомат қилган¹⁹¹. Ҳисор, Душанбе, Шарқий Бухородаги Вахш, Қофирниҳон ва Панж дарёлари водийларида асосан тожиқлар яшарди. Амирликнинг жанубий ва ғарбий қисмида туркманлар, шимолий-шарқий томонида эса қozoқ ва қирғизлар яшарди. Шунингдек, амирликда афғонлар, эронийлар, араблар, яҳудийлар, ҳиндлар ва бошқа этник гуруҳлар яшарди. Амирликнинг ҳудуди қарийб 200 минг км.кв.ни ташкил этган. Унинг чегараларини жанубда Амударёнинг чап қирғоғидан бошланиб, Сирдарёгача қўзилиб, қozoқ жузлари билан чегарадош эди. Шарқда эса Помир тоғлари, ғарбда Хива хонлиги чегараларигача бўлган ҳудудни ишғол этган. Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланган. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Вахш, Қофирниҳон ва Панж дарёлари водийсидаги шаҳар ва қишлоқлар, ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Мурғоб дарёсини воҳаларидаги ерлар Бухоро амирлигига қарар эди.

Мангитлар диврида савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиғи ва саноат ишлаб чиқариши

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россия-Бухоро савдо ва дипломатик алоқалари анча ривожланди. Бунда 1774-1776, 1779-1780 йилларда Эрназар Мақсудов бошчилигида ва 1797 йилдаги Полвонқулч кўрчи элчиликлари катта аҳамият касб этди. XIX аср бошларида Россия-Бухоро алоқалари анча фаоллашди. Амирлик қўшни хонликлар, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон давлатлари билан

¹⁹¹ Н.Хаников. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843с. 63

ҳам савдо алоқаларини олиб борди. Йирик савдо-сотик маркази бўлган амирлик пойтахтида 1848 йилда 38 та карвонсарой, 9 та тим ва куплаб бозорлар бўлган.

Ёр-сув муносабатлари, кишлок хўжалиги ўзига хос кўринишга эга бўлиб, одатда ерлар уч турга бўлинган эди: 1) мулки султоний – давлат ерлари; 2) мулки хусусий – мулкдорлар ерлари; 3) вақф – диний муассаса ерлари. Хусусий ерлардан хирож олиниб, унинг миқдори ҳосилнинг 40-50%ни ташкил этган.

Аҳолининг 85 % ини деҳқонлар ташкил этиб, улар амирликнинг 15 % ерига эгаллик қилишган. Қишлоқларда мулкӣ ва ижтимоӣ табақаланиш кучли эди. Қишлоқ аҳли батрақлар, мардикорлар, майда деҳқонлар. Ўрта деҳқонлар ва йирик ер эгалари каби мулкӣ табақаланиш асосида турмуш кечирар эди. Батрақлар – ерсиз деҳқонлар энг қупи табақа бўлиб, улар қарол, етим ва қорандалардан иборат эди. Мардикорлар ҳам қупчиликни ташкил этиб, уларнинг аксариятини 0,1 десятинадан 1 десятинагача бўлган ерга эгаллик қилувчилар ташкил этар эди. Улар малакасиз ишчи бўлиб, маълум бир ишни бажариш учун муайян бир муддат (бир кун, бир ҳафта, бир ой ва бир мавсум)га ёлланар эди.

Ўзининг хўжалигида 1 десятинадан 3 десятинагача ерига эга бўлган деҳқонларни майда деҳқон дейишган. Одатда улар ўз оиласи ва деҳқончилик воситалари билан хўжалик юритишган. Йирик ер эгаларининг ўзи ҳам 3 тонфага бўлинган эди: 1) йирик бойлар (30-50 десятина ерга эга); 2) ўрта бойлар (15-20 десятина ерга эга); 3) кичик бойлар (7-10 десятина ерга эга). Ушбу даврда кишлок хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларнинг қорикорлик, ижарачилик ва шерикчилик кўринишидаги муносабатлари амал қилар эди. Қишлоқ хўжалигида турли хил солиқлар амал қилган. Умумий ҳолда амирликда 40 дан ортиқ солиқ ва йиғимлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида амирликда жорий этилган солиқлар, тўловлар ва йиғимлар тўғрисида қуйидагича маълумотлар берилади. Ер солиғи (мулки хирож) ҳосилнинг 1/3дан 1/5 гача бўлган қисми. Мулки ушир, шунингдек даҳяк (1/10) ерларидан ўндан бир ҳисса солиқ олинган. Савдогарлар учун сотган маҳсулотидан 25% закот олинган. Чорвадор учун 40 бош қўйдан бир бош закот жорий этилган. Деҳқон учун алоҳида зақоти чакана жорий этилган. Булардан ташқари кўрсатилган хизмат учун, мансабдорлар-амалдорлар учун ва бошқа ишлар учун ҳам тўловлар жорий этилган эди: кафсан – солиқ йиғувчи амалдор фойдасига олинган; доругачи –

доруга учун солик; мушрифона – солик йигувчи мушриф учун; соғубардору – амалдорнинг оти учун; котибона – ҳар бир ман ғалладан котиб учун бир тангадан олинган; муҳрона – бугдой хирмонини муҳрлаш учун олинган (хирмонни лой билан суваб, устига муҳрлаган); сомон пули – қўшиннинг отлари учун сомондан олинган; сурукона – чупондан боқиладиган яйлов учун олинган (ҳар 100 бош қўйдан 4 танга олинган); танобона – боғ, узумзор ва бедазордан олинган; миробона – сугориш учун олинган (бир қўш ердан 1 ман микдорда ғалла); аминона – бозорда мол ва товар сотиш учун олинган (бу солиқ амир Музаффар томонидан жорий этилиб, сотилган товарнинг 1,5 фоизи ҳисобидан олинган; тарози пули – бозор растасида олинган; той пули – келтирилган товар учун; сув пули – кемада келтирилган юк учун; чўп пули – ёғочнинг 2/3 қисмида олинган; шукрона пули – адолатли ишлагани учун қозига берилган; омонпули – авф этиш учун берилган; лукота – эгасиз мол учун тўланган; камшут – камомад учун; никоҳона – никоҳдан ўтиш учун; хизматона – йўл учун, ҳар бир фарсах масофа учун; тариқаси – қози мулкни бўлгани учун; обжувоз пули – жувоздан ёғ чиқаргани учун; осие пули – сув тегирмони учун; қуналға пули – қўшин тўхтаган жойда унинг таъминоти учун; жузя – мусулмон бўлмаганлардан олинган; шунингдек мактаб пули, ҳашар пули, ўтинпули, заҳкаш пули ва бошқалар олинган.

«Танҳо» бериш анъанаси мангитлар сулоласининг кейинги вакиллари даврида одат тусини олди ва кучайди. «Танҳо» амир ҳукумати томонидан амалдорларга берилар, бунинг учун шахсан амирнинг ўзи фармон чиқариб, ёрлик бериши зарур бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб танҳо ерлари ҳам мерос бўлиб ўтадиган бўлган, ерлардан ташқари тегирмонлар ҳам танҳо мулкка айлантирилган.

XIX асрнинг охирида амирликнинг Камот, Сомжон, Хайробод ва Қоракўл туманларида ер-мулкларнинг ҳолати теширилиб, эғалик қилиш ҳуқуқини берувчи амирнинг фармони бўлмаса ёки йўқолган бўлса, амалдорлар танҳони давлат ихтиёрига ўтказишга, мусодара этишгача ҳаракат қилишган.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг амал қилиши ер эгалари, ерга ишлов берувчилар, ерни ижарага олувчилар ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномалари асосида шаклланган эди.

Ер-сув муносабатларида сугориш тизими – ирригация иншоотлари билан боғлиқ тадбирлар ҳам муҳим роль ўйнар, бунинг оқибатида сугориладиган ерларнинг ҳолати яхшиланиб, сугориш

тизими тарғибга солинарди. Бу иш учун кетадиган харажатларни аҳолидан йиғиб олардилар, таъмирлаш ишига қатнашмаганлардан жариха ундириларди.

Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалигида узумчилик яхши ривожланган. Унинг ўн икки хил тури етиштирилган: халили, ок халили, ҳусайни, кишмиши, маска, ок узум, беҳишти, соҳиби, тоифи, шибирғони, шакари, жовзон ва қора узум.

Мевалардан: анор, анжир, шафтоли, ўрик (унинг хасаки, ширнайванди ва маҳмури навлари), олхўри, олча, гилос, нок (ношпўти пағойи – эртапишар, ношпўти бегойи – кечпишар), мурут (қандак, қадимурут ва мурут навлари), олма(аччик олма, жўпазак, ҳожихони, рахш, турш (нордон), моҳитоби, мушкин ва кизил), тут (донадори, балхи ва хоссаки) ва жийда етиштирилиб бозорларга ҳамда чет элга чиқарилган.

Сабзавотчиликда: лавлаги, сабзи, пиёз, шолғом, карам, бодринг, нўхат, ловия ва ясмик етиштирилган. Полиз экинларидан: қовун, тарвуз ва қовоқ (каду) экилган. Қовуннинг икки хили етиштирилган: пағойи (эрта пишар) ва бегойи (кеч пишар). Эрта пишар қовун навлари: қўкча, шерози, кашғари, бекзоди, шакарпора, окзогора, қоразогора, бўрикалла, қарикиз ва борғанойи. Кечки қовун навларига қуйидагилар кирган: обинавот, зармитони, қора қутири, чоржўйи, қарикиз ва шакарпора. Қовоқ (каду)нинг тўққиз нави амирлик ҳудудида етиштирилган: олапўчок, кадузард, ок каду, урганжи каду, машҳади каду(салла каду), чилим каду, сарахси, носкаду ва чўпкаду.

Донли экинлардан: бугдой, шоли, арпа, тарик ва жўхори экилиб, яхши ҳосил олинган. Амирликда донли экинларни, умуман қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш асосан сунъий сугориш тизими билан боғлиқ бўлиб, мангитлар даврида Зарафшон суви унинг қуйи оқимида етиб келмай катта кийинчилик туғдирган.

“Бухоронинг суви оз бўлиб, Зарафшон дарёсидин келтурмак ва бир неча наҳрлар қоздурулса ҳам, аксар ёз фаслида кифоя қилмайдур” –деб ёзган эди Мирзо Олим Маҳдум хожи. “Бухоро суви Самарканддан то Қорақўлгача ва барча туманларнинг сугорилиши ва сувининг тенг тақсмоти оталиқнинг ихтиёридадур”¹⁹². Ўз вақтида Аҳмад Дониш ҳам Бухоро амири Музаффархонга Амударё сувини Бухорога олиб келиш, Зарафшоннинг қуйи қисмидаги ерларни сугоришда ундан фойдаланиш режасини таклиф этган, аммо амир уни рад этган эди. 1872 йилда рус маъмурияти ва Бухоро амирлиги

¹⁹² Мирзо Олим Маҳдум хожи Тарихи Туркистон Т 2008 191, 239-бет

Бухоро амирлигида йирик саноат ишлаб чиқариш ривожланмаган, корхоналардаги ишчилар сони 50 нафардан ортиқ бўлмаган. Кўпроқ маҳаллий ҳунармандчилик, темирчилик ривожланган. XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида Бухоро шаҳрида маҳаллий ҳунармандчиликнинг қуйидаги турлари ривожланган эди: 1. Темирчилик (чилангарлик, дегрезлик, мисгарлик, рехтагарлик, заргарлик, пичокчилик, тунукасозлик); 2. Топага ишлов бериш (пиллакашлик, ип йигириш, мато тўқиш, бўёқчилик, тайёр газламани ишлаб чиқиш); 3. Қурилиш ҳунармандчилиги (гишт терувчилик, ганжкорлик, гилкорлик, наққошлик, ўймакорлик, дурадгорлик); 4. Терига ишлов бериш-кўнчилик (чармгарлик, маҳси-дўзлик, кавушдўзлик, саррожилик, сиёҳкорлик, кўҳнадўзлик); 5. Кийим-кечак ҳунармандчилиги (пўстиндўзлик, телпақдўзлик, зардўзлик, дўппидўзлик, каштадўзлик, коржомадўзлик); 6. Озик-овқат ҳунармандчилиги (нонпазлик, ошпазлик, сомсапазлик, кабобпазлик, қассоблик, ёғ-мойчилик, ун чиқариш, ҳолвапазлик); 7. Турли хил манший турмуш буюмлари ҳунармандчилиги (кулолчилик, гаварасозлик-бешик тайёрловчи, сандиксозлик, арапасозлик, совунгарлик, бўйрачилик, чодирдўзлик, тўқимдўзлик, ғилофдўзлик, югандўзлик, тароқсозлик). Ҳунармандчилик айрим турларининг Бухоро шаҳрида жойлашуви қуйидагича бўлган: ип йигирувчилар шаҳарнинг 51 маҳалласида, гилкорлар 34 маҳалласида, тўқувчилар 33 маҳалласида, дурадгорлар 33 маҳалласида, этикдўзлар 32 маҳалласида, заргарлар 30 маҳалласида, ҳолвафурушлар 21 маҳалласида жойлашган¹⁰⁸. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш, пахтани тозалаш учун дастлабки корхоналар ташкил этила бошланган. Пахта тозалаш заводи илк бор 1890 йилда Ярославль катта мануфактураси томонидан Когонда қурилган. 1898 йилда рус тадбиркори Л.Н.Левин томонидан Қорақўлда ҳам пахта тозалаш заводи ишга туширилган.

Бухоро амирлигида ер ости казилмаларини аниқлаш, тадқиқ этиш, излаб топиш ишлари мўайян режа асосида олиб борилмаган. Ер ости ишларини олиб боришга катта маблағ ажратилмаган, асбоб-ускуна ва жиҳозлар мукаммал бўлмаган, бунинг устига руда эритиш печлари ҳам жуда оддий бўлган. Шунга қарамасдан, XX аср бошларида Бухоро амирлигида катта бўлмаган микдорда олтин, темир, олтингурут, туз қазиб чиқарилган. Амирликнинг Дароз, Қоратегини, Ҳисор бекликлари ҳудудидан йилига 3-4 минг пудгача темир, чўян эритиб ишлатилган. Аммо амирлик ҳудудларидан қазиб олинган ер

¹⁰⁸ О.А.Сухарева. Позднефеодальный город Бухара. Т. 1962. с. 16, 30.

ости бойликлари мамлакат эҳтиёжи учун етарли бўлмаган. Четдан темир ва пулат келтирилган. Масалан, 1896 йилда Россиядан Бухорога 34208 пуд темир ва пулат олиб келинган.

Бухорода ҳукмронлик қилган сўнгги сулола вакиллари бўлган манғит амирлари ҳукмдорлиги йиллари (1756-1920)да олиб борилган ички ва ташқи сиёсат чуқур ижтимоий-сиёсий бўҳронлар жараёнида амалга оширилган. Бухорода ўрнатилган амирлик тузуми давлат бошқарувини амалга ошириш олдинги сулолалардан кўп ҳам фарқ қилмаган, айрим мансабларнинг ваколати доирасида маълум ўзгаришлар рўй берган.

Амир Шохмурод (1785-1800) ҳукмдорлиги даврида Бухорода пул ислохоти ўтказилиб, соф қумуш танга зарб қилинган. Амир Ҳайдар (1800-1826) мамлакатда юзага келга зиддиятли сиёсий вазиятни юмшатишга ҳаракат қилган ва мустақил бўлишга интилаётган бек ва ҳокимларга қарши кураш олиб борган. Амир Насруллахон (1826-1860) ўзбек хонликларини бирлаштириб, ягона давлат барпо этишга уринган ва мамлакатда ҳарбий ислохотларни амалга оширган. Унинг ҳукмдорлиги йилларида Россия ва Англиянинг манфаатлари Ўрта Осиёда тўқнашиб, зиддиятлар пайдо бўлди. Амир Музаффар (1860-1885) ҳукмдорлиги даврида Россия империясининг ҳарбий экспансияси кучайиб, амирликнинг катта ҳудуди босиб олинди ва Россия империяси бошқарувига ўтказилди. Англия ва Туркиядан ёрдам сўраш жавобсиз қолдирилди, амир кўшинининг қаршилиқ кўрсатиши қутилган натижани бермади, Абдумалик тўра бошчилигидаги қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати мағлубиятга учради ва охир-оқибат Бухоро амирлиги Россиянинг вассалига айланди. Амир Абдулаҳад (1885-1910) ва амир Олимхон (1910-1920) ҳукмдорлиги йилларида Бухоро Россия империясининг протекторати мақомида бўлиб, ҳукмдорлар Россия тобелигидан озод бўлишга қатъий ҳаракат қилмадилар.

1894 йилда Бухоро амирлигининг Россия ягона божхона тизимига киритилиши билан амирлик ташқи сиёсат олиб бориш ва ташқи иқтисодий алоқа қилишдан маҳрум этилди. Бухоро-Афғон чегараси Россия-Афғон чегарасига айлантирилди ва амирлик молиявий жиҳатдан ҳам Россияга қарам бўлиб қолди.

XIX асрнинг охириги йилларида ва XX асрнинг бошларида Бухорода жадидчилик ҳаракати ташкил топди ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўринни эгаллади. Ҳаракатнинг фаолияти натижасида Бухорода “Ёш бухороликлар” партияси

шаклланди ва Бухородаги демократик ҳаракатда фаол катнашди. 1918 йилдаги Колесов воқеалари ва 1920 йилда буюртма асосида амалга оширилган “инқилоб” амирликнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Совет ҳокимияти қарор топиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилди.

Мангитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлигида маданият, илм-фан ва таълим тизимида қолоқлик кўзга ташланса-да маълум бир силжишлар ҳам қайд этилади. Амирликнинг Россия империясига қарамлиги шароитида оддий халқнинг моддий аҳволи оғир бўлган. Бухоро Россиянинг хом ашё етказиб берувчи ўлкасига айланган, турли-туман солиқ ва йиғимларнинг кўплигидан норозиликлар кучайган, халқ оммасининг икки томонлама эзилиши охир-оқибатда инқилобий ўзгаришларга олиб келган. Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида ҳам айрим ўзгаришлар рўй берган, яъни кам сонли бўлса-да ишчилар синфи шаклланган, зиёлилар орасида табақаланиш содир бўлган. Амирликнинг иқтисодий-молиявий қарамлиги халқ оммасининг турмуш даражаси паст бўлишига сабабчи бўлган.

11-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (1920-1924)

1920 йил 10 августда Когонда Аҳмаджон Абдусайдов раҳбарлигида Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси ва Файзулла Хўжаев раислигида Халқ Нозирлар Кенгаши ташкил этилди. Қизил армия Эски Бухорони 1920 йил 2 сентябрда ишғол этгандан кейин бу янги ҳокимият идоралари Когондан Бухоро шаҳри яқинидаги амирнинг ёзги саройи Ситораи Моҳи Хоссага кўчиб ўтди.

Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси таркибига А.Абдусайдовдан ташқари БКП аъзолари И.Аминов, А.Юсупов, И.Бурхонов ва Ҳ.Иброҳимовлар ҳам киритилди. Аммо А.Абдусайдов “Бухоро операциясида ўзини кўрсата олмагани ва сусткашлиги” учун ўз лавозимидан четлаштирилди.

1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Кенгаши, Бухоро инқилобий кўмитаси ва Бухоро Коммунистик партиясининг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси (раиси Абдуқодир Муҳитдинов) ва Бухоро Республикаси ҳукумати – 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Кенгаши (раиси Файзулла Хўжаев) тузилди. Бухоро инқилобий кўмитаси қуйидаги таркибда тузилди: Муинжон Аминов, Олимжон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир

Юсупов. Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Ҳужаев, Қулмуҳаммедов. Ижроия ҳокимияти бўлган Бухоро Халқ Нозирлари Кенгаши таркиби қуйидагилардан иборат эди: Ф.Ҳужаев – ҳукумат раиси ва хорижий ташқи ишлар нозири; Қори Йўлдош Пўлатов – маориф ишлари нозири; У.Пўлатҳужаев – молия ишлари нозири; М.Саиджонов – ички ишлар нозири; Н.Хусаинов – давлат назорати ишлари нозири; Иброҳимов – фавқулодда комиссия раиси; М.Бурҳонов – адлия ишлари нозири; Б.Шихобиддинов – ҳарбий ишлар нозири; М.Мансуров – савдо ва саноат ишлари нозири. Бу пайтга келиб “Ёш бухороликлар” партияси аъзолари Бухоро Коммунистик партияси сафига киришга мажбур бўлган эдилар. Бухоро жаҳидлари ўзларининг ислохотчилик гояларини янги ҳукуматдаги фаолиятларида амалга оширишга ҳаракат қилдилар.

Янги ҳукумат Эски Бухорода қизил армиянинг катта қисмини сақлаб турганига қарамадан ҳокимиятни мустаҳкамлаш қийин бўлди. Бунинг сабаби – масжид ва мадрасаларга жойлаштирилган қизил аскарларнинг тартибсизликлари, талон-торождлари ва бошқа жиноий ишларида эди. Шундан келиб чиққан ҳолда 1920 йил 4 сентябрдан Эски Бухорода фавқулодда ҳолат жорий этилиб, фавқулодда комиссия ҳам ташкил этилди. 1920 йил 5 сентябрда Туркистон фронтининг иккита полки, битта батальони ва артиллерия батареяси БХСР ҳарбий нозирлиги ихтиёрига берилди, аммо маҳаллий аҳолининг бу армияга киришни истамаганлиги боис, Бухоро қизил армиясини ташкил этиш қийин бўлди.

1920 йилнинг 6-8 октябрида амирнинг ёзғи саройи – Ситораи Мохи Хоссада чакирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг биринчи қурултойида жойлардан сайланган 1950 делегат иштирок этди. Қурултойда А.Муҳитдиновнинг “Инкилобий Бухоронинг давлат қурилиши туғрисида”ги маърузаси тингланиб муҳокама қилинди. Қурултойда РСФСРнинг БХСРни мустақил давлат сифатида тан олганлиги эълон қилинди. 8 октябрь куни қурултойнинг охириги йиғилишида Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Қурултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлгани Бухоро Инкилобий Қўмитаси, Бухоро Халқ Нозирлар Кенгаши – дастлабки ҳукумат таркибини ўзил-кесил тасдиқлади ва уларнинг ваколат муддатни навбатдаги қурултойгача узайтирди.

1920 йил 3 ноябрда РСФСР ва БХСР ўртасида “Ҳарбий-сиёсий келишув” имзоланиб, унга қўра БХСРнинг ўз армияси йўқлиги сабабли унинг chegarаларини РСФСР қизил армияси қўриқлайдиган

бўлди.¹⁹⁹ 1921 йилнинг 4 мартида эса ҳар икки давлат ўртасида “Иттифок шартномаси” имзоланди. Ушбу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини маълум даражада чекланишига олиб келди. Бошқача қилиб айтганда Бухоро давлати ҳудудида Совет қўшинларининг туриши “қонунийлаштирилди”.

БХСРда икки хил судлар жорий этилди. Халқ қозилик судлари ва совет судлари ўз фаолиятини бошлади. Рус манзилгоҳлари (Когон, Чоржўй, Термиз ва Карки)да совет судлари фаолият кўрсатди. Шўро ҳокимияти ўрнатилгандан кейин 38 та туман ва вилоятда қозилик судлари ташкил этилиб, 1921 йилнинг бошларида уларнинг сони 97 тага етган эди.

Бухоро ҳукумати олдида турган энг асосий вазифалардан бири ер-сув масаласини ҳал этиш эди. Шу мақсадда 1920 йилнинг 30 сентябрида Бухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси “Ер тўғрисида”ги декретни қабул қилди. Унга кўра, собиқ амир, унинг қариндошлари ва амалдорларига тегишли барча мол-мулк камбағал ва ерсиз деҳқонларга берилиши керак эди. Бир вақтнинг ўзида амал қилиб келган “хирож”, “амлок” ва бошқа солиқлар ҳам бекор қилинди. Ер ислохотини амалга ошириш учун “Деҳқонлар иттифоқи” (1920 йил 2 декабрь) ташкил этилди. Мамлакат иқтисодий ҳаётида вақф ерларининг ҳам улуши катта бўлиб, у 750 десятина (3 минг таноб), 57 та сарой, 1414 дўкон, 23 бозор жойи, 10 та ҳаммом, 18 та тегирмон ва 133 турар жойдан иборат ҳамда йилига 1 миллион сўм соф фойда келтирарди. Янги ҳукумат ер ислохотини амалга оширишга шошилмади. Тўғри, Эски Бухоро туманларива Чоржўй беклигидаги амир ва бекларга қарашли бўлган 10 минг таноб ер мусодара қилиниб камбағал деҳқонларга бўлиб берилди, аммо мусодара қилинган ерларнинг ҳаммаси ҳам тақсимлаб берилмади, ер тақсимлашда суистеъмолчиликка йўл қўйилди.

Архив ҳужжатларига, ўша давр вақтли матбуоти саҳифаларидан жой олган хабарларга таяниб айтиш мумкинки, Бухорода Шўролар ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги дастлабки даврда анча ижобий ишлар ҳам амалга оширилган. Энг аввало, БХСР ва бошқа хорижий давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. РСФСР, Туркистон АССР, XXСР, Шарқ мамлакатларидан Эрон, Афғонистон каби давлатлар билан бирга, Ғарбнинг Германия, Франция, Латвия.

¹⁹⁹ У Рашидов, Ў Рашидов Бухоронинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари тарихидан (1900-1925) Бухоро 2013, 96-101 бет

Чехословакия каби давлатлари билан ҳам савдо-сотик алоқалари йўлга қўйилган. Европа давлатлари билан РСФСР орқали савдо-сотик амалга оширилган. Туркия, Афғонистон каби давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Япония, Хитой, Эрон ва Ҳиндистонга элчилар юборилган.

Бошқа мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда ҳам БХСР ҳукумати иштирок этган. Татаристон ва Бошқирдистонда юзага келган очарчиликни бартараф этишга маънавий ва моддий ёрдам берилган. Бухорода ҳам 1921 йил июл ойи бошларидаёқ Волгабўйи очларига ёрдам кўрсатиш комиссияси ташкил қилиниб, ушбу комиссия ўз олдига нафакат катта ёшдаги очларга, балки биринчи навбатда оч болаларга ҳам ёрдам қўлини чўзишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. БХСР Нозирлар Кенгаши дастлаб очарчилик ҳудудларидан 1000 нафар болани ўз қарамоғига олишга қарор қилганига қарамасдан, амалда қабул қилинган болалар сони бир неча марта ошиб кетган. Бухоро республикаси раҳбарияти билан келишувга мувофиқ ва маҳаллий аҳоли руҳиятидан келиб чиқиб Россиянинг очарчилик ҳудудларидан 600-700 нафар болалар (асосан татар, бошқир)ни Бухорога келтирганлар, уларнинг 200 нафари Бухоро шаҳрининг ўзига келтирилган²⁰⁰. 1923 йилнинг сентябрида Япониянинг Токио ва Иокогама шаҳарларида рўй берган zilзиладан жабр кўрганларга моддий ва маънавий ёрдам берилган.

БХСР ҳукумати таркибида ташкил этилган маориф нозирлиги таълим-тарбияни йўлга қўйишда бир қатор ишларни амалга оширди. 1920 йилнинг охири ва 1921 йилнинг бошларида маориф тизимида турли шаклдаги таълим муассасалари очилган. 1921 йилнинг апрелида 25 ёшгача бўлган кишиларнинг ўқиши мажбурий эканлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинган. Ўқув йили 1 октябрдан келгуси йилнинг июн ойининг бошларигача давом этган. 1921 йилнинг январидан Эски Бухорода 5 та мактаб, вилоят бўйича эса 15 та мактаб, 1 та хотин-қизлар мактаби ва 1 та ҳунар мактаби мавжуд бўлса, 1921 йилнинг ёзига келиб 17 та бошланғич мактаблар, 2 та қизлар мактаби, 3 та интернат (етимхона), 1 та ҳунар мактаби, 1 та устахона, 1 та мусиқа мактаби ва 1 та сиёсий мактаб мавжуд эди. Айни пайтда 5 жойда кечки курслар ҳам очилиб, улардан биттасида форс, турк, рус ва немис тилларида таълим берилиб, 120 киши таҳсил олган. Мактаблар ҳузурида кечки савод чиқариш курслари очилиб, шу йўл билан саводсизликка қарши кураш бошланган эди. 1923-1924 ўқув йилида

²⁰⁰ Расулов А. Н. Туркистон қалди бугирисининги Т. 2011 71-бет

бутун БХСРда 70 минг укувчи таҳсил олиб, 20 та хат-савод ургатниш курслари янгидан очилган. Аммо курслар ўз вазифасини 26 ғоизга адо этган. Шу вақтда Вобкент, Гиждувон, Қорақўл туманларида, Когон, Чоржўй, Кармана, Қарши, Шеробод, Ғузор, Карки каби шаҳарларда биттадан хат-савод ургатниш мактаби фаолият кўрсатган. 1921-1922 укув йилидан бошлаб Бухоро шаҳрида, кейин Янги Чоржўйда ўқитувчилар билим юрти (дорилмуаллимин) очилган.²⁰¹ 1922 йилда 25 нафар бухоролик талаба ўқиш учун Туркияга, 45 нафар талаба эса Германияга юборилган.

Маориф ишини йўлга қўйиш билан бир қаторда БХСРда маданият муассасаларини ташкил этиш ишлари ҳам бошланган. 1921 йилдаёқ Эски Бухорода ва Каркида театр қурилиб, 1922 йилдан бошлаб Қорақўл, Шеробод, Кармана, Чоржўй, Шаҳрисабз ва Когонда ҳам театр томошалари ташкил этилган. 1921 йилнинг ёзида Бухородаги энг катта кутубхона Минораи Калон ёнида Ибн Сино номи билан очилган. 1922 йилнинг 8 ноябрида Ситораи Моҳи Хоссада музей очилиб, унга “Қорийўлдош музаҳонаси(музейи)” деб ном берилган. Аҳолини фаол маданий ҳаётга торттиш мақсадида 1923-1924 йилларда 5 та клуб, 10 та қизил чойхона ташкил этилган.²⁰²

БХСР Халқ НозирларКенгаши 1921 йилнинг 11 мартида Республиканинг давлат тили – турк тили деб эълон қилган. Республикаидаги рус хизматчилари рус тилида гапиришига руҳсат этилган.²⁰³

Ёш БХСР олдида турган энг муҳим масала сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий масалалар бўлиб, уларни амалга ошириш учун эса катта молиявий ресурслар зарур эди. Дастлабки пайтда БХСРнинг молиявий асосини амир ва унинг яқинларидан тартиб олинган мол-мулк ташкил этган бўлсада, бу бойликлар Москвага жўнатилгандан кейин, зарур маблағ Бухоро меҳнаткашлари ҳисобидан тўпланди. Шунинг учун ҳам 1920 йилнинг октябрида эски солиқлар қайта тикланди. 1921 йилнинг сентябрида эса республика янги иқтисодий сиёсат (1921 йилда В.И.Ленин томонидан ишлаб чиқилган, давлат капитализмига ён берган сиёсат)га ўтиб, фабрика ва заводларнинг бир қисми ўз эгаларига ижарага топширилди. Мажбуран амал қилиб турган озиқ-овқат таксимоти озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилди.

Бухоро Республикасидаги иқтисодий сиёсат ва ҳўжалик соҳасидаги ислохотлар зиддиятли тарзда амалга оширилди. Бир

²⁰¹ Қамол Раҳмонов. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саноқларида. Т. 2012. 95-98 бетлар

²⁰² Қамол Раҳмонов. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саноқларида. Т. 2012. 95-98 бетлар

²⁰³ История Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924) Сборник документов Г. Фан 1976. с. 421

томондан янги ҳукумат дастлабки узгаришларни қайта кўриб чиқа бошлади. иккинчи томондан Совет давлати марказидан яна янги курсатмалар ҳам кела бошлади. 1921 йилда ерни тортиб олиш бекор қилинди, 1922 йилнинг 25 майидаги декретга асосан вақфларни тугатиш тўхтатилди, қозихоналар ва шариат ишлари (қозилик суди) яна тикланди. 1921 йил 26 ноябрда БутунБухоро МИҚ қабул қилган “БХСРдаги давлат солиқлари тўғрисидаги қонун”га мувофиқ марказий ва маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан ундириб олинаётган маҳсулот ва пул солиқлари бекор қилинди ва 1922 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги солиқлар жорий қилинди: 1) ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида олинадиган ушир солиғи; 2) чорванинг қирқдан бир қисми миқдорида олинадиган закот солиғи; 3) ҳунармандчилик устакхоналари учун солиқ; 4) савдогарлар учун бож солиғи; 5) турли ҳужжат ва шартномалар тузилганда олинадиган махсус солиқ. Шундай қилиб, БХСРда бир ярим йил ичида солиқ миқдори 2,5 баробар камайтирилган²⁰⁴. Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан Бухоро Давлат банки ташкил этилиб, пул ислохоти ўтказилди, деҳқонларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Бу эса кишлок ҳўжалигининг барқарор ривожланишига олиб келди. Натижада 1923 йилга келиб, суғориладиган ерлар майдони 1913 йил (биринчи жаҳон урушидан олдинги даражага)ги даражага яқинлашиб қолди. Темир йўл тикланди, завод ва фабрикалар қайтадан ишга тушиб, Бухоро республикасида 19 та корхона, 500 дан ортиқ бозор ишлаб турди, хусусий капитал эса 12 минг савдогарлар маблағидан иборат бўлди. Давлат савдоси ва кооперацияга берилган ёрдам натижасида 1923 йилда 4 та аралаш кўринишдаги ҳиссадорлик жамияти ва 30 та йирик савдо фирмалари фаолият кўрсатди.

1923 йилнинг мартада Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилиб, уни бошқариш учун Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (ЭКОСО) тузилди. Иқтисодиётни яхши тушунган Ф.Хўжаев республика иқтисодий бошқарувининг тўғридан-тўғри Совет давлати маркази қўлига ўтаётганидан хавотирда эди. Чунки иқтисодий мустақилликнинг чекланиши ўз навбатида сиёсий мустақилликнинг ҳам чекланишига олиб келиши аниқ эди. Ф.Хўжаев ҳукумат бошлиғи сифатида Россия қўшинлари сонини 15 минг нафаргача қисқартириш масаласини Москва олдиға бир неча марта қўйди.

²⁰⁴ Ал Отаев. Бухоро Халқ Совет Республикасида солиқ сиёсати/Ўзбекистон тарихи ет таърихотчилар иншоиди Т Ўзбекистон 2010,46-49 бетлар

Дастлабки даврда жойларда маҳаллий аҳоли янги ҳукуматни амалга оширган чора тадбирларини маъқуллади, инқилобий қўмиталар ташкил этилди. Аммо Шўро ҳокимиятининг мулкдорлар табақаси вакилларига нисбатан қўллаган ўта кескин чоралари, уларга тегишли бутун мол-мулкнинг мусодара қилиниши, сарой аъёнлари ва амир амалдорларининг ёппасига камокқа олиниши ҳамда жисмонан йўқ қилиниши, амирлик хазинасининг Россия марказига олиб кетилиши, амалга оширилган мажбурий озиқ-овқат тақсимоти (меъёрлаштирилган) ва уни ўта каттиққўллик билан амалга оширилиши, Бухородек муқаддас заминда ислом дини ва уламоларга нисбатан душманлик сиёсати, республика ҳудудида турган қизил армия таъминотининг маҳаллий халқ зиммасига юклатилиши, бунинг устига, қизил аскарларнинг бебошлиги адолатли суратда халқнинг кучли норозилигини келтириб чиқарди.

Республикадаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳам кескинлашиб, ёш давлат етакчиси Ф.Хўжаев мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлди. Бухоро ҳукумати ичида сиёсий бўлиниш кучайди. Бир томондан, Бухоро Компартияси ичидаги “ўнг” ва “сўл” коммунистларга қарши ғоявий кураш олиб борилган бўлса, иккинчи томондан РСФСР ва унинг фавқулодда органлари бўлган Турккомиссия, Туркбюро ёш “мустақил давлат”нинг ҳар бир қадамини сергаклик билан назорат қилиб турган. Вазиятнинг ўта мураккаб ва оғир бўлишига қарамасдан Ф.Хўжаев, У.Пўлатхўжаев, О.Хўжаев, А.Фитрат, М.Аминов, М.Саиджонов, С.Хўжаев, М.Мансуров, А.Муҳитдинов ва бошқалар ҳукуматда демократик йўл тутиб, муътадил мавқеда турдилар ва БХСРнинг амалий жиҳатдан мустақил бўлиши, эътиқод эркинлиги, ислохотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиқдилар.²⁰⁵

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг иккинчи қурултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаб, давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштирокини таъминлади. Хусусий мулк ва савдо-сотиқ эркинликлари конституцияда таъкидлаб қўйилган эди. Қисқаси, Бухорода ўрнатилган тузум халқ демократик республикаси бўлиб, барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берилиб, миллий тенгсизлик

²⁰⁵ Қ.Раҳимов. Бухоро Халқ Республикаси монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920-1924)
//Ўзбекистон тарихининг элтакчи муаллифлари ва янги чизилар Т. 1999. 153-154 бетлар

йукотилди. БХСРнинг олий органи – Бутун Бухоро халқ вакиллари курултойи бўлиб, у ҳар икки минг сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди. Конституцияга мувофиқ курултойлар ўргасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган – Бутун Бухоро МИК ҳисобланган. Курултойда Бутун Бухоро МИК раиси қилиб Усмонхўжа Пўлатхўжаев сайланади (1922 йил августида бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллайди). Амалдаги Халқ Нозирлар Кенгаши давлат ҳокимиятини ижро этувчи ва бошқарувчи олий органи сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди. Мазкур курултой миллий масалага ҳам катта эътибор берди. Бухоро МИК ҳузурида Омонгелди Омонов бошчилигидаги Туркман бўлими тузилиб, шу асосда Туркман автоном вилояти тузилди ва унга миллий мухторият ҳуқуқи берилди. 1921-1924 йилларда туркман ва тожик халқи учун маданий-маърифий ва бошқа муассасалар очилди.

БХСРда амалга оширилаётган демократик жараёнларга мамлакат ташқарисидан тазйиқ кўрсатиш тобора кучайиб борди. 1923 йилнинг 3 июнида Бухорога СССР қурулми кучларининг Бош қўмондони С.С.Каменев, Туркфронт Инқилобий Ҳарбий Кенгаши раиси А.И.Карк, РКП (б)МҚ Ўрта Осиё бюроси аъзоси Михайлов ва бошқалар келишди. БХСР ҳукумати фаолияти қониқарсиз деб танқид қилинди. 12 июнда РКП (б) МҚ Сиёсий бюроси “Бухоро ҳукуматини советлаштириш чора тadbирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Бу қарорни амалга ошириш учун РКП (б) МҚ котиби Я.Э.Рудзутак Бухорога келди ва 23 июнда Бухоро Коммунистик партиясининг Марказий қўмитаси пленумида қатнашиб, Бухоро ҳукумати раҳбарлари ва маҳаллий коммунистлар олдида қатъий талабларни қўйди. Натижада Ф.Хўжаевнинг яқин сафдошларидан бир гуруҳи –ташқи ишлар нозири-Отаулла Хўжаев, маориф нозири – А.Фитрат, молия нозири-Саттор Хўжаев, ЭКОСО раиси –Муинжон Аминов эгаллаган лавозимларидан олиб ташланиб, республика ҳудудидан чиқариб юборилди. Бундан ташқари, Қори Йўлдош Пўлатов, Раҳимжон Юсуфзода, Музахар Махсум Бурхонов, Ҳожи Ҳамро Йўлдошовлар ўз эгаллаб турган лавозимларидан озод этилдилар. Буларнинг ўрнига БХСР ҳукумати “коммунистча сабоқ” олган “тажрибали совет ходимлари”билан тўлдирилди. Инқилобий экстремистик кучлар бу билан ҳам чекланмай, шу йилнинг 14 августида бўлиб ўтган Бухоро МИКнинг фавқулодда сессиясида Конституцияга ҳам ўзгартириш киритишга муваффақ бўлиб, 11-17 октябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро 4-курултойи бу ўзгаришларни

тасдиқлади. Шунга кура, барча савдогар, мулкдор ва собик амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Аксинча ишчи ва қосибларнинг сайлов ҳуқуқлари кенгайтирилди. Қурултойда жамиятда ижтимоий беқарорлиқни кучайтирадиган “Совет қурилиши тўғрисида” махсус қарор қабул қилиниб, жамият тобора сиёсийлашиб борди. Демократик ислохотларнинг тақдири хавф-хатарда қолди. Мамлакат бўйлаб авж олган социалистик қайта қуришлар кескин сиёсий вазиятни юзага келтирди. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, мамлакатда қизил армиянинг босқинчилик сиёсати ва большевикларнинг зулмига қарши қуролли ҳаракатнинг кучайишига олиб келди. Бу ҳаракат 1920 йилнинг кузидаёқ бошланган бўлиб, у мамлакатнинг ғарбий, марказий ва шарқий қисмларини ўз домига тортган эди.

1924 йилнинг 18-20 сентябрида бўлиб ўтган БутунБухоро халқ вакилларининг 5-қурултойи Бухоро Халқ Совет Республикасини Бухоро Совет Социалистик Республикасига айлантириш ҳақида қарор қабул қилди. Қурултойда Ф.Хўжаев ҳукуматнинг иши тўғрисида ҳисобот берди ва “Ўрта Осиёнинг миллий-давлат чегараланиши тўғрисида” маъруза қилди. Қурултой катнашчилари Ўрта Осиёда миллий республикалар тузиш зарурлигини ёқлашди. 1924 йилнинг 18 ноябрида Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССР Марказий Ижроия Қўмиталари қўшма қарор қабул қилдилар ва ушбу қарорга биноан ўз ваколатларини Ўзбекистон ССР Советларининг Таъсис қурултойига қадар иш кўриб келган Ф.Хўжаев раислигида янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР Муваққат Инқилобий Қўмитасига топширдилар. Шундай қилиб, “Ўрта Осиё республикаларининг миллий давлат чегараланиши” деб аталган “тадбир” асосида 1924 йилнинг ноябрь ойи охирида Бухоро ССР тугатилиб, унинг ҳудуди янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ва Тожикистон АССР (1929 йилдан Тожикистон ССР)га киритилади.

СССР қаноти остидаги Совет Россияси ва Туркистон коммунистлари, совет режими Ф.Хўжаев бошчилигида Бухорода амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга чек қўйди ва Шарқдаги энг қадимги ва кўҳна давлатлардан бири бўлган Бухоро мамлакати ҳам ўз мавжудлигининг поёнига етди.

1925 йил 13-17 февралда Бухорода бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Советларининг 1-қурултойида “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисидаги декларация” қабул қилинди. Қурултойда республика ҳокимиятининг олий органлари

расмийлатирилди. 1925 йил февралдан майигача Бухоро шаҳри Ўзбекистон ССРнинг пойтахти бўлди. Ф.Хужаев Ўзбекистон ССР ХКС раиси ва Й.Охунбобоев Ўзбекистон ССР МИҚ Президиуми раиси қилиб сайланди.

Бухоро Халқ Республикасида қуролли муҳолифат ҳаракати (1920-1924)

1920-1924 йилларда Бухоро ва унинг атрофларида ҳам совет режимига қарши қуролли ҳаракат бўлиб ўтди. Бу ҳаракатга шўро ҳукумати даврида “Босмачилик” деган расмий ном берилди. “Босмачи” сўзи аслида туркий “босмоқ”(ҳужум қилмоқ) сўзидан ясалган. Миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш аждодларимизнинг совет режими ва большевиклар ҳукмронлиги ҳамда қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши олиб борган қоиلى курашларини никоблаш учун буюк давлат шовинистлари томонидан ўйлаб чиқарилган ҳамда “бандитлик”, “қароқчилик” деган сўзлар билан асоссиз суратда тенглаштирилган.²⁰⁶

Бухоро республикасидаги мустақиллик учун курашаётган кучлар 1920 йилнинг кузида ташкил топган ва икки гуруҳдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг кураш усули ва йўлидан борган. Биринчи гуруҳдагилар амирлик тузумини қайта тиклаш, янги ҳукуматни (“қофирларга сотилган жадидлар” ҳукуматини) ҳам йўқотиш тарафдорлари эдилар. Бу гуруҳга Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор ва бошқа кўрбошилар раҳбарлик қилишди. Бу гуруҳни собиқ Бухоро амири Саид Олимхон ҳам қўллаб-қувватлаб турди. 1920 йилнинг август ойи охирларида у тож-тахтни ташлаб Шарқий Бухорога кетди ҳамда Шаҳрисабз, Бойсун, Ҳисор ва Кўлоб вилоятларида халқнинг қизил аскарлар босқинига қарши кўтарилган кўзғолонларига раҳбарлик қилишга уринди. 1921 йилнинг 4 мартда Саид Олимхон Афғонистон ҳудудига ўтиб кетди ва ўша ердан туриб Бухородаги муҳолифат кучларига раҳнамолик қилди.

Ҳаракатнинг иккинчи гуруҳи қатнашчилари миллий истиқлол гоёларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлардан иборат бўлиб, улар Бухоронинг муқаддас тупроғидан қизил армиянинг олиб кетилиши, Бухоро Халқ Республикасининг расман, сўзда эмас, балки амалда, ҳақиқий суратда мустақил бўлиши учун ҳаракат қилдилар. Мазкур гуруҳ тарафдорларининг кўлами кенг бўлиб, дастлаб Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёрбек, Анвар Пошо ва бошқалар

булиб, уларнинг сафига кейинчалик Бухоро Республикасининг жуда кўпчилилик раҳбарлари — Бухоро Республикаси МИҚнинг биринчи раиси Усмонхўжа Пулатхўжаев, Фавкулдда Қўмита раиси Мухитдин Махсум Хўжаев, Республика Милициясининг бошлиғи Али Ризо Афанди, Шеробод вилояти ноziри Ҳасан Афанди, Термиз милициясининг бошлиғи Усмон Афанди, Республика Ҳарбий ишлари ноziри Абдулҳамид Орипов, шунингдек Сурайё Афанди, М.Қўлмуҳамедовлар ҳам қўшилдилар. Шунингдек таъкидлаш жоизки, қайд этилганларнинг кўпчилиги жадидлар ва ёш бухороликлар бўлган. Тўғри, улар очикдан-очик қуролли кураш олиб бормаган бўлсаларда, қуролли муҳолифат билан яширин алоқада бўлишиб, имконлари борича уларга ёрдам кўрсатишган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1920 йилдаёқ Ф.Хўжаев бошчилигидаги “Миллий Иттиҳод” ташкилоти тузилиб, ташкилот аъзолари яширин кураш олиб боришган.²¹⁷ Аммо кураш ҳар доим ҳам ягона дастур ва ягона қўмондон қўли остида олиб борилмаган.

Бухорода ҳам Туркистондаги каби большевикча андоза асосида совет тузумининг ташкил қилинишидан, янги ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидан норози бўлган, мол-мулкдан ажралган бойлар, деҳқонлар ва хунармандлар қуролли муҳолифатнинг асосини ташкил этади. Курашга бошчилик қилаётган кўрбошилар ҳам факат катта бой ва йирик диний арбоб бўлмасдан, улар орасида зиёлилар, жадид ватанпарварлари, турли касб эгалари ҳам мавжуд эди.

Бухоро озодлик курашчиларининг бош қўмондони Ғози, Бухоро инқилобчиси Қори Абдулла, Норқул Ботир, Дониёлбек элликбошилар имзо чеккан мактуб Бухоро Республикаси ҳукуматига юборилиб, унда коммунистларнинг, фавкулдда комиссиянинг, умуман большевикларнинг ҳатти-ҳаракатларидан норозилик, Бухорони ҳақиқатда мустақил эмаслиги қайд этилган ҳамда бу Бухородаги мустақиллик учун курашнинг ўзига хослиги бўлиб, бу ерда ҳаракат қисқа фурсатда оммавий тус олган.

Бухоро Халқ Республикаси ҳудудида қуролли муҳолифатнинг ҳаракати икки даврни ўз ичига қамраб олади. Биринчи давр 1920–1924 йилларни, иккинчи давр эса 1925–1935 йилларни қамраб олади. Ҳаракатнинг биринчи даврида кураш Шаркий Бухорода ва Ғарбий Бухорода олиб борилиб, Шаркий Бухородаги ҳаракатга Иброҳимбек, Ғарбий Бухородаги ҳаракатга эса Мулла Абдулқаҳҳор бошчилик қилган.

²¹⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-китоб Т.Шарҳ, 2000а, 251-бет

1921 йил октябрида Бухоро шахрига етиб келган Анвар Пошо орадан куп утмай Шарқий Бухородаги ватанпарварлар сафига қўшилди. Анвар Пошо (1881-1922) – ёш турклар инкилобини амалга оширган. “Иттиҳод ва тараққий” партияси раҳбарларидан бири, генерал (Пошо) унвонини олган, Туркиянинг ҳарбий вазири лавозимида ишлаган. У 1921 йил декабрдан бошлаб Шарқий Бухородаги қўрбошиларга раҳбарлик қила бошлади. Анвар Пошо кўрсатмаси билан Бухоро, Фарғона ва Хоразм қўрбошиларининг учрашувлари мунтазам ўтказиб турилди ҳамда уларга керакли йўл-йўриklar берилди. Бухоро амири Саид Олимхон ҳам Анвар Пошо орқали Туркистондаги истиқлолчилар гуруҳлари билан мунтазам алоқани йўлга қўйиб турди.

Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924) – Ғарбий Бухорода қизил армия қисмларига қарши курашган истиқлолчи кучларнинг бош қўмондони, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида тугилган. Мулла Абдулқаҳҳор Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасасида таҳсил олиб, бухороликлар орасида катта обрўга эга бўлиб йирик уламо сифатида ном чиқарган. Унинг қўл остида 20 та қўрбоши дасталари бирлашган эди: Ўрмон Полвон, Метан Полвон, Наим Полвон, Шукур Хўжа, Жура Амин, Ҳайит Амин, Остон Қоровулбеги (Остонча), Саид Мансур, Мурод Мешқоб, Азимхўжа, Ҳамро Полвон, Мурод Полвон, Тош Мурдашўй, Хушвақт ва Сирожхўжа каби сардорлар. Булардан Метан Полвон ва Наим Полвон Мулла Абдулқаҳҳорнинг укалари бўлиб, душманга нисбатан шафқатсизликлари билан ном чиқарган эдилар. Улар асосан Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан туманлари ва Нуротада ҳаракат қилган эдилар.²⁰⁸

“Бухоро шаҳри атрофидаги фуқаролар, Ғиждувон, Пирмаст, Вобкент, Хўжа Ориф, Хутфар, Ванғозе, Қоракўл туманликлари аҳолиси ва фуқаролари, тахминан 15 минг нафар одам унинг (мулла Абдулқаҳҳорнинг) атрофига жамланган эди”²⁰⁹.

Ғарбий Бухорода 1921 йилда туман марказлари ва йирик қишлоқларда қизил аскарларнинг ҳарбий гарнизонлари тузилди. Бундай гарнизонлар Шофиркон, Талисафед, Вардонзе, Вобкент, Ромитан, Зандана, Ғишти, Ғиждувон ва бошқа жойларда ташкил этилди. Улар кўпинча қишлоқларни талон-торож қилиш билан шуғулланди. Архив маълумотларига қараганда, Бухоро

²⁰⁸ Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-қитъа, 258-259 бет.

²⁰⁹ Амир Сайид Олимхон Бухоро халқининг ҳасратчи тарихи Т 1991, 20-бет.

истиклолчилари сафларида кўплаб ўзбек ва тожик аёллари ҳам курашган²¹⁰

Бу пайтда М.Абдулкаҳҳор қурбоши Афғонистонда турган собик амир С.Олимхон, Иброҳимбек ва Анвар Пошо билан доимий алоқаларни йўлга қўйди. Мулла Абдулкаҳҳорнинг қўшинига қисқа вақт ичида минглаб бухороликлар келиб қўшилди. С.Олимхоннинг ёзишича, М.Абдулкаҳҳор қўшинига Бухоро атрофидан тахминан 6 минг нафар, Вобкент тарафидан 2 минг нафар, Шофиркондан 2 минг нафар, Пирмаст туманидан 2 минг нафар, Хутфар ва Лаклақа (Ромитан ва Пешку)дан 2,5 минг нафар, Вагонза (Қизилтепа)дан 3 минг нафар ва Баҳоуддин (Когон) туманидан 2 минг нафар – жами 25 минг нафардан ортиқ жамоа йигилган²¹¹.

Ғиждувон жанги натижасида кизил аскарларга қаттиқ зарба берилди, бир ой ичида икки минг дона бешотар милтик, юз минг дона бешотар милтик ўқи, ўнта пулемёт, учта зирҳли машина (броневик) ўлжа қилиб олинди. Ғиждувондан сўнг Шофиркон, Вобкент ва Ромитан ҳам истиклолчилар қўлига ўтиб, Нуротага ҳужум уюштирилди ва у ҳаракатнинг қароргоҳи бўлиб қолди²¹².

Бухоро истиклолчиларининг ўзига ҳослиги шунда эдики, улар Фарғона истиклолчиларидан фарқли равишда янги ҳукуматнинг раҳбарларига мактуб йўллаб ўз мақсад ва талабларини баён этишган. Масалан, юкорида қайд этилган ҳаракатлардан кейин истиклолчилар қароргоҳидан Мулла Жалол ва Ҳазратқулбек вакиллигида БХСР ҳукумати раиси Ф.Хўжаевга ултиматум (талабнома) юборилиб, унда шундай дейилган эди: “Зарафшон дарёсининг юкори қисмини берасан. акс ҳолда Бухорога ҳужум қиламан”²¹³. Истиклолчиларнинг талаби рад этилгач, 1922 йилнинг мартада Бухорога ҳужум уюштирилди. Зарафшон дарёсининг Меҳтар Қосим (Вобкент ҳудудида) кўприги атрофида БХСРнинг кизил аскарлари мағлубиятга учради. Бу ерда бир-икки кун давомида қаттиқ жанглар бўлиб ўтди.

Шундан кейин М.Абдулкаҳҳор Эски Бухорога ҳужум қилиб, қисқа фурсатда шаҳарнинг 6 та дарвозасини эгаллади. Эришилган устуликни мустаҳкамлаш мақсадида ўз қўшинини иккига бўлиб, биринчи қисмини Когонга йўналтирди, иккинчи қисми билан ўзи Эски

²¹⁰ Қ.Рызабов. Бухорога кизил армия босқини ва унга қарши кураш тарих ҳақиқати (1920-1924), Тошкент. Мавънавиёт. 2002.81-бет

²¹¹ Амир Сайиёд Олимхон. Булро ҳақиқини ҳасрати тарихи Т 1991, 23-бет

²¹² Қ.Рызабов. Юрсатишган асар.82-бет

²¹³ А.Набиев. Жинголар йиллардан қалқалар Т.1968.13-бет

Бухородаги вазиятни тўрт соат давомида ушлаб турди ва кейин Қасри Орифон (Когон)га ҳаракат қилди.

Бироқ бу муддат ичида қизил қўшин ўзининг катта кучларини бу ерга тўплашга муваффақ бўлди ва истиқлолчиларни мағлуб этди. Шу вақтгача Анвар Пошонинг қўшини Шаҳрисабз ва Қарши орқали Бухоро вилоятига етиб келиши керак эди. Афсуски бундай бўлмади ва қўшимча кучлар етиб келолмади. Айнан шу фурсатда Эски Бухоро атрофида вазият мураккаблашди. Бухоро шаҳрини Жаббор қўрбоши ҳамма томондан қуршаб олган эди (1922 йил 5 март). БХСР ҳукумати Туркистон АССРдан ёрдам сўради ва Самарқанддан, Тошкентдан қўшимча кучлар, Закаспийдан эса отликлар полки ёрдамга етиб келди. Оқибатда Жаббор қўрбошининг қўшини ҳам маҳв этилди. Бир неча кунлик шиддатли жанглардан сўнг Вобкент, Ғиждувон, Шофиркон ва бошқа шаҳарлар бирин-кетин қизиллар томонидан босиб олинди. Шундай бўлсада, ҳаракат давом этган. Масалан, 1922 йилнинг апрел ойи бошларида Бухородан 15 чақиримлик масофадаги Жондорда қизил қўшин билан аёвсиз тўқнашувлар бўлиб ўтган.

1922 йилнинг баҳорида Бухоро Республикасидаги қуролли ҳаракатда вазият янада кескинлашди. 1922 йилнинг 19 майида Анвар Пошо Совет давлатининг пойтахти —Москвага ултиматум юбориб рус қўшинларини Туркистон тупроғидан олиб чиқиб кетишни талаб қилди. Талабномага жавоб берилмади ва аксинча қарши ҳаракат кучайтирилди. 1922 йилнинг 1 июнидан бошлаб БХСР ҳудудида икки фронт: Шарқий ва Ғарбий фронт ташкил этилди. Натижада қизил армия қўшини қатъий ҳужумга ўтиб, шу йилнинг 4 августиди Шарқий Бухорода (Балжувон атрофларида) Анвар Пошо қўшинига қарши катта кучни ташлади. Жанг пайтида беш жойидан яраланган Анвар Пошо ўлдирилди. Шу жангга оғир яраланган Давлатмандбек ҳам жангдан кейин ўлди. Анвар Пошонинг дафн маросимида 250 минг туркистонликлар иштирок этишган.

Истиқлолчилик ҳаракати 1922 йилнинг кузи ва 1923 йилнинг бошларида ҳам фаол давом этган. Бухоро қўрбошилари орасида ўзининг жасурлиги билан ном чиқарган Ҳамро Полвон (1892-1941) асосан Ромитан туманида фаолиятини кучайтирди. Қўрбоши Мурод Мешкоб асосан Пешку ва Ромитан туманларида ҳаракат қилди. 1922 йилнинг декабрида Остон қўрбоши Шофирконда ҳаракатини кучайтирди. Жўра Амин қўрбошининг дастаси эса шу вақтда Жондорда қизилларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Қўшимча кучлар етиб келгачгина, қизиллар Жондорни эгаллаб олишга муваффақ

бўлдилар. Қизилларнинг устунликни қўлга киритишларидан сўнг шу йилнинг декабрида Бухоро атрофларида истиклолчилардан 511 киши ҳалок бўлиб, 127 киши асирга олинди.

1923 йилнинг боши ва баҳорида Бухоро вилояти ҳудудида, умуман Ғарбий Бухорода қуроли ҳаракат яна жонланди. Жура Амин (Жондор-Яккатутда), Остон Қоровулбеги (Зандананинг ғарбида), Мурод Мешқоб (Хўжа Заъфаронда), Мулла Абдулқоххор, Метан Повон ва Ўрмон Полвон (Нуротада), Наим Полвон (Ғиштида), Ҳамро Полвон (Бухоро шаҳридан шимолий ғарбда), Тош Мурдашўй (Қумушкентда) ҳаракат қилдилар. Амударё бўйи районида Очил Сардор (Қорақўл атрофида), Қилич Сардор (Деновда), Рустам (Бурдалиқда), Қилич Мерган (Каркида) курашдилар.

1923 йилнинг баҳори-ёзида қуроли ҳаракат маркази Нуротада бўлиб, Мулла Абдулқоххорнинг қароргоҳи шу ерда эди. Бу пайтга келиб унга Метан Полвон, Латиф Девонбеги, Абдурасул Афанди, Хушвақт, Ота Ғулбек, Ёдгор Хўжа, Сирож Хўжа, Мусабой, Азим Юзбоши, Мулла Қарши, Назир Юзбоши, Асадулла Қоровулбеги, Оқил Қоровулбеги, Мустафо Қоровулбеги, Мулла Мансур каби қўрбошилар бўйсунарди. Қорақўл туманида ҳаракат қилаётган Мурод Полвон сафдошлари Жура Амин ва Ҳайит Полвонлар билан биргаликда апрел ойининг охирида Жондордаги қизил аскарлар гарнизонига муваффақиятли ҳужум уюштириб, душманнинг иккита аэроплани (самолёти)ни уриб туширишди. 10 июнда Тош Мурдашўй ва Аъзам Хўжанинг 300 отлик отряди Харғўш атрофларига ҳужум қилиб, бу ердаги қизиллар гарнизонини кириб ташлади (Қ.Ражабов. Қўрсатилган асар, 115-бет). Жура Амин (1889-1926)нинг йигитлари Жондор ва Қорақўл туманларида Павлов қўмондонлигидаги 13 -ўқчи корпусига қарши шафқатсиз жанглар олиб боришди.

1924 йилнинг бошларида Ғарбий Бухорода Занданада (Мулла Абдулқоххор), Қорақўлда (Жура Амин), Жондорда (Аъзамхўжа). Бухоро шаҳрининг шимолий ғарбида (Тош Мурдашўй), Вобкентда (Қўр Ота), Ғиждувонда (Ислом Қоровулбеги), Шофирконда (Ўрмон Полвон, Метан Полвон ва Наим Полвон) курашни давом эттирдилар. Аммо 1924 йилнинг 5 июлида бошланган “Босмачиликни тугатиш ойлиги” натижасида 17 қўрбоши ва 250 йигит қўлга олинди. Мулла Абдулқоххор 1924 йилнинг ноябрида Қизилқумда ўлдирилди. Шундай қилиб, 1924 йилнинг охирларига келиб Бухоро ва Кармана (Ғарбий Бухоро) вилоятларидаги истиклолчилик ҳаракати асосан мағлубиятга учради. Аммо ҳаракатнинг иккинчи босқичи давом этди.

ХУЛОСА

“Халқимиз ўтмишининг ажралмас қисми бўлмиш Бухоро тарихи шуқуҳли ва муборак кунлар билан бир қаторда жуда огир ва мусибатли дамларга ҳам гувоҳ бўлди”.²¹⁴ Тарихнинг шохидлигича, биргина мўғул истилоси даврида. Бухоро шахрининг ўзи ўнлаб босқинчилик ва талончиликларнинг қурбонига айланиб, 200 мингдан ортиқ киши қиргин қилинди, шахар таланди, олов ичида қолди, ҳаттоки 1276-1283 йилларда 7 йил давомида бу ерда одам истиқомат қилмади. Лекин бухороликлар мардонавор курашиб, Бухорони яна ва яна қайта тикладилар, темурийлар даврида Бухоро Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ривожланган, маданияти юксалган, илм-фани тараккий қилган шахрига айланди.

X асрда Бухорода Форжак номли илк илм-фан маскани – мадраса бино қилинган бўлса, XX асрга келиб бу ерда юзлаб мадрасалар фаолият кўрсатди ва бу даргоҳларда етишиб чиққан бухоролик ва бошқа юртлик илм толиблари диний ва дунёвий билимларни мукаммал эгаллаб, нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Шарқда машҳур бўлдилар. Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг хизматлари эвазига Бухорога “Ислом динининг гумбази” (Куббат ул-Ислом) деган ном берилди. Кейинроқ Сайфуддин Бохарзийнинг хизматлари билан Бухоро шахри “Бухорон Шариф” номини олди. Имом ал-Бухорийнинг ҳадис илмини ва ислом ҳуқуқшунослигини ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари билан ислом маънавияти юксак чўққига кўтарилди. Қомусий олим бўлган ва “Авиценна” номини олган Ибн Сино Бухоро номини жаҳонга машҳур қилди. Бухоронинг етти пири ислом оламида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Ўзбек давлатчилигини бошқарган катор сулолалар ҳукмронлиги даврида 500 йилдан ортиқ вақт мобайнида Бухоро давлат пойтахти ва юрт таянчи бўлиб юксак меъморчилик обидаларини яратиш билан шаҳарсозликнинг ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшди ва бугунги кунда ҳам дунё мамлакатларидан ташриф буюраётган минглаб сайёҳларни ҳайратда қолдирмоқда.

Милоддан аввалги V асрлардан бошлаб ҳозирги Бухоро вилояти ва унинг атрофларида, Зарафшон водийсида деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликнинг ривожланиши натижасида шаҳарлар пайдо бўлган, милоднинг X асрларига келиб, шаҳарлар ва йирик қишлоқлар сони 100 дан ортиган. Қадимги Бойканд, Варахша, Вардонзе, Ромуш ва

²¹⁴ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарорлик йулида. 6-том, Т. Ўзбекистон 1998, 372-б.

бошқа шаҳар харобалари. Бухоро шаҳри ва атрофларининг кадимшунослар томонидан урганилиши Бухоро воҳасида одамларнинг икки ярим минг йилдан буён гавжум ҳолда ҳаёт кечириб келганлигини кўрсатади.

Ўзининг бутун ўтмиши давомида Бухоро замини кўпдан-кўп урушлар, исён ва қўзғолонларнинг шохиди бўлди, ҳокимиятни амалга оширган сулолалар ўртасидаги тўқнашувлар, тожу тахт учун олиб борилган курашлар охир-оқибатда халқнинг бошига огир мусибатларни олиб келди. унинг ҳаёти ва турмуш тарзида кийинчиликлар тўхтовсиз содир бўлиб турди, аммо эзгуликка интилиш, обод ва озод юртга эришиш истаги бухороликларни доимо руҳлантириб келди ва бу орзу XX асрда амалга ошди.

Мустақиллик шарофати билан Бухоро воҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди, Бухоро шаҳрида, туманлар марказларида кенг қамровли ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Президент И.Каримовнинг саъй ҳаракати билан навқирон ва кўҳна Бухоро ўзининг 2500 йиллик юбилейини халқаро миқёсда нишонлади ва жаҳонга юз тутди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А Бухоро шахрининг 2500 йиллигига бағишланган маросимдаги табрик сузи// Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. 6-том,Т.,Ўзбекистон, 1998.-430 б.
2. Каримов И.А Тарихий хотирасиз келажак йўқ// Каримов И.А Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.7-том,Т., Ўзбекистон,1999.-413 б.
3. Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч.Т., Маънавият, 2008.-172б.
4. Каримов И.А “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ//Каримов И.А Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир.22-том. Т., Ўзбекистон, 2014.-367 б.
5. Каримов И.А Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.Т.,Ўзбекистон, 2015.-304 б.
6. Абдурахмани Тали. История Абулфайзхана.перевод, предисловие, примечания и указатели А.А.Семёнова. Т., АН УзССР, 1959.169 с.
7. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари домуси. Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази нашриёти, Т., 2007.-468 б.
8. Абдураимов М.А Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Т., Фан, 1966, том-1.-368 с.
9. Абдураимов М.А Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве. Т., Фан, 1970, том-2.-285 с.
10. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., Фан,1966.-108 б.
11. Абу Тоҳирхўжа. Самария. //Мерос. Т., Камалак, 1991.
12. Абулғозий Баҳодирхон Шажарайи турк. Т, Чўлпон, 1992.-192 б.
13. Абулғозий Баҳодирхон Шажарайи тарокима. Т., Чўлпон, 1995.-48 б.

14. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: энг қадимги даврлардан Россия босқинига қадар. Т., Шарқ, 2001.-368 б.
15. Айний Садриддин. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар, 8 томлик, 1-том. Ўз.давнашр. 1963-260 б.
16. Алимов И.А. Аграрные преобразование в Народных Советских республиках Хорезма и Бухары (1920-1924). Т., Узбекистан, 1970 - 77 с.
17. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т., Фан, 1991.-32 б.
18. Амир Темур –фаҳримиз, ғуруримиз. Т. Ўзбекистон, 1998.-208 б.
19. Анке фон Кюгелген. Легимитация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв). Алматы, Изд. Дайк-Пресс. 2004-514с.
20. Арондаренко Г.А. Досуги в Туркестане 1874-1889. СПб. 1889.
21. Арриан. Поход Александра. Перевод с древногреческого Сергеевко М. М.-Л., 1962.
22. Ат-Табарий. История ат-Табари (История пророков и царей). Избр. части, перевод В.И.Беляева. Т., 1987.
23. Аҳмедов Б. Государство кочевых узбеков. М., Наука, 1965.-195с.
24. Аҳмедов Б. Маҳмуд ибн Вали. Т., Ўз.КП МК нашриёти, 1966.-276.
25. Аҳмедов Б.Историко –географикчевка литература Средней Азии XVI-XVIII вв.(письменные источники) Т. Фан, 1985.-259с.
26. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., Ўқитувчи. 1991.
27. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., Ўқитувчи, 1994.-430б.
28. Аҳмедов Б. Улугбек. Историческая повесть. Т., Камалак, 1994.-207с.
29. Аҳмедов Б. А.Темур. Тарихий роман. Т., 1995.
30. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур.Т.Халқ мероси, 1996.-136б.
31. Баракаев Ж., Ҳайдаров Й. Бухоро тарихи. Ўқув қўлланмаси. Т., 1991.-144б.
32. Бартольд В В. История Туркестана.Т.Гос.издат, 1922.-50с.
33. Бартольд В.В Сочинения I. II. Часть-2. М., 1964.

34. Бакоев М.Ҳ. Гиждувоннома. (Гиждувон тарихидан лавҳалар)Т., Янги аср авлоди, 2001.-422б.
35. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., Наука, 1973.
36. Березиков Е. Великий Тимур. Роман-хроника. Т., Укитувчи, 1994.-335с.
37. Бабабеков. Х.Н. Англо-русское соперничество в Средней Азии XIX в. Т.2006.-52с.
38. Бобожонова Ф.Х Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX асрнинг охири –XX асрнинг боши) Т. ADIB, 2014.-127б.
39. Бобур Захириддин Мухаммад. Бобурнома. Т., Юлдузча, 1989.-368б.
40. Бурхониддин Маргиноний. Ҳидоя. 1-жилд. Т., Адолат, 2000.-848б.
41. Бухарский вакф XIII в. Факсимиле. Изд. текста, пер.с арабского и персидского, введение и комментарий А.К.Арендса. А.Б.Халилова, О.О.Чехова. М., 1979-134с.
42. Бухорий Садриддин Салим. Табаррук зиёратгоҳлар.Т.Ёзувчи, 1993.
43. Бухоро тарихи масалалари. Мақолалар тўплами. Бух.ДУ. Бухоро, 1996.-200б.
44. Бухоро: Тарих саҳифалари (мақолалар тўплами). Бухоро, 1999-184б.
45. Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., Адабиёт ва санъат, 1990.-96б.
46. Гафуров А. Из истории основания и развития города Кагана и его роли в русско-бухарских отношениях (1888-1917). Бухара, 1989.-60с.
47. Гулямов Я.Г., Исломов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Т., АН, 1966.-265с.
48. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Вып 1. акты феодальной собственности на землю XVII-XIX в. Под. Ред. А.К. Арендса. Т., АН УзССР., 1954.-268с

111. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий.(Ваҳоб Раҳмонов ва Янглиш Эгамова таржимаси)Т Шарқ,2010.-720б.
112. Муҳаммаджонов А. Зарафшон водийсининг сув ҳўжалиги тарихидан. Т., 1959.
113. Муҳаммаджонов А., Адылов Ш., Мирзаахмедов Дж., Семёнов Г. Городище Пайкенд. Т., Фан, 1988.-190с.
114. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Т., Фан, 1991.-52б.
115. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Т.,Қомуслар бош тахририяти,1994.-160б.
116. Муҳаммаджонов А. Бухоро шахри 2500 ёшда. Т.,Фан,1998-53б.
117. Муҳаммаджанова Л.П. 1917 йил Бухородаги апрель воқеаларига доир//Ўзбекистонда ижтимоий фикр, 1998,3-сон.
118. Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.Т.Фан,1993.-56б.
119. Навоий А. Мажолис ун-нафоис. Асарлар. 15 томлик. 12-том. Т., Бадий адабиёт нашриёти, 1966 -214б.
120. Населённые пункты Бухарского эмирата (Конец XIX-нач. XX вв). материалы к исторической географии Средней Азии. Под редакцией А.Р. Мухаммеджанова. Т., Университет, 2001.-414с.
121. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро,2009.-176б.
122. Насимхон Раҳмон. Турк ҳоконлиги. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.-144б.
123. Неъматов Н. Государство Саманидов. Душанбе, Дониш, 1977.
124. Небольсин Б.И. Очерки торговли России с странами Средней Азии Хивой, Бухарой и Кокандом. СПб., Б.и, 1856.
125. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк) форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳид, А.Эркинов.Т.Янги аср авлоди,2008.-240б.
126. Нурматов Ш. Қоракўл таронаси. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.-94б.
127. Отахўжаев А., Омонов Қ. Ёзув маданияти бешиги// Тафаккур. 2008 йил, 1-сон.

128. Очилов М. Бухоро Халқ Совет Республикасида солиқ сиёсати// Ўзбекистон тарихи ёш тадқиқотчилар нигоҳида. Т. Ўзбекистон. 2010. -46-49 б.
129. Паллас П.С. Путешествие по разным провинциям Российской империи. СПб, 1773.
130. Пардаев А. Бухоро Иқтисодий Кенгаши фаолиятдан// Жамият ва бошқарув, 2009 йил, 3-сон.
131. 50 лет Бухарской Народной Советской революции. Материалы научной сессии. Т., Фан, 1972.-222с.
132. Ражабов Қ. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш. Т., Маънавият, 2007.-144б.
133. Ражабов Қ. Миллий озодлик ҳаракати фидойиси// Бухоро мавжлари, 2008 йил, 4-сон.
134. Ражабов Қ. Ғазнавийлар давлатининг асосчиси// Бухоро мавжлари, 2011,1-сон.
135. Расулов А.Н. Туркистон халқи бағрикенглиги.Тошкент, "YANGINASHR", 2011.-134б.
136. Рашидов У.Ж. Бухоро Халқ Республикаси. Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2003.-97б.
137. Рашидов У., Рашидов Ў. Бухоронинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари (1920-1925).Бухоро .2013.-159б.
138. Раҳматова С., Курбонов Ҳ. Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар. Бухоро, 1995.
139. Раҳматова Х. Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.Т.АДИВ, 2014.-119б.
140. Раҳмонов К. БХСРдаги қишлоқ хўжалиги муаммоларининг даврий матбуотда ёритилиши//Ўзбекистон тарихи ёш тадқиқотчилар нигоҳида.Т.Ўзбекистон.2010.53-57 б.
141. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Бухарские записи. Т., Изд. Литература и искусства имени Г.Гуляма, 1981.-301с.
142. Ризаев Ҳ. Вобқатнома. Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2007.-408б.
143. Ртвеладзе Э. Великий шелковый путь. Т., 2002.-280с.

144. Ртевеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Т., Университет мировой экономики и дипломатии, 2005.-288с.
145. Сааков В.Г. История Бухары 100 вопросов и ответов. Т., Шарк, 1996.-175с.
146. Сагдуллаев А.,Аминов Б.,Мавлонов Ў., Норкулов Н. Узбекистон тарихи:Давлат ва жамият таракқиёти.Т.Академия,2000.-271б.
147. Садриддин Салим Бухорий, Ҳалим Тураев. Чор Бакр ёки Жўйбор авлиёлари. Бухоро, 2001.-47б.
148. Садриддин Салим Бухорий. Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир. Бухоро, 2006.-19б
149. Саиджонов Мусо. Ўрта Осиё шаҳар ва қўрғонларининг вужудга келиши // Маориф ва ўқитувчилар журнали, 1927 йил, 3-4-сон.
150. Саидкулов Т. Очерки историографии истории народов Средней Азии. Т., Ўқитувчи, 1992.-192с.
151. Салим Мухтор, Карим Бобомурод. Шофиркон тарихи. Т.,Ёзувчи, 1998.-224б.
152. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси. Т., Чўлпон, 1991.-348б.
153. Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн.(форс тилидан таржима, суз боши ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев).2-жилд,1-қисм.Т.Ўзбекистон 2008.-632б.
154. Сафаров О. Шофирконнома. Т. Фан, 2008-123б.
155. Сафаров О. Шофирконнома.Бухоро.1996.-68б.
156. Сафаров Т.Т. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Ўрта Осиё савдо йўллари. Номзодлик диссертацияси автореферати.Т.2009.
157. Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. СВ.т.V..М.-Л.,1948.
158. Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана// Известия Туркестанского отдела русского географического общества. т.1., вып. 2. Т., 1900.

159. Содиқов М. Бухоро ва Афғонистон яқин ўтмишда// Мозийдан садо, 2008 йил, 1-сон.
160. Соловьев М.М. Экспедиция в Бухару в 1841-1842 г.г при участии натуралиста А. Лемана. М.-Л., Изд. АН СССР, 1936.
161. Сухарева О.А. Позднофеодальный город Бухара конца XIX-начала XX в. Ремесленная промышленность. Т., Изд. АН УзССР, 1962.-194с.
162. Таварихи гузида Нусратнаме.(Исследование в критический текст, аннотированное оглавление А.М.Акромова)Т.Фан,1967.-160с.
163. Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Т., 1991.-144б.
164. Темур тузуклари. Т.Ўзбекистон,2014.-182б.
165. Темур ва Улугбек даври тарихи. Т., Қомуслар бош тахририяти, 1996.-264б.
166. Тохир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. Т., Чўлпон, 1994.-110б.
167. Трактат Ахмада Дониша «История Мангитской династии». Душанбе, «Ирфон», 1967.
168. Тураев Х. Документы архива кушбеги-важный источник для изучения феодального института танха// Из истории культурного наследия Бухары. Т., Узбекистан, 1990.
169. Тураев Х. Регисты актов по истории феодального института танха в Западной Бухаре. Т., Узбекистан, 1991.-221с.
170. Турон қавмлари. Тузувчи Зойир Зиётов. Кичик энциклопедик лугат. Т., Истиклол, 2008.
171. Тухтаметов Т. Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX – начале XX в.в. Т., Фан, 1966.-180с.
172. Тухтаметов Т. Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. Душанбе, «Ирфон», 1977.-206с.
173. Тўраев Ҳ. Аштархоний Абдулазизхон// Бухоро мавжлари. 2008 йил, 4-сон
174. Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. Ғ.Сотимов таржимаси Т., Чўлпон, 1995.-111б.
175. Умняков И.И. К истории новометодной школы в Бухаре// Бюллетень САГУ вып.16. Т., 1927.

176. Усмонов Қ., Содиков М., Бурҳонова С. Ўзбекистон тарихи. Т., 2005-445б.
177. Фазлаллах ибн Рузбехан. Михман-намаи Бухоро. М.1971.
178. Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. Т., Госиздат, 1958.-77с
179. Халилов Абдужалил. Қоракўллик жаҳонгашта олим// Бухоро мавжлари, 2009 йил, 4-сон.
180. Хакимова К.З. Крестьянства Бухарского эмирата в конце XIX-начале XX в. Т., Фан, 1991.-113с.
181. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (Первая половина XIX века). М., Наука, 1974.-406с.
182. Хамраев А.Х. Некоторые черты феодального способа производства в Бухаре в XIX века. Т., 1975.
183. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.-248с.
184. Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. Перевод с английского Г.Хидоятова. Т., Адолат, 1995.-316с.
185. Ходжаев Ф. Избранные труды. 2-том.Т.,Фан,1970.-498с.
186. Хўжаев Аблат. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тадқиқотлар. Т., 2007.-280б.
187. Хўжаев Ф.Бухоро инқилоби тарихига оид материаллар. Т.Фан.1997.-174б.
188. Чехович О.Д. Бухарские документыXIVв.Т. 1965.-332с.
189. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача лўғати. Т., Академия, 2002-316б.
190. Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. Т., Маънавият. 1998-168б
191. Шаропов С. Бухоро амирлиги шаҳарларининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи// Жамият ва бошқарув, 2009 йил, 4-сон.
192. Шишкин В.А. Варахша. М., АН СССР, 1963.-244с.
193. Шишкина Г.В. Замок Бад-Асия в окрестностях Пайкенда// ИМКУ. вып.4. Т., 1965.
194. Шомий Низомиддин Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов таржимаси. Т., Ўзбекистон, 1996.627б.
195. Шониёзов Карим. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни Т., Шарқ, 2001.-462б.

196. Шукуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш (1756-1920 йиллар) Номзодлик диссертацияси автореферати. Т.2006.
197. Эргашев Б.Х. Из истории общественно- политической жизни Бухары начала XX века.//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.1992,2-сон.
198. Эргашев Б.Х. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. Т. , Фан, 1991.-83с.
199. Эшонов О. Бухоро Халқ Республикасининг ташкил топиши. Т., Ўзбекистон, 1955.-556.
200. Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача. И. Муминов таҳрири остида. Т., Фан, 1974.-656б.
201. Ўзбекистон тарихи ёш тадқиқотчилар нигоҳида.Т.Ўзбекистон, 2010.-119б.
202. Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси. Т., Ўзбекистон, 1977.-277б.
203. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. даврий тўплам №2,Т.Шарк,1999.-208б.
204. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. Т., Фан, 1992.-188б.
205. Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. Т., Фан, 1993.-256б.
206. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Чор Россияси мустамлакачилиги даврида, 1-китоб,Т.Шарк,2000.-463б.
207. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб.Т.,Шарк, 2000.-687б.
208. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1-12-жилд. Т., «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000-2006 йил.
209. Ўзбекистон тарихи асрлар силсиласида. Илмий-амалий конференция материаллари (Самарқанд. 2010 йил, 16 апрел). Самарқанд, 2010.
210. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида.Т.Юрист медиа маркази, 2008.-184б.
211. Қиличев Ражаб. Қўшна Бухоро чорбоғлари//Бухоро мавжлари, 2014,4-сон.

212. Қораев Суюн. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, Т., 2005.-237б.
213. Қосимов Ф.Ҳ. Темурийлар даврида Бухоро. Бухоро, 1996.-92б
214. Ғайбуллаев Саъдулла. Қоракўл: Тарих иморатининг емирилмас тоши.Т.2014.-38б.
215. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари. Т., Фан, 2004.-102б.
216. Ҳайитов Ш., Бадриидинов С.,Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. Бухоро, 2005.-154б.
217. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С.Бухоро тарихидан лавҳалар. Бухоро. 2007.-104б.
218. Ҳалимов Тўра. Саҳоватли Чориқулбой. Бухоро, 1996-38б.
219. Ҳалимов Тўра, Қобилов Исмоил. Қадимий ва навқирон Ромитан. Т.,Ўзбекистон, 1997.-158б.
220. Ҳамроев А.Ҳ., Раҳмонова М.А., Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний мажмуаси ва Улугбек мадрасаси тарихи.Бухоро,2003.-87б.
221. Ҳасанов Ҳ.Сайёх олимлар. Т., Ўзбекистон, 1981.-262б.
222. Ҳидоятлов Г.А. Менинг жонажон тарихим. Т., Ўқитувчи, 1992.-304б.
223. Ҳомидий Ҳамиджон.Кўҳна Шарқ дарғалари.Т.Шарқ,1990.-346б.
224. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдуллонома» (Шарафномаи шоҳий). Форс тилидан Содик Мирзаев таржимаси. 1-китоб. Т., Шарқ, 1999.-414б.
225. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдуллонома» (Шарафномаи шоҳий). Форс тилидан Содик Мирзаев ва Юнусжон Ҳакимжонов таржимаси. 2-китоб. Т., Шарқ, 2000.-287б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
1-БОБ. БУХОРО ҚАДИМГИ ДАВРДА	6
2-БОБ. ИЛҚ ЎРТА АСРЛАРДА БУХОРО	18
3-БОБ. АРАБЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА БУХОРО	30
4-БОБ. БУХОРО IX-X АСРЛАРДА	44
5-БОБ. БУХОРО XI-XII АСРЛАРДА	79
6-БОБ. МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА БУХОРО	90
7-БОБ. А.ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРО (1370-1500)	108
8-БОБ. ШАЙБОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ҲУКМРОНЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ	134
9-БОБ. АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА БУХОРО	169
10-БОБ. БУХОРО МАНГИТЛАР СУЛОЛАСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА (1756-1920)	198
11-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (1920-1924)	254
ХУЛОСА	269
Фойдаланилган адабиётлар	271